

# ЭНГ САРА ДЕТЕКТИВ ХИКОЯПАР

Энгар Аллан По  
Артур Конан Доўл  
Мустафо Махмуд  
Бесо Хведелидзе  
Агата Кристи  
Карел Чапек  
Бен Пастор  
Честертон  
Элчин



# ЭНГ САРА ДЕТЕКТИВ ХИКОЯЛАР

Энгар Аллан По  
Артур Конан Доўл  
Мустафо Махмуд  
Бесо Хведелидзе  
Агата Кристи  
Карел Чапек  
Бен Пастор  
Честертон  
Элчин



**УЎК: 821.512.133-3**

**КБК: 84(0)6**

**Д - 88**

Энг сара детектив ҳикоялар / Тўпловчи ва таржимон Рустам Жабборов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 312 б.

ISBN 978-9943-27-666-6

Ўзбек китобхонига тақдим этилаётган ушбу детектив ҳикоялар чиндан-да ҳайратланарли, чиндан-да ўқувчи диққат-эътиборини ўзига оҳанрабодек тортиб олади.

Дарҳақиқат, биз бу йўналишдаги китобларни кўп ўқиганмиз, шундай мазмундаги киноларни ҳам севиб қайта-қайта томоша қиласиз.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган китобдан ўрин олган ҳикоялардаги жозиба эса мутлақо бошқача. Қаҳрамонларнинг соғ психологияк ҳолати, жиноят ишига сабаб бўлган вазият ёки таъбир жоиз бўлса, инсон ички кечинмалари билан боғлиқ ҳар бир жараён шундай моҳирона тарзда очиб берилганки, ўзингизни беихтиёр асар қаҳрамонлари ёнида тургандек ҳис қиласиз.

Демак, мутолаага шошамиз.

**УЎК: 821.512.133-3**

**КБК: 84(0)6**

Тўпловчи ва таржимон:

**Рустам ЖАББОРОВ**

ISBN 978-9943-27-666-6

© «Энг сара детектив ҳикоялар». «Янги аср авлоди», 2016.

**ЭДГАР АЛЛАН ПО  
(АҚШ)**

**ЮРАК**

Рост, мен жаҳлдор одамман. Ўлгудек асабим чатоқ. Аввалдан шунаقا эдим. Тарки одат – амри маҳол. Лекин сиз менинг зеҳнимни ўтмаслаштиргани йўқ, аксинча уни янаям чархлади. Хусусан, эшитиш қобилиятивимни янаям оширди. Эҳ-ҳе, ер тагидан осмон тоқигача ҳар қандай товушни илғай оламан. Ҳатто дўзахдаги нарсаларни ҳам эшитганман. Қанақасига мен жинни бўлай? Яхиси, ҳаммасини бир бошдан айтиб берай. Сиз диққат билан эшиting, ўзимни қандай тутишимга, нутқимга ҳам эътибор қилиб туринг-да.

Бу гап калламга қайси гўрдан келди – билмайман. Лекин шу нарса хаёлимни олди-ю, кечаю кундуз орому қарорим йўқолди. Очифи, бу ишда чолнинг ҳам ҳеч бир дахли йўқ эди. Унга нисбатан адватим ҳам бўлмаган. Яхши кўрадим уни. Уям бирон марта мени оғринтирмаган. Унинг пулига ҳам қўз олайтирганим йўқ. Менимча, гап унинг қўз қорачиқла-

рида эди... Ҳа, шунақа. Унинг бир кўзи иккинчисидан ажralиб турарди. Худди сувдек тиниқ ва кўкимтири, худди оқиш ва шаффоф парда билан қоплангандек эди. Ана шу кўзларни жуда ёмон кўрардим. У менга қараган пайтида қоним гупуриб кетарди-ей. Ҳуллас, чолнинг бу совуқ кўзларини умуман кўрмаслик учун уни тинчитиш фикри менда қачон пайдо бўлгани ёдимда йўқ.

Сиз эса, мени қип-қизил жиннига чиқариб ўтирибсиз. Телбалар фикрлай олмайдилар-ку! Сиз менга синчиклаб қаранг-чи. Қаранг, мен бу ишни қилишдан аввал ҳаммасини пухта ўйлаб, режалаштириб, паст-баландини ҳам ҳисобга олиб чиққанман. Қотилликдан бир ҳафта олдин мен чолга нисбатан шунақа меҳрибон бўлиб қолган эдимки, шу пайтга қадар унга бунақа яхши муомала қилмаганман. Кечалари, яrim тунда унинг эшигини қия очиб ичкарига мўралардим. У эса, ҳеч балони сезмасди. Эшикни каллам сиғадиган даражада очардим-да, ичкарига ҳар томони бекитилган сирли фонар нурини бир чизиқда йўналтирадим, кейин эса, калламни суқиб қарапдим. Ўша ҳолатни сиз ҳам кўрганингизда ўзингизни тутолмай кулиб юборардингиз.

Мен чолни уйғотвормаслик учун секин илгариладим. Бошимни тўшакдаги чолни кўра оладиган да-

ражада ичкарига суқиши учун ярим соатча вақт кетарди. Ҳех, бунақа шумликлар жинни одамнинг етти ухлаб тушига кирмайди, мен сизга айтсам. Калламни ичкарига олганимдан кейин секин-аста фонар нурини оча бошлардим. Ёруғликни унинг чақир кўзларига ғоят усталик билан тўғрилардим.

Мен антиқа машқларни роппа-роса етти кун давомида, яна тенг, қоқ ярим тунда бажаардим. Бироқ, унинг кўзлари ҳар гал юмуқ бўларди, мен эса, чолни эмас, унинг ана шу савил кўзларини ўлгудек ёмон кўрардим. Тонг отиши билан ҳеч нима бўлмагандай чолнинг ёнига кириб, у билан апоқ-чапоқ сўрашардим, унинг соғлиғи, кайфияти билан қизиқардим. Кўриб турибсизки, чол ярим оқшом қиласидиган ғалати ишларим ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган.

Саккизинчи оқшом мен унинг эшигини ҳар кунгидан каттароқ очдим. Шу пайтга қадар бунчалик туйғун бўлмагандим. Ҳатто, юрагим ҳам ўзини сездириб қўймаслик учун секин ураётгандай эди. Ўйлашимча, у менинг хуфия рафторим ҳақида на ўнгида, на тушида билолмасди. Шу фикр хаёлимга келиши билан беихтиёр ҳиинглаб юборсам бўладими? Чол овозимдан уйғониб кетди чамамда, каравотидан сапчиб турди-да, қўрққанидан аланглай бошлади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бунақа

пайтда нима қилиш керак? Түғри, менам шартта ўзимни орқага олдим. Ўзимни кўрсатмасликка тиришиб секин-аста эшикни ўзимга торта бошладим.

Кейин калламни ичкарига суқиб, фонарни түғрига йўналтираётганимда бармоқларим парда тутқичидан сирғалиб, қаттиқ овоз чиқарди. Чол эса, жойидан бир сапчиб, бақириб юборди: «Ким бу?»

Жойимда қотиб қолдим, дамим ичимга тушиб кетди. Чол яна ўрнига ётиши учун бир соатлар чамаси қимиirlамасдан, жим турдим. Чол худди мен ҳар оқшом деворга қулоқ тутиб чирилдоқ қўнғизнинг овозини эшитганимдек, каравотида жим ўтириб қулоқ сола бошлади.

Шу чоқ унинг қаттиқ уҳ тортганини эшитдим ва бу ўлим олди хўрсиниғи эканини пайқадим. Чунки, оғриқдан ҳам, ғамдан ҳам бунаقا чуқур оҳ тортиш мумкин эмас. Бу нола фақат қўрқув ғарқ этган юракнинг туб-тубидан чиқиши мумкин эди. Мен биламан-да буни. Ҳар гал соат ўн иккига бонг урганда, менинг ҳам даҳшат тўла қалбимдан ана шундай ғайритабий ун отилиб чиқарди. Шу боис ҳозир чолнинг аҳволини тушуниб, унга ҳатто раҳмим ҳам келди. У кўзларини юммасдан тўшакка ёнбошлаган пайтида бу қўрқув уни тарқ этмаганди. У ўзини ҳеч нарса бўлмаганига ишонтиргиси келар, ле-

кин бунинг уддасидан чиқа олмасди. У гўё шунчаки, камин мўрконида шамол ўйнаяпти, сичқонлар у ёқдан бу ёққа югуряпти, дея ўз-ўзини чалғитишига тиришарди. Бироқ, буларнинг ҳеч бири наф бермаётгани аниқ эди. Чунки, қора зулмат чодрасига ўрагиб келган ажал аллақачон ўз қурбони узра кўланкасини ташлаб улгурганди.

Мен уни узоқ кузатиб турдим, ҳеч нарса эшитилмасди. Шунда фонарни ёқиб жудаям кичкина нур толасини эҳтиёткорлик билан унинг қўшниникига ўхшаш кўзларига тўғриладим.

У мудҳиш кўкимтирик кўзларини катта-катта очиб ўргимчак тўридек ингичка нур толасига тикиларкан, қорачиқларида ғазабга ўхшаш аломат кўрдим. Унинг асабимга мислсиз азоб берадиган нигоҳларига кўзим тушиши билан миямнинг суюкларига қадар музлаб кетдим: айни пайтда мен чолни ҳам, унинг даҳшатга беланган юзини ҳам кўролмас, чунки, шуълани фақат унинг малъун кўзларига ўнглаб туардим.

Шу чоқ қулоғимга алланечук тушуниксиз, худди пахтага ўралган соатнинг чиқиллашига ўхшаган товуш ўқтин-ўқтин чалина бошлади. Бу оҳанг ҳам таниш эди. Чолнинг юраги шундай тепарди. Бу овоз аскарни уруш ноғораси жунбишга келтиргани каби менинг ҳам жазавамни кўзғади.

Бирок, мен ўзимни тутганча яшириниб турдим. Ҳатто, деярли нағас ҳам олмасдим ва қандай қилиб бўлмасин нурни чолнинг кўзидан силжитмасликка ҳаракат қилардим. Бу пайтда эса унинг лаънати юраги борган сари қаттиқроқ ура бошлади. Қария бемисл ваҳима измида эди. Юрагим эса борган сари тез уради. Айтдим-ку сизга, асабим жуда чатоқ. Сокин туннинг ўлик сукунатини тилкалаётган бу ёввойи сас мени қанчалик нокулай ахволга солиб қўйганини тасавур қила оласизми? Шундай бўлса-да, бир неча дақиқа мен ўзимни ҳаракатсиз тутиб туришга куч топа олдим. Юрак талотуми кучаяверди. Унинг юраги ортиқча бардош беролмайди, деб ўйловдим.

Шу чоқ яна бир ўткир ўй миямни тилиб ўтди: қўшни эшитса-я? Чолнинг куни битганди. Қулоқни қоматга келтириб қичқирганча, фонарни бор бўйича очиб, хонага отилиб кирдим. Чол эса, бир марта, фақат бир мартағина инграй олди, холос. Мен уни судраб пол устидаги қалин тўшак устига олиб келиб ётқиздим. Ўзимча, мамнун илжайиб қўйдим. Ҳаммаси рисоладагидек кетаётганди. Дақиқалар ортидан дақиқалар ўтиб борар, унинг юраги заифгина уриб турарди. Бу овоз энди деворнинг нариги томонига эшитилмасди. Нихоят тўхтади. Чол ўлди. Мен

унинг устидаги кўрпани очиб жасадни кўздан кечирдим: чол ҳақиқатан ҳам ўлиб ётарди. Қўлимни узоқ вақт кўксига қўйиб турдим – юрак урмасди. Унинг манфур кўзлари энди мени ҳеч қачон безовта қилмайди.

Агар сиз мени ҳалиям жинни деб ўйлаётган бўлсангиз, ўликни қандай қилиб саранжомлаганимни эшитсангиз, бу фикрингиздан тамоман воз кечасиз. Тун ярмидан оққанди, мен эса, фурсатни бой бермай, эҳтиёtkорона ишга киришдим. Аввалига танани бўлаклаб чиқдим. Калласи ва қўл-оёқларни кесиб олдим.

Кейин унинг хонасидаги уч дона пол тахтасини кўчириб олдим-да, ҳаммасини полнинг тагига жойладим. Кейин эса, яна аввалгидек тахталарни жой-жойига михлаб қўйдим. Ҳеч ким оддий кўз билан ҳеч нарсани пайқай олмасди. Ҳеч нарсани ювишнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Чунки, мен бу ишни катта тоғорада усталик билан амалга оширган, бирор ерга бир томчи ҳам қон сачрамаган эди.

Соат тонгги тўртга яқинлашиб қолган бўлса-да, ҳали кечасига ўхшарди. Қўнғироқ тўртинчи бор жом чалганида, қўча эшиги тақиллади. Ҳеч нарса бўлмагандек, бориб эшикни очдим, нимадан қўрқаман. Уч нафар полиция ходими ўзини таништириб ичкари кирди. Қўшним яrim кечаси бизнинг хонамиздан аллатовур қичқириқни эшитиб, қан-

дайдир нохушлик юз берганлигини гумон қилган ва полиция нозирига хабар берган экан.

Мен мийиғимда қулимсирадим. Нимага қўрқар эканман? Жентльменларни назокат билан ичкарига таклиф қилдим. Уларга кечаси ёмон туш кўрсам дод солиш одатим борлигини айтдим. Чол ҳозирча дам олиш учун қишлоққа кетганини тушунтирудим уларга. Мен меҳмонларни бутун хона бўйлаб айлантириб кўрсатдим. Мана, истаган ергизни қаранг, кўринг, дедим. Кейин чолнинг хонасига олиб кирдим уларни. Унинг бойликларини кўрсатдим. Мана, ҳаммаси бус-бутунича турибди. Ҳатто, уларни хушмуомала билан стул олиб ўтиришга даъват этдим. Чарчаб кетган-да, бечоралар. Мен ўзимни мутлақо ғолиб санарадим. Ўзим ўтирган стул боягина суғурилиб қайта михланган тахталар устиди, полициячиларнинг рўпарасига қўйилганди.

Улар мендан мамнун эдилар. Мен ўзимни жуда бемалол ва хотиржам тутаётгандим. Уларнинг ҳар бир саволига ҳазил-хузул билан жавоб қайтарардим. Шунда улар ўз-ўзича гаплаша кетишиди. Бироқ, кўп ўтмай рангим оқара бошлаганини, кутилмаган меҳмонларнинг тезроқ кетишини истаётганимни сездим. Бошим оғрий бошлади. Қулоғим остида қандайдир овоз шанғиллай бошла-

ди. Улар ҳали-вери турай дейишмасди. Шунда бояги товуш қулоғим тагида тобора яқинроқ, аниқроқ ва қаттиқроқ әшитила бошлади.

Бундан албатта мен бир оз ўзими-ни йўқотиб қўйдим, бироқ, нутқим ҳалиям равон эди. Овоз эса кучайиб келаверди, нима қилишим керак? Товуш жуда яқиндан, ўқтин-ўқтин, худди пахтага ўралган соатнинг чиқиллаши каби әшитиларди. Мен бу овоздан бўғилиб кетдим. Аммо, ҳукумат вакиллари табиийки, буни әшита олишмасди.

Мен бетоқатлана бошладим, дукурлаш овози эса шафқатсиз суратда ўсиб борарди. Мен ўрнимдан сапчиб турдим-да, нималарнидир ўзимча ғўлдирай бошладим – овоз кучаяверди. Анавилар нега кетмаяпти? У ёқдан бу ёққа безовталаниб бориб келавердим. Меҳмонлар ҳам мени бир оз хавотирга солиб қўйганди. Овозинг ўчкур овоз эса, варанглаб бораётир. Э Худо! Нима қилишим керак? Аъзои баданимни тер босди, ўз-ўзимча сўкина бошладим. Менинг қурбоним қўним топган пол устида турган стулни асабий айлантира бошладим, олдин-кетин силжитиб, гўёки, шу билан лаънати товушни босиб кетишни истагандим – баттар авжига минди.

Баландлаб бораверди, бораверди, бораверди... Меҳмонлар эса, ҳеч гап бўлмагандек ўзларича гурунг-

лашиб ўтиравердилар. Наҳотки, уларга эшитилмаяпти? Йўқ, йўқ, о, парвардигори олам! Улар эшитишган, билишади, шунчаки, менинг қўрқаётганимни кўриб, калака қилишяпти. Менга ўша пайти шундай туюлганди, ҳалиям шундай туюлади. Нима бўлса, бўлди – шу азобдан қутулсам бас. Уларнинг масхараомуз тиржайишига ортиқча тоқат қилолмайман. Бу кинояли табассумларга бошқа чидолмайман. Агар ҳозир қичқириб юбормасам, аниқ ўламан. Ўҳ лаънати овоз, қулоғимни тешиб юборади ҳозир.

– Ваҳшийлар, – дея бақирдим ўзимни тутолмай, – бўлди, бас, етар!!! Тан оламан, мен ўлдирдим уни, мен! Мана, тахталарни кўчириб олинг! Ҳа, худди шу ерда. Унинг юраги тинимиз сиз уряпти, унинг юраги мени тинч қўймаяпти!!!

**АРТУР КОНАН ДОЙЛ**  
*(Буюк Британия)*

## **КУМУШ**

– Уотсон, кетишим керакка ўхшайди, – деди кунларнинг бирида Холмс менга нонушта пайтида.

– Кетасиз? Қаёққа?

– Дартмурга, Кингс-Пайлендга.

Ажабланмадим. Фақат, Холмснинг бутун Англияда шов-шувга сабаб бўлган йирик бир жиноий ишни тадқиқ этишга киришмаётгани анчадан бери мени таажжубга солиб келарди. Кеча кун бўйи у менинг барча саволларимни жавобсиз қолдирганча, трубкасини аччиқ қора тамакига тўлдириб, қош-қовоқ билан уйнинг у кунжидан бу кунжига бориб келишдан чарчамаганди. Кеча почтадан юборилган янги газеталарга ҳам бирров кўз югуртирди-да, бурчакка улоқтирди. Гарчи у бир оғиз гапирмаган бўлса-да, фикризикри нима биландир бандлигини пайқагандим.

Айни дамларда бутун омманинг диққат-эътибори фақат бир нарса-да – Уэссекс кубогида қатнашиши лозим бўлган арғумоқнинг нима сабабдан сирли равишда йўқолиши-ю, унинг тренери фожиали ўлдирилишида эди. Холмс ушбу ҳодиса юз берган Кингс-Пайлендга бориш

ниятини билдирганида ажабланмаганимнинг боиси шунда эди. Мен ундан буни кутгандим.

– Агар сизга халал бермасам, мени ҳам бирга олиб борсангиз, бағоят мамнун бўлур эдим, – дедим мен.

– Азизим, Уотсон, агар мен билан борсангиз катта ёрдам берган бўлардингиз. Аминманки, кўпчиликнинг диққатини жалб этган бу иш сиз учун ҳам қизиқарли бўлиши тайин. Ҳозироқ Паддингтонга жўнаймиз, менимча, яқин орада жўнайдиган поездга улгурсак керак. Йўлда сизга ҳаммасини бафуржа айтиб бераман. Ҳа, айтганча, дурбинингизни ҳам олволинг, бизга керак бўлиши мумкин.

Ана шу сухбатдан бир соат ўтиб, биз поезднинг биринчи класс вагонида ўтирганча, Эксетер тарафга елиб борарадик. Дўстим Паддингтон вокзалидан олган бир даста газетани бирма-бир ўқишга тушганди. Редингдан узоқлашганимизда, Уотсон охирги газетани аввалгилари ёнига қўйиб, менга портсигар тутди:

– Яхши кетяпмиз, – деди бир ойнага, бир соатига кўз ташлаб. – Соатига эллик уч ярим миля йўл босяпмиз.

Мен бирортаям масофавий устунларга эътибор бермабман.

– Мен ҳам. Бу ерда телеграф устунлари орасида масофа олтмиш ярдга тенг. Шундан тезликни ҳисоблаб олиш мумкин. Сизга албатта, Жон Стрэкернинг ўлдирилиши ва

Кумушнинг йўқолиши тафсилотлари маълум бўлса керак?

– «Телеграф» ва «Кроникл» газеталарида ёзилган мақолаларни ўқидим холос.

– Бу мантиқий фикрлаш санъати янгилик излаш эмас, аниқ таҳлиллар ва маълум фактларни саралаш учун қўллаш лозим бўлган ҳодисалардан саналади. Биз тўқнаш келган фожиа шу қадар жумбоқли ва шу қадар кўп одамларнинг қисмати билан боғлиқки, полиция фаразлар, тахминлар, версиялар кўплигидан боши берк кўчага кириб қолган. Турли журналистлар ва таҳлилчиларнинг мушоҳадалари, шов-шувлари вазиятни янада чигаллаштиради холос. Биз аниқ хulosаларга таяниб, калаванинг учини топишга уриниб кўришимиз даркор. Сешанба куни кечқурун мен иккита телеграмма олдим – Кумушнинг эгаси Полковник Росс ва ишни олиб бораётган инспектор Грегоридан. Икковиям мендан ёрдам сўрашган.

– Сешанба куни кечқурун? – сўрадим таажжуб билан. – Бугун пайшанба-ку! Нега кечанинг ўзида йўлга чиқмадингиз?

– Азизим, Уотсон, мен хато қилдим. Бундай ҳолатлар мени сизнинг ёдномаларингиз орқали биладиган одамлар ўйлаганидан кўра кўпроқ юз бермаяптимикин, деб қўрқаман. Мен тақир ялангликдан иборат Ши-

молий Дартмурда Англияниң энг чопқир арғумоғини шу қадар узоқ муддат яшириш мүмкінлигіга ишона олмаяпман. Мен кеча от ўғриси ва Жон Стрэкернинг қотили топилгани ҳақида хабар келишини бетоқатлик билан күтдім. Аммо, бир кечаю бир кундуз ўтиб, Фицрой Симпсоннинг қамалишидан кўра пичоқقا илингувлик янгилик бўлмади. Демак, ишга киришиш пайти келди. Менимча, бари бир кечаги кун бекор ўтмади, деб ўйлайман.

– Сизда ҳам бирор тахмин борми?

– Йўқ, аммо мен энг зарур фактларни саралаб бўлдим. Уларни ҳозир сизга айтиб бераман. Ҳолатни кимгадир ҳикоя қилиб бериш ишмоҳиятига етиб боришнинг энг мақбул усулидир. Қолаверса, мавжуд вазиятдан боҳабар бўлмай туриб, сиз менга тайинли ёрдам бера олмаслигингиз мумкин.

Мен сигара тутунини симириб ёстиққа ястандим, Холмс эса, бизни бу ғаройиб сафарга бошлаган ҳодиса тафсилотларини ҳикоя қилишга тушди.

– Кумуш бугунги кундаги энг чопқир ва зотдор от эканини биласиз, ҳозир беш яшар бўлди. Уч йилдирки, жонивор эгасига барча мусобақаларда бош совринларни олиб бериб келаётир. Бахтсизлик юз берганига қадар, Кумуш Уэссекс кубогининг энг чопқир арғумоғи саналиб кел-

ган, унга тикилган гаровлар ҳам учга бир нисбатда эди. У кўпчилик-нинг меҳрини қозонган ва мухлислирини ҳеч қачон доғда қолдирмаган. У билан Англияниң энг чопағон отлари беллашганда ҳам, Кумушга жуда катта пул тикиларди. Келгуси сесанба куни Кумушнинг пойга-га чиқишига умид билан кўз тикиб ўтирганлар жуда кўп эди. Буни Полковник Росснинг отхонаси жойлашган Кингс-Пайленддагилар ҳам яхши билишган. Отни жуда эҳтиёткорлик билан қўриқлашган. Унинг тренери Жон Стрэкер полковникнинг қўл остида ўн икки йил ишлаб келган, шундан беш йилини жокейликка бағишилаган. У ҳамиша полковникка садоқат билан хизмат қилган. Унинг уч нафар ёрдамчиси бор эди. Отхона эса анча кичкина бўлиб унда тўртта от сақланарди. Кечаси битта отбоқар қоровуллик қилса, қолганлари пи-chanхонада дам олишган. Уларнинг ҳар учови ҳам ишончли йигитлар экан. Жон Стрэкер отхонадан икки юз ярд чамаси нарида каттакон кот-тежда яшаган. Унинг болалари йўқ эди, полковник тренернинг хизмати учун яхшигина ҳақ тўларди. Уй-ини бир оқсоч аёл супуриб сидириб юради. Кингс-Пайленднинг ён-вери ялангликдан иборат бўлиб, яrim мил нарида тавистоклик пудрат-чилардан бири шифобахш Дартмур ҳавосидан баҳра олишни истаган

беморлар учун маҳсус виллалар бунёд этилган эди. Тависток эса, у ердан икки мил чамаси узоқда, ялангликнинг бошқа томонида эса, лорд Бэкутернинг қасри жойлашган бўлиб, унда ҳам отхона бор эди. Унинг отхонасида Кингс-Пайленддагидан кўра кўпроқ от сақланарди. Яна бир неча мил узоқликда эса Чангальзорлар жойлашган бўлиб, бу ерда саёқ лўлиларни ҳисобга олмагандан ҳеч зоғ яшамасди. Сешанбага ўтар кечаси нима бўлган, биласизми?

Кечга яқин отларни одатдагидек машқ қилдиришган, чўмилтиришган, соат тўққизларда эса, отхонани бекитишган. Отбоқарларнинг иккитаси кечки овқатни еб келиш учун тренернинг уйига кетган, учинчиси Нэд Хантер қоровуллик қилиб қолган. Соат ўнларда тренернинг оқсочи Эдит Бакстер унга қўй гўшти ва саримсоқ соусидан тайёрланган овқат олиб келган. У бошқа бирор ичимлик олиб келмаган, чунки, отхонада кран бор, отбоқарларга эса, сувдан бошқа нарсани ичиш тақиқланади. Қоронғи тушиб қолгани учун қиз фонарни ёқиб олади, отхонага элтадиган йўл қуюқ бутазор оралаб ўтганди. Отхонадан 30 ярдлар нарида Эдитга рўпара келган бир одам унга тўхташни буюриб қичқирган. Фонарнинг сарғиши шуъласида у жентльмен қиёфасидаги, кулранг тивит костюм кийиб олган эркакка кўзи

тушади. Унинг қўлида аллақандай занжир бўлган. Унинг ранглари оқариб кетган, анча асабийлашган экан. Қизнинг айтишича, у 30-35 ёшларда бўлган.

– Мен ҳозир қаердаман ўзи? – сўраган у қиздан. – Мен шу ялангликда тунаб қолсам керак деб ўйловдим. Бирдан сизнинг фонарингизни кўриб, шу тарафга ошиқдим.

– Сиз Кингс-Пайлендда, полковник Росснинг отхонаси ёнида турибсиз, – деган қиз.

– Наҳотки, омадни қаранг, – қувониб кетган йўловчи. – Отбоқарлардан биттаси ҳар доим отхонада қоларди, шекилли. А? Сиз унга овқат олиб бораётган бўлсангиз керак. Ўйлайманки, сиз у қадар такаббур эмассиз ва яп-янги кўйлакдан возкечмасангиз керак?

Эркак чўнтағидан буклоғлиқ қоғоз чиқарган.

– Мана шуни отбоқарга бериб қўйинг, эвазига сиз бинойидек қимматбаҳо кўйлакка эга бўласиз.

Нотаниш кимсанинг важоҳатидан қўрқкан қиз ўзини ҳар доим отбоқарларга овқат киритиб юрган дарчага урган. Дарча очиқ, Хантер стол қаршисида ўтирган экан. Оқсоқ қиз юз берган воқеа ҳақида энди оғиз очмоқчи бўлганида, боягина нотаниш кимса ҳам изма-из етиб келган.

«Салом, – деган у отхона туйнугидан мўралаб. – Сизда ишим бор эди».

Қизнинг қасам ичиб таъкидлашича, у бу гапларни айтадиганида қўлида бојаги қофозни сиқимлаб турган экан.

«Менда сизнинг қандай ишингиз бўлиши мумкин?» – сўраган отбоқар пешанаси тиришиб.

«Бу иш ҳар иккимизга тегишли, Сизнинг иккита отингиз – Кумуш ва Баярд Уэссекс кубоги учун пойгода иштирок этади. Агар бир-иккита саволимга жавоб қайтарсангиз, сизни ҳам хурсанд қиласр эдим. Эшишимча, Баярд юз ярдга чопишда Кумушдан ўзиб кета оларкан, шу ростми? Кейин, сиз ўзингиз унга қанча тиккан бўлар эдингиз?»

«Менга кимлигингиз аён бўлди, – қичқирган отбоқар. – Жосусларни қандай қарши олишимизни ҳозир сизга кўрсатиб қўяман».

У итни ечиб юбориш учун чопиб кетган. Оқсоқ қиз ўзини ичкарига урган ва ўша аснода нотаниш одам дарчадан ғойиб бўлганини кўрган. Бир оздан сўнг Хантер отхонадан итни етаклаб чиқсан. Бироқ бу пайдада нотаниш кимсанинг қораси ўчганди. Икковлашиб бутун бинонинг атрофини айланиб чиқишиган, аммо ундан ном-нишон топишмаган.

– Тўхтанг, – дея Холмснинг гапини бўлдим мен. – У итни олиб чиқсанада отхона эшиги очиқ қолганмиди?

– Ажойиб Уотсон, ажойиб! – жилмайди дўстим. – Бу ҳолат менга табиий кўрингани учун Дарттурга

телеграмма юбориб суриштиридим. Эшик ёпиқ бўлган. Тор дарчадан эса, одамзот суқилиб кириши мумкин эмасди. Бошқа отбоқар кечки овқатдан қайтиб келишганида, Хантер тренерни ҳодисадан хабардор қилиш учун уларнинг бирини жўнатган. Бу ҳодисани эшитган Стрэкер албатта сергак тортган, аммо унча жиддий қарамаган кўринади. Миссис Стрэкер ярим кечаси уйғониб, эрининг кийинаётганини кўрган. Эри отлардан хабар олишга кетаётганини айтган. Хотини ёмғир дебразани чертаётганини айтиб, бормасликни илтимос қилган. Бироқ, Стрэкер эгнига ёмғирпўшини илиб, чиқиб кетган. Миссис Стрэкер эрталаб еттида уйғонган. Бу пайтда эри ҳали қайтмаганди. У шоша-пиша кийиниб, хизматкор қизни уйғотган ва отхонага келишган. Бу пайтда отхона эшиги очиқ, Кумушнинг охури бўш турагар, Хантер бошини столга қўйганча беҳуш ётар, тренердан эса, дарак йўқ эди. Отхонада ухлаб ётган отбоқарларни уйғотишган. Йигитлар ёш, уйқуси қаттиқ бўлгани учун ҳеч нарсани эшлишишмаган. Хантер эса, қандайдир гиёҳванд модда таъсиридан ҳамон ўзига келолмай ётарди. Уни иккита аёл қанча уриниш масин ҳушига келтира олишмаган, кейин икковлашиб, тренерни қидириб кетишиган. Улар ҳали тренер отни эрталабки сайрга олиб чиққан,

яқин атрофда чоптириб юргандир, деган умидда эдилар. Коттежнинг томига чиқиб атрофга назар солишган, аввалига на отни, на унинг тренерини кўра олишган, кейин эса, қандайдир нохуш нарсани кўриб, ўша томонга кетишган.

Отхонадан тўрт милча нарида қандайдир бутанинг шохида Стрэкернинг ёмғирпўши шамолда ҳилпираб ётарди. Сал нарироқда, саёзгина чуқурлиқда шўрлик тренернинг мурдасига дуч келишган. Унинг боши тўмтоқ нарса билан мажақланган, биқинидаги узун жароҳат эса, ўткир тиф билан ҳосил қилингани кўриниб тураркан. Кўпчиликнинг фикрича, бу жароҳатни нотўғри ҳимояланиш натижасида ўзига ўзи етказган бўлиши мумкин. Чунки, унинг қўлида ўнг дастаси қонга беланган кичкина пичноқ бўлган. Чап қўлида оқ-қизил рангли бўйинбоғни чанглаб олган экан. Хизматкор бу бўйинбоғни ўша тунги нотаниш кимсанинг бўйнида кўрганини тасдиқлаган. Буни кейинчалик хушига келган Хантер ҳам тасдиқлаган. Шунингдек, у кеча кечқурун ўша нотаниш кимса, дарчадан бош суқиб, у еяётган қўй гўштига нимадир сепганига шубҳа билдирамаган. Натижада у хушини йўқотган ва отхона қаровсиз қолган. Воқеа жойидан сал берида, сайҳонликдаги лой ва излар олишув пайтида Кумуш ўша ерда

бўлганидан далолат беради. Кейин эса, излар ҳам ғойиб бўлган. Шундан сўнг, полковник Росс Кумушни топганлар учун катта миқдорда мукофот ваъда қилган, кўчманчи лўлилар ҳам сўроқقا тутилган, аммо Кумушдан ҳамон дом-дарақ йўқ. Яна бир гап: Хантер ўша оқшом еган овқат қолдиқлари текширилганда, унга ростдан ҳам кўп миқдорда опиум аралаштирилгани маълум бўлган. Ўша куни бу овқатдан бошқалар ҳам тановул қилишган, аммо улар бирор нохушликни сезишмаган. Бутун воқеа тафсилотлари ана шулардан иборат. Энди сизга полиция қандай йўл тутганини айтиб ўтсам. Ушбу иш топширилган инспектор Грегори жуда ҳаракатчан одам. Айтиш мумкинки, у изқуварликнинг ҳадисини олган. У воқеа жойига етиб келиши билан ягона гумондор шахс – ўша оқшомдаги нотаниш кимсани қўлга олган. Уни тутиш ортиқча маشاқат талаб қилмаган. Чунки, Фицрой Симпсон исмли бу шахс бутун округда отнинг қашқасидай таниш эди. У зодагон оиласдан, бунинг устига олий маълумотли бўлиб, пойга мусобақаларида ҳеч ҳам омади келмай юраркан. Сўнгги пайтларда Лондон спорт клубларида букмекерлик қилиб кун кечирган. Уни қамоқقا олишганида, Дармуртга Кингс-Пайлэнддаги отлар ҳамда Кейплтон отхонасидаги яна бир фаворит Ен-

гилмас лақабли от ҳақида маълумот тўплаш учун келганини тан олган. У ўша оқшом Кингс-Пайлендга келганини ҳам инкор этмаган, фақат у ерга ўзига зарур маълумот тўплашдан бошқа бирор ёмон ниятда бормаганини билдирган. Унга бўйинбоғни қўрсатишганида, докадек оқариб кетган, аммо бўйинбоғи марҳумнинг қўлига қандай тушиб қолганини изоҳлаб беролмаган. Симпсоннинг жиққа ивиган кийимлари у чиндан ҳам ёмғирда қолганини қўрсатар, унинг қўлидаги йўғон занжир тренерга оғир жароҳат етказган жиноят қуроли бўлиши мумкинлиги гумон қилинган.

Қизифи, Симпсоннинг бирор ери ҳам тирналмаган. Бўлган гап шу. Агар бу ишда ёрдамингиз тегса, мени бағоят мамнун этган бўлур эдингиз.

Мен Холмснинг ҳикоясини катта қизиқиш билан эшилдим. Гарчи бу фактлар менга аввалдан маълум эсада, мен улар орасидаги боғлиқликни топа олмадим.

– Стрэкер тутқаноғи тутгани туфайли ўзига ўзи жароҳат етказган бўлиши мумкинми?

– Мумкин, – деди Холмс. – Агар шундай бўлиб чиқса, айбланувчига нисбатан шубҳалар сал бўлса-да, енгиллашади.

– Мен бари бир полициянинг тахминларини тушуна олмаяпман, – дедим.

– Менимча, бу вазиятда ҳар қандай тахмин жицдий эътиrozга сабаб бўлиши мумкин. Тушунишмича, полиция фақатгина Симпсон Хантернинг овқатига дори солиб, отхона эшигини қаердандир ўғирлаган калит билан очгани ва у ердан отни олиб қочган бўлишига ишонмоқда. Отхонадан отнинг эгар-жабдуқлари ҳам топилмади. Демак, уларни ҳам Симпсон олиб чиқсан бўлиши мумкин. У отни миниб қочаётганида қаршисидан Стрэкер чиқиб қолган ёки уни қувиб етган. Олишув бошланган. Симпсон қўлидаги занжир билан Стрэкернинг бошига туширган, ўзи эса, бирорта ҳам жароҳат олмаган. Шундан сўнг ўғри отни олиб қочган ёки олишув пайтида от ўзи қочиб кетган ва ҳозир ҳам аллақаерларда дайдиб юрган бўлиши мумкин. Бу албатта, полициянинг тахминлари. Гарчи мен бу тахминларга ишонқирамай турсам-да, бошқа фаразларга ҳам кўнглим чопмаяпти. Дартмурга етиб боришим билан мен бу тахминни яна бир текшириб кўраман. Чунки, бундан бошқа бошланиш нуқтасини кўрмаяпман.

Биз Дартмур марказидаги Тависток шаҳарчасига кириб борганимизда кеч кириб қолганди. Бизни платформда баланд бўйли, малласоч, шеркелбат йигит ва мовий қўзлари чақнаб турадиган паст бўйли, монокл тақсан жентльмен қарши

олди. Улардан бири бутун Англияга донг таратган инспектор Грегори, иккинчиси таниқли спортчи, полковник Росс эди.

– Келганингиздан хурсандмиз, жаноб Холмс, – деди полковник биз билан сўрашаркан. – Инспектор шўрлик тренернинг қотилини ва отни топиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди, мен эса, ана шу мақсадда ҳатто инсон қўлидан келмайдиган ишларни ҳам амалга ошириш тарафдориман.

– Бирор янгилик борми? – сўради Холмс.

– Афсуски, суриштирув натижалари бизни қониқтирмаяпти, – деди инспектор. – Сиз албатта ҳодиса жойини тезроқ қўришни истарсиз? Шунинг учун қоронғи тушмасдан етиб боришимиз керак, йўл-йўлакай гаплашиб кетамиз. Бизни извош кутяпти.

Биз қадимий шаҳарчанинг торгина кўчалари бўйлаб кета бошладик. Инспектор Грегори ўз мулоҳазаларини Холмсга айта бошлади. Холмс уни тинглаб борар, ҳар-ҳар замонда савол бериб қўярди. Полковник Росс эса, сухбатга аралашмас, қўлини қовуштириб, шляпасини пешанасига бостирганча, ўриндиқ суюнчиғида ястаниб борарди. Мен қизиқиш билан икки изқуварнинг баҳсига қулоқ тутардим.

– Калаванинг учи Фицрой Симпсонга келиб тақаляпти, – дея хулоса

қилди Грегори. – Менинг назаримда жиноятчи унинг ўзи. Яна бир тарафдан янги фактлар бизнинг барча ху-  
лосаларимизни йўқقا чиқариши ҳам мумкин.

– Дўстим Уотсон ҳам йўлда шунга ўхшаганроқ гапларни айтганди. Агар шундай бўлса, вазият Симпсоннинг зарагига ишлайди.

– Бўлиши мумкин. Унинг ёнидан на пичоқ, баданидан эса, жимитдеккина яра ҳам топилмаган. Бироқ унга қарши далиллар етарли. У фаворитни йўқотишдан юқори даражада манфаатдор бўлган. Ярим кечаси отбоқарни ундан бошқа бирор заҳарлаган бўлиши мумкин эмас. У кечаси ёмғирда қолиб бўккан, қўлида оғир занжири ҳам бўлган, бўйинбоги эса, марҳумнинг қўлига илашиб қолган. Суд жараёнини бошлаш учун далиллар етарли, менимча.

Холмс бош чайқади:

– Ақлли ҳимоячи барча далилларимизни бирма-бир элақдан ўтказади. Симпсонга отни отхонадан олиб чиқишнинг нима кераги бор эди? Агар отга бирор зиён етказишини истаган бўлса, ўша ернинг ўзида бу ишни бемалол бажариши мумкин эди-ку! Калит-чи? Унинг ёнида калит топилдими? У опиум кукунини қайси дорихонадан олиши мумкин? Қолаверса, Дартмурга биринчи бор қадам босган Симпсон Кумушдек таниқли отни яшириш учун қаердан жой топ-

ди экан? Айтганча, у отбоқарга бериб қўйиши илтимос қилган қоғоз парчаси ҳақида нима деди?

– Унинг айтишича, бу беш фунтлик банкнот экан. Унинг ҳамёнидан чиндан ҳам шундай банкнотлар топилган. Бошқа саволларингизга жавоб қайтариш ҳам менимча унчалик қийин бўлмаса керак. Симпсон бу ерга илгари ҳам икки маротаба келиб кетган экан. Афюнни эса, ўзи билан Лондондан олиб келган. Калитни эса, отхонанинг эшигидан чиқариб олган. От эса, ҳозир бирор бир эски шахтада ўлиб ётган бўлса керак.

– Бўйинбоғ ҳақида нима деди?

– У бўйинбоғини ўша оқшом қаердадир тушириб қўйганини тан олди. Шу ўринда у отни отхонадан олиб чиққанини исботловчи яна бир ҳолатни аниқладик.

Холмс сергакланди:

– Қотиллик юз берган жойдан бир мил нарида сесанба куни лўлилар тўдаси тунаб қолган. Эрталаб эса, жўнаб кетишган. Балки Симпсон лўлилар билан аввалдан келишиб олган бўлса-чи? У отни олиб чиқиб, лўлиларга топширган. Эҳтимол ҳозир Кумуш лўлилардадир?

– Бўлиши мумкин.

– Бутун музофотдагилар ҳозир лўлиларнинг изига тушишган. Мен эса, Тавситокдан ўн мил радиусдаги барча отхона ва саройларни қидириб чиқдим.

– Билишимча шу яқин атрофда чопқир отлар сақланадиган яна бирор отхона бор шекилли, а?

– Ҳа, бу ҳолатни ҳам эсдан чиқармаслик керак. Чунки, уларда яна бир ғолибликка даъвогар тулпор Толмас бор-ку! Фаворитнинг ғойиб бўлиши унинг эгаси учун айни муддао бўлган. Маълумки, биринчидан, Кейплтон тренери Сайлес Браун бу пойгадан анча нарса умид қилиб турибди, иккинчидан у шўрлик Стрэкер билан ҳеч қачон дўстона алоқада бўлмаган. Биз албатта, Кейплтон тренерининг ҳам отхонасини текшириб кўрдик, аммо ундан жиноятга алоқадор ҳеч нарса тополмадик.

– Симпсоннинг Кейплтон отхонасига умуман алоқаси йўқ эканми?

– Мутлақо.

Холмс янада қулайроқ ўрнашиб олгач, суҳбат шу ерда узилиб қолди.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб, экипажимиз йўл ёқасидаги ҳашамдор, қизил ғиштин уй эшиги олдида тўхтади. Унинг орқа тарафида эса, кулранг черепицали уйнинг томи кўриниб турарди. Олисдан уфқقا туташиб кетган кенгликлар бўйлаб, тўлқинсимон папоротниклар кўзга ташланар, жануб томонда Тавситокнинг учқур томли уйлари бўй берар, ғарб томонимизда эса, Кейплтон отхонаси кўринарди. Биз ҳаммамиз извошдан тушдик, фақат Холмс негадир тушишга шошилмас, у ўз ха-

ёллари билан банд эди. Фақат унинг билагидан оҳиста туртиб қўйганимдан кейин, у сергак тортиб, извошли тарк этди.

– Маъзур тутинг, – дея унга ишончсиз нигоҳини қадаб турган полковникка юзланди. – Бир оз хаёлга берилиб кетибман.

Гарчи у менга ўз мулоҳазаларини айтмаган бўлса-да, унинг чақноқ қўзларидан жумбоқ калитини топганини сезгандек бўлдим.

– Сиз энг аввало ҳодиса жойини қўздан кечирмоқчисиз шекилли, жаноб Холмс, – дея тусмоллади Грегори.

– Йўқ, олдин шу ерда айрим деталларга ойдинлик киритмоқчи эдим. Стрэкерни бу ерга кейинроқ олиб келишган, шундайми?

– Ҳозир у тепада ётибди.

– У сизга анчадан бери хизмат қиласмиди?

– Ҳа, мен унинг хизматидан мамнун эдим.

– Марҳумнинг чўнтакларини текшириб чиққанмисиз, инспектор?

– Ҳамма нарсаси меҳмонхонада турибди. Истасангиз кўришингиз мумкин.

– Миннатдорман.

Биз меҳмонхонадаги тўгарак стол атрофидан жой олдик. Инспектор сейфдан барча ашёвий далилларни олиб кўрсатди. Улар орасида гугурт қутиси, икки дюйм узунликдаги шам, ёғоч найча, қалам учун алюмин

учлик, қанақадир қоғоз парчалари, чарм тамакидон ва унинг ичида ярим унция қуритилган тамаки чиқди. Шунингдек, топилмалар орасида дастаси фил суягидан ясалган, ўта ингичка тиғининг бир четига «Вайс ва К. Лондон» тамғаси туширилган пичноқча бор эди.

– Галати пичноқ экан, – деди уни диққат билан кўздан кечираётган Холмс. – Қон доғларига қараганда, у айнан марҳумнинг қўлида қолиб кетган пичноқ бўлса керак. Уотсон, сиз бу пичноқ ҳақида қандай фикрдасиз?

– Бу жарроҳликда ишлатиладиган катаракта пичноғи деб аталади.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим. Ингичка тиғ нозик операцияларда ишлатилади. Ўғрилардан ўзини ҳимоя қилишга отланган одам мана шундай нозик пичноқни ёнида олиб юриши ғалати эмасми? Бунинг устига бу пичноқни букишнинг ҳам имкони йўқ.

– Пичноқнинг учиди тиқин парчаси бор экан, биз уни мурданинг ёнидан топдик, – тушунтириди инспектор. – Хотинининг айтишича, пичноқ анча пайт уларнинг уйида, комод ичида ётган, ўша оқшом Стрэкер уйдан чиқаётшиб, пичноқни ўзи билан олган. Эҳтимол, шошилганидан у қўлига илинган пичноқни олиб келавергандир?

– Бўлиши мумкин. Бу қанақа қоғозлар?

– Пичан учун тўланган пулларнинг ҳисоб вараклари, полковникнинг

йўриқномаси, мана буниси эса, бондстритлик тикувчи, мадам Лезерьедан Уильям Дербиширнинг номига берилган 37 фунт 50 шиллинг қийматидаги тўлов варақаси экан. Миссис Стрэкернинг айтишича, Дербишир эрининг яқин таниши экан, вақти-вақти билан ундан хат олиб тураркан.

– Миссис Дербиширнинг диди чаккимас шекилли, – ҳисобни кўздан кечираркан қайд этди Холмс. – Пардоз-андознинг ўзи учун 20 фунт кўплик қилмасмикин? Майли, буларни қўйиб турайлик, энди воқеа жойига борсак.

Биз меҳмонхонадан чиққани-мизда, йўлакда кутиб турган аёл инспекторнинг енгидан четга тортиди. Унинг рангпар, озғин юзларида кўркув ва таҳлика изларини англаш қийин эмасди.

– Нима бўлди? Топдингларми? – деди нафаси тиқилиб.

– Ҳозирча йўқ, миссис Стрэкер. Бироқ, ҳозиргина Лондондан жаноб Холмс етиб келди. Умид қиласизки, у бизга жиноятчиларни топишимида ёрдам беради.

– Менимча, биз илгари сиз билан учрашганмиз Миссис Стрэкер, – сўради Холмс. – Эсингиздами, Плимутдаги зиёфат чоғида?

– Йўқ, сэр, сиз мени ким биландир адаштиряпсиз.

– Шунақамикин? Лекин менимча ўша сиз эдингиз! Ўшанда эгнингизда

туяқуш патлари билан безалган сурмаранг ипак күйлак бор эди.

– Мен умримда бунаقا күйлак киймаганман, сэр!

– Тушунарли, унда ростдан ҳам янглишган бўлишим мумкин, узр!

– Холмс инспектор билан изма-из ташқарилади.

Буталар орасидан кесиб ўтган сўқмоқдан бир неча дақиқа юриб, мурда топилган чуқурликка етиб келдик. Унинг атрофида наъматак буталари ўсган бўлиб, воқеанинг эртасига эрталаб, унинг шохларида миссис Стрэкер ва хизматкор қиз мархумнинг ёмғирпўшини қўриб қолишган.

– Душанба кечаси шамол бўлмаганми? – сўради Холмс.

– Шамол бўлмаган, аммо кучли ёмғир қўйган.

– Демак, ёмғирпўш шамолда учеб буталарга илашмаган, балки кимдир атайин илиб қўйган.

– Ҳа, плаш бинойидай илиғлиқ турган.

– Бу жудаям қизиқ. Ерда излар жуда кўп. Демак, душанба кун бу ерда одам жуда кўп бўлган.

– Биз рогожанинг<sup>1</sup> устида тургандик, у манави ерда ётганди.

– Тушунарли.

– Мана бу сумкада ўша оқшом Стрэкер ва Фицрой Симпсон кийган ботинкалар ва Кумушнинг тақаси бор.

---

<sup>1</sup> Рогожа – дағал толадан тўқилган чипта мато, авваллари ундан хўжалик мақсадларида фойдаланилган.

– Азизим, бунинг учун сиздан миннатдорман.

Холмс сумкани олиб, чуқурликка тушди ва рогожани ўртароқقا суриб, унга ўрнашиб олди-да, муштумини иягиға тираганча, топталган қумларни кўздан кечиришга тушди.

– Аҳа, – бирдан қичқириб юборди у. – Мана бу нима?

Холмснинг қўлида бош қисми лой билан қопланган мумли гугурт донасининг қутиси туради.

– Қизиқ, мен уни кўрмаган эканман, – бир оз ўнғайсизланди инспектор.

– Бу табиий, гугурт донаси лойга қоришиб кетганди, менам уни атайн қидирмаганимда тополмаган бўлардим.

– Нима? Сиз бу ердан гугурт донаси топишингизни билармидингиз?

– Мен бу эҳтимолни ҳисобга олганман.

Холмс ботинкаларни сумкадан чиқариб, уларнинг пошнасини излар билан солишири бошлади. Кейин эса, бир амаллаб, чуқурликдан чиқиб олди ва буталар оралаб эмаклай бошлади.

– Бошқа излар бўлмаса керак, – деди инспектор. – Мен бу ерларни юз ярд радиусда жуда синчиклаб қидирганман.

– Ҳечқиси йўқ, – деди Холмс. – Сизнинг кўнглингизга оғир ботмаслиги учун бу ерларни қайта текшириб чиқмоқчи эмасман. Эртага

мүлжалдан адашмаслик учун қош қораймасдан туриб, ялангликни бир оз айланмоқчиман. Тақани эса, баҳт рамзи сифатида чўнтағимга солиб қўйсам.

Ўта хотиржам ва бепарволик билан қадам ташлаб бораётган Холмснинг ортидан юаркан, полковник Росс бетоқатланиб, соатига қаради.

– Инспектор, сиз билан айрим нарсаларни маслаҳатлашмоқчи эдим, агар қарши бўлмасангиз, мен билан боринг. Мени ҳозир пойга қатнашчиларининг рўйхати қизиқтирияпти. Менимча, омма олдидаги асосий бурчимиз бу рўйхатдан Кумушни чиқариб ташлаш.

– Асло, – деди Холмс қатъият билан. – Қолаверсин.

Полковник бош иргади.

– Маслаҳатингизга албатта амал қиласмиз, сэр, сиз сайди тугатсангиз, бизни марҳум Стрэкернинг уйидан топасиз. Кейин ҳаммамиз бирга Тавистокка қайтамиз.

Улар уй томонга кетишди, биз эса, Холмс билан ялангликда қолдик. Қуёш Кейплтон отхонасининг томига қўнганча, ботишга ҳозирлик кўради. Бизнинг қаршимизда, олис-олисларда қизғиши шуълаларга чўмилаётган дараҳт ва буталар турнақатор саф тортганди. Аммо, буткул хаёлга чўмган Холмсни айни дамда бу манзара ҳайратга sola олмасди.

– Биласизми, Уотсон, – сўз қотди у ниҳоят. – Биз ҳозир Стрэкерни ким ўлдирган деган саволни бир четга қўйиб, отнинг қисмати ҳақида бош қотирсак. От жиноят юз берган пайтда ёки ундан сал кейинроқ йўрғалаб қочган ҳам дейлик. Хўш, у қаёқса кетган бўлиши мумкин? От одамга жуда ўрганган бўлади. Бундан чиқадики, от ё Кингс-Пайлендга ё Кейплтонга қараб кетган. Ахир у ўзи бу яйдоқ далада нима қилади? Бу ерда чопиб юрганда, кимдир уни кўрган бўларди. Лўлиларга келсак, улар отни ўғирлаб нима қилишади? Агар улар отни тутишганида, дарров жуфтакни ростлашарди. Улар полициядан ўлгудек қўрқишлиди. Кумушдек машҳур отни сотишнинг ўзи бўлмайди. Уни ўғирлаш хавфли, бундан бирор наф ҳам йўқ. Бу аниқ.

– Унда Кумуш қаёқса кетган?

– Айтдим-ку, ё Кингс-Пайлендга ё Кейплтонга қараб кетган. Кингс-Пайлендда йўқми, демак, уни Кейплтондан излаш керак. Биз яна тахмин ортидан бораверайлик-чи, калаванинг учи чиқиб қолар. Инспектор айтганидек бу ерлар жуда қаттиқ, яланглилк эса, Кейплтонга томон эниб боради. Излар фақат юмшоқ, нам ерда қолади. Демак, анави қумлоқ томонни кўздан кечиришимиз керак. Агар тахминимиз тўғри бўлса, Кумуш худди шу йўналишда югуриб кетган. Демак,

унинг изларини ҳам шу томонлардан излаш керак.

Биз гап-гап билан нишаблик томон туша бошладик. Холмс менга ўнг томонни қараб боришимни буюриб, ўзи чап тарафни кўздан кечириб кета бошлади. Эллик қадамча юрганимизда, у яна ҳаяжонли овозда мени чақирди. Юмшоқ қумлоқда, унинг оёқлари остида от излари яққол кўриниб турарди. Холмс чўнтағидан тақани олди-да, изга ўлчаб кўрди. Лоппа-лойиқ экан.

– Тасаввур изқувар учун муҳим хусусият, – деди Холмс ўзига ишонч билан. – Инспектор Грегорида айнан шу нарса етишмайди. Қани, кетдик.

Қумлоқ йўлдан бир оз юргач, ниҳоят, яна ялангликнинг қаттиқ қисмига чиқдик. Яна кўп ўтмай, нишаблик бошланди ва қумлоқ жойларда отнинг изларига дуч келдик. Сўнг излар яна анча жойгacha йўқолиб, Кейплтон яқинида яна кўзга чалинди. Уларни биринчи бўлиб Холмс илғади. Туёқлар билан бирга одам излари ҳам аниқ-тиниқ кўриниб турарди.

– Боя отникидан бошқа из йўқ эди-ку! – деб юбордим беихтиёр.

– Тўппа-тўғри, аввал отнинг бир ўзи бўлган. Шошманг! Мана бу нима?

От ва одамнинг қўшалоқ излари илкис Кингс-Пайленд томонга бурилиб кетганди. Холмс ҳуштак чалиб юборди. Биз излар бўйлаб кета

бошладик. У излардан күз узмай борарди, аммо мен бошимни ўнг тарафга буриб, худди шу излар яна қарама-қарши тарафга кетганини күриб қолдим.

– Биру ноль сизнинг фойдангизга, Уотсон! – деди Холмс мен изларни унга кўрсатганимда. – Энди бу томонга қармоқ ташлашимиздан маъни қолмади. Қарама-қарши излар бўйлаб кетамиз.

Узоқча боришга ҳожат қолмади. Излар Кейплтон дарвозасига элтувчи асфальт йўлакка бориб, йўқолганди. Биз дарвозага яқинлашишимиз билан отбоқар югуриб чиқди.

– Кетинглар бу ердан, – дея бақирди у. – Пишириб қўйибдими сизларга?

– Сизга биргина саволим бор, – сўради Холмс бош ва кўрсаткич бармоқларини жилетининг чўнтағига суқиб. – Эртага эрталаб соат бешда келсан, хўжайнингиз жаноб Сайлес Браунни кўришим учун унчалик барвақтлик қилмасмикин?

– Барвақт дедингизми, сэр? Йўқ, хўжайн тонг ёришмасдан туриб уйғонади. Ана ўзиям шу ерда, йўқ-йўқ, нима қиляпсиз. Агар у сиздан пул олганимни кўриб қолса, мени ҳайдаворади. Кейин, кейинроқ...

Шерлок Холмс яrim кронлик пулни чўнтағига қайтариб солиши билан дарчадан ўрта ёшли, баджаҳл бир одам қўлида таёқ билан чиқиб, отбоқарга бақирди.

– Бу нимаси Даусон? Нимага гап сотяпсан? Ишласанг ўлассанми? Сизлар-чи, ким чақирди сизларни бу ерга?

– Сизда бир-икки оғиз маслаҳатли иш бор эди, сәр. Ўн дақиқа вақтингизни оламан, – гап бошлади Холмс назокат билан.

– Ҳар қандай қаланғи-қасанғи билан валақлашга вақтим йўқ. Бегоналар бу ерга яқинлашиши мумкин эмас. Йўқолинглар бу ердан, бўлмаса ҳозир итимни ечиб юбораман.

Холмс эгилиб, унинг қулоғига нимадир деб пичирлади. Жаноб Брауннинг ранги аввал ўликникидек оқарди, кейин қулоғигача қизариб кетди.

– Ёлғон, – дея қичқирди. – Қип-қизил бўйтон бу!

– Яхши! Бу масалани шу ерда ҳамманинг олдида муҳокама қиласизми ёки уйингизга таклиф қиласизми?

– Бўпти, қани юринг!

Холмс менга қараб жилмайди:

– Мен беш дақиқада чиқаман. Қани, бошланг жаноб Браун!

У тахминан йигирма беш дақиқалар ўтиб, чиқиб келди, бу пайтда осмонда юлдузлар жимиirlай бошлаганди. У билан изма-из тренер ҳам чиқиб келди. Унинг юз қиёфаси боягидан тамоман фарқ қилар, пешонаси тер резалари билан қопланган, бояги таёқ унинг титроқ қўлларида асабий ўйнарди. Боя бизга виқор билан ўшқирган кимса шу эмасмиди? У ҳозир Холмснинг

изидан муте ит сингари эргашиб келарди.

– Худди айтганингиздек қиласман, сэр. Ҳаммаси сиз айтгандек бўлади, – дея бир гапни тўтидек қайтарарди.

– Акс ҳолда сизни нима кутаётганини яхши биласиз-а, – деди Холмс таҳдидли оҳангда.

– Ал... албатта, албатта сэр. Айтилган вақтда етказиб бораман. Ҳаммаси аввалгидек бўлаверсинми?

Холмс бир оз ўйлаб турди-да, кулиб юборди.

– Майли, асли ҳолича қолаверсин! Мен сизга ёзиб юбораман. Агар яна найранг ишлатсангиз...

– Йўқ, йўқ сэр, менга ишонинг!

– Кўз қорачиғидек асрашга сўз берасизми?

– Ҳа, менга бемалол ишонишингиз мумкин!

– Ишондим. Эртага нима қилишингизни ўзим айтаман.

Холмс хайрлашиш учун узатилган титроқ қўлларга эътибор бермасдан ортига қайрилди. Биз Кингс-Пайлэнд томонга йўл олдик.

– Кўрқоқлик, қайсарлик ва аблакликнинг қоришиғини мен анчадан бери кўрмагандим, – деди Холмс мен билан нишабликдан юқорилаб бораркан.

– Демак, от унда экан-да!

– У аввалига ҳаммасини оёқтираб инкор этишга тушди. Мен сешанба эрталабки ҳолатни унга қадамба-қа-

дам шундай аниқликда тасвирлаб бердимки, у мени ростдан ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган деб ўйлади. Боя унинг оёғидаги ботинкага эътибор қилдингизми, тагчарми чирратор кўринишга эга эди, биз кўрган одам изларига бу жуда мос тушарди. Хуллас, мен ҳаммасини ўз кўзларим билан кўргандек қилиб айтиб бердим. У эрталаб, ялангликка чиққанида бегона отни кўриб қолади, унга яқинроқ бориб, пешанасидаги оқ қашқани кўради-да, бу от ўша машҳур Кумуш эканига ишонч ҳосил қиласди. Бу от рақибига тегишли эканни ва унга жуда катта миқдорда пул тикилганидан унинг хабари бор эди. У аввалига отни Кингс-Пайлендга олиб бормоқчи бўлади, аммо шу лаҳзада шайтон унинг кўнглига ғулғула ташлайди ва отни то пойга ўтгунича яшириб туришга қарор қиласди. Шу тахлит у отни Кейплтонга олиб кириб яширади. Буларнинг ҳаммасини менинг оғзимдан эшитгач, кўзига ўз жонидан бошқа нарса кўринмай қолди, бечоранинг.

– Ахир отхонани қидириб чиқишимаганмиди?

– Бу қари фирибгардан ҳар қандай кўзбўямачиликни кутиш мумкин.

– Отни унинг қўлида қолдириш хавфли эмасмикин? У отни бирор нима қилиб қўйса-чи? Ахир у ўз манфаати йўлида ҳар қандай номақбул ишга шай турибди.

- Йўқ, дўстим, у отни кўз қора-  
чиғидек сақлайди. У фақат отни  
бус-бутун қайтаришдангина манфа-  
атдор бўлиши мумкин. Фақат шу би-  
лангина у ўз айбини юва олади.

- Полковник Росс ўз ғанимларини  
кечирадиган одамга ўхшамайди.

- Ҳозир гап полковник Росс усти-  
да эмас. Менинг ўз услубларим бор,  
фақат ўз вақтида ва керакли гапларни  
гапиришга одатланганман. Сездин-  
гизми, полковник менга сал менси-  
майроқ муомала қиляпти. Менам бир  
оз уни эрмак қилсам. Унга ҳозирча от  
ҳақида умуман гапирмай туриңг!

- Албатта, сиз нима десангиз шу.

- Бу гаплар Жон Стрэкернинг қо-  
тилини топиш масаласи олдида ҳол-  
ва бўлиб қолади.

- Сиз энди шу масала билан  
шуғулланасизми?

- Аксинча, дўстим, биз бугун кеч-  
ки поезд билан Лондонга жўнаймиз.

Холмснинг бу гапи албатта мени  
таажжубга солди. Биз Дартмурда ати-  
ги бир неча соат бўлдик, холос. Мен  
ҳеч нарсага тушунмасдим. Мураббий-  
нинг уйига етгунча унинг оғзидан  
бирор оғиз гапни тортиб ололмадим.  
Полковник билан инспектор бизни  
мехмонхонада қарши олишди.

- Мен дўстим билан кечки по-  
ездда Лондонга жўнайман, - деди  
Холмс. - Дартмурнинг мусаффи ҳа-  
восидан нафас олганимдан бағоят  
хурсандман.

Инспекторнинг кўзлари олайиб кетди, полковник эса лабларини масхараомуз қийшайтирди.

– Таслим бўлдим денг? Демак, бечора Стрэкернинг қотили озодликда қолавераркан-да! – деди у.

– Бу жудаям қийин иш деб ўйлайман, – бош ирғади Холмс. – Аммо сизни ишонтириб айтаманки, сешанба куни отингиз пойгода албатта иштирок этади ва бу ҳақда жокеингизни огоҳлантириб қўйсангиз бўларди. Мен жаноб Стрэкернинг фотосуратини бир кўрсам бўладими?

Инспектор чўнтағидан конверт чиқариб, ундан бир парча суратни суғурди.

– Азизим, Грегори, сиз менинг нима исташимни аввалдан биласиз. Энди жаноблар ижозатингиз билан сизни бир дақиқага ёлғиз қолдира-ман, мен хизматкор қиз билан холи гаплашмоқчи эдим.

– Сизнинг лондонлик танишингиз мени ҳайратда қолдирди, – деди Холмс чиқиб кетгач полковник Росс киноя билан. – У келиши билан иш ақалли бир қадам силжиган бўлса, ўрай агар!

– Ҳеч бўлмаса, сизнинг отингиз пойгода иштирок этишига кафолат берди-ку, – чидолмадим мен.

– Кафолат-ку берди, – мужмал елка қисди полковник. – Аммо, қуруқ гапдан кўра менга от муҳимроқ.

Мен дўстимни ҳимоя қилиш учун яна оғиз очмоқчи эдим, унинг ўзи кириб келди.

– Мана, жаноблар, – дея тантанавор эълон қилди у. – Мен кетишга тайёрман. Отбоқарлардан бири фойтун эшигини очди. Холмс менинг ёнимдан жой олди. Шу тобда у фойтун дарчасидан отбоқарни имлаб чақирди:

– Сизларда қўйлар ҳам бор экан, мен кўрдим, – деди Холмс. – Уларни ким боқади?

– Мен, сэр!

– Сиз кейинги пайтда уларда бирор ўзгаришни пайқамадингизми?

– Йўқ, сэр, ҳа айтганча, улардан учтаси сал оқсай бошлаганини пайқадим.

Холмс кулимсираб ўзича қониқиши билан бош ирғади.

– Ишимиз яхши кетяпти Уотсон, – дея тирсагимдан туртди дўстим. – Грегори, кейинги пайтларда қўйлар орасида тарқаган ғалати эпидемияга эътибор қаратишингизни сўрардим. Қани, кетдик!

Полковникнинг юзида ҳамон дўстимнинг истеъдодига нисбатан ишончсизлик ифодаси кўриниб турарди. Инспектор эса, бирдан сергак тортди:

– Сиз буни муҳим деб ўйлайсизми?

– Ўта муҳим!

– Яна нималарга эътибор беришим лозим деб ўйлайсиз?

– Жиноят юз берган куни қўриқчи итнинг ўзини тутиши сизга ғалати туюлмадими?

– Ит? Ит нима қипти?

– Ҳамма гап ана шунда-да! – деди Холмс.

Тўрт кун ўтиб, биз яна поездга ўтириб, Уэссекс кубоги ўтиши режалаштирилган Винчестер томон йўл олдик. Полковник келишилгандек тўрт отли экипажида бизни вокзал олдидаги майдончада кутиб олди. Унинг фойтунида кетиб борарканмиз, полковникнинг юзидағи тундлик ва совуқонликни илғадим.

– Менинг отим ҳақида ҳеч қандай янгилик йўқ, – деди у тўнглик билан.

– Уни кўрсангиз таний оласизми?

– Мен пойгода сўнгги йигирма йил ичида иштирок этган ҳамма отларни бирма-бир тасвирлаб беришим мумкин. Нега ўзимнинг отимни танимас эканман. Кумушни наинки мен, пойганинг ҳар бир ишқибози, ҳеч бўлмаганде пешанасидаги оқ қашқасидан таний олади.

– Қанча пул тикилган?

– Нима бўлаётганини тушунолмадим. Кеча ўн бешга бир миқдорида пул тикилган бўлса, бугун бу тафовут учга бир даражасигача қисқарибди.

– Ҳмм, демак бирор нимадан ҳид олишибди-да!

Фойтун атрофи ўраб олинган отчопарга етиб келди. Бу ерда катта-катта ҳарфлар билан битилган афишалар осиб ташланган эди.

## УЭССЕКС КУБОГИ

Отларнинг ёши 4-5 ёш атродида, оралиқ масофа 1 милл, 5 ферлонг. Бошланғич бадал 50 фунтдан. Биринчи ўринга мукофот – 1000 фунт, 2-ўринга – 300 фунт, 3-ўринга – 200 фунт.

1. Ҳабаш – эгаси Хит Ньютон, чавандоз – қизил дубулғада, кулранг камзулда.

2. Енгилмас – эгаси лорд Бэкутер, чавандоз – дубулғада, сариқ енгли камзулда.

3. Кумуш – эгаси полковник Росс, чавандоз – қора дубулғада, қизил камзулда.

4. Биллур – эгаси герцог Бальморел, чавандоз – сариқ дубулғада, қора йўл-йўл камзулда.

5. Чақмоқ – эгаси лорд Синглфорд, чавандоз – бинафшаранг дубулғада, қора камзулда.

6. Боксер – эгаси полковник Уордлоу, чавандоз – тўқ сариқ дубулғада, қора камзулда.

– Кумуш – бешга тўрт, – дея эълон қилинди минбардан. – Кумуш – бешга тўрт, Енгилмас – 15 га 5, ҳамма қолганлар бешга тўрт!

– Отлар стартда, – дея хитоб қилдим мен. – Қаранглар, ҳаммаси бўлиб олтида от!

– Олтида? Демак, Кумуш ҳам бор экан-да! – полковник қувончдан ўзини йўқотиб қўяёзди. – Лекин қани у?

Мен уни кўрмаяпман. Уни рангидан танийман-ку!

– Ҳозирча бештаси чиқди. Манави бўлса керак, – дедим қора дубулғали чавандоз ёнимиздан чоптириб ўтган тулпорга имо қилиб.

– Бу менинг отим эмас, – қичқирди полковник. – Унинг пешанасидаги оқ қашқаси қани? Нималар бўляпти ўзи, жаноб Холмс?

– Қаранг, югуришини қаранг, – деди дурбинни кўзидан узмай ўтирган Холмс худди унинг гапини эшитмагандек. – Ажойиб, ҳаммаси жойида! Қаранг, улар бурилишяпти.

Извошдан отлар майдонга чиққани аниқ кўриниб турарди. Улар дастлаб бир чизиқда чопиб боришарди. Бироқ кўп ўтмай, лорд Бэқуотернинг сариқ кийимли чавандози ажралиб чиқди. Фақат биз турган жойдан ўттиз ярд чамаси масофада полковникнинг арғумоғи Енгилмасдан ошиб ўтди ва марра сари илгарилай бошлади. Бальморелнинг Биллuri бошқалардан сезиларли тафовут билан учинчи ўринга чиқиб олганди.

– Ҳар нима бўлганда ҳам кубок энди меники бўлади, – деди полковник кўзларини ишқалаб. – Бирор нимани тушунаётган бўлсанм ўлай агар. Сиз мени яна қачонгача бундай жумбоқларга рўбару қилмоқчисиз, мистер Холмс?

– Ҳозир ҳаммасини билиб оласиз, полковник, ҳозир отнинг ёнига бо-

райлиқ, бирғалиқда күрамиз. Мана у, – Холмс эндигина отларнинг эгалири ва уларнинг дўстлари тушиб келаётган даврага йўл олди. – Фақат унинг пешанасини бир шиша спирт билан артсангиз бўлди, ўз Кумушингизни танийсиз-қўясиз!

– Нима?

– Отингиз бир фирибгарнинг қўлига тушиб қолган экан, мени уни топдим ва мана шу ҳолатда уни пойгага чиқартиришга журъат этдим.

– Сэр, сиз ҳақиқий мўъжиза яратдингиз! Отим ҳар қачонгидан аъло кўринишида. У бирор пойгада ҳозиргидай тез югурмаганди. Сизни бир оз шубҳага қўйганим учун минг бор узр. Сиз менга отимни қайтариб жуда катта марҳамат кўрсатдингиз. Агар Жон Стрэкернинг ҳам қотилини топишида ёрдам берсангиз яна катта олижаноблик қилган бўлур эдингиз.

– Мен уни аллақачон топганман, – деди Холмс хотиржамлик билан.

Полковник билан мен ҳайратдан лол қолгандик.

– Қотилни топдингиз? Қани, қаерда?

– У шу ерда. У менинг қаршимда турибди.

Полковник кутилмаганда тувақиб кетди:

– Тушунаман, мистер Холмс, мен сизнинг олдингизда қарздорман, аммо бу сизга мен билан бу қадар қў-

пол ҳазиллашиш ёки ҳақорат қилиш хуқуқини бермайди.

Холмс кулиб юборди:

– Қизиқмисиз, полковник, сизни қотилликда айблаш хаёлимга ҳам келгани йўқ. Ҳақиқий қотил сизнинг елкангиз оша менга қараб турибди.

Холмс бир қадам олдинга юриб, чопқир тулпорнинг сағрисига қўлини қўйди.

– Қотил – отми? – бу саволни полковник билан бир пайтда бердик.

– Ҳа, от! Аммо, от фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина уни ўлдиришга мажбур бўлган. Ҳолбуки, Жон Стрэкер сизнинг ишончингизга муносиб эмасди. Аммо, воқеанинг тўлиқ тафсилотини бир оз ортга суриб туралмиз. Мен кейинги пойгода бир оз пул ютиб олмоқчиман.

Биз вагон қупесида полковник билан Дартмур отхонасида душанба куни кечқурун рўй берган ҳодисанинг тўлиқ тафсилоти ва бу жумбоқни қандай ечгани хусусида Холмснинг ҳикоясини тинглаб борар эканмиз, Лондонга қандай етиб келганимизни билмай қолдик.

– Тан олишим керак, – деди Холмс.  
– Газета маълумотларига асосланиб тузган тахминларимнинг ҳаммаси хато бўлиб чиқди. Мен Девонширга келгунимча гарчи далиллар у қадар ишонарли бўлмаса-да, қотил албатта Фицрой Симпсон бўлса керак,

деган фикрда эдим. Фақат биз Стрэ-  
кернинг уйига келганимизда қоро-  
вулларнинг овқати айнан қўй гўшти  
ва саримсоқдан тайёрланганидан ха-  
бар топиб, фикримни ўзгартирдим.  
Ўша кунги паришонхотирлигимни  
албатта сиз пайқаган бўлишингиз  
керак, Уотсон!

– Қизик, бу ўринда қўй гўштнинг  
нимга алоқаси бор? – унинг гапини  
бўлди полковник сабри чидамай.

– Бу менинг тасавурларим силси-  
ласининг биринчи ҳалқаси эди. Опи-  
умнинг таъми унча билинмаса ҳам  
у анча кучли ҳидга эга бўлади. Агар  
у овқатга сепилса, одам емасдан ол-  
дин унинг ҳидини сезиши мумкин.  
Саримсоқ соуси эса, опиум ҳидини  
йўқотувчи энг мақбул восита сана-  
лади. Ҳарқалай, Фицрой Симпсон-  
нинг бу томонларда пайдо бўлиши  
ва шу қуни Стрэкернинг хонадони-  
да саримсоқ соусидан овқат тайёр-  
ланиши орасида бирор боғлиқлик  
бўлмаса керак. Ўша оқшом у ўзи би-  
лан опиум кукунини олиб чиқсан  
бўлиши эса, менимча ақл доирасига  
сиғмайди. Демак, бу эҳтимол йўққа  
чиқади. Демак, бунда шубҳа фақат  
Стрэкер ва унинг хотинига тушади.  
Опиум эса, фақатгина отбоқарнинг  
тақсимчасига сепилган, Кингс-Пай-  
лендда бу овқатдан тановул қилган-  
ларнинг бирортасида бирор нохуш  
холат содир бўлмаган. Хизматкор  
қизнинг кўзи тушмасдан туриб, ким

унинг тақсимчасига опиум солиб қўйган бўлиши мумкин? Ким? Ўша оқшом ит ҳам овозини чиқармагани мени қизиқтириб қўйди. Сезиб турганингиздек бу икки ҳолат ўртасида қандайдир боғлиқлик бўлиши керак. Симпсоннинг Кингс-Пайлендда пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳикоядан отхонада ит сақланиши маълум бўлганди, аммо кимдир отни ичкаридан олиб чиқаётганида ит негадир акиллаб сомонхонада ухлаётган қоровулларни уйғотмаган. Шубҳасиз, ит тунги меҳмоннинг кимлигини яхши билар, уни танирди. Мен шуларни мулоҳаза қилиб, ўша оқшом отни Стрэкернинг ўзи олиб чиқиб кетган деган хулоса келдим. Аммо унинг мақсади нима эди? Нима сабабдан у ўз ёрдамчисини беҳуш қилиб қўйди? Мен ҳали бу саволларнинг жавобини билмасдим. Шундай ҳолатлар бўладики, айrim тренерлар ўзлари парваришлаётган отларга қарши маҳсус одамлар ёллаб катта пул тикиришади ва отнинг пойгада ғолиб чиқмаслиги учун турли фирмом тадбирларни ўйлаб топишади. Баъзан улар ҳатто жокейларни ўзлари тарафга пул билан оғдириш пайида бўладилар. Стрэкер нима қилган? Мен унинг чўнтакларидан бу жумбоқни ечишга ёрдам берадиган бирор нима топиш умидида эдим. Айтганим бўлди. Сиз унинг қўлидан топилган пичоқни эсланг: ахир би-

пор ақли расо одам бундай ноқулай асбобдан ҳимоя ёки ҳужум қуроли сифатида фойдаланмаган бўларди. Уотсоннинг таъкидлаганидай, бу фақат ўта нозик жарроҳлик амали-ётларида қўлланиладиган тиббиёт анжоми эди. Тил бириктирган фирибгарлар учун эса, ана шу пичоқ асқотиши аниқ эди. Жаноб полковник, сиз отларни яхши биласиз, уларнинг оёқларига сезилмайдиган тарзда жароҳат етказиш мумкинлиги ҳақида эшитгандирсиз? Бундай операциядан кейин от анча оқсаб қолади, бунинг сабабини қўпчилик шунчаки отларда учрайдиган беланги ёхуд кучли зўриқиши натижаси дея баҳолайди. Аммо, бундаги хийла ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди.

– Ярамас, аблах, – қичқириб юборди полковник.

– Оёғига ўткир тиғ ботганини пайқаган ҳар қандай сезгир от пишқириб, ҳатто ўликни ҳам сескантириб юбориши оддий ҳақиқат. Шу боис бу ишни одамлардан анча узоқда бажариш лозим эди. Шу боис Стрэкер Кумушни отхонадан опчиқиб, одамлардан йироқроққа олиб борган.

– Ҳаҳ, кўр эканман, – ғудранди полковник. – Демак, шунинг учун уўзи билан шам ва гугурт ҳам олиб кетган экан-да?

– Шубҳасиз. Мен унинг ёнидан топилган ашёвий далилларни ўрганиб, унинг бу жиноятни қай тариқа

эмас, нима мақсадда қилганини ҳам аниқлашга муваффақ бўлдим. Полковник, сиз ҳаётни чуқур биладиган одам сифатида бегоналарга тегишли ҳисоб-варақаларини олиб юриш нақадар ғалати эканини яхши англайсиз. Ахир одамзотнинг ўзининг ташвиши ўзига етарли эмасми? Мен шундан Стрэкер ким биландир дон олишиб юришини пайқадим. Сиз ўз хизматкорларингизга қанчалик яхши ҳақ тўламанг, улар учун бир аёлнинг пардоз воситаларига 20 фунт тўлаш осон бўлмасди. Мен Миссис Стрэкердан ўша қўйлак ҳақида сўраб билдимки, у бундай кийим-бошни умуман қўрмаган. Кейин мен яширинча тикувчинг манзилини ёзиб олдим. Албатта тикувчига Стрэкернинг суратини кўрсатганимда, Дербишир деган одам ҳаётда умуман бўлмаганини англаш осон бўларди. Хуллас, калаванинг уни топилгач, уни ечиш осон кўча бошлади. Стрэкер шамнинг шуъласи кўринмаслиги учун отни айнан чуқурликка олиб тушган. Симпсон йўл-йўлакай бўйинбоғини тушириб қолдирган ва тасодифан уни Стрэкер топиб олган. Эҳтимол у отнинг оёғини боғлаш мақсадида ундан фойдаланмоқчи бўлгандир? Чуқурликка тушиб олгач, Стрэкер ишни бошлаш учун отнинг оёғи остида туриб, гугурт чаққан. Кутилмаган алангани қўриб от дабдурустдан хуркиб кетган ва чуқурликдан сакраб чиқиш асносида қўққисдан ўз трене-

рининг бошига тепиб юборган. Стрэ́кер ёмғир қуиб турганига қарамай, ёмғирпүшини ечиб, бута шохига илишга улгурган эди. Ахир ҳаракат ўта нозикликни талаб этарди. У зарбдан ағанаб тушаркан, бехосдан қўлидаги пичоқ билан биқинига жароҳат етказган.

– Ақл бовар қилмайди, – хитоб қилди полковник. – Тасанно! Худди ўз кўзингиз билан кўргандек гапиряпсиз-а?

– Яна бир гапни айтишни унубиман. Ахир, Стрэ́кердек айёр одам бирор тажрибага эга бўлмай туриб, шундай мураккаб ва нозик операцияга қандай қўл урмоқчи бўлдийкин? У Кингс-Пайлендда қаерда бундай тажрибани ўтказиши мумкин? Мен қўй боқиб юрган чўпонни кўриб, ундан қўйларда кейинги пайтда бирор ўзгариш сезилган-сезилмаганини сўрадим. Унинг жавоби менинг ҳамма тахминларимни тасдиқлади. Ҳатто ўзим ҳам бундан ажабландим.

– Энди мен ҳаммасини тушуниб етдим, Холмс!

– Мен Лондонга бориб, тикувчига Стрэ́кернинг суратини кўрсатдим. У дарров таниди ва суратдаги одам доимий мижозларидан бири мистер Дербишир эканини айтди. «Дербиширнинг хотини жуда танноз аёл ва урфга мувофиқ тарзда кийинади ва пардоз қиласи», – деди у. Шун-

дан сўнггина Стрэкер ўз маъшуқаси туфайли қулоғигача қарзга ботгани ва хиёнатга қўл урганини тушуниб етдим.

– Фақат бир нарсани тушунтириб берсангиз, – деди полковник. – От қаерда экан?

– Ҳа отми? У қочиб кетган ва қўшиларингиздан бири уни тутиб олган ва бекитиб қўйган. Ҳали у билан ҳам бир оз ҳисоб-китобимиз бор. Биз ҳозир Клэпемга қараб кетяпмиз, тўғрими? Демак, Виктори вокзалигача 10 дақиқалик йўл қолади. Агар сиз бизнинг уйимизга бир пиёла чой ичиш мақсадида ташриф буюрсангиз, сизни қизиқтирган тафсилотларни бафуржা айтиб берардим...

## НУРОНИЙ МИЖОЗ

– Энди бу унчалик хавфли эмас, – дея таъкидлади Шерлок Холмс ҳозир мен сизга айтиб бермоқчи бўлган воқеа тафсилотини ёритиш учун ўнинчи бор рухсат сўраганимда. Шу тариқа мен дўстимнинг мавқеидә алоҳида аҳамият касб этган бу воқеани қаламга олиш имконига эга бўлдим.

Биз Холмс билан турк ҳаммомида ҳордиқ чиқаришни ёқтиардик. Биз ювениб чиққач, ҳаммомнинг со-вуниш хонасида ўтирганча, тамаки чекар, шунда у менинг кўзимга бошқа пайлардагига қараганда, анча бардам, тетик бўлиб кўринарди.

Нортамбенденл-авеньюнинг юқори қаватида, бир бурчакда иккита каравот турар, 1902 йилнинг 3 сентябрида иккимиз ана шу каравотда ётиб, ҳордиқ чиқарадик. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳам айнан ўша оқшомдан бошланганди.

Мен Холмсдан нима сабабдан бу қадар паришонхотирлигини сўрадим. У эса, менга жавобан чойшаб остидан узун, асабий қўлларини чиқариб, ёнида осиғлиқ турган сюртугининг ич чўнтағидан қандайдир конвертни чиқарди.

– Балки бу хатни шахсиятпаст бир аҳмоқ ёзгандир, балки бу ерда гап чиндан ҳам ҳаёт-мамот устида бораётгандир, – деди у бир варақ қоғозни менга узатаркан. – Менга фақат шу ерда битилган гапларгина маълум.

Мактуб Карлтон клубидан кечаги сана билан жўнатилган эди. Мен унда ушбу битикларни ўқидим.

«Сэр Жеймс Дэймери жаноб Шерлок Холмсга ўзининг чексиз хурматини бажо этади ва эртага соат 4:30 да уни зиёрат этиш учун ижозат сўрайди. Яна жанобларига маълум бўлсинким, арз қилинадиган воқеа ўта махфий бўлиш билан бирга бениҳоя муҳим аҳамиятга ҳам эгадир. Умид қилинадики, мистер Шерлок Холмс бу учрашувни рад этмаслар ва бу ҳақда Карлтон клубига қўнғироқ қилиб маълум қиларлар».

– Албатта, мен қўнғироқ қилдим, Уотсон, – деди Холмс мендан мактубни қайтариб оларкан. – Сиз бу Дэймери ҳақида бирор нима биласизми?

– Шуни биламанки, кейинги пайтларда бу ном тиллардан тушмайдиган бўлиб қолди.

– Мен сизга яна баъзи нарсаларни айтишим мумкин. У ўзи ҳақида гап-сўз тарқатишни истайдиганлар хилидан. Сиз Хэммерфорд Уилл иши бўйича унинг сэр Жорж Льюис билан музокаралари ҳақида эшитгандирсиз? У замонавий, тажрибали, нозик дипломатик ихтилофларга мойиллиги бор одам. Менимча, бу иш ҳам оддий иш эмас ва у бизнинг ёрдамилизга эҳтиёж сезаётир.

– Бизнинг ёрдамилизга?

– Агар сиз ҳам қаршилик билдирмасангиз.

– Мен жуда мамнун бўлардим.

– Тўрту ўттизгача вақтимиз бор. Унгача буни унутиб турсак ҳам бўларди.

Мен бу пайтда Малик Анна кўчасида истиқомат қиласар, бироқ Бейкер-Стритга тез-тез бориб турадим. Ярим соат илгари полковник Жеймс Дэйверининг келиши ҳақида хабар қилишди. Унинг ташқи тузилиши ҳақида батафсил гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман. Ҳарқалай, у бир оз қўпол, аммо очиқкўнгил, ҳамиша соқолларини

қирдириб юрадиган, йўғон овозли одам эди. Унинг ирландларга хос мовий кўзларидан самимият балқиб турар, ҳаракатчан, нимтабассум лаблари ҳар қандай одамда хайрихоҳлик туйғусини уйғотарди. Ярқироқ цилиндр, қора сюртук, марваридлар қадалган қора костюми ва ипак бўйинбоги, лакланган туфлиси унинг нақадар юксак дид соҳиби эканини қўрсатиб турарди. Бу йирик, миқти зодагон келиши билан Холмснинг мўъжаз меҳмонхонаси тўлиб қолгандек бўлди.

– Мен бу ерда доктор Уотсонни ҳам кўриш орзусида келдим, – деди у тавозе билан бош эгаркан. – Зотан докторнинг ёрдами бизга жуда зарур. Чунки бизнинг ишимиз ўта хавфли бир кимса билан боғлиқ. Уни ҳеч нарса билан тўхтатиб қолишнинг имкони йўқ. Менимча, бутун Европани қидириб ундан ҳам ярамасроқ одамни топиш қийин.

– Лекин мен сиз айтган одамнинг ёнига бир неча исмни қўшиб айтишим мумкин эди, – деди Холмс жилмайиб трубка тортаркан. – Чекасизми? Унда маъзур тутасиз мен тамакимни чекиб олсан. Агар сиз айтган кимса доктор Мориарти ёхуд полковник Себастьян Морандан ҳам хавфлироқ бўлса, у билан танишиб олсан бўларкан. Унинг исмини билсан бўладими?

– Барон Грюнер деб эшитганмисиз?

– Сиз ҳалиги австрияликнинг қотилини айтяпсизми?

Полковник қўлларини кенг ёзганча хахолаб юборди.

– Сиз ҳамма нарсани биласиз, доктор! Ажойиб! Демак, сиз аллақачон унинг қотил эканига амин бўпсиз-да?

– Европа қитъасида юз берадиган жиноятларни кузатиб бориш менинг мажбуриятимга киради. Прагада юз берган ҳодиса ҳақида ўқиган ҳар қандай инсон унинг жиноятчи эканига шубҳа қилмаса керак. Уни ҳақиқий юридик ҳолат ва гувоҳнинг шубҳали ўлими қутқариб қолди. Назаримда у Шилюген дарасида ўз хотинини ўлдириб қўйган. Мен унинг Англияга келганидан ҳам хабардорман ва қачондир унинг иши билан тўқнаш келишимга ишонардим. Хўш, барон Грюнер яна нима гуноҳ қипти? Ҳарқалай, сиз яна эски гапларни қўзғатиш учун келмагандирсиз?

– Йўқ, иш жиддийроқ. Жиноят учун жазо беришдан кўра унинг олдини олиш муҳимроқ. Мистер Холмс, воқеалар ёмон тарафга қараб ривожланиб бораётганини кўра туриб, уни тўхтатишга уринмаслик нақадар даҳшат.

– Фикрингизга қўшиламан.

– Бундай вазиятни ўз бошидан кечираётган бир мижознинг аҳволини тушуниб турибсиз деб ўйлайман.

– Сиз шунчаки воситачи эканингизни хаёлимга ҳам келтирмаган-

дим. Хўш, сиз кимнинг номидан музокара олиб бормоқчисиз?

– Жаноб Холмс, фақат илтимос бу саволнинг жавоби билан чуқур қизиқмай турсангиз. Мен учун ҳақиқий мижозни унинг номи бу ишга аралашмаслигига ишонтириш ўта муҳим, тушуняпсизми? Унинг нияти холис, кўнгли тоза, фақат у исми ошкор этилмаслигини истайди. Албатта, бу ишингиз учун сиз катта миқдорда ҳақ оласиз, бунга кафолат бераман. Аммо, мижозингизнинг номини сиз ҳам билмаслигингиз керак.

– Кечиргайсиз, – деди Холмс. – Мен ҳар қандай сир ишнинг охирида очилишига ўрганиб қолганман. Аммо, иш жумбоқ билан бошланиб, жумбоқ билан тугашини ҳазм қилолмайман. Жаноб, Жеймс, сизнинг бу таклифингизни рад этишимга тўғри келмаса деб қўрқаман.

Мехмонимиз бир оз асабийлашди. Унинг ҳаракатчан юз мускуллари бирдан тортишиб қолди.

– Сиз мени қандай ноқулай аҳволга қолдираётганингизни тушуняпсизми, жаноб Холмс, – деди у. – Албатта, мен ҳамма фактларни сизга очиқ айтганимда, сиз бу билан чексиз фахрланган бўлар эдингиз, аммо мен бу исмни сир сақлашга сўз берганман. Ижозат этсангиз, сизга айтишим лозим бўлган барча тафсилотларни сўзлаб берсам.

– Майли, аммо мен ҳозирча би-рор бир мажбуриятни зиммамга ол-майман.

– Эҳтимол, аввало, сиз генерал де Мервилл ҳақида эшитганмисиз?

– Хайберда ғалаба қозонган де Мервиллни айтяпсизми? Эшитганман.

– Унинг бир қизи бор – Вайолетт де Мервилл. Ёш, бадавлат, гўзал ва ўқимишли қиз. Хуллас, ҳар жиҳатдан ҳавас қилишга арзийдиган қиз. Ана шу латофатли ва ифратли қизни биз ёвузлар чангалидан халос этишимиз керак.

– Демак, у Барон Грюнернинг қармоғига илинибди-да!

– Ҳа, сўз аёллар ва муҳаббат хусусида борар экан, бу жуда мустаҳкам тўр эканини қайд этишга тўғри келади. Бароннинг ўта хушбичимлиги ва аёллар бобида анчайин бесуяк эканини ҳам эшитгандирсиз? У ҳам эркак зотига хос барча мақтовга лойиқ жиҳатларга эга ва бундан усталик билан фойдаланади.

– У мисс Вайолетт де Мервилл сингари зодагон қиз билан қай тариқа танишиб қолган бўлиши мумкин?

– Бу ҳодиса Ўрта ер дengизидаги саёҳат пайтида содир бўлганди. Яхтада ҳар бир йўловчи ўз харжатларини ўзи қоплаши лозим эди. Ташкилотчи бароннинг қандай мақсадни кўзлаганидан хабарсиз эдилар, хабар топишганида эса, кеч бўлганди. У аглаҳ қизнинг ортидан

соядек эргашиб, унинг қалбини забт этишга эришган. Вазият шу даражага бориб етганки, «қиз уни севарди» деган жумланинг ўзи унинг ҳолатини тўлиқ ифодалашга камлик қиласди. Ҳа, у баронни телбаларча севиб қолганди. Йигит ҳақидаги бирор ножоиз гап-сўз унинг қулоғига кирмасди. Уни бу йўлдан қайтариш учун қилинган ҳаракатларнинг барчаси бесамар кетди. Қисқаси, у кейинги ойда баронга турмушга чиқмоқчи бўлиб турибди. Қизнинг вояга етгани ва ўз эркига эга эканини ҳисобга олсак, уни ниятидан қайтариш қанчалик мушкул эканини англаш қийин эмас.

– Қиз Австрияда юз берган ҳодисадан хабардорми?

– Ҳа, бу иблис барон ҳаммасини қизга ўз талқинида етказиб берган ва бу ишларда ўзини мусичадек бегуноҳ қилиб кўрсатган. У ҳозир бутунлай йигит томонга ўтиб олган ва бошқа ҳеч нарсани эшишишни хоҳламайди.

– Э, Худо сиз билмасдан яширишингиз керак бўлган сирни очиб қўйдингиз. Демак, сиз номини сир тутган одам генерал де Мервилл экан-да!

Мехмон стулга қапишиб қолди:

– Мен бунақа эмас, деб сизни алдашим ҳам мумкин эди, Холмс. Де Мервилл ҳозир тамомила чўкиб қолган. У қанчалик жасур ҳарбий бўлмасин, бу ҳолат қаршисида иложсиз

қолган. У шиддатли жанг пайтларида ҳам вазминлик ва совуққонликни күлдан бермаганди. Аммо, бир аблაқ австриялик иблис қаршисида ожиз ва нотавон чолга айланиб ўтирибди. Йўқ, менинг мижозим генералнинг кекса дўсти, холос. У генералнинг қизини болалигидан ўз қизидек кўриб, унга оталик меҳрини бериб келган. У юз беражак фожианинг олдини олишга бутун кучини бахш этмоқчи. Полицияни бу ишга аралаштириш учун бирор бир асос йўқ. Унинг ўзи бу ишни шахсан сиз ўз назоратингиз остига олишингиз лозимлигини айтди. Фақат, боя айтганимдек унинг номи умуман парда ортида қолиши лозим. Жаноб Холмс, илтимос, унинг кимлигини билишга ошиқмасангиз, яхши бўларди. Ҳарқалай, менинг мижозим учун бу ўта муҳим.

Холмс кинояли кулимсиради.

– Унда мен ваъда бераман ва сиз хотиржам бўлишингиз мумкин. Ва сизни ишонтириб айтаманки, бу иш мени бағоят қизиқтириб қўйди ва унга албатта киришаман. Сиз билан қандай боғланишим мумкин?

– Мени Карлтон клубидан топасиз. Ўта зарур пайтларда мени XX-31 телефонидан топишингиз мумкин.

Холмс жилмайганча ён дафтарчасини тиззаси устига қўйиб, рақамни ёзиб олди.

– Айтинг-чи, барон Грюнер ҳозир қаерда яшаяпти?

– Вернон-Ложда, Кингстон яқинида, катта қасрда яшайди. У аллақандай шубҳали хатти-ҳаракатлари орқасидан жуда катта бойлик ортирган, бу эса унинг хавфини янада кучайтиради.

– У ҳозир Лондондами?

– Ҳа.

– Менга айтган гапларингиздан ташқари у ҳақда бирор маълумот биласизми?

– Ҳа, унинг эрмаклари ҳам жуда олимақом. У от пойгаларида иштирок этади. У бир муддат Хэрлингемда поло билан шуғулланган. Аммо, Прага иши бўйича шов-шувлар тарқалавергач, у бир муддат спортни тарк этишга мажбур бўлган. У расмлар ва китоблар тўплайди. Унинг ўта нозик дид соҳиби эканини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Хусусан чиннилар ҳақида жуда кўп нарсаларни билади. Ҳатто Хитой чиннилари ҳақида китоб ҳам ёзган.

– Кўп қиррали истеъодод, – қайд этди Холмс. – Буюк жиноятчиларнинг ҳаммаси шунаقا бўлишади. Менинг эски қадрдоним Чарли Пис ашаддий скрипкачи эди. Уэйнрайт яхшигина рассом бўлган. Яна бошқаларни ҳам айтиб ўтишим мумкин. Хуллас, сэр Жеймс, сиз ўз мижозингизга менинг барон Грюнер ҳақида бош қотира бошлаганимни етказинг. Ҳозирча шу. Менинг ҳам ўзимга яраша ахборот манбаларим бор ва мен бу жумбоқни ечишга зарур бўлган

воситаларни қўлга кирита олиши-  
мизга ишонаман.

Меҳмон кетиши билан у ўз хаёл-  
ларига шу қадар берилиб кетдики,  
ҳатто менинг борлигимни ҳам эси-  
дан чиқарди. Бироқ у дафъатан ўзи-  
га келди.

– Уотсон, сиз нима дейсиз? – сўради у.

– Менимча, қизнинг ўзи билан  
гаплашиб кўрилса ёмон бўлмасди.

– Азизим Уотсон, агар шўрлик  
отаси уни йўлдан қайтара олмаган  
экан, мендек бир бегонанинг қўли-  
дан нима ҳам келиши мумкин? Агар  
бошқа бирор чора тополмасак, сиз  
айтган усулни ҳам қўллаб кўришга  
тўғри келади. Аммо менинг фикрим-  
ча, сиз бошқа иш тутсангиз яхшироқ  
бўларди. Мен ҳозир кўпроқ Шинуэлл  
Жонсонга ачиняпман.

Дарвоқе, мен ҳикояларимда бу  
исмни тилга олишга улгурмагандим.  
Чунки мен ўша пайлар дўстимнинг  
изланишлари ҳақида камроқ ёзар-  
дим. У ўша дамларда Холмснинг  
ишончли ёрдамчисига айланган  
эди. Бахтга қарши Жонсон энг ха-  
тарли жиноятчилардан бири сифа-  
тида ном чиқарган ва у икки муд-  
дат Паркхэрст турмасида «ўтириб»  
чиқишига ҳам улгурган эди. Охирги  
пайларда у Холмснинг ишончли  
ҳамкорига, маслаҳатчисига айланиб  
қолган, Лондондаги жиноий муҳит  
ҳақида дўстимга зарур маълумот-  
ларни етказиб турар, баъзан энг

муҳим ахборотларни Холмс айнан унинг кўмагида қўлга киритарди. Агар у полицияга айғоқчилик қилганида эски танишлари аллақачон уни фош қилишган бўларди, аммо у судда кўриладиган ишларга умуман аралашмас, шу боис, жиноятчилар унинг «чақимчилигидан» бехабар эдилар. У икки карра «ўтириб чиққан» фахрий жиноятчи сифатида бу оламнинг ҳар қандай мажлисидан, хусусан, шаҳардаги тунги клублар ва маишатхоналардан иззатли ўрин топа оларди. Ўткир ақл ва вазиятни холисона баҳолай олиш хусусияти уни кучли агент даражасига олиб чиққанди. Шу боис Холмс ҳам унинг кўмагига катта эҳтиёж сезарди.

Мен сўнгги пайтларда шифокорлик амалиёти билан жуда банд бўлганим учун дўстимнинг қандай иш олиб бораётганидан бехабар эдим. Аммо бир оқшом у мени Симпсон кичик ресторанига таклиф қилди. У ойна олдидаги стулга Стренд бўйлаб оқаётган анҳор мавжларига хаёлчан тикилиб ўтирганча, менга нима ҳодисалар юз берганини айтиб берди:

– Жонсон ўлжа излашга чиқиб кетди, – деди Холмс. – У эҳтимол жиноят оламининг энг қоронфи ва чиркин пучмоқларини тимирскилаб юра турсин, биз сиз билан барон Грюнернинг котибаси изига тушамиз.

– Бироқ қиз ошкор этилган маълумотни тан олишни истамаса-чи?

Сизнинг янги кашфиётингиз қандай бўлмасин унинг фикрини ўзгартиришига ишонасизми?

– Ким билсин, Уотсон? Аёлларнинг қалби ва ақли эркаклар учун очилмаган жумбоқлигича қолмоқда. Аёл баъзида қотилликни ҳам кечиради, баъзан эса, оддий ҳақорат ҳам унинг учун мудҳиш разолат бўлиб туюлади. Барон Грюнер менга айтгандики...

– У сизга айтдими?

– Ҳа, ҳар эҳтимолга қарши мен ўз режаларимни сиздан яширгандим. Менга шуғулланишим керак бўлган одамлар билан бевосита мулоқот қилиш жуда ёқади. Мен улар билан юзма-юз гаплашишни, уларнинг дилидаги гапларни уқиб олишни истайман. Жонсонга топшириқ бериб, ўзим кэбга ўтириб, Кингстонга бордим ва баронни жуда хушнуд кайфиятда учратдим.

– У сизни танидими?

– Табиий, чунки мен унга ўз ташрифномамни тутқазиб келдим. У ўта совуққон ва ғаройиб рақиб бўла олади. Овози худди сизнинг машхур шифокорларингизни кидек, ўта соқин ва вазмин оҳангда гапиаркан, лекин ўзи худди заҳарли илон сингари хавфли шахс. Жиноятчилик унинг қонида бор бўлса керак. Сиртдан қараганда ўта хушмуомаладек кўринади, аммо қалбининг туби худди қабр сингари совуқ ва қоронғи.

Ха, менга Адельберг Грюнер ишини топширишганидан хурсандман.

– Сиз унинг жуда хушнуд кайфијатда эканини айтдингиз?

– У худди сичқонни авраётган мушукка ўхшайди. Айрим кимсаларнинг хушмуомалиги хавфли жиноятчининг хужумидан ҳам хатарлироқ бўлади. У мени қандай қарши олганини кўрсангиз эди. «Ўзим сиз билан эртами-кечми, бари бир учрашсак керак, деб ўйлардим Жаноб Холмс, – деди у. – Менимча, сизни генерал де Мервиллнинг ўзи қизини мендан айнитиш мақсадида ёллаган бўлса керак, тўғри гапиряпманми?»

Мен бош ирғадим.

«Азизим, – деди у, – сиз ўзингизнинг ноёб хислатларингизни беҳуда сафарбар этмоқдасиз. Бу иш сизга ҳеч қандай шухрат келтирмайди. Бу иш самарасиз бўлиш билан бирга хатарли ҳамдир. Мен сизга бу ишдан воз кечишни маслаҳат берардим».

– Қизик, – дедим мен. – Мен ҳам сизга худди шу маслаҳатни бермоқчи бўлиб келувдим. Сизга шуни маълум қиласманки, сизнинг бу таҳдидларингиз мени ўз фикримдан заррача бўлсин қайтара олмайди. Сизга очиқ айтаман: ҳеч ким сизнинг ўтмишингизни титкиламоқчи ва бекорга безовта қилмоқчи эмас. Ўтган ишга салавот деб, қўл силташ ҳам мумкин. Аммо, агар сиз уйланиш фикридан қайтмас экансиз, ўзингиз-

га нисбатан кучли душманлар ортирасиз. Англия сиз учун қизиган товага айланиб қолади, бу аниқ! Шу сизга керакми? Агар ақлли иш тутганингизда қизни ўз ҳолига қўйган бўлардингиз. Агар қиз сизнинг ўтмишингиз ҳақида билиб қолса, сиз қай аҳволга тушасиз, ўйлајпсизми?

Бароннинг мўйлови худди суваракнинг шохидек диккайиб кетди. Кейин хунук кулимсиради.

– Маъзур тутасиз, жаноб Холмс, мен ўзи шунаقا куламан, – деди у.  
– Аммо қўлингизда кўзир бўлмай туриб, ўзингизни карта ўйинида бу қадар хотиржам тутишингиз ғалати. Менимча, ҳамма ҳам бунинг уддасидан чиқа олмайди, сизга тан бераман. Қўлингиздаги ҳамма қарталар майда-чуйдалардан иборат, жаноб Холмс.

– Сиз шундай ўйлайсиз...

– Ўйламайман, биламан. Ижозат берсангиз, ҳаммасини бир бошдан санаб берай. Мен ҳозир шундай эркин ҳолатдаманки, ҳамма қарталаримни очиб ўйнашим мумкин. Сизга шуни маълум қиласанки, мен ўтмишимдаги ҳамма воқеаларни севгилимга ҳикоя қилиб берганман. Шунга қарамай, у бари бир мени севиб қолди. Яна мен унга айрим нохолис ва ғаразли кимсалар таъқибидан ҳам огоҳлантириб қўйганман, – менимча гап сиз ҳақингизда бораётганини англадингиз, – ва бундай ҳолатда қандай иш тутиш кераклигини ҳам тушунтирдим.

Жаноб Холмс, сиз инсонни қандай гипноз қилиш мүмкінлігіні биласизми? Аминманки, сиз яқында бундан түлиқ бохабар бўласиз. Хуллас, у сиз билан учрашишга тайёр. Сиз ҳам унинг ўз отасига қанчалик итоатли эканини кўрасиз, биргина инсонни ҳисобга олмаганда.

Хуллас, Уотсон, ортиқча гапиришга ҳожат қолмаганда, мен совуққонлик билан ўрнимдан туриб, эшик тутқичини ушлаганимда, у ортимдан хитоб қилди:

– Айтганча, жаноб Холмс, сиз француз атташеси Ле Брюн ҳақида эшитганмисиз?

– Ҳа, – дедим мен.

– Унга нима бўлганини биласизми?

– Эшитишмча, у Монмартрда аллақандай безорилар томонидан дўппосланган ва бир умрга ногирон бўлиб қолган.

– Тўппа-тўғри, жаноб Холмс, фақат битта тасодифга эътибор қилинг: ана шу нохушлиқдан олдин у менинг бир ишимга бурун тиқмоқчи эди. Сиз ҳам ҳаддингиздан ошманг, Холмс. Бу яхшиликка олиб келмайди. Яхшиси сиз ўз ишингизни қилинг ва менга халақит берманг. Шунда ютасиз! Омон бўлинг!

– Шунаقا гаплар! Энди сиз ҳаммасидан хабардорсиз.

– Иш анча хавфлига ўхшайди.

– Жудаям. У гарчи мақтанчоқ бўлсаям, гапини ҳавода қолдирадиганлардан эмас.

– Аралашишингиз шартмикан?  
Хўш, шу қизга уйланса нима қипти?

– Мен аввалги хотинининг ўлими-  
дан шубҳаланаман. Буни асло эсдан  
чиқармаслик керак. Бу ёқда мижоз!  
Хуллас, ортга йўл йўқ. Сиз қаҳвангиз-  
ни ичиб бўлгач, мен билан юрсангиз  
яхши бўларди. Анави вайсақи Шину-  
элл уйимга бир олам маълумотлар  
билан қайтган бўлиши керак.

Дарҳақиқат, у вақтида етиб кел-  
ди. Жонсон бадқовоқ, тишлари тўки-  
либ кетган, юзлари қип-қизил одам  
бўлиб, қоп-қора кўзлари унинг ўт-  
кир ақл эгаси эканлигидан хабар бе-  
риб туради. Афтидан, у худди сувга  
шўнғиган балиқдек жиноят дунёси-  
нинг энг чуқур нуқталаригача кезиб  
чиққанди. Унинг ёнида, диванчада  
олифта кийинган, малласоч бир қиз  
ҳам ўтирас, унинг юзларидан гарчи  
ёш бўлса-да, жуда кўп гуноҳ ва алам-  
лар изини кўриш мумкин эди.

– Бу мисс Китти Уинтер бўлади, –  
дея унинг семиз қўлларига имо қил-  
ди. – У ўзи ҳақида гапириб беради.  
Мен сиздан топшириқ олишим би-  
лан, тўғри унинг ёнига югурдим.

– Мени топиш жуда осон, – деди  
аёл. – Лондондан қочиб қаёққа ҳам  
борардим? Свингус Шинуэлл ҳам шу.  
Биз эски қадрдонлармиз, Свингус,  
сен ва мен! Яна бир ҳароми бор, агар  
ҳақиқат бор бўлса, у биздан кўра эрта-  
роқ жаҳаннамда ёниши керак. Бу ўша,  
сиз қизиқаётган одам, жаноб Холмс.

Холмс кулимсиради:

– Тушунишимча, сиз бизга хайри-хоҳсиз, мисс?

– Агар уни гумдон қилишда сизга ёрдамим тегса, бошим осмонга етарди, Холмс, – аёлнинг кўзларида нафрат аланга олди. – Менинг ўтмишимни сўраманг, жаноб Холмс, бунинг ишимизга алоқаси йўқ. Адельберг Грюнер мени шу аҳволга солган. Мен унинг абжафини чиқарсам, бас, – у ҳавога мушт ўқталди. – Эҳ, қанийди мен уни бошқалар учун қазиган чоҳига гумдон қилолсам...

– Сиз гап нимада эканини биласизми?

– Свингус Шинуэлл айтган менга. Анув иблис қандай аҳмоқ қизни ортидан чопиб юрибди, унга уйланмоқчи эмиш. Сиз унга халақит бермоқчимисиз? Аммо ўша қизни бу йўлдан қайтариш учун имкониятим етарли деб ўйлайсизми?

– Менимча, бу қиз ақлини йўқотиб қўйган. У баронни телбаларча севиб қолган. Унга ҳар қанча гап-сўз кор қилмаяпти.

– Қотилликдан хабари борми?

– Ҳа.

– Э худо, жинни экан-ку бу қиз!

– У ҳаммасини ёлғон деб ўйлаяпти.

– Сиз бунинг рост эканини исботлаб бермадингизми?

– Сиз бунда бизга ёрдам бера оласизми?

– Бўлмасам-чи!

– Демак, бир уриниб кўрамиз. Аммо, барон қизга гуноҳларининг катта қисмини айтиб берган ва унинг олдида ўзини оқлашга ҳам улгурган. Шу боис бу ҳақда гапириш фойдасизмикин деб кўрқаман.

– Менимча, у ҳаммасини айтиб бермагандир? – деди мисс Уинтер. – Ҳали шовқини ҳам чиқмаган бир қотиллик қулоғимга чалинганди. У қачондир менга бир одам ҳақида гапира туриб, «ҳа, бир ой ўтмай у ўлди» деганди. У шунчаки мақтанмаган бўлиши керак. Мен ўша пайтлар бунга эътибор бермагандим. Кўряпсизми, ўшанда мен ҳам уни севган эканман. У ҳам худди манави бечора тентак қиз сингари бошимни айлантириб олганди. Аммо, бир нусха менга халал берди. Жин урсин, ўша куни унинг ҳамма кирдикорлари фош бўлганда, уни ташлаб кетаверсам бўларкан, у тилёғламалик билан мени қайтариб қолди. Мен унинг тери муқовали, занжирчали, четлари зарҳал дафтари ҳақида гапирияпман. Чамамда ўша куни у маст бўлган, шу боис, дафтарни менга билмай кўрсатган эди.

– Унда нималар ёзилган эди?

– Айтаяпман-ку, жаноб Холмс, у аёлларни худди капалаклар сингари коллекция қилиш билан шуғуллана-ди ва бу билан мақтаниб юради. Бу дафтарида ҳамма нарса бор. Исмлар, суратлар, тафсилотлар... бу ифлос дафтарни Грюнер «Мен ўлдирган

қалблар» деб номлаган. У айнан шундай мақтанмоқчи бўлган. Менимча, бу дафтар сизга ёрдам бермаса ҳам керак, қолаверса уни тополмайсиз ҳам.

– У қаерда ўзи?

– Мен қаердан биламан? Биз у билан ажрашганимиздан кейин бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ўша пайлар қаерда сақлаганини биламан. Бу хўкиз шу даражада тартиблики... Балки у дафтарни ҳалиям эски бюросида, ички кабинетдаги яширин шкафида сақлар? Сиз унинг уйини биласизми?

– Кабинетида бўлганман, – деди Холмс.

– Бўлганмисиз? Сизнинг ишбилармонлигинги мени ҳайратга соляпти. Яқин орада ҳурматли Адельберг моягидан илинадиган кўринади. У сизни бошқа хонада, Хитой вазалари билан безатилган кабинетида кутиб олган. У ерда деразалар орасида катта шкаф турибди. Ёзув столининг ортида ички ҳужрасининг эшиги жойлашган. Ўша хос хонасида қимматбаҳо буюмлар ва ҳужжатлари сақланади.

– У талончи ўғрилардан қўрқмайдими?

– Адельберг қўрқоқ эмас. Ҳатто энг фирибгар душмани ҳам уни бундай атамаган бўларди. У ўзини қўриқлашга қодир одам. Кечалари сигнализация ишлайди. Қолаверса, ўғри у ердан нимани ҳам опчиқарди чинни идишлардан бўлак?

– Ҳа, оддий-ку бу, – билимдонларча бош ирғади Шинуэлл. – Уни ўғирлаган билан оладиган одамнинг ўзи бўлмаса? Уни на эритиш, на сотишининг иложи бор.

– Рост, – деди Холмс. – Мисс Уинтер, сиз эртага кечки пайт соат бешларга ёнимга кирсангиз, ўша қиз билан учрашиш имкони бор ёки йўқлигини аниқлаб бераман. Сиздан бениҳоя миннатдорман, зотан менинг мижозларим ўртасида бунинг учун катта пул...

– Асло, кераги йўқ, жаноб Холмс, – ўжарлик билан унинг гапини бўлди аёл. – Гап пулдамас. Фақат мен бу ҳаромининг қандай кетини чангаллаб қолишини кўрмоқчиман. Ўзи шунинг учун бу ерга келдим. Эртага сизнинг ёнингизга келаман. Бу пайтда уни қамоқقا илинтириш анча осон бўлади. Свинтус орқали мени осон топа оласиз.

Биз Холмс билан эртаси куни кечки пайт, Стрэнддаги кичик ресторанимизда қўришдик. Унинг қиз билан учрашуви қандай кечганини сўраганимда, елка қисиб қўйди. Кейин эса, у мана бу ҳодисани ҳикоя қилиб берди:

– У билан учрашиш унча қийин кечмади, – деди Холмс. – Қиз отасига ҳаддан ташқари итоаткор, фақат турмушга чиқиши масаласида эмас. Генерал телефон қилиб, ҳаммаси ма-ромида эканини айтди, анави шад-

дод мисс Уинтер ҳам ўз вақтида етиб келди, соат беш яримда келиб, бизни кекса ҳарбийнинг уйига етказиб борди. Унинг қасри Лондондаги энг серҳашам бинолардан бири бўлиб, ҳатто черков биноси ҳам унинг ёнида ўз салобатини йўқотади. Хизматкор бизни кенг, сарғиш пардалар осилган хонага бошлаб кирди. У ерда бизни сарвқомат, ўта кўхлик, худди юксак чўққилардаги қордек оппоқ ва қўл етмас даражадаги соҳибжамол қиз кутиб ўтиради. Хуллас, уни қандай таърифлашга ҳам ҳайронман, Уотсон!.. Эҳтимол, ишни тугатгунимизча уни ўзингиз ҳам кўриб қоларсиз ва менинг ҳақлигимга амин бўласиз. Унинг ҳусни малоҳатида аллақандай самовий, илоҳий қудрат ҳам жо бўлгандек эди. Мен бундай сиймони фақат ўрта аср рассомлари ижодида учратганман. Анави маҳлуқ бу малаксиймо гўзални қандай қилиб чангалига туширганини ҳалигача тушунолмайман. Ўзи қовуннинг яхшисини ит ейди, деб шуни айтишса керак. Ишимиз ўта жиддий эди. Ҳарқалай, у бизнинг ташрифимиз боисидан огоҳ эди. Анави ҳўқиз аллақачон уни бизга қарши қайраб бўлганди. Назаримда, мисс Уинтернинг пайдо бўлиши уни қаттиқ ҳаяжонга солганди, аммо у бизни худди тиланчиларни кутиб олаётган роҳибадек қабул қилди.

«Хуллас, сэр, – деди Вайолетт де Мервилл совуқ оҳангда, – сизнинг номингиз менга таниш. Сизни қаллиғим барон Грюнердан кўнглимни совутиш учун ёллашган. Сизни фақат отамнинг илтимосига кўра, қабул қилдим. Олдиндан айтиб қўяй, сиз нима дейишингиздан қатъи назар, улар мен учун заррача аҳамият касб этмайди».

Унга жуда раҳмим келди. Худди шу лаҳзада унга нисбатан оталик ҳиссими туйдим. Мен одатда ҳис-туйғулардан кўра кўпроқ мантиққа таянаман. Аммо, ўша фурсатда мен имконим доирасида унга энг илиқ сўзларимни айтишга ҳаракат қилдим. Мен уни бу йўлдан қайтариш учун ҳамма гапни айтдим. Бароннинг хотини бўлгач, у дуч келиши мумкин бўлган барча нохушликлардан боҳабар этдим. Унга тегадиган хотин унинг қонли қўлларию хоин лабларига чидаши лозимлигини айтдим. Мен бу ўринда уятни ҳам, қўрқувни ҳам, шиддатни ҳам унутиб қўйдим. Аммо, ҳамма гапларим худди сахро бағрига томган ёмғир томчиларидаи бесамар кетди, унинг юзида бирор бир ўзгариш нишонаси сезилмади. Шунда мен анави аглаҳнинг гипноз қилиш ҳақидаги гапларини эсладим. Қиз ҳали ҳам ҳавойи орзулар қанотида осмону фалақда учеби юрибди, деб ўйлаш мумкин эди. Бироқ унинг ҳар жавоби ўт-кир ва аниқ эди.

«Мен сизни диққат билан эшитдим, жаноб Холмс, – деди у. – Сизнинг гапларингизни юрагимга яқин олмайман. Биламан, қаллиғим Адельбергнинг ҳаёти зиддиятларга тұла, уни күролмайдиганлар, унга туҳмат қиласындар күп!.. Сиз айтиб берган гапларнинг күпини аввал ҳам эшитғанман. Мен сизни пул әвазига ишлайдиган агент деб эшитған бўлсам-да, ким билсин балки сизнинг мақсадларингиз холисдир? Аммо, қулоғингизга қуйиб олинг, мен Адельбергни севаман, у ҳам мени севади, бошқаларнинг гап-сўзи худди анави дераза ортида сайраётган кушларнинг чуғур-чуғури сингари аҳамиятсиздир. Агар унинг эзгуликка лиммо-лим қалби бир лаҳзага ўзгариб қолган бўлса, мен уни ўзгартиришга қодирман. Фақат бир нарсага тушунолмаяпман, бу ёш хоним ким бўлди?».

Мен унинг гапига жавоб қайта-ришга улгуролмадим. Иккита аёл худди икки қутб вакиллари сингари бир-бирига бақамти келди:

«Мен айтаман сизга кимлигими-ни, – мен билан борган қиз, оғзидан тупук сачратиб гапира кетди. – Мен унинг сўнгги маъшуқасиман. Унинг аввал бошини айлантириб, кейин қалбини чилпарчин қилиб, ахлат қутисига ташлаб кетган юзлаб дилхушларидан бириман. Ва аминманки, сизни ҳам шундай қисмат кутмоқда.

Энг ёмони шундаки, сизни ахлат қутиси эмас, айнан қоронғи лаҳад кутаётган бўлиши ҳам мумкин. Агар сиз, аҳмоқ золим, шу таъвияга тегадиган бўлсангиз, ўлимни қаршилашга ҳозир туриңг. Ким билсин сизни қандай ўлим кутаётган экан, аммо у муқаррар. Сиз менга ёқиб қолганингиз учун ҳам бу гапларни айтяпман. Сиз тирик қоласизми, ўласизми, аслида мен учун бир чақалик аҳамияти йўқ. Мен уни кўришга кўзим йўқ, фақат ундан топталган туйғуларим ва ор-номусим учун ўч олмоқчиман, холос. Тарих такрорланади, гўзал хоним, нега менга бундай ёмон қарајпсиз? Чунки, сиз ҳам вақти келиб, мендан баттар аҳволга тушасиз!»

«Бу мавзуда сиз билан гап сотишни умуман истамайман, – деди мисс Мервилл совуққонлик билан. – Бу масалага қайтмаслик учун сизга шуни айтмоқчи эдимки, қаллиғимнинг ўзи ҳаётида рўй берган айrim ҳодисаларни айтиб берган. Ҳа, сизга ўхшаган бетайин хонимларнинг учтаси унинг бошини айлантиrmоқчи бўлишган. Аммо, афсуски, сизлар унинг қалбини забт этолмагансизлар. Сизнинг ҳолатингизни тушуниб турибман ва нима сабабдан ундан ўч олмоқчи эканингиз ҳам менга равшан».

«Бетайин хонимларнинг учтаси? – ҳовлиқиб кетди ҳамроҳим. – Сиз тентаксиз, ҳақиқий тентак!»

«Жаноб Холмс, мен бу бехуда сұхбатни түхтатишиң сүрайман, – деди мезбон ранжиганнамо. – Мен фақат отамнинг гапини икки қилолмаганим туфайли сиз билан учрашишга розилик билдирганман, манави хотиннинг мағзава гапларини эшлиш учун әмас».

Мисс Уинтер она шердек важоқат билан мезбонга ташланди, агар мен ажратиб қолмаганимда, унинг дабдаласини чиқариши аниқ әди. Мен уни судраб опчиқдим ва бир амаллаб кәбігә ўтқаздим. Одамлар ҳаммаси бизга ҳайрат билан тикилиб қолишиганди. Мана шунақа гаплар, Уотсон, бизнинг бу «асл юриш»имиз ҳам ёрдам бермади. Энди бошқача йўл қидиришга тўғри келади. Мен сизнинг ёрдамингизга эҳтиёж сезяпман. Гарчи бу гал юриш улардан эканига мутлақо ишонсам-да, ҳар эҳтимолга қарши сиз ўз ролингизни мукаммал даражада ижро этишингиз керак бўлади, Уотсон!

Худди шундай бўлди ҳам. Зарбани улар беришди... Аниқроғи, айнан барон Грюнернинг ўзи! Чунки, бу ўринда бечора қизнинг ҳам қўли борлигига ишонмайман. Ўша сұхбатдан икки кун ўтиб, «Гранд-отел» меҳмонхонаси ва Чаринг-Кросс вокзали орасидаги газета дўкони олдиди қоп-қора ҳарфларда битилган мақола сарлавҳасига кўзим тушгач, тошдек қотиб қолдим:

## **«ШЕРЛОК ХОЛМСГА ҲАЛОКАТЛИ СУИҚАСД УЮШТИРИЛДИ».**

Анча пайтгача ўзимга келолмай, газетани қўлимда чангллаганча туриб қолдим. Газета сотувчиси нимадир деб бақирганда, хиёл ўзимга келдим. Чамаси у газетанинг пулини сўраётган эди. Фақатгина дорихона ёнига етиб, газетадаги хабар мазмунини идрок этолдим:

*«Чуқур таассуф билан маълум қиламизки, машҳур хусусий изқувар Шерлок Холмс бугун эрталаб ўзига нисбатан уюштирилган суиқасд қурбонига айланди. Айни пайтда у ўлим тўшагида ётибди. Ҳодиса тафсилотлари ҳақида тўлиқ маълумотлар йўқ. Аммо, бу машъум воқеа «Рояль» қаҳвахонаси қаршисида, Риджент-стритда содир бўлгани хабар қилинмоқда. Ҳужум таёқлар билан қуролланган икки номаълум шахс томонидан амалга оширилган, улар берган зарбалар натижасида изқувар жуда оғир жароҳат олган. Шифокорлар унинг тузалишига жуда кам умид билдиришмоқда. Уни аввалига «Чаринг-Кросс»даги шифохонага олиб келишган, аммо ўзининг қатъий илтимосига кўра, уни ўз уйига олиб кетишди. Номаълум босқинчилар изқуварга оғир тан жароҳати етказиб бўлгач, ўзларини «Рояль» қаҳвахонасига уришган ва унинг нариги эшиги орқали параллел қўчага чиқиб*

*қочишиган. Шубҳасиз. Бу ҳам машхур изқувар Шерлок Холмсга унинг азалий рақиблари томонидан етказилган жароҳатлар сирасига киради».*

Олазарак күзларим билан хабарни ўқиб чиқарканман, қандай тезликда кэб тўхтатиб, Бейкер-стритга ҳайдашни буюрганимни ҳам билолмай қолдим. Уйнинг йўллагидан мен таниқли жарроҳ Лесли Уокшотни учратиб қолдим.

– У қадар катта хавф йўқ, – деди у. – Бошида иккита жароҳат изи бор, анча қон йўқотган. Морфий укол қилдим, унга тинчлик керак, аммо қисқа муддатли учрашувларга рухсат этилади.

Унинг розилиги билан оёқ учида нимқоронғи ётоққа кириб бордим. Жабрдийда ҳали ухламаганди. Шу аснода унинг оғзидан ўз исмимни эшитиб сергакландим. Пардаларнинг тўртдан уч қисми туширилган бўлса-да, қуёшнинг олачалпоқ шуъласида унинг бинтга ўраб ташланган боши кўриниб турарди. Оппоқ бинт устида хўл қон доғлари яққол кўзга ташланарди.

Мен унинг яқинида бошимни эгганча ўтириб олдим:

– Ҳаммаси жойида, Уотсон, қўрқманг, – ғўлдиради Холмс заиф овозда. – Ҳаммаси биз ўйлаганимизчалик ёмон эмас.

– Худога шукур, омон қолибсиз!

– Мен ҳарқалай таёқлар жангидагам бир оз тажрибага эгаман. Ўзим-

ни ҳимоя қилишга кучим етади. Аммо, улар икки киши эди, иккинчи-си оёғимдан чалмаганида..

– Мен бунга қараб туролмайман, Холмс, уларни албатта анави итвачча ёллаган. Агар рухсат берсангиз, икковини ҳам абжағини чиқариб келардим.

– Хайрли кечмиш бу, Уотсон! Агар полиция тутиб олмаса, биз ҳеч нарса қилмаймиз. Уларнинг тўсатдан ғойиб бўлиши аввалдан пухта режалаштирилган. Бунга шубҳа йўқ. Шошманг... Менда бир режа бор. Аввало, менинг аҳволим оғирлиги ҳақида гап тарқатиш керак. Улар ахборот олиш учун сизга юзланишади. Сиз уларга менинг узоққа бормаслигимни айтинг! Мия чайқалиши дейсизми, безгакми... хуллас, бирор нима ўйлаб топинг! Ошириб юборищдан чўчиманг!

– Лекин жаноб Лесли Уокшот-чи?

– Ундан хавотир олманг! У ўта оғир ташхис қўяди. Буни ўз зиммамга оламан.

– Яна нима?

– Шинуэлл Жонсонга етказинг, анави қиз яшириниб юрсин! Чунки, шоввозлар унинг ҳам изига тушган бўлиши мумкин. Улар қизнинг менга ёрдам берганини яхши билишади. Улар менга ҳужум қилишга журъят этишдими, демак, қизни ҳам тинч қўйишмайди. Бу жуда шошилинч иш. Бугундан кеч қолмасин.

- Ҳозироқ бораман, яна нима гап?

- Менинг трубкамни түмбочка устига қўйинг... озроқ тамаки ҳам. Ана шундай. Ҳар эрталаб келиб туринг, биз режани пухта ишлаб чиқамиз.

Ўша оқшом мен Жонсон билан гаплашиб, мисс Уинтерни шаҳар четидаги ишончли жойга олиб боришни ва хавф-хатар чекингунга қадар яшириниб юриши лозимлигини тайинладим.

Олти кун ичида ҳамма ёққа Шерлок Холмс ўлим тўшагида ётгани ҳақида хабар тарқалиб кетди. Газеталарда ҳам бир-биридан ваҳимали хабарлар чоп этила бошлади. Мен ҳар куни эрталаб Холмсдан хабар олардим, унинг саломатлиги ёмон эмасди. Унинг қучли организми, қучли иродаси мўъжиза яратганди. У мен ўйлаганимдан ҳам кўра тезроқ оёққа тура бошлади. Назаримда унинг ишлари ҳам жуда аъло кетаётганди, аммо бу ҳақда у менга ҳали оғиз очмаганди. Унинг энг яқин дўстти бўлсам-да, режалари, мақсадлари ҳақида етарлича тушунчага эга эмасдим. Унинг шундай бир ақидаси бор эди – рақиб бир киши бўлгандагина кураш бехатар бўлиши мумкин.

Еттинчи куни унинг яраларидан чоклари олиб ташланди, аммо газеталар сўнгги соатлари ҳақида бонг уришди. Ўша кунги кечки газеталарда чиққан эълонни мен дўстимга ҳар қандай вазиятда етказишим

лозим эди. Унда ёзилишича, жума куни барон Адельберг Грюнер мисс Вайолетт де Мервилл билан бўлиб ўтадиган никоҳ тўйидан аввал зарур ишлари билан «Кунард» компаниясиning «Руритания» кемасида АҚШ-га жўнаб кетмоқда.

Бу хабарни Холмс аллақандай соувуқ, ҳатто ранги рўйи оқариб қабул қилди.

– Жума кунгача атиги уч кун қолди, – деди у ҳаяжонланиб. – У ярамас, ўзини хатардан холи қилиб олмоқчи. Лекин бунга эришолмайди. Энди, Уотсон, сизга бир-икки ишим бор эди.

– Хизматингиз тайёрман, Холмс!

– Унда кейинги 24 соат вақтингизни Хитой чинниларини ўрганишга бағишиланг.

Хеч қандай изоҳ бермади, мен эса, ҳеч нарсани сўраб ўтирумадим. У билан яқин бўлганим сабабли, сукутнинг ўзига яраша ҳикматини тушуниб етганман. Мен у билан хайрлашиб, Бейкер-стрит қўчалари бўйлаб кетиб борарканман, унинг ғалати топшириғини қандай адo этиш ҳақида ўйлаб борардим. Мен Сент-Жеймс сквердаги Лондон кутубхонасида ишлайдиган танишим, кутубхоначи ёрдамчиси Ломакс кўмагида қўлга киритилган ёстиқдек қалин китобларни қўлтиғимга қистириб, уйга қайтдим.

Маълумки, душанба куни судда гувоҳ ва мутахассисларга энг мурак-

каб саволларни берган адвокат шанбага бориб, ҳамма маълумотларни паққос эсидан чиқаради. Демак, мен ҳам ўзимни Хитой чинниси бўйича энг кучли мутахассис қилиб кўрсатишим керак. Кечаю кундуз тинмасдан мен бу китоблардаги зарур маълумотларни ҳижжалаб чиқдим. Шу тариқа мен Хитой чиннисига оид Хунь-У тамғаси, Юн-Ло безаклари, Тан-Ин битиклари, Сун ва Юань даврининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида анчагина етарли маълумот тўпладим. Эртаси куни кечки пайт Холмснинг ёнига борганимда, мен бу борада етарли маълумотга эга бўлгандим. Ҳали газеталар бирор тайинли хабар чоп этмаганди. Холмс bemalol ўрнидан туриб, қалин бинт уралган калласини ликиллатганча, қадрдон креслосига жойлашди.

– Газеталарга ишонадиган бўлсак, сиз ажал оғзида экансиз, – дедим кулиб.

– Ўзим айнан ана шундай таассурот уйғотмоқчи эдим, – деди у. – Сиз тайёрмисиз, Уотсон?

– Қўлдан келганча ҳаракат қилдим.

– Сиз демак, бу мавзуда ҳар қандай мутахассислар билан тортиша оласиз?

– Эҳтимол.

– Анави тош лавҳа устида турган кичкина қутичани узатиб юборасизми?

У қутини очиб, ичидан шарқона ипак матосига уралган аллақандай

буюмни олди. У мовий рангдаги ярқироқ тақсимчани ёдга соларди.

– Эҳтиёт бўлинг, Уотсон! Бу Мин сулоласи даврида ишланган ҳақиқий Хитой чинниси, худди тухум пўчоғидек нафис қилиб ишланган. Ҳали Кристис аукционида бундан-да мўртроқ нарса сотувга қўйилмаган. Бундай сервис-нинг тўла тўплами жуда-жуда қиммат туради. Уни фақат Пекиндаги император қасрида учратиш мумкин. Бунинг битта нусхаси ҳар қандай мутахассисни эсдан оғдириши мумкин.

– Мен уни нима қилишим керак?

Холмс менга бир ташрифнома тутқазди: «Доктор Хилл Бартон, 369, Хаф-Мун-стрит».

– Бугун кечки пайт сизни ана шундай чақиришади, Уотсон! Сиз барон Грюнерни зиёрат қилгани борасиз. Менга унинг турмуш тарзи бир мунча таниш... У етти яримларда уйда бўлиши керак. Сиз унга мактуб йўллаб, ўз ташрифингиздан воқиф этинг, ўзингиз билан Мин даврига оид қимматли идиш намунасини олиб боришингизни маълум қилинг. Сиз балки ўзингизни врач деб танишигарсиз, ҳарқалай бу сиз учун мушқул масала эмас. Сиз коллекционерсиз, бу идиш сизнинг қўлингизга тасодифан тушиб қолган. Сиз бароннинг Хитой чинниларига ишқибоз эканини билиб қолгансиз ва унга ўз маҳсолотингизни таклиф қилиш учун борасиз.

- Қандай нархга?

- Ўринли савол. Албатта, сиз буни - ўз қўлингиздаги чиннининг асл баҳосини билишингиз керак. Акс ҳолда, иш бузилади. Бу идишни менга жаноб Жемс деган киши бериб турди. Унинг дўсти чинни коллекциясиға қизиқади. Сиз бу маҳсулотнинг дунёда тенги йўқ эканини бемалол айтаверишингиз мумкин.

- Сервисни эксперт-мутахассислар томонидан баҳолашни таклиф қилсан, бўлармикин?

- Бу фикрингиз ҳам ажойиб, Уотсон, сизнинг янги қирраларингиз кашф этилмоқда. Сиз bemalol уни Кристи ёки Сотби аукционида нархланган деяверинг. Аниқ нархини айтишнинг ҳожати йўқ.

- Агар у мен билан учрашишни истамаса-чи?

- Бунга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади. У чинни йиғишни жонидан ортиқ кўради. У чинни соҳасида энг қучли билимдон деса ҳам бўлади. Ўтилинг Уотсон, мен сизга мактубни айтиб тураман, сиз ёзиб олинг! Жавобини сўраб ўтирмаймиз. Фақат унда ўз ташрифингиз мақсадини ёзсангиз бўлди.

Бу мактуб ўта қисқа, аммо ўта саводхонлик ва илтифот билан ёзилди. Мактуб тегишли манзилга жўнатилди. Мен ўша оқшом қимматбаҳо чинни буюмни қўлтиқقا қистирганча, доктор Хилтон Бартон сиймосида

ўзимга юкланган шарафли вазифанинг ижросига киришдим.

Қирмизи қаср сэр Жеймснинг барон Грюнер ҳақида айтган барча гапларни тасдиқлаб турарди: У жуда бой одам экан. Узун, илонизи йўлак чиройли ҳайкалчалар билан безатилган катта майдонга олиб чиқарди. Бу қаср жанубий африкалик олтин саноатчиси томонидан қурилган бўлиб, унинг ҳашамати, меъморий ечими ҳар қандай инсонни ҳайратга соларди. Эшик оғаси мени зимдан кўздан кечиргач, барон Грюнер ҳузурига олиб боришни баҳмал либос кийган хизматкорга топширди.

Барон икки дераза ўртасида ўрнатилган, йирик чинни коллекциясининг бир қисми сақланадиган шкаф олдида турарди. Кирганимда у қўлида кичикроқ жигарранг чинни идишни ушлаганча, менга юзланди.

– Ўтилинг доктор, марҳамат! – деди у. Мен ўз хазинамни кўздан кечириб, унга яна бирор нима қўшиш ҳақида ўйлаб кўрдим. – Тан даврига оид мана бу идиш VII асрга мансуб. Балки у сизни қизиқтирап? Менимча, сиз бу қадар нафис ишланган санъат асарини кўрмагандирсиз? Менимча, сизнинг идишингиз Мин даврига мансуб бўлса керак?

Мен қўлимдаги идишни оҳиста очиб, уни баронга узатдим. У столга ўтириб, лампани ўзига яқинроқ

сурди, чунки бу пайтда қоронғи туша бошлаганди. Чироқ нурида мен унинг юзларини аниқ күриш имконига эга бўлдим.

У чиндан ҳам жуда келишган киши экан. У европаликларга хос барча мардона гўзаллик унсурлари ни ўзида мужассам этганди. Унинг бўйи ўртача бўлса-да, гавдасидан куч ва салобат ёғилиб турарди. Унинг юзлари қарийб шарқликларга хос қорамағиз, тим-қора кўзлари эса, ҳар қандай аёлнинг юрагига чўғ сола оларди. Соч ва мўйловлари ҳам қатрондек қоп-қора эди. Юз чизгилари аниқ ва текис, лабларини эса, жиддийлик билан қимтиб олганди. Ҳа, бу қатъий тишланган лаблар унинг эгасидан раҳм-шафқат ва инсоф талаб қиласликка ундарди. Шунга қарамай овози дадил ва ёқимли, ҳаракатлари ярашиқли эди. Кўринишидан унга ўттиз ёшдан кўпроқ бериб бўлмас, аслида у қирқ иккини кўриб қўйганди.

– Ажойиб идиш! Чиндан ҳам ажойиб, – деди у ниҳоят. – Бунаقا идишдан яна олтита бор дедингизми? Қизиқ, мен бундай ажойиб чинни идиш ҳақида эшитмаган эканман. Бундан Англияда фақат бир нусха мавжуд ва у ҳеч кимга ҳеч қачон сотилмаслигини билардим. Бир нарса сўрасам мендан ранжимайсизми, доктор Хилл Бартон? Бу идиш сизнинг қўлингизга қай йўсинда тушиб қолди?

– Нима фарқи бор? – дедим имкон қадар дағал овозда. – Күриб турибсизки, бу асл нусха, нарх масаласида эса, эксперталарга мурожаат қиласиз.

– Жуда қизиқ, – деди у менга шубҳали қараб. – Бунақа қимматбаҳо нарсаларни сотиб олаётганда, у билан боғлиқ ҳар қандай майдада-чуйдани билиш керак. Албатта, у асл нусха. Кўриниб турибди. Лекин мен ҳар қандай эҳтимолни билиб олишим керак... борди-ю, сиз уни сотиш хуқуқига эга бўлмасангиз...

– Сизга ҳеч ким ҳеч қандай эътиroz билдирмайди, бунга кафолат бераман!

– Шу ўринда савол туғилади: сизнинг кафолатингиз баҳоси қанча туради?

– Ҳаммасига менинг банкирларим жавоб беришади.

– Шунақа денг, лекин менга бари бир бу иш жуда ғалати туюляпти.

– Хўш, оласизми ё йўқми, – дедим мен пинагимни бузмай. – Мен фақат сизнинг чиннилар ҳақида етарли билимга эга эканингизни билиб туриб, ёнингизга келувдим, бошқа харидор топиш мен учун муаммо эмас.

– Чиннилар ҳақида билимга эгалигимни қаердан билдингиз?

– Сизнинг Хитой чинниси ҳақидағи китобингиздан хабарим бор.

– Сиз бу китобни ўқиганмисиз?

– Йўқ.

– Азизим, мен бир нарсага ҳамон тушунолмаяпман. Сиз бу соҳанинг билимдони ва коллекционери экансиз. Аммо, қўлингиздаги буюм ҳақида сизга атрофлича маълумот бериши мумкин бўлган бир асарни ҳалигача ўқимаганингиз ажабланарли.

– Мен жуда банд одамман, ўзим шифокорлик фаолияти билан шуғулланаман.

– Бу жавобмас. Агар инсон бир нарсага қизиқса, ҳамиша вақт топа олади. Мактубингизда чинни билимдони эканингизни ёзгансиз.

– Ҳа, билимдонман.

– Сизни синаб кўриш учун бир нечта савол берсам майлими? Сизга шуни айтишим зарурки, доктор, агар сиз ростан ҳам доктор бўлсангиз... Мени бари бир шубҳага қўйяпсиз. Сизга савол: император Шом ҳақида нима биласиз ва у Нар яқинидаги Шосо-Инга қандай алоқадор? Азизим, сизни қийин аҳволга солиб қўйдим-а? Унда шимолий Вэй сулоласи ва унинг чинни саноатига алоқаси ҳақида бирор нима айта оласизми?

Мен сохта ғазаб билан ўрнимдан ирғиб турдим:

– Энди буниси ҳаддан ошиб тушди, сэр, – дедим мен. – Мен ёнингизга ўз хизматимни таклиф этгани келувдим, талаба сингари имтиҳон топширишга эмас. Мен бу борада сиздан кам билимга эгаман деб ўйламайман. Аммо, бу тахлит ҳақоратомуз

тарзда бераётган саволларингизга жавоб беролмайман.

У зимдан менга тикилиб турди. Унинг кўзлари жонланди. Шафқатсиз лабларини тишлаб турди:

– Мақсадингиз нима ўзи? Жосусликми? Сизни Холмс жўнатди, тўғрими? Мени енгишга уринманг! Холмс ўлим тўшагида ва ўз гумаштасини менинг изимдан жўнатган! Аммо, унутманг, менинг уйимга осонликча кирганингиз билан бу ердан осонлик билан чиқиб кета олмайсиз.

У ўрнидан сапчиб турди, унинг хужумга шайланганини кўриб, мен ҳам ҳимояга ҷоғландим. Менимча, у келишимдан шубҳага борган кўринади. Менинг жавобларим эса, унинг шубҳаларини тасдиқлаган. Афтидан, уни алдашнинг уддасидан чиқолмадим. У қутига қўлинини тиқиб анча пайт тимирскиланди. Бирдан қандайдир шовқин турди ва барон жойида тек қотди. Бирдан қичқириб юборди ва қўшни хонага ўзини урди.

Мен икки қадам юриб, эшик олдига бордим ва ўша аснодаги ҳолат менинг қўз олдимда то ҳануз муҳрланиб қолган. Боқقا қараган дераза катта очилиб туради. Ёнимда худди даҳшатли арвоҳга ўхшаб, боши қонли бинтга ўраб ташланган Холмс туради. Зум ўтмай у ўзини деразага урди ва унинг гавдаси пастда ўсган буталар орасида кўринмай кетди. Уй

эгаси даҳшатли ўкирик билан унинг ортидан ташланди.

Кейин-чи? Кейин ҳаммаси кўз очиб юмгунча юз берди. Бир пайт буталар орасидан аёл кишининг қўли чиқиб келди. Шу сонияда бароннинг даҳшатли қичқириғини эшилдим. У икки қўли билан юзларини беркитганча хона бўйлаб югурга бошлади.

– Сув! Худо ҳақи сув беринг, – дея бақиришга тушди барон.

Мен стол устидаги графинни олиб унга ёрдамга югурдим. Шу пайт холлдан бояги эшик оғаси ва бир нечта хизматкор югуриб чиқди. Мен бароннинг юзини чироқ нурига қарата ўғирганимда, хизматкорларнинг бири қўрқувдан думалаб тушгани эсимда. Олтингугурт кислотаси унинг юзларини емириб, чаккаси ва юзларидан ҳар томонга оқиб тушаётганди. Бир кўзи оппоқ оқариб ҳаракатсиз қотган, иккинчиси қонталаш қизариб кетганди. Бир неча дақиқа аввал мени ҳайратга солган чиройидан асар ҳам қолмаган, моҳир рассом чизган бетакрор тасвир худди аллақандай ифлос латта билан чаплаб ташланганга ўхшарди. У чиндан ҳам бадбуруш маҳлуққа айланиб қолганди.

Мен унинг хизматкорларига бир неча сўз билан соҳибларининг юзига кислота сепиб қочишганини тушунтирдим. Уларнинг айримлари ўзини деразадан пастга ташлади. Ташқари-

да ёмғир қүйиб турарди. Жабрдийда эса, тинимсиз айбдорни сўкарди:

– Бу ўша, алвасти Китти Уинтер! – дея бақирди у. – Минг лаънат! Ҳали унга қўрсатиб қўяман. Ҳаммасига жавоб беради! Эй Худо, бу оғриққа қандай чидайман?

Мен унинг юзларига мой суриб, жароҳатларига тампон қўйдим ва томирига морфий юбордим. Унинг менга нисбатан ҳамма шубҳалари тумандек тарқалган, ҳозир унинг учун ягона нажот фариштасига айланган эдим ва ожиз кўзларига ҳам нур бахш этишимни кутгандек қўлларимга маҳкам ёпишиб олганди. Агар мен бароннинг чиндан ҳам шу қисматга лойиқлигини билмаганимда, ҳозир унинг аҳволига ачиниб йиғлаган бўлардим. Мен унинг титроқ қўлларини билагимда ҳис этганимда алланечук бўшашиб кетгандек бўлдим. Хайриятки, шу пайт унинг шахсий шифокори жарроҳ билан бирга ёрдамга келишди. Шу пайт полиция ҳам етиб келди ва унга ўзимнинг ҳақиқий ташриф қоғозими ни тутқаздим. Бошқача йўл тутолмасдим, чунки Скотленд-Ярдда мени Шерлок Холмс сингари яхши танишарди. Кейин мен бу уйни нохуш ва бадбин кайфиятда тарк этдим. Бир соат ўтиб, мен Бейкер-стритда эдим.

Холмс ўзининг қадрдон креслосида ўтирас, ранги бир оз ўчган ва паришон кайфиятда эди. Бояги ҳодиса

уни ҳам қаттиқ ҳаяжонга солган ва дикқат билан менинг воқеа тафсилотлари ҳақидаги ҳисоботимни тингларди.

– Уотсон, ҳар ким экканини ўради, қилмиш-қидирмиш! – деди у.  
– Эртами кечми, у бари бир жавоб бериши керак эди. Гуноҳи қанчалик оғир экани Яратгангагина маълум,  
– қўшиб қўйди у жигарранг муқовали дафтарни қўлига оларкан. – Мисс Уинтер айтган дафтар мана шу. Агар уларнинг никоҳига мана шу дафтар халал бермаса, унда ҳамма ишимиз чиппакка чиқсан бўлади. Лекин шунча меҳнатимиз изсиз кетмас. Бирор бир ўзини хурмат қиладиган аёл бунга тоқат қилолмайди.

– Бу унинг муҳаббат дафтарими?

– Ҳа, ўша ифлос дафтар! Уинтер менга бу ҳақда гапириб берганида, дафтар қўлимизда бўлса қандай кучли қуролга эга бўлишимизни тушуниб етгандим. Мен ўшанда ҳеч нарса демагандим, аёлларни биласиз, оғзи бўш бўлади. Аммо шу фикр мени тарк этмади. Менга қилинган суюқасд аслида бароннинг заарига ишлади. Чунки мен бундан унумли фойдаландим. Мен бир оз кутишим мумкин эди, аммо унинг Америкага кетиши ҳақидаги хабар мени тезроқ ҳаракат қилишга ундади. У ашёвий далилни эҳтиёткорлик билан сақлаши аниқ эди. Кечаси ўғирликка кириш ҳам ортиқча эди. Мен бу ишни

фақат кечки пайт, уни бирор нима билан чалғиб турган пайтдагина амалга оширишим мүмкін эди. Кундалик қаерда сақланишини аниқ билиш керак эди. Менинг вақтим эса, сизнинг чинни ҳақидаги билимларингиз даражасида чекланган эди. Шунинг учун сўнгги дақиқада мисс Уинтерни ўзим билан олишга қарор қилдим. Лекин ўлай агар, у пальтоси орасида олтингугурт кислотасини яшириб олганидан хабарим йўқ эди. У менинг ишим билан шуғулланади десам, ўз ишини битириб кетибди.

– У мени сиз жўнатганингизни билди.

– Мен ҳам шундан қўрққандим. Лекин сиз мен учун керакли миқдордаги вақтни топиб бера олдингиз. Тўғри, бу вақт менинг изсиз йўқолишимга камлик қилди. Лекин муҳими, дафтарни қўлга киритдик.... О, сэр Жеймс, мана ниҳоят сиз етиб келдингиз!

Бизнинг ишончли дўстимиз ўз ваъдасига биноан етиб келганди. У чукур диққат-эътибор билан Холмснинг ҳикоясини эшитди..

– Сиз мўъжиза содир этдингиз. Ҳақиқий мўъжиза, – хитоб қилди у.  
– Агар бароннинг жароҳатлари чиндан оғир бўлса, манави дафтарсиз ҳам уларнинг тўйи бўлмаслиги аниқ.

Холмс бош чайқади.

– Де Мервилл тоифасидаги аёллар бундай йўл тутишмайди. У баронни

айбсиз жабрдийда сифатида янада күчлироқ севиши мумкин. Йўқ, йўқ. Бу ўринда ишнинг жисмоний эмас, маънавий жиҳати кўпроқ аҳамият касб этади. Бу кундалик уни қўқдан ерга туширади. Бошқа ҳеч нарса бундай таъсир қилолмайди. Бу дафтарни у ўз қўли билан ёзган. Қиз бунга бефарқ қарамаса керак.

Сэр Жеймс дафтар ва қимматбаҳо идишни ўзи билан олиб кетди. Мен ҳам шошиб турганим учун у билан бирга тушиб кетдим. Кўчада карета кутиб турарди. У чаққонлик билан каретага минди ва шу заҳоти башанг кийинган қучер отларни чоптириб кетди. Шу чоқ карета ойнасидан ичкари томондаги гербни тўсиб туриши учун пальтосини карета эшигига ёпганини кўриб қолдим. Ҳайратдан менинг бўғзим қуриб қолганди. Мен яна Холмснинг ҳужрасига югурдим.

– Мен мижозимиз ким эканини билдим, – дея янгиликни унга етказдим. – Холмс, ахир бу...

– Ҳа, у содик дўст ва ҳақиқий жентльмен, – деди Холмс қўлини кўтариб. – Биз бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаганимиз маъқул.

Мен фош қилувчи дафтардан қандай фойдаланилганини билмайман. Эҳтимол, сэр Жеймсга у қандайдир фойда бергандир. Ҳарқалай, исталган натижага эришилди. Икки кун ўтиб, газетада мисс Вайолетт де Мервилл ва Адельберг Грюнернинг тўйи

бекор қилинганини ёзишди. Худди шу газетада полиция суди мисс Уинтерни олтингугурт кислотаси ёрдамида баронга оғир тан жароҳати етказгани борасида мажлис ўтказгани маълум қилинганди. Судда айбланувчининг айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлиги қайд этилган. Шерлок Холмс ҳам ўғирлик жиноятида айбланиши мумкин эди. Аммо, жиноятнинг мақсади, буюртмачининг юқори мартабали инсон экани Британия судининг шаҳдини синдира оларди. Хуллас, қадрдон дўстим суднинг қора курсисига ўтирмади.

**ГИЛЬБЕРТ КИТ ЧЕСТЕРТОН**  
**(Буюк Британия)**

## **ЭНГ МУДХИШ ЖИНОЯТ**

Браун отанинг суратлар галереясидаги бефарқ ҳаракатини кузатиб, унинг суратлардан завқ олиш учун келмаганини тусмоллаш мумкин эди. Гарчи у санъатни ғоят қадрласа-да, айни пайтда фикри ёди бошқа ёқда эди. Гап шундаки, Браун ота ҳозир бу ерда саноқли қариндошлидан бири жиянининг таклифига биноан келган ва уни кутиб туради. Унинг исми Элизабет Фейн бўлиб, оддийгина Бетти деб чақиришар, у Браун отанинг олинасаб, аммо камбағаллашиб қолган зодагонга турмушга чиққан синглисининг нуридийдаси эди. Браун қизнинг отаси вафот этганидан сўнг унга наинки тоғалиқ, балки, васийлик ва ҳомийлик ҳам қилиб келар, бир сўз билан айтганда унинг суянган тоғи эди. Унинг нигоҳлари айни дамда суратларга қадалган турли қиёфалар орасида жиянининг қўнғир соchlари ва таниш чеҳрасини топиш илинжида олазарак кезарди. Аммо у ҳар қадамда умрида кўрмаган ва кўришни ҳам истамаган турли-туман башараларга дуч келарди.

У умрида кўрмаган одамлар орасидан фақат кекса испанларники-

га ўхшаб кетадиган чўққисоқолидан ажнабийлиги кўриниб турган, қоп-қора соchlарини худди қалпоқча ўхшатиб қисқартириб олган ҳаракатчан, салобатли, хушбичим бир эркак унинг эътиборини тортди. Кўриш ва танишишни истамаган одамлар орасида эса, ўта мутакаббир, алвон кўйлакдаги, малла соchlари елкасига ёйилган бир хоним бор эди. Унинг қарашлари шу қадар ўткир эдики, кимгадир тикилиб қараса, ўша одам дафъатан ўзини йўқотиб қўйиши муқаррап эди. Унинг ортидан эса, узун соқолли, пакана, юзи япалоқ, кўзлари атрофга мудроқ боқувчи бир одам ҳам эргашиб келар, орқадан қарагандан унинг гардани, бўйни худди буқаникига ўхшаб кетарди.

Браун ота жияни манави алвонранг хонимга ўхшамаслигини эслаб, ич-ичидан севинди. У атрофга олазарак назар солишни давом этти ракан, қўққисдан ўз исмини эшитиб, сергакланди ва яна бир таниш чехра билан тўқнаш келди.

У Гренби исмли юристни бир қарашдаёқ таниди: юристнинг худди упа сепилган парикни эслатувчи оқ оралаган соchlари унинг чаққон, ёшларга хос ҳаракатларига умуман мос эмасди.

– Сизнинг замонавий санъат асарларига иштиёқингиз борлигини билмас эканман, – деди Браун ота жилмайиб, танишига пешвоз юаркан.

– Сиз эса, бу санъатнинг ҳомийси эканингиздан бехабар эканман, – унга тавозе билан қўл узатди Гренби ва энгашиб шивирлади. – Мен бу ерда биттасининг изидан тушиб келдим.

– Овингиз бароридан келсин! – деди руҳоний. – Қарангки, иккови-мизнинг ҳам мақсадимиз бир экан.

– Ўзининг айтишича, қитъага иш билан келган экан, – деди ҳуқуқшунос бир оз ўйланиб. – Мен уни ана шу шубҳали жойда учратишм мумкин. Ҳарқалай, сизга бу сирни ишонсам бўлади. Сиз жаноб Жон Масгрейвни биласизми?

– Йўқ, – жавоб қайтарди руҳоний. – Аммо, у тириклай кўмилганга ўхшаб, қалъасига беркиниб олган бўлса ҳам, унда қандай сир бўлиши мумкинлигини тасаввуримга сиф-диролмайман. Бу қари чол ҳақида жуда кўп афсоналар юради. Гўёки у кўтарма кўприк билан боғланган, панжаралар билан ўралган минорада яшар, ўзи яшаётган ўрта асрлар муҳитидан чиқишдан қатъий бош тортган эмиш. У ҳам сизнинг мижозларингиздан бўлса керак?

– Йўқ, – деди юрист. – Менга унинг ўғли, капитан Масгрейв мурожаат қилди. Гап шундаки, бу ишда чол катта роль ўйнайди, мен эса, у ҳақида ҳеч нарса билмайман. Бу гапларни сизга қаттиқ ишонганим учун айтяпман, худо ҳақи! – овозини паст-

латиб, дўстини бир мунча холироқ бўлган ҳайкалтарошлиқ намунала-ри жойлаштирилган ёндош галерея тарафга олиб ўтди.

– Кичик Масгрейв, – деди у, – биздан Нортамберленддаги отасининг ўлимидан сўнг кучга кирадиган ишончномаси орқали катта миқдорда пул олиш ниятида юрибди. Чол етмишдан ошиб қолган, хуллас, тўридан гўри яқинроқ. Лекин, унинг қачон ўлиши маълум эмас-ку! Агар у жўнаворса, унинг пуллари, кўтарма кўприкли қасри кимга қолади? Бу қаср ўта қадимий, шу билан бирга бебаҳо экани маълум. Аммо, қизифи шундаки, васиятномада қаср ҳақида лом-мим дейилмаган. Хуллас, бу ишнинг моҳиятини англадингиз деб ўйлайман. Фақат чолнинг ўғлига хайрихоҳлиги кишида шубҳа уйғотади.

– Ахир у ўғлига қанчалик хайрихоҳ бўлса, сизга яхши эмасми? – сўра-ди Браун ота.

– Бу борада сизга ёрдам беролмасам керак. Мен шу пайтгача жаноб Жон Масгрейв билан учрашмаганман. Билишимча, жуда оз киши у билан учрашишга муваффақ бўлган. Менимча, фирмангиз номидан ёш жентльменга қарз беришдан аввал чолнинг ўзи билан маслаҳатлашишингиз керак. Ахир у фарзандини бир чақасиз қолдирмаса керак.

– Шубҳам бор, – деди юрист. – У жамиятда ўзига яраша обрў-эъти-

борга эга, мавқеи баланд кишилардан бири, күп вақтини хорижда ўтказади. Бундан ташқари у журналист бўлган.

– Нима ҳам дердик? Ҳарқалай, буни жиноят деб бўлмайди.

– Биласизми, мен нимани назарда тутяпман, – деди юрист. – У наинки журналист, машҳур нотиқ ва актёр ҳам бўлган, хуллас, қилмаган иши йўқ ҳисоби. Ҳа, нима деётувдим... Ие, ана ўзи ҳам келиб қолди.

Шундай дея санжоб галереяда эркин одимлаб юрган юрист бирдан жонланиб, нариги, нисбатан гавжумроқ бўлимга югурди. У яхши кийинган, соchlари антиқа қирқилган, хорижликларни книга ўхшаш соқол қўйган ёш жанобга пешвоз чиқди.

Улар икковлон сұхбатлашиб боришаркан, Браун ота уларнинг ортидан хира кўзлари билан тикилаб қолди. Унинг бу кузатуви жияни Бетти келиб қолгунга қадар давом этди. У таажжуб ичида қолган тоғасини бояги, бўш залга, худди сув ичидаги оролчани эслатувчи тўгарак столи ёнига чорлади.

– Сизда зарур гапим бор, – деди қиз. – Мени сиздан бошқа ҳеч ким тушунмайди, тоға!

– Менга ишончинг учун раҳмат, – деди Браун ота. – Сен онанг менга бир учини чиқарган гапни ҳикоя қилиб бермоқчи эмасмисан? Адашмасам, унаштириш ҳақида гап очмоқчисан?

– Демак, сиз онам мени капитан Масграйвга узатмоқчи эканини биларкансиз-да? – сўради жиян.

– Йўқ, – деди Браун ота бир оз ўйланиб. – Фикримча, капитан Масграйв анчайин машхур ва обрўли одамлардан бири бўлса керак?

– Рост, биз жуда камбағалмиз, – давом этди қиз. – Лекин айтишади-ку, баҳт пулда эмас, аммо баҳтли бўлишнинг ундан яхшироқ йўли йўқ, деб.

– Сен унга эрга тегиши истайсанми? – сўради жиянига чала юмуқ киприклари орасидан боқиб.

У овозини пасайтириб, кўзларини олиб қочди:

– Менимча, хоҳлайман. Тўғрироғи, бу ҳақда ҳозир ўйлаб қолдим. Фақат мен нимагадир жуда кўрқяпман.

– Хўш, гапиравер!

– Мен унинг қандай кулишини эшитиб қолдим.

– Кулги мулоқотни осонлаштиради, – деди Браун ота.

– Сиз тушунмадингиз, – деди қиз. – Менимча, осонлаштирмайди. У кулган пайтда ҳеч ким билан мулоқот қилмаётганди, – бир оз жим қолиб, изоҳ берди. – Мен бу ерга анча эрта келгандим, у эса, галерея марказида, манави сурат осилган жойда турарди. У ўзидан бошқа яна кимдир борлигини пайқамади ҳам. Кутилмаганда, қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади.

– Бу табиий ҳол, – деди қария.  
– Мен санъатшунос эмасман, аммо ростини айтганда, бу беўхшов суратлар ҳар қандай одамнинг кулгисини қистайди.

– Сиз бари бир тушунмадингиз, – деди қиз бир оз қизишиб. – Бу умуман бошқа нарса. У суратларга қарамади ҳам. У шифтга, аллақандай бўшлиқقا тикилгандек тикилиб, қаҳ-қаҳа отди. Унинг кулгисидан худди қоним музлаб кетгандек бўлди.

Руҳоний хона бўйлаб қўлларини орқасига қилганча кезина бошлади:

– Ҳамма нарсадан муаммо ясайвермаслик керак, – деди у. – Эркаклар икки турга бўлинади. Лекин биз бу мавзуни кейинроққа сурамиз. Мана, бизнинг ўзига хос қаҳрамонимиз ҳам келиб қолди.

Хонага шаҳдам қадамлар билан капитан Масгрейв, унинг ортидан эса, Гренби кириб келишди.

– Мен боя сизга капитан ҳақида айтган барча гапларим учун узр сўрайман, – деди юрист эшикка яқин юраркан. – У мени жуда теран ва тўғри тушунди. Мен ундан сўрашга ҳали оғиз очмай туриб, ўзи мендан нима учун шимолга, отасидан хабар олишга бормаётганимни суриштириб қолди. У мерос билан боғлиқ масала қай аҳволда эканини унинг ўзи гапириб берди. Ахир бундан кўра очиқроқ гапириш мумкинми? Унинг ўзи мени отасининг қароргоҳига

олиб боришини айтди. Мен ҳам унинг таклифини қабул қилдим. Эртага ўша ёққа борадиган бўлиб турибмиз.

Улар сухбатлашиб туришганида, Бетти билан капитан қўлтиқлашиб, эшикдан чиқиб, тўғридаги зал бўйлаб кета бошлашди. Бир қарашда эшик чорчўпи ичидан уларнинг гавдаси худди бетимсол рассом томонидан чизилган санъат асарини ёдга соларди. Улар айни пайтда бир-бираiga ўта мос бўлиб кўринардилар. Хукуқшунос ва руҳоний то уларнинг тасвири чорчўп ичидан ғойиб бўлгунга қадар, кўз узмай туришди.

Капитан Масгрейв қўшни галередаги суратларни томоша қиларкан, унинг табассумга мойил, улуғвор нигоҳлари нимагадир қоқилиб, бирдан чехраси ўзгарди. Браун ота эса, бу пайтда яна ўша алвон либосли, малласоч хонимга дуч келди. Унинг ва жоҳати худди ўлжасига ташланмоқчи бўлган арслонни эслатар, ёнида юрган бояги серсоқол одам аёлнинг соясида қолиб кетгандек эди.

Масгрейв худди юришга ўргатилган чиройли мум қўғирчоқдек нозик қадамлар билан галерея марказига етиб келди. У ҳалиги аёлга ниманидир шивирлади. У жавоб қайтармади. Кейин улар икковлашиб, узун зал бўйлаб кета бошлашди. Бояги калтабақай соқолтой эса, уларнинг ортидан юришни ҳам, юрмасликни ҳам билмай, бир жойда қотиб қолди.

– Ё парвардигор, – ўзича ғудранди Браун ота. – Бу аёл яна ким бўлди экан?

– Яхшиям, менинг танишим эмас, – унга илова қилди Гренби. – Унинг енгилгина ишваси ҳам худди Азро-йилнинг нағмасига ўхшайди-я.

– Менимча, улар ишвали гапларни гапиришмаяпти, – деди Браун ота улардан кўз узмай.

Баҳсга сабаб бўлган икковлон галеренинг охиригача гаплашиб бориши ва ажралиши. Капитан Масгрейв Браун ота тарафга одимлади:

– Ана шунаقا гаплар, – деди негадир у бир оз ясама товушда, кейин эса, юристга юзланди. – Жаноб Гренби жуда ноқулай бўлса-да, айтишга мажбурман. Мен эртага сиз билан қасрга бора олмайдиганга ўхшайман. Ҳар қандай вазиятда машинам сизнинг хизматингизда бўлади. Сиз уни bemalol олишингиз мумкин. Менга асло кераги йўқ.

– Дўстим, руҳоний Браун ота... – юрист дафъатан гапидан тўхтаб қолди.

– Агар капитан Масгрейв илтифот кўрсатсалар, – деди Браун ота жиддият билан, – камина мамнунийт билан қасрга борган бўлардим. Мени жаноб Гренбининг иш тартиби ғоят қизиқтиради.

Хуллас, орадан бир кун ўтиб, хуббичим ҳайдовчи шимолга Йоркшири сайҳонлиги томон руҳоний Браун ота ва унинг серҳаракат дўсти Гренби ўтирган ҳашаматли машинасини

елдириб борарди. Улар Уэст Райдингдаги бепоён водийлардан бирида, шинам меҳмонхонада тўхтаб, нафас ростлашди, бир оқшом шу ерда тунаб, эртасига яна йўлга тушиди. Ниҳоят қадимий Нортамберленд соҳилларидағи ям-яшил ўтлоқлар бағрида қад ростлаган, урушлар ва қирғинларнинг сирли гувоҳи бўлиб келаётган қаср қўзга ташланди. Бу қадимий қалъа норманлар томонидан қурилган бўлиб, унинг минораларидан соқчилар мағрибу машриқни кузатиб туришган. Чиндан ҳам қалъа айланма ҳандак, панжаралар ва кўтарма кўприклар билан иҳота қилинган эди.

Ниҳоят, меҳмонлар майсаларни босиб, қалъани камардек ўраб олган, лой ва чирик барглар билан тўла ҳандак қирғоғига етиб келишди. Бир-икки ярд нарида эса, яна бир ям-яшил қирғоқ ястаниб ётарди. Афтидан, бу баҳайбат қасрни камдан-кам одам зиёрат қиласди: шошқалоқ Гренби панжара ортидан аллатовур шарпаларга ҳайқирганча салом бериб, ҳандак устидаги кўтарма кўприқдан ўтишга чоғланди. Аввал кўприқдан худди оғма минорага ўхшаб, туша бошлади, кейин эса, бир нуқтада қотиб қолди:

– Бир жойда депсиниб туролмайман. Яххиси сакраб қўя қоламан.

У бир сакраб, нариги қирғоққа ўтиб олди. Бироқ Браун отанинг

калта оёқлари сакрашга мўлжалланмаган эди. Айни пайтда ифлос сув ичига шалоплаб тушди. Фақатгина ҳамроҳининг ёрдами билан бир амаллаб яшил қирғоққа чиқиб олган руҳоний ўт босган қоятошнинг аллақайси нуқтасига қизиқиш билан қадалиб қолди.

– Энди ботаника билан шуғулланмоқчимисиз? – деди Гренби бир озғаши келиб. – Қадимги ўсимликларни ўрганишнинг бизга нима кераги бор? Сув ости дунёсини ўрганганингиз ҳам етади. Кетдик. Ҳар қандай кўринишда бўлса ҳам, баронетнинг олдига боришимиз керак.

Улар қасрга киришганида, қари хизматкор тавозе билан қарши олди. Бу бўшлиқда ундан бошқа бирор тирик жон йўқ эди. Улар ташриф мақсадини тушунтиришгач, хизматкор қўноқларни ёғоч қопламали узун хонага олиб кирди. Турли даврларга мансуб қуроллар деворга бир текисда осиб чиқилган, катта ўчоқ ёнида эса, қадимий совут ва дубулғалар, худди соқчилардек савлаб тўкиб туради. Тўғрида эшиги очилиб турган ёндош узун хонада шажаравий портретлар кўриниб туради.

– Қасрга эмас, тарихий романга тушиб қолганга ўхшайман, – деди юрист. – Кимдир чиндан ҳам «Удольф сири» руҳини ўзида сақлаб келаётгани хаёлимга ҳам келмаганди.

– Ҳа, қари жентльмен тарихга жуда қизиқадиган чиқиб қолди, – деди руҳоний. – Бу нарсалар ясама эмас. Бу ердаги нарсаларни кўрган инсон ўрта аср одамларининг ҳаммаси бир пайтда яшаб ўтган деб ўйлайди. Манави совутлар ҳам турли қисмлардан ташкил топган. Қаранг, булар турнирларда кийиладиган совутлар, улар анча кейинроқ ишланган.

– Уй соҳиби ҳам кечикяпти, – деди Гренби. – Яна қанча кутиш мумкин?

– Ҳа, бундай жойларда ҳамма нарса жуда секин юз беради, – деди Браун ота. – Ўйлашимча, у бизни яхши қабул қиласди. Ахир иккита мутлақо нотаниш одам уни саволга тутиш учун келишган.

Мана, уй соҳиби ҳам келиб қолди. Ҳарқалай, унинг меҳмоннавозлигидан нолиб бўлмасди. Меҳмонларнинг назарида у ана шундай танҳолик ва узлат ичидаги ҳам тавозе ва самимиятни унутмагандек тасаввур қолдирди.

Баронетнинг юзида ҳеч қандай таажжуб ёхуд ҳайрат аломати кўринмасди. Гарчи икки меҳмон бу қасрга яқин тўрт аср ичидаги меҳмон қадам босмаган бўлса керак, деган хаёлга борган бўлишса-да, мезбон ҳозиргина икки герцогинянинг қабулидан чиққандек кўринарди. Меҳмонлар ўта муҳим иш билан келишганини маълум қилишганида ҳам, унинг юзида бирор ўзгариш сезилмади.

Мезбон қотмадан келган, қорақош, кекса жентльмен эди. Унинг бошидаги жингалак, оқ соchlар парик эканини бир қараашда сезиш мумкин эди.

– Жаноблар сизни қизиқтираётган саволнинг жавоби жуда оддий, – деди у. – Мен ўз мулкимнинг ҳаммасини ўғлимга мерос қолдириш нијатидаман. Отам ҳам менга қолдирган ва мен ҳеч қачон, тушуняпсизми, ҳеч қачон бошқача йўл тутишим мумкин эмас.

– Бу маълумот учун сиздан чексиз миннатдормиз, – такаллуф кўрсатди юрист. – Бироқ, сизнинг илтифотингиз каминага бир нарсани сўрашда журъат бахш этаётир: сиз ҳамма нарсани қора рангда қўраркансиз. Ўғлингиз бирор ножӯя иш қилгани учун унга жуда кам мерос қолдиряпсиз, деб ўйламайман. Бироқ, унинг ҳақи...

– Албатта ҳақи бор, – деди сэр Жон Масгрейв. – Агар мумкин бўлса, мен билан қўшни хонага ўтсангиз.

У меҳмонларни қия очиқ турган эшик ортидаги галереяга олиб ўтди. Кейин эса, ранги ўчиб, униқиб қолган портретлар қархисида тунд қиёфада туриб қолди.

– Бу сэр Рожер Масгрейв, – деди у чўзиқ юзли, қора парик кийган одамнинг расмини кўрсатиб. – У Вильгельм Оранский замонасида энг пасткаш аглаҳлардан бири бўл-

ган. Мана унинг отаси, Роберт, у ҳалоллик ва покликнинг ҳақиқий тимсоли. Унинг ўғли Жеймс ҳам олижаноблиги, хайрихоҳлиги билан ном чиқарган. У черков ва камбағаллар учун катта миқдорда эҳсонлар қилиб турган. Энди тушундингизми, ушбу қаср, Масгрейвлар уйи отадан ўғилга, бободан набирага, наслдан-наслга ўтиб келган. Эдуард I Англияни аъло даражада бошқарган, Эдуард III эса, бу мамлакатни шон-шарафга буркаганини эсланг. Ахир улар ўртасидаги ҳалқа, ўзининг калтафаҳмлиги ва ишратпараслиги билан ном чиқарган, юртни танг аҳволга олиб келган Эдуард II боғлаб турган-ку! Ишонинг менга, Смистре Гренби, машҳур хонадоннинг буюклиги, ҳатто тарихнинг буюклиги мутлақо тасодифий одамларга боғлиқ бўлиши мумкин. Менинг ўғлимга бемалол ишонишингиз мумкин. Ахир мен бу қасрни дайди мушукларга васият қилиб қолдиролмайман-ку! Масгрейвлар мулкига фақат шу сулола вакили ворислик қила олади.

– Ҳа, – жавоб қайтарди Браун. – Сиз нималарни назарда тутаётганингизни тушунаман.

– Биз бу юксак ишончингизни ўғлингизга етказишдан ғоят мамнун бўлардик, – деди ҳуқуқшунос.

– Ҳа, бунга ишончим комил, – деди мезбон. – У хавотир олмасин, қаср ҳам, ер ҳам, унвон ҳам, пул ҳам

– ҳаммаси унга қолади. Фақат битта кичкина қўшимча киритишим мумкин. То тирик эканман, у билан бир оғиз ҳам гаплашмайман.

Шу пайтга қадар мезбонга эҳтиром билан боқиб турган юристнинг юзларида таажжуб аксланди:

– Нега энди? У сизга нима ёмонлик қилди?

– Мен ўта камёб одамларданман, – деди Масгрейв. – Худди катта мерос соқчисига ўхшайман. Аммо, ўғлим шундай бир иш қилдики, уни наинки жентльмен, балки инсон дейишга ҳам тилим бормайди. Бу – ер юзидағи энг мудҳиш жиноят. Эслайсизми, Дуглас, унинг меҳмони, Мармион унинг қўлини сиқмоқчи бўлганида нима деганини?

– Ҳа, – деди Браун ота.

*Тожимни бераман, майли,  
Бутун қасрим сизники бўлсин,  
Ертўлаю, деворигача...  
Фақат, қўлим ўзимда қолсин!*

Баронет ҳайратдан оғзи ланг очилган меҳмонларни бошқа хонага бошлаб кирди:

– Сиз бу ерда озроқ ҳордиқ чиқа-расизлар деган умиддаман. Мен сизни ўз қасримда меҳмон қилиш шарафига ноил бўлганимдан бениҳоя баҳтиёрман.

– Миннатдормиз, сэр Жон, – рухоний мудроқ оҳангда. – Балки, бизга рухсат берарсиз?

– Начора, – елка қисди Масгрейв. – Мен ҳозир күприкни туширишга буйруқ бераман. Бир неча дақиқа ўтиб, күприкни шовқин солиб, пастлаши бутун қасрни ларзага келтирди. Күп ўтмай, меҳмонлар ўзларини ҳандақнинг нариги соҳилида қўришди.

Совуқдан бирданига Гренби безгак тутгандек қалтирашга тушди.

– Унинг ўғли қандай номақбул иш қилди экан? – деди тишлари тарақлаб.

Браун ота жавоб бермади. Улар бир кун аввал тўхтаб ўтган «Етти юлдуз» қовоқхонаси жойлашган Кулранг тошлар қишлоғида тўхташди. Ҳуқуқшунос шеригида йўлни давом эттиришга рағбат йўқлигини пайқади. У қасрдан унча узоқ бўлмаган жойда тунаб қолишни ихтиёр этганди.

– Мен буни шу аҳволда ташлаб кетолмайман, – деди руҳоний. – Мен сизга автомашинани қайта жўнатаман ва сиз у билан кетаверасиз. Сиз ўзингизга керакли жавобни олдингиз. Фирмангиз bemalol ёш Масгрейвга қарз бериши мумкин. Мен эса, ҳали ўз саволимга жавоб олганимча йўқ. Мен унинг жияним Беттига қанчалик мос қаллиқ экани ҳақида етарли тасаввурга эга бўлганимча йўқ. Мен чиндан ҳам унинг шу қадар мудҳиш жиноятга қўл урган-урмагани ҳақида билишим керак.

– Агар бу ҳақда билмоқчи бўлсангиз, унинг ўзидан сўраб кўрсангиз

хам бўлади-ку! – ҳайратланди юрист.  
– Нима, бу ерда сиз уни учрата оламан деб ўйлайсизми?

– Унинг ортидан қандай гап-сўзлар юргани билан қизиқяпман, – деди қария. – Ахир биз у олифтанинг ёнига бориб: «Кечирасиз, сиз дунёдаги энг оғир жиноятга қўл урибсиз, шуростми?», деб сўрай олмаймиз-ку! Ахир бундай қабоҳатга қодир одам уни инкор этолмайдими? Биз бу жиноят нимадан иборат эканини ҳам билмаймиз. Йўқ, буни биладиган ва тентагона такаббурлиги туфайли айта оладиган одам бор. Шунинг учун мен унга яқин ерда жойлашмоқчиман.

Хуллас, Браун ота ўша тентак баронетнинг яқинидан жой олди. Қаср соҳиби билан бир неча бор учрашди ҳам. Баронет кексалигига қарамай, жуда чаққон эди. Уни графлик худудидаги қишлоқлар ва далаларда кўп бора учратишган. Қовоқхонада жойлашганидан бир кун ўтиб, Браун ота бозор майдончасига олиб борувчи тош йўлакдан кетиб бораркан, почта тарафга катта қадамлар билан одимлаб кетаётган қора шарпага кўзи тушди. Баронет ўта сиполик билан бош-оёқ қора кийинган, унинг виқорли юzlари қуёш тифида янада салобатлироқ кўринарди. Кумушранг соchlари, қалин қошлари, узун ияги Генри Ирвинг ёки бирор бошқа актёрникига ўхшаб кетарди.

Сочлари оқарганига қарамай, унинг гавдасидан куч ёғилиб турар, ҳассани ҳам зарурат туфайли эмас, эрмак мақсадида қўлида ўйнатиб юргандек туюларди. Унинг ўзи руҳонийга қўл силкиди. Гаплашиш асносида худди кечагидек, сухбат моҳиятини очишга у қадар шошилмади.

– Ҳалиям менинг ўлимим билан қизиқаётган бўлсангиз, – деди аллақандай совуқ ва ҳиссиз оҳангда, – энди уни тута олмайсиз, деб қўрқаман. У яқиндагина мамлакатни тарк этди. Янаям аникроқ айтганда, у қочиб кетди.

– Ростданми? – сўради руҳоний қошларини ҳайрат билан кериб.

– Қандайдир Грунова деган фамилияли одамлар ёнимга келганди, қани улар? – сўради Жон. – Мен унинг номига телеграмма жўнатдим. Унда менга бирор гап ёзсангиз, Ригага, талаб қилинганга қадар деб ёзинг, деганман. Аммо, ҳозир бир тушунмовчилик келиб чиқяпти. Кеча мен почтага боргандим, беш дақиқа кечикибман. Сиз бу ерда ҳали анча пайт бўласизми? Балки, сиз яна бир ёнимга ўтарсиз?

Руҳоний бу сухбатни юристга сўзма-сўз етказганида, у ажабланиб елка қисди:

– Нега капитан қочиб кетдийкин? Уни қидираётган одамлар ким бўлса? Грунова деганлари ким бўлди?

– Биринчи саволингизга жавоб бериш имумкин, – деди руҳоний, –

балки бирор айби фош бўлиб қолган бўлиши мумкин. Балки унга нисбатан товламачилик қилишаётгандир? Кейинги саволингизнинг ҳам жавоби оддий. Грунова кечаги малла сочли, алвон кийимли аёл, ёнидаги пакана унинг эри бўлиши керак.

Эртаси куни Браун хонага барвақт кирди-да, ҳассасини ирғитган зиёратчилик, соябонини бир четга улоқтирди. У қўпгина изланишлардаги сингари анча ҳорғин қўринарди. Аммо, бу галги чарчоқ бесамар кетмаганди.

– Нақадар мудҳиш ҳодиса, – деди у лоқайд овозда. – Буни дарров тополмаганимни қаранг! Мен у ерда турган нарсани қўришим билан ҳаммасини англаб етишим керак эди.

– Сиз нимани кўргандингиз? – сўради Гренби шошқалоқлик билан.

– Мен атиги битта совутни кўргандим, – жавоб қайтарди Браун ота.

Жимлик чўқди. Юрист кекса дўстига ҳайрат билан термилиб турарди.

– Мен кеча жиянимга айтмоқчи бўлган битта гапим чала қолганди. Икки хил эркак ёлғиз қолганида қаҳ-қаҳ отиб кулиши мумкин: биринчиси жуда катта омадсизликка учраганида, иккинчиси жуда катта муваффақиятга эришганида. Яъни инсон ё Яратган билан, ё Иблис билан ҳазиллашиши мумкин. Нима бўлганда ҳам ҳар иккисининг ички эҳтиёжи мажбур этади бунга. Бу

одам, менинг назаримда айнан Шайтон билан ҳазиллашган. Кимдир унинг кулгисини эшитиши ё эшитмаслиги унинг учун бари бир бўлган.

– Сиз нимани назарда тутяпсиз, ўзи? – сўради Гренби. – Аникрофи кимни? Улардан қай бирини? Ибليس алайҳиллаъна билан ҳазиллашишга ким журъат этибди? Қанақа ҳазил?

Браун унга қараб синиқ кулимсиради.

– Э, ҳазилдақа ҳазил-да!

Бу гал янада оғирроқ ва узокроқ сукунат чўкди. Бу жимликни тирсангини столга тираб ўтирган руҳоний паст овозда бузди:

– Мен Масгрейвлар шажараси билан қизиқдим. Улар жуда қадимий сулола экан. Бу ёғини эшитиш учун сиз яхшигина суюнчи чиқаришингиз керак!

– Мен-ку, бунга тайёрман. Ахир бундай давом этавериши мумкинмас. Чол саксонда бўлса ҳам диркиллади. Бу ерда, меҳмонхонадагилар «у ҳеч қачон ўлмайди» деб ҳазиллашишади.

Браун ота яшин ургандек сапчиб турди, аммо қўлини столдан олмади.

– Мана, – деди у паст, аммо, қувноқ овозда. – Ҳамма гап ана шунда! У қачон, қандай ўлиши мумкин?

– Худо ҳақи, нималар деяпсиз? – сўради Гренби.

– Жеймс Масгрейв содир этган жиноят ҳақида гапиряпман. Мен буни биламан.

- Қанақа жиноят? - сўради Гренби қизиқиши ошиб.

- Дунёдаги энг мудҳиш жиноят, - жавоб берди Браун ота. - Ҳар қандай вазиятда ҳам барча замон ва маконларда буни бошқача аташ мумкин эмас. Қадим замонларда, ибтидоий қабилалар ҳам бундай жиноятни содир этганларни шафқатсизларча жазолашган. Хуллас, мен Масграйв қандай ва нима учун жиноят содир этганини билиб олдим.

- Хўш, у нима қипти?

- Отасини ўлдирган, ярамас!

Юрист ўтирган столидан сапчиб турди:

- Унинг отаси қасрда-ку!

- Унинг отаси ҳандақда! - деди руҳоний. - Анави совутлар кўзимга ёмон кўрингандәёқ, буни билишим керак эди мен аҳмоқ! Ўша хонанинг кўриниши эсингиздами? Ўта дид билан тартиб берилган ва жиҳозланган эди. Бир-бирига чоғиширилган икки ҳарбий ойболта каминнинг бир тарафида, яна иккитаси бошқа тарафида жойлаширилган эди. Битта деворда айланда шотланд қалқони, иккинчи деворда эса, худди шу ҳажмдаги яна бир қалқон илинган эди. Уйнинг бир тарафини рицарь совути кўриқлаб турагар, иккинчи тарафи бўш эди. Тасаввур қилинг: хонанинг ҳамма ёғини симметрик тарзда жиҳозлаган юксак дидли инсон наҳотки шу ерга келганда, бу

тартибни унуган бўлса? Ахир у ерда яна бир совут бор эди.

У бир оз жим қолди, сўнг хотиржам ва қуруқ оҳангда давом этди.

– Қанчалик чуқур ўйласам, бу режанинг шу қадар мукаммаллигига амин бўляпман. Қотилни ҳар доим битта масала ўйлантириб келган: мурдани нима қилиш керак? У эса, бу масалани ечган. Жасад бу совутнинг ичида хизматкорлар кириб-чиқиб турган бир неча соат давомида, ҳатто кунлаб туриши мумкин. Тоинки, уни бу ердан уни бирор матога ўраб, ташқарига олиб чиқиш учун қулай фурсат келгунга қадар. Шунда ҳаммаси осон битади. Жасад сувга чўктириб юборилса, қачондир бу совут ичида фақат бир даста суюк қолади холос. Қачондир эски қаср атрофидаги ҳандақдан ўрта асрларга хос совут ва скелет топилса, буни одатий ҳол сифатида қабул қилишади. Бирор ҳандақ ичини титкилаб юрмаслиги ҳам аниқ эди. Мен буни ўзим тахмин қилдим. Мен ҳандақнинг лабида тимирскиланиб қолганимда, сиз мени аллақандай изларни қидиришда айбладингиз. Бунда сиз ҳақ эдингиз. Мен қирғоқдаги чуқур изларни кўриб, бу изларнинг эгаси ё жуда оғир, ё оғир юк кўтарган бўлиши кераклигини англадим. Ҳа, дарвоҷе, бу кичкина ҳодисага яна бир хулоса ясадим. Менинг қандай сакраганим эсингиздами?

– Бошим ачиб кетди, – деди Гренби. – Аммо, қалаванинг учини топгандекман. Хўп, сиз сакрадингиз ҳам дейлиқ, кейин-чи?

– Бугун почтада эсимга тушди, – деди Браун ота. – Баронетга ишонадиган бўлсак, у биз қасрга борган пайтимиизда ўша ерда бўлган. Бу нима дегани биласизми? Биз борганимизда у қасрда бўлмаган, кейинроқ етиб келган. Биз нима учун бунчалик узоқ кутганимизни биласизми? Мен ҳаммасини кўришим билан англаб етдим.

– Хўш, нимани англаб етдингиз?

– Саксон яшар чол юриши, дала-ларни сайр қилиши мумкин, – деди Браун ота. – Аммо, бу ёшда одам сакрай олмайди. Менинг қандай сакраганимни эсланг, бундан беш баттар қийин бўлади саксон ёшда. Агар баронет қайтган бўлса, у бизга ўхшаб ҳандақни ҳатлаб ўтган бўлиши керак. Кўприкни қайтиб пастга туширишмади. Кейинги тахминларимга қўра, бошқалар келмаслиги учун унинг ўзи кўприкни кўтариб қўйган. Ахир уни жуда тез тузатишган. Лекин гап бунда эмас. Аммо, мен оппоқ соchlари ўзига ярашмай турган бу навқирон одамни кўриб, ҳаммасини тушундим. Бор гап шу!

– Сизнингча, бу йигит ўз отасининг қиёфасига кириб олганми? – сўради овозини пасайтириб юрист.

– Отасининг жасадини аввал уйга,

кейин ҳандаққа тиқиб яширган, демоқчимисиз?

– Бахтига у отасига жудаям ўхшарди, – деди руҳоний. – Сиз портретларга қараб бу сулола вакиллари қанчалик бир-бирига ўхашалигини пайқагандирсиз? Мана, унинг ташқи қиёфаси ўзгарганини ўзингиз айтдингиз. Қайсиdir маънода ҳар қандай кийим маскарад бўла олади. Чол асл қиёфасини парик остида бекитса, ёш йигит ажнабий соқол билан ёпади. У соқол қўйиб, бошига парик кийган. Бир оз гримдан сўнг, худди отасининг ўзи бўлади-қолади. Менимча, у бизга машинада келишимизни шу қадар илтифот билан таклиф этганининг боисини тушунган бўлсангиз керак. Унинг ўзи кечаси поездда келган. У биздан ўзиб кетган, келиб жиноят содир этган ва мунозараларга тайёр турган.

– Музокарага денг, – деди Гренби ўйланиб. – Сизнингча баронетнинг ўзи бўлганида, биз билан бошқача гаплашармиди?

– У сизга капитан бир чақа ҳам ололмаслигини айтган бўларди, – деди Браун. – Фақат қотиллик билангина бунинг олдини олиш мумкин эди. Аммо мен унинг ўзи сизга айтиб берган барча найрангларга баҳо беришингизни истардим. Унинг режаси бир қанча масалаларга қаратилган эди. Анави руслар унинг қайсиdir жиноятини

очиш билан қўрқитиб товламачилик қилишган. Менимча, уруш пайти сотқинлик қилган бўлса керак. У аранг таъқибчилардан қутулиб қолган, балки уларни чалғитиб, ёлғон излар ортидан Ригага жўнатгандир? Унинг энг зўр уйдирмаси – «ўғли»ни ворис сифатида тан олса-да, одам ўрнида кўрмаслигини эътироф этгани бўлди. Кўрмаяпсизми? Рост, бу уйдирма билан у отасининг ўлимидан сўнг катта меросга эга бўлади, аммо олдинда катта муаммолар турибди.

– Бу ерда мен кўплаб муаммоларни кўряпман, – деди Гренби. – Сиз қай бирини айтяпсиз?

– Ўғли меросни олган тақдирда ҳам, – деди Браун ота. – Отаси у билан учрашмаётгани шубҳали бўлиб кўринарди. Буни ҳам бир амаллаб тинчитди дейлик. Аммо яна бир катта муаммо турибдики, бу ҳақда ёш Масгрейв ҳам ўйлаб ётган бўлиши керак: хўш, қасрнинг кекса хўжайини энди қандай ўларкин?

– Мен унинг қандай ўлишини биламан? – деди Гренби.

Браун ота эса, ўз хаёллари билан банд эди.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – деди ўйчанлик билан, – бу назарияда унга баъзи нарсалар ёқиб қолган. У бир ролни ўйнай туриб бошқа бир қиёфада жиноят содир этгани учун ўз топқирлигига маҳлиё бўлиб қолган. Менинг кинояли фикримча, ҳа-

зил-ҳазил билан иблицга ўз сирини ошкор қилган. Тасаввур қилинг, дўзахнинг қоқ ўртасида турган одамга ҳеч ким ҳеч қачон тушунмаган ҳақиқатни ошкор айтиш нақадар мароқли. У нима учун бошқанинг қиёфасига кириб, кейин ўзини ҳақли тарзда бадном қилганинг босини тушундингизми? Менинг жияним галереяда ўзи қолган пайтда қанчалар қаҳ-қаҳа отганини эшиганинг ҳам сабаби худди шу ерда. Гренби уйқудан энди уйғонгандек бир қалқиб тушди:

– Сизнинг жиянингиз? – дея қичқириб юбордим. – Онаси уни ана шу Масгрейвга, жирканч ва қабиҳ одамга эрга бермоқчими? Бу ерда ҳамма гап бойлик ва мавқега бориб тақаляптими?

– Ҳа, – деди Браун ота совуққонлик билан. – Синглим ана шундай узоқни кўзловчи, тартибли никоҳни ёқтиради.

*АГАТА КРИСТИ  
(Буюк Британия)*

## **БУЛБУЛ ОШЁНИ**

– Хайр, азизим!

– Хайр, жонгинам!

Аликс Мартин кичкина, қўпол даричага суянганича, қишлоққа элтувчи сўқмоқ бўйлаб кетаётган эрининг ортидан қараб қолди.

Мана, эри бурилишда қўздан ғойиб бўлди, Аликс эса, ўша алфозда турганича, анор ёноқларини ўпидубган қўнғир соchlарини хаёлчан тузата бошлади.

Унинг қароқларида теран тахайюл ва алланечук орзумандлик акс этарди.

Аликс Мартинни ўта гўзал ва латофатли атамоқ тўғри бўлмас, унинг хусн-таровати тилни ожиз қолдирадиган даражада эмасди. Бироқ, ёшлиknинг илк босқичини аллақачон босиб ўтган чехрасида баҳт ва хотиржамлик балқиб турардики, унинг собиқ ҳамкасабалари аввалги ишchan, тиниб-тинчимас, уддабурон, бир оз жizzаки, хаёлпарастликдан узоқ шаддод Аликс Кингни таниёлмаган бўлишарди.

У ўрта мактабни аранг битирди. Ўн саккиз ёшидан то ўттиз учга киргунича тирикчилик важидан стенография соҳасида ишлади. Ўтган ана

шу ўн беш йилнинг сўнгги етти йили давомида онаси касалланиб қолди. Бемор боқишининг эса ўзи бўлмайди. Яшаш учун шафқатсиз кураш ёшгина қизнинг юзларида сезилар-сезилмас излар қолдириб кетди.

Рост, бу орада унинг ҳаётига муҳабbat ҳам бир мўралаб ўтди. У бир пайтлар ўзи билан бирга ишлайдиган Дик Виндифордни севиб қолган эди. У нозик жинс вакили сифатида йигитга ёқишини ич-ичидан ҳис этар, буни сиртига чиқаргиси келмасди. Ўзи ҳам унга бефарқ эмасди. Сиртдан улар фақатгина дўст эдилар, холос.

Дик ишлаб топган пулини тежаб-тергаб унинг бир қисмини укасининг ўқиши учун сарфларди. У пайтда уйланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганди.

Иттифоқо, қиз кундалик қора меҳнатдан халос топадиган бўлди. Узоқ бир қариндоши унга бир неча минг фунтга teng бойлиги билан бирга ҳар йили тушиб турадиган икки юз фунтлик даромадни васият қилиб ёруғ дунёни тарқ этди. Аликс учун бу нарса эркинлик, фаровон ва мустақил ҳаёт ваъда қиласди. Энди у Дик билан bemalol турмуш қурса бўларди.

Аммо, Дик кутилганидек ҳаракат қилмади. У шу пайтгача ўз муҳаббатини Аликсга изҳор қилмаганди. Чамаси бу ҳақда энди ҳам оғиз очишга чоғи келмаётган эди. У энди қиздан

ўзини олиб қочадиган алланечук одамовига айланган эди. Аликс бунинг боисини дарров тушунди. Йигитнинг ғуур ва истиғноси қизнинг қўлинини сўрагани имкон бермаётган эди. Унинг бу сажъияси Аликсга ёқарди. У дастлабки қадамни ўзи ташлашга ҳам тайёр эди, аммо кутилмаганда рўй берган бир воқеа ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборди.

У дугонасининг уйида Жералд Мартин деган йигит билан танишиб қолди. Йигит уни жуда қаттиқ севиб қолди. Орадан бир ҳафта ўтмай уларнинг унаштириш маросими бўлди. Ўзини севилишга номуносиб қизлар тоифасидан деб билувчи Аликс кутилмаган бу янгиликдан ўзини йўқотиб қўйди. У бехос Дик Виндифорднинг ҳам ҳис-туйғуларини уйғотиб юборди. У қизнинг ёнига келиб, ғазабдан дудуқлана-дудуқлана қичқира кетди.

– У сенга етти ёт бегона-ку! Сен у ҳақида ҳеч нарса билмайсан.

– Мен шуни яхши биламанки, уни севаман.

– Қанақасига билишинг мумкин ахир. У билан танишганингга энди бир ҳафта бўлди-ку!

– Ҳаммаям муҳаббатини изҳор этиш учун ўн бир йилни ўтказиб юборавермайди, – деди Аликс асабийлашиб.

Йигит оқариб кетди.

– Мен сени биринчи учратган кунимдан бери яхши кўраман. Сен мени севсанг керак, деб ўйлардим.

– Мен ҳам шунақа деб ўйлаган эдим, – иқорор бўлди Аликс. – Энди ўйлаб қарасам, муҳаббат ҳақида кўп нарсани билмас эканман. – Дик аввал ялинди, ёлворди, ҳатто дўқ-пўписа ҳам қилиб кўрди. Унинг ўрнини эгаллаб олган кимса билан ҳам талашиб-тортишди. Ўшанда Аликс яхши биламан деб ўйлаган одамнинг ташқи сиполиги остида яшириниб келаётган туйғулар туғёни уни ҳайратда қолдирди.

Аликс қуёшли тонгда дарчага сунянганича ўша суҳбатни ёдга олди. Унинг турмуш қурганига бир ой тўлган, ўзини беҳад баҳтиёр ҳис этарди боёқиши. Фақат, ҳозиргина жонидан ортиқ кўргани, эри уйдан чиқиб кетгач, у ўзини тушунксиз безовталик комида ҳис этди. Бу ҳаловатсизлик боиси эса, Дик Виндифорд эди.

У эрга текканидан бери уч марта айнан бир хил туш кўрди: эри ўлиб ётганмиш, унинг тепасида Дик тиржайиб туармиш. Жувон эрининг қотили у эканини аниқ билармиш. Энг даҳшатлиси у эрининг ўлимидан хурсанд эмиш. Миннатдорчилик юзасидан эрининг қотилини табриклармиш. Туш ҳамиша бир хил, Дик аёлни ўз оғушига олиши билан тугарди.

Телефоннинг қўйққисдан жиринглаши билан аёлнинг хаёллари бўлинди. У уйга кириб гўшакни қўтарди.

– Нима дедингиз? Ким бу гапира-ётган?

– Аликс, овозингга нима қилди? Мен сени танимабман. Бу мен – Дикман.

– Қ... қаердан телефон қиляпсан?

– «Сайёҳ туғроси» мәҳмонхонаси-дан. Оти шунақа эди, шекилли. Сен шунақа мәҳмонхона ҳақида эшигтан-мисан? Мен фақат дам олиш кунлари бу ерга балиқ овига келгандим. Бугун сизларникоға борсам майлими?

– Йўқ, – деди Аликс қатъият билан. – Келмасанг яхши бўларди.

Жимлик чўкди. Дик яна тилга кирганида овози бошқачароқ чиқди:

– Илтимос, кечир мени, – деди совуқ оҳангда. – Энди сени умуман бе-зовта қилмайман.

Аликс шошқич унинг гапини бўлди. Унинг бу муомаласи йигитга эриш туюлди чоғи. Чиндан ҳам ғалати гапириб қўйди-да. Шу боис аёлнинг асаблари чақнаб кетгандек бўлди.

– Мен фақат... айтмоқчийдимки... биз бугун банд бўламиз... – У ўз гапини янада табиийроқ кўрсатишга тиришди. – Яхиси эртага кечки пайт кела қол.

Бироқ, Дик унинг овозидаги носамимиликни дарҳол илғаб олди.

– Раҳмат, – деди бояги оҳангда. – Эртага бирор ёққа кетиб қолишим мумкин. Бу яқин танишимнинг эртага келиш-келмаслигига боғлиқ. Хайр, Аликс. – У шоша-пиша бошқача товушда қўшиб қўйди. – Бахтли бўл, азизим.

Аликс гўшакни жойига қўяркан, енгил тин олди. «У бу ерга келмаслиги керак. Бу ерга келмаслиги керақ, – дея ичида бир неча марта такрорлади. – Нақадар аҳмоқман. Наҳот унинг келишини хоҳлаётган бўлсан? Йўқ, у келмаса мен хурсанд бўламан».

У стол устида турган оддийгина шляпасини бошига илиб, яна боқقا чиқди ва уйга кираверишда илиб қўйилган лавҳага кўз ташлаб қўйди: «Булбул ошёни».

– Жуда ғалати ном эканми, – дея сўраган эди у тўйдан илгари Жералддан.

– Асалим, – дея эркалаган эди ўшанда эри. – Аминманки, сен шу пайтгача булбул хонишини эшитмагансан, мен эса бундан хурсандман. Булбуллар фақат ошиқ қалблар учун куйлайдилар. Энди кечқурунлари биз булбул фифонини сен билан бирга эшитамиз. У эшик олдида тўхтаб булбул овозини эшитган ва баҳтдан сархуш бўлган илк оқшомни ёдга олди.

«Булбул ошёни»ни топган ҳам Жералдинг ўзи эди. Бир гал у ҳовлиқиб келган ва ўзлари учун зарур бошпанани топганини, бунақа имконият ҳаётда бир марта берилиши мумкинлигини айтган эди. Уйни кўриб Аликс ҳам бунга амин бўлди. Рост, қоқ ялангликдаги уй билан бу орадаги энг яқин қишлоқ орасидаги масофа камида икки мил чиқар, бироқ эскича услубда тикланган

уйда ваннахона, иссиқ ва совуқ сув, электр, телефон каби зарур қулайликлар бор эдикى, Аликс буларга маҳлиё бўлиб бошқа турар-жой ҳақида ўйламай ҳам қолди. Бироқ, орада битта муаммо чиқиб қолди – уйнинг эгаси уни ижарага бериш фикридан қайтиб қолди, фақат нақд пулга со-тишини айтди.

Жералд Мартиннинг топиш-тутиши яхшигина бўлса-да, ўзининг асосий сармоясига қўл теккизишини истамади. У нақд қўлга олиши мумкин бўлган сумма минг фунтни ташкил этарди. Уйни эса уч мингга баҳолашди. Аликс уйни жуда ёқтириб қолгани учун Жералдга кўмаклашмоқчи бўлди. У чек орқали ўзига тегишли пулни нисбатан осонроқ олиши мумкин эди. У ўз маблағининг teng ярмини уйни сотиб олишга ажратди.

Хуллас, уй уларники бўлди, Аликс эса бундан сира ҳам афсусда эмасди. Тўғри, эрининг қайсарлиги, ўзбoshимчалиги хизматкорларга ёқмади, уларнинг ҳаммаси бу уйдан кетиб қолишиди. Уй ишларини анча соғиниб қолган Аликс эса, жон-жон деб бу юмушларни ўз зиммасига олди. Боғдаги анвойи гулларни парваришилаш учун яқин орадаги қишлоқда яшовчи кекса бир боғбон ҳафтада икки марта келиб турарди.

Уй тарафга қараб келаётган Аликс гулларга қараб юрган боғбон чолни кўриб ажабланди. У асосан, душанба

ва жума кунлари келарди, бугун эса – чоршанба.

– Жорж, бу ерда нима қиляпсиз? – сўради унга яқинлашиб.

Чол қаддини ростларкан, пихиллаб кулди ва эски кепкасини тўғрилаб қўйди.

– Шуни сўрасангиз керак, деб ўтирувдим ўзим ҳам, бекам. Жума куни қудамиз зиёфат бермоқчи эди. Ўзимча, жаноб Мартин ва унинг муҳтара-ма рафиқаси бир гал жума ўрнига чоршанба куни бориб ишлаб берсам, қарши бўлмаслар дедим.

– Албатта, – деди Аликс. – Ўзиям мириқиб кўнгил ёзсангиз керак?

– Бу аниқ, – деди чол соддалиқ билан. – Пулини тўламаслигингни била туриб, тўйгунча еб-ичиш кимга ёқмайди? Айтганча, бекам, сиз кетиб қолгунингизча бошқа кўришмаслигимиз мумкин, менга бирор зарур топширифингиз бўлса, айтиб қўйинг, демоқчи эдим. Ҳали қачон кетишингиз маълум эмасми?

– Мен ҳеч қаерга кетмоқчи эмасман.

– Ие, ҳали эртага Лондонга жўнаб кетмайсизларми? – ажабланди Жорж.

– Йўқ, бу гапни қаердан топдингиз?

Жорж елка қисди:

– Мен кеча қишлоқда хўжайнини учратиб қолдим. У эртага сиз билан Лондонга учиб кетаётганини айтди. Қачон қайтишимиз номаълум, деди.

– Шунга шунчами, – кулди Аликс.  
– Сиз унинг гапини бошқачароқ ту-  
шунган бўлсангиз керак.

У аслида Жералд ҳақиқатан чол-  
га нима дегани билан астойдил қи-  
зиқаётганди. Лондонга бориш? У шу  
пайтга қадар бу ҳақда ўйлаб ҳам кўр-  
маганди.

– Лондонни кўргани кўзим йўқ, –  
унинг оғзидан бехос ана шу сўзлар учди.

– А-а, мен чиндан ҳам уни бошқа-  
чароқ тушунган бўлсам керак, – деди  
хотиржам товушда Жорж. – Лекин, у  
аниқ шунаقا девди-да... Бари бир сиз  
шу ерда қолаётганингиз учун ҳам  
хурсандман. Очифи, Лондон менга  
ҳам ёқмайди. У ерга бориб нима қи-  
ламан. Ҳозир у ерда машиналар шу-  
наقا тиқилиб кетган дейишади. Ўзи  
одам машина олиши билан бир жой-  
да тургиси келмай қоларкан. Ана,  
менинг аввалги хўжайиним мис-  
тер Эймс, машина олмасидан аввал  
ажойиб, оғир-босиқ одам эди. Бир  
ой ўтмай уйини сотар бўлди. У уйни  
таъмирлади, ҳар бир хонага электр,  
газ, телефон олиб кирди. Унга бунча  
харажат ўзини қопламайди, десам, у  
«биласанми, мен бу уйни нақд икки  
минг фунтга пуллаяпман», деди.  
Мана, айтганича бўлди.

– У уйини уч мингга сотди, – дея  
чолнинг гапини тўғрилади Аликс.

– Икки минг, – қайтарди Жорж.  
– Бу ҳақда неча марта эшитганман.  
Ҳамма биларди буни.

– Мен биламан-ку, уч мингни са-наб берганмиз, – дея гапида туриб олди Аликс.

– Аёллар ҳисоб-китобда нўноқроқ бўлишади, – деди Жорж ҳам қайсарлик билан. – Сиз мистер Эймс айнан уч минг фунт сўраганини исботлай оласизми?

– У мен билан эмас, эрим билан савдолашган.

Жорж яна гуллар устига эгилди.

– Уй икки мингга сотилган, – дея ўз гапида маҳкам туриб олди.

Аликс у билан бошқа баҳслашиб ўтирмади. У узоқроқдаги гуллар тупи олдига бориб гулдаста туза бошлади. У гулларни бағрига босиб, уйга қайтаркан, йўлда, барглар орасида аллақандай тўқ-зангори рангли нарса ётганини кўрди. Авайлаб қўлига олди. Эрининг қайд дафтарчаси экан. Қизиқиш билан очиб ўқишига тутинди.

Аликс тўйнинг илк кунларида-ноқ эрининг ўта ҳиссиётчан, табиатан қатъиятли ва фавқулодда тартибсеварлиги билан бошқалардан ажралиб туришини пайқаб олганди. Улар биргаликда овқатни ҳам айнан бир вақтда ейишар, у ҳар бир кунда қилинадиган ишлари учун ўз вақтини аввалдан тартиб билан ажратиб қўярди.

У дафтарчани варакларкан, мана бу ёзувларни ўқиб кулгидан ўзини тутиб туролмади: «Аликс билан

никоҳ. Авлиё Пётр черкови, соат 2.30». «Жиннивой», – деди жилмайиб Аликс бошқа саҳифани очаркан. Мана бугунги сана. Жералд ҳуснинат билан ёзганди: «Кечқурун, соат 9.00». Шундан бошқа ҳеч гап ёзилмаган. «Қизик, у бугун соат тўққизда нима қилмоқчи экан?» – ажабланди Аликс. «Агар Жералд бирорта аёлга илакишиб қолган дея гумон қилинса, бу маҳфий дафтарчада бирор белги-аломат топиларди», – ўйлади Аликс сирли кулимсираб. Бироқ, унда бирорта бегона аёлнинг исми битилмаган эди. Аликс эринчоқлик билан дафтарчанинг қолган бетларига ҳам қараб чиқди: аллақандай саналар, тушункисиз белгилар ва биргина исм – унинг исми битилган эди бу ерда. У дафтарчани киссасига солиб уйига кириб кетди. Бироқ, шу аснода унинг юрагига аллақандай хавотир оқиб кирганини ҳис этди. Қулоғи остида Дикнинг гаплари аниқ-таниқ такрорлангандек бўлди:

– У сенга етти ёт бегона-ку! Ахир, сен у ҳақда ҳеч нарса билмайсан-ку!

Рост. У ҳақида илгари ҳеч нарса билмасди-ку! Жералднинг ёши қирқда. Шу пайтгача бирорта аёл билан бирга бўлмаганлигига ким кафолат беради?

У булар ҳақида ўйлашни истамасди. Ҳозир бундан ҳам зарур ишлари бор эди. Дик Виндифорднинг қўнғироғи ҳақида эрига айтсамикин? У

қишлоқда Жералд билан учрашиб қолиши әхтимолдан холи эмас. Шунда эри уйга қайтганида ўзи бу ҳақда гап очиб қолса, мушқулот ўз-ўзидан ҳал бўлади. Ўзи... очиғи бу ҳақда Аликснинг ҳам эрига ҳеч нарса дегиси йўқ. Айтгудек бўлса, эри Дикни меҳмонга чақиришдан ҳам тоймайди. Унақада Дикнинг ўзи келмоқчи бўлгани, Аликс эса бунга рўйхушлик бермаганини тан олиши керак бўлади. Жералд хотинидан бунинг боисини сўраб қолса нима бўлади? Анави алмойи-алжойи тушини айтиб берадими?

Хуллас, у хижолатдан қийналиб, охир-оқибат эрига бу ҳақда оғиз очмасликка қарор қилди. Бу унинг эридан яширмоқчи бўлган биринчи сири эди.

Кечки овқат маҳали яқинлашаётганда, у эрининг қайтаётганини эшитиб, ўзининг хавотир ва ҳадигини яшириш мақсадида емак тайёrlашга уннаб кетди.

Афтидан, у қишлоқда Дик билан кўришмаган эди. Аликс хотиржамлик баробарида алланечук ноқулайликни ҳам ҳис этди. Ифорли оқшом ҳавоси оқиб кираётган дераза олдидаги эман стол атрофида икковлон кечки овқатни тановул қилиб бўлишгач, Аликс ҳалиги дафтарчани эслатди.

– Эрталаб гуллар орасидан топиб олдим, – деди у қўлидаги буюмни эрининг тиззасига ташларкан.

– Боғда тушириб қодирган бўлсам керак-да!

– Ҳа, энди сенинг анча-мунча сирларингни билиб олдим.

– Ҳеч қандай гуноҳим йўқ, – дея бош чайқади Жералд.

– Бугун кечқурун соат тўққизда ким билан учрашмоқчи эдинг?

– Ҳа, гап бу ёқда дегин? – у аввал бир оз довдира б қолди, бироқ шу заҳоти бирорта кулгили воқеани эслагандай илжайиб қўйди. – Жуда чиройли бир қиз билан учрашувимиз бор эди. Аликс билан. Унинг соchlари худди сеникidek қўнғирранг, кўзлари мовий.

– Тушунмадим, – деди Аликс ясама жиддият билан. – Нега гапни айлантиряпсан?

– Йўқ, биласанми, бугун бир-иккита негатив суратларимни оқقا кўчиришим керак эди. Шуни эсимдан чиқармаслик учун ёзиб қўйгандим. Унда сенинг ҳам ёрдаминг керак. Жералд Мартин ҳаваскор сураткаш ҳам эди. Унинг эскироқ услубдаги, аммо ўткир линзали фотоаппарати бор эди, суратларни фотолаборатория вазифасини ўтайдиган ертўлада оқقا кўчиради.

– Шу ишни айнан соат тўққизда қилиш шарт эканми? – сўради Аликс ишончсизлик билан.

– Жонгинам, – деди унинг овози бир оз титраб, – биласан, мен ҳамма вақт пухта режа асосида ишлайман. Шунда ҳамма ишлар ўз ўрнида бўлади.

Аликс анчагача эрига қадалиб жимгина ўтирди. Эри стул суюнчиғиға суюнганича сигарет тутатди. Унинг ҳафсала билан қиртишланган юзларидаги узун-узун чизиқлар ғира-шира ёруғда ҳам яққол кўриниб турарди.

Кутилмагандан аёлни мавҳум бир ваҳима ўз исканжасига олди ва ичидан бир савол ёриб чиқди:

– О Жералд, сен ҳақингда кўпроқ, кўпроқ нарса билишни истайман.

Эр ажабланиб хотинига ўгирилди:

– Азизим, Аликс. Ахир мен ҳақимда ҳамма нарсани биласан-ку! Сенга Нортумберлендда кечган болалигим, Жанубий Африкада яшаганим, кейин ўн йил Канадада умргузаронлик қилганим ва ўша ерда ўзимга яраша бойлик орттирганим ҳақида сенга айтиб берганман.

– Бор-йўғи шу холосми, – сўради Аликс илжайиб.

– Ҳа-а, сени нима қизиқтираётганини билдим, – дея кутилмагандан қаҳ-қаҳ уриб юборди Жералд. – Сиз аёллар ҳаммангиз бирсиз. Сизни бироннинг шахсий ҳаётидан бўлак нарса қизиқтирмайди.

Аликс томоғи қуриётганини ҳис этди ва паст овозда ғудранди:

– Ахир, сен шу пайтгача бари бир бегона аёллар билан бўлгансан-ку! Мен айтмоқчи эдимки... агар билганимда эди...

Жим қолди. Жералд қовоғини уйди:

– Аликс, сен ҳалиги... «Кўк соқол хосхонаси» ҳақида эшитганмисан? Тўғри, мен шу пайтгача, аёллар билан бўлганман. Буни тан оламан. Инкор этганимда ҳам бари бир ишонмаган бўлар эдинг. Бироқ онт ичиб айтаманки, улар менинг қалбимда сенчалик чукур ўрнашиб олмаганди.

Унинг овозидаги самимият оҳангиди Аликсни бир оз тинчлантириди.

– Кўнглинг жойига тушдими? – сўради жилмайиб Жералд.

Дафъатан унинг нигоҳида негадир қизиқувчанлик аломати зухур этди.

– Нимага бугун ғалати нарсалар ҳақида гапириб қолдинг?

– Ўзим ҳам билмайман. Кун бўйи асабийлашиб юрдим.

– Қизиқ, – деди Жералд ўзига ўзи гапиргандек яrim овозда. – Жуда қизиқ.

– Нимаси қизиқ?

– Асалим, нега менга бунақа қараяпсан. Шуниси қизиқки, сен илгари жуда беғам ва эркатой эдинг. Бугун бунақа...

Аликс зўрма-зўраки илжайди:

– Атайн қилгандай бугун ҳамма нарса менинг асабимга тегяпти. Анави қари Жорж ҳам эрталабдан Лондонга қачон кетасизлар, деб ғашимга тегди. У бу гапни сендан эшитганмиш.

– Сен уни қаерда кўра қолдинг?

– Жералднинг овози туйқус жаранглаб чиқди.

– У бизникига бугун жума кунининг ўрнига ишлагани келибди.

– Лаънати қари тўнка, – деди Жералд тишларини ғижирлатиб.

Аликс Жералднинг афти ғазабдан бужмайиб кетганини кўриб, ҳайрон бўлди. У эрини ҳечам бу қиёфада кўрмаганди. Аёлнинг нигоҳидаги таажжубни кўрган Жералд дарров изоҳ беришга ўтди:

– Чиндан ҳам чолнинг эси оғиб қолганга ўхшайди.

– Ахир, сенам бирор нарса дегандирсанки, у...

– Менми? Ҳеч нарса деганим йўқ. Ҳа, дарвоҳе.. Ҳалиги... Бўлди-бўлди, эсладим. Мен унга хазиллашиб Лондонга боряпмиз, девдим, у овсар чин деб ўйлаган. Эҳтимол нотўғри эшитгандир. Сен унга тушунтиргандирсан?

– Ҳ-ҳа... Лекин у эшитганини қўймайдиган қайсар чоллар тоифасидан экан.

Аликс эрига Жоржнинг уй икки минг фунтга сотилган, деб туриб олганини ҳам айтиб берди. Жералд бир муддат жим қолди-да, паст овозда шивирлади:

– Эймс икки мингни олдиндан санаб олди. Қолган минг фунтни кейинроқ тўғрилаб берадиган бўлдим. Чолмана шу ерида янглишган кўринади.

– Мана, ҳаммаси ойдинлашди, – деди Аликс енгил тортиб, – у шундай дея деворга илинган соатга имо қилди. – Энди ишга киришсак ҳам бўлади. Беш дақиқа кечикибмиз ҳам. Жералднинг юзида тушунксиз табассум қалқиди:

– Мен ўйлаб кўрдим, – деди хотиржам товушда, – бугун сураткашлик билан шуғулланмасак ҳам бўлади.

Аёл табиатан ўта қизиқувчан. Аликс ухлагани кетаётганида хотиржам ва бехавотир эди. Унинг бахти узра соя солаётгандек қўринган булатлар тарқалиб кетгандек эди гўё. Бироқ, эртаси кечқурун у баҳтига яна кимдир, нимадир қўланка ташлаётганини ҳис этди. Дик Виндифорд бошқа қўнғироқ қилмаган бўлса-да, назарида ундағи саросиманинг сабабчиси ҳам ўша эди. Унинг гапларини қайта-қайта эслади: «Бу одам сенга етти ёт бегона-ку! Сен у ҳақда ҳеч нарса билмайсан!» Шу чоқ унинг ёдига эрининг кечагина айтган гаплари тушди: «Кўк соқол хосхонаси ҳақида эшитганмисан?» У бир пайтлар ўта сирли, бешафқат ва айёр хотинбоз – Кўк соқол ҳақидаги эртакни болалигида ўқиганди. Ҳозир эри нега уни эсга олди? Бу билан менинг шахсий ҳаётимга аралашма, оқибати ёмон бўлади, демоқчими?

Жума куни эрталаб, Жералд зўр бериб яширишга тиришаётган бошқа аёли – «Кўк соқол хосхонаси» борлигига амин бўлди. Юрагида секин-секин уйғонаётган рашк уни тамомила маҳв эта борди. Ўша куни соат тўққизда у учрашув белгилаган! Сурат ишлаш эса, шунчаки ўйлаб топилган баҳона, холос.

Бундан уч кунча илгари у эрини ипидан-игнасигача билишига онт ичиши мумкин эди. Бугун эса, эри унга мутлақо нотаниш одам бўлиб кўриняпти. Унинг кекса Жоржга нисбатан уйғонган ўринсиз қаҳрини эсга олди. У аввалги қувноқ ва самимий Жералдга ўхшамай қолганди. Чиндан ҳам Аликсни ғафлат босгандир? Эҳтимол ҳақиқатан у эрининг кимлигини умуман билмас?

Жума куни у ул-бул харид қилиш учун қишлоққа бориши керак эди. Бу ҳақда Жералдга айтганида, эри мутлақо рад жавобини берди ва унинг боғда қолишини, қишлоққа ўзи бориб келишини айтди. Бу ҳам аёлнинг таажжубини оширди. Қизик, нега эри унинг қишлоққа боришига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатяпти?

Балки, Жералд унга бир оғиз гапирмасдан бориб Дик билан учрашиб келмоқчиидир? Ахир Аликснинг шу пайтга қадар мудраб ётган рашки ҳам ҳозиргина уйғонди-ку! Жералдин ҳам шу туйғу қийнаётган бўлиши мумкин эмасми? Эри унинг Дик билан қайта учрашмаслиги учун қишлоққа юбормаётган бўлса-чи? Ана шу фикр аёлни бир мунча овунтириди, шубҳали ўй-хаёлларни нарироқ сурди.

Вақт ўтгани сари бесар гумонлар яна уни қисти-бастига ола бошлиди. У ана шу bemáъни ҳислар қуршо-

видан чиқиши учун ўзини иш билан овунтирмоқчи бўлди. Кўлига латта олиб эрининг хонасини йиғиширишга кириб кетди.

«Қанийди ишончим комил бўлганида, ҳамма азоблардан қутулар эдим», дея шивирлади ўзига ўзи.

У фақат иккита қутини қарай олмади: биттаси пастдаги ғаладон, иккинчиси ёзув столининг чап тарафидаги турган кичкина қутича. Аликс айни чоғда ҳеч нарсани мулоҳаза қилиб ўтирмади. У ана шу икки қутининг бирида эрини фош этиши мумкин бўлган ашёвий далил топилишига умид қиласади. Шу аснода эри ўзига тегишли калитларни буфетнинг пастки тортмасига қўйишини эслади. У калитларни келтириб сандиқчаларга солиб кўра бошлади. Учинчи калит ёзув столидаги сандиқчага тўғри келди. Аликс ҳаяжондан қўллари қалтираб уни очди. Унда пуллар солинган қопчиқ турар, сандиқнинг орқа бўлмасидан бир боғлам мактуб чиқди. Аликс нафаси тиқилгандек бўлиб, тасмани ечди. Унинг юzlари шу заҳоти уятдан ловуллаб кетди ва хатларни жойига қўйиб тезгина қутини беркитди. Бу хатларни Жералдга тўйига қадар унинг ўзи ёзганди. У энди ғаладонга ёпишди – Жералдга нисбатан шубҳалари тамомила барҳам топгунча ҳамма нарсага тайёр эди. У қидирмоқчи бўлган жойидан бирор

нарса чиқишига кўзи етмаса-да, ҳамон асабий титроғи босилмаганди.

Аксига олиб, бирорта ҳам калит бу сандиққа тушмас экан, кўнгли ҳамон типирчилаб турган Аликс бир зум қайсиdir хонадан яна бир шода калит топиб келди. Ниҳоят, комод очилди. Бироқ у ерда ҳам вақт ўтиб, сарғайиб кетган, чанг-ғубор босган газет парчаларидан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

Аликс енгил хўрсинди. Уни энди фақат бир нарса – неча йиллардан бери сақланиб келаётган газет қий-қимларигина қизиқтиради. Уларнинг деярли бари анча йил илгари чоп этилган Америка газеталаридан қирқиб олинганди. Бу парчаларда ашаддий хотинбоз ва фирибгар Чарлз Леметрнинг кирдикорлари ҳақида ёзилганди. Уларда айтилишича, Леметр ўз тўрига илинган аёлларни ўлдиришда айбланаётганди.

У ижарага олган уйнинг поли остидан аёл кишининг гавда суяги топилган, у «уйланган» аёллар ҳақида кейинчалик ҳеч ким ҳеч нарса эшитмаган.

У ўзига билдирилган айбловдан устамонлик билан ҳимояланиш мақсадида АҚШнинг энг кучли адвокатларидан бирини ёллаб олганди. Шотландия ҳакамлик суди унинг ишини кўриб чиқиб, етарли асос бўлмагани боис, оқлашга мажбур бўлганди. Шу боис у асосий айбловдан эсон-омон

кутулиб чиқди, бироқ, кичикроқ бир жинояти учун бир неча йил қамоқда ўтириб чиқди.

Аликс бу ҳақда эшитган, Леметр ҳақидаги шов-шувлар бир пайтлар Англияни ҳам таҳликаға солған эди. Аёл бундан уч йил илгари Леметр-нинг қаёққадир қочиб кетгани ҳақида ҳам эшитган эди. Уни тута олишмади. Бу мавхум кимсанинг шахси ва унинг аёллар устидан ваҳшиёна хукмронлиги узоқ муддат инглиз газеталарининг ҳам диққат марказида турган эди.

Газет парчаларининг бирида Леметрнинг сурати босилганди. Аликс зиёлисифат соқол қўйган қонхўрнинг суратига анчагача диққат билан тикилиб турди. У кимгадир ўхшаб кетарди. Бирдан унинг эсига Жералд тушди-ю, аъзойи баданига қалтироқ югорди. Суратдаги одамнинг қош-кўзлари худди Жералдники эди. У сурат остидаги матнни ўқишига тутинди. Унда келтирилан айрим саналар Аликс тасодифан топиб олган дафтарчадан қайд қилинган рақамларга айнан мос тушардики, бу кунларни Леметр ўз қурбонларини тинчитиш учун белгилаб қўйган эди.

Судда гувоҳ сифатида сўроқ қилинган аёллардан бири ишонч билан қотилнинг чап билагида кичкина чандиқ борлигини айтган эди. Аликс қўлидаги қофозларни ҳаяжон-

дан тушириб юборганини сезмади. Ахир Жералднинг ҳам худди чап билагидаги ана шундай чок бор эди-ку!

Бутун хона унинг назарида чархпалақдек айлана бошлади. Эс-хуши сал жойига келганида миясига урилган нарса шу бўлди: Жералд Мартин – бу Чарлз Леметр. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Худди жумбоқ суратнинг таркибий қисмлари сингари хотирасида айрим лавҳалар жонлана бошлади: уй учун тўланган пул... Бу пул уники, фақат уники экан. Эри ёнидан бир чақа ҳам қўшган эмас. Демак, кўрган туши ҳам бежиз эмас экан. Демак, у савқи табиий равишда Жералд Мартиндан хавфсираб, ундан халос истаб келган. Ва ёрдамни ҳам савқи табиий суратда Дик Виндифорддан кутган экан. Демак, у Леметрнинг навбатдаги қурбони бўлиши лозим эди. Эҳтиимол тез орада...

У дафтарчадаги «Чоршанба кеч соат 9.00» қайдини эслаб додлаб юбораёзди. Ёдига деворидан осонги на тош кўчириб олиш мумкин бўлган ертўла тушди. Демак, ҳаммаси кеча чоршанба кунига режалаштирилган. Лекин, тарки одат қилинмай, бу фурсатни олдиндан ёзиб қўйиш... мантиқсизлик эмасми? Йўқ, ҳаммаси мантиқقا асосланган. Жералд ҳамма нарсани аввалдан режалаштириб, белгилаб юрган. Қатл унинг учун шунчаки кўнгилхушликка ўхшаш оддий бир ишга айланиб қолган.

Бирок, унинг устидан ўқилган хукм ижроси нима сабабдан орқага сурилди? Уни ким ёки нима қутқарив қолган бўлиши мумкин? Энг сўнгги дақиқаларда... Бўлди, эслади: кекса Жорж! Нима сабабдан эри унинг номини эшитиши билан кўкариб кетганини ҳам энди тушунди. Шаксиз, у режасини изсиз амалга ошириш учун пухта замин ҳозирланган: кўзига кўринган одамга эртага Лондонга учамиз, деб юрган. Кутилмагандаги Жорж боққа келиб қолган, бу ҳақда Аликсни воқиф этган, аёл бу гапни инкор қилган ва ҳоказо. Ўша куни ҳукмни ижро этиш жуда хатарли – чол аёлнинг гапини эслаб қолган бўлиши мумкин эди. Демак, уни худонинг ўзи асрабди. Агар Аликс арзимасдек туюлган ўша сухбат ҳақида эрига оғиз очмаганида борми? Аликснинг эти музлаб кетди.

Ҳар дақиқа ғанимат эди. У эри келмай туриб бу ердан қочиб қолиши керак. Аликс шоша-пиша газета парчаларини жойига қўйиб, ғаладонни беркитди.

Аммо зум ўтмай у жойида қотиб қолди. У дарчанинг ғийқиллаганини, қадам товушларини эшитди: эри қайтибди. Бир муддат Аликс ҳаракатсиз қотди. Кейин у оёқ учида юриб борди-да, парда ортидан ташқарига қаради. Чиндан ҳам эри. Илжайганича аллақандай қўшиқни хиргойи қилиб келарди. Аликс унинг

қўлидаги нарсани кўриб, қўркувдан юраги ёрилаёзди. Яп-янги белкурак!

Аликс бу оқшом қандай мудҳиш фожеа содир бўлишига ақли етди...

Бироқ, қутулиб кетиш учун ҳали имкон бор эди. Жералд хиргойини ванг қўйиб уй тарафга бурилди. Аликс ҳам фурсатни бой бермай пастга отилди. Бироқ, уйдан чиқмай туриб остонаяда эри билан тўқнаш келди.

– Хелло, қаёққа шошиляптилар? – ажабланиб сўради Жералд.

Аликс ўзини ҳар доимгидек вазмин ва хотиржам тутишга тиришди. Ҳозир қочиб кетиш учун ҳеч қандай имконият йўқ, аммо сир бой бермай турса, бу имконият сал кечроқ туғилиши мумкин эди. Ҳатто, ҳозироқ...

– Мен манави сўқмоқ бўйлаб сайр қилиб келмоқчийдим. Дарров қайтаман. – Аликс гаплари бир оз сохта ва ишончсиз чиққанини сезди.

– Яхши, – деди Жералд. – Мен ҳам сен билан бораман.

– Йўқ, илтимос... шарт эмас. Жералд, мен... Бошим қаттиқ оғрияпти. Асабларим қақшаяпти. Бир ўзим бориб кела қолай. – Эри унга диққат билан разм солди. Аёл унинг қўзларидаги шубҳани тезгина илғади.

– Нима бўлди сенга Аликс? Нега рангинг бунча оқариб кетган? Бунча қалтираяпсан?

– Ҳечқиси йўқ, – Аликс бор кучини тўплаб табиийроқ жилмайишга

тиришди. – Шунчаки, бош оғриғи-да! Битта айланиб келсам, ҳаммаси ўтиб кетади.

– Сен ўзингни мендан опқочишга беҳуда уриняпсан, – тўнғиллади Жералд тиржайиб, – хоҳлайсанми-йўқми, сен билан бирга бораман.

У қаттиқ туриб олмади. Агар эри унинг ҳамма нарсадан хабардорлигини билиб қолса борми? У минг машиқат билан ўзини қўлга олишга ва одатдагидек сокин тутишга ҳаракат қилди. У саросима ичида эрининг унга тез-тез шубҳали кўз ташлаб қўяётганини сезди.

Улар уйга қайтишганида, эри уни ётишга кўндириди ва одеколон келтириб, хотинининг чаккасини артиб қўйди. У ҳар доимгидек меҳрибон ва самимий эди. Аёл ўзини худди жаҳаннамга қулаб кетаётгандай ожиз ва бечора ҳис этди.

Эри уни бир дақиқа ҳам ёлғиз қолдирмасди. Ҳатто, ошхонадан Аликс сал илгари тайёрлаб қўйган оддийгина кечки овқатни олиб келишга кетганида ҳам эри унинг кетидан қолмади. Дастурхон атрофида Аликснинг томоғидан бирор луқма таом ўтмаса-да, ўзини мажбурлаб ул-бул нарса еган бўлди, ўзини имкон қадар қувноқ ва тетик тутишга тиришди. У айни чоғда ҳаёти учун курашаётганини биларди. У ҳозир ўз кушандаси билан юзма-юз турар, ҳеч қаердан нажот кутиб бўл-

мас, қишлоқ эса бу ердан бир неча мил олисда эди. Фақат биргина йўл бор эди, вақтинча бўлса-да, эрининг шубҳаларини ўлдириб, уни бир неча дақиқа ёлғиз қолдириш учун замин яратиш. Бу пайтда у залга тушиб телефон орқали нажот сўраши мумкин эди, холос.

Иттифоқо, бошқа тарафдан холос топиш умиди туғилди. Шу онда у биринчи марта Жералднинг ўз фикридан қай тариқа қайтгани ёдига тушди. Бугун уларникига Дик Виндифорд келмоқчи эканини айтса, нима бўларкин? У эндиғина шунга оғиз жуфтлаганида, ниманидир ўйлаб, фикридан қайтди. Бу кимсага икки карра халақит бериш қийин. Унинг зоҳирий осудалиги замирида қандай айёrona сергаклик яширингани маълум. Бу гапи билан аёл жиноят фурсатини янада яқинлаштириши мумкин. У шу заҳоти Аликсни ўлдириб, Дикка қўнғироқ қиласи ва бамайлихотир шошилинч жўнаб кетяпмиз, деб айтиши ҳам мумкин. Эҳ! Ростдан ҳам Дик келиб қолсами эди?.. Шу тобда унинг миясига ажойиб фикр келди. У фикримни кўзимдан ўқиб қолмасмикин, дея қўрқа-писа эрига қараб қўйди. Унинг қалбida умид шуъла соча бошлагач, вужудига жасорат ва ғайрат оқиб кирганини пайқади. У шу қадар осуда тусга кирдики, ўзи ҳам ҳайрон қолди.

У қаҳва қайнатиб, эр-хотин ҳар доим кечки пайт очиқ ҳавода гаплашиб ўтирадиган айвончага олиб келди.

– Айтганча, – деди қўққисдан Жералд. – Бугун сен билан сал кейинроқ сурат ишлаймиз, бўптими?

Аёлнинг баданида чумоли ўрмалагандек бўлди, бироқ бефарқ овозда гап қотди:

– Бир ўзинг қилсанг бўлмайдими, шу ишни? Бугун анча чарчаган кўринаман.

– Ишимиз узоқقا чўзилмайди, – дея совуқ тиржайди Жералд. – Айтганча, сени ишонтириб айтаманки, ишимиз битгач, чарчоқни мутлақо ҳис этмай қоласан.

Бу гап унинг ўзига ҳам нашъа қилиб кетди. Аликс бир қалқиб тушди. У ўз режасини ё ҳозир амалга ошириши мумкин ёки ҳеч қачон.

Шартта ўрнидан турди.

– Қассобга телефон қилишим керак, – деди беписандлик билан. – Унгача шу ерда ўтириб тур.

– Қассобга? Шу маҳалда-я?

– Жинни, магазин аллақачон ёпилиб бўлди. Қассоб эса, уйида бўлади. Эртага шанба. Тўқмоқланган бузоқ гўштини бошқалар илиб кетмасдан буюртма бериб қўйишим керак. Бечора чол мени жудаям ёқтиради.

У шип этиб хонасига кириб кетди ва эшикни ёпиб олди. Орқасидан эрининг «Эшикни очиқ қолдир» де-

ганини эшитди ва совуққонлик билан жавоб қайтарди:

– Очиқ эшикдан чивин учиб киради. Чивинни күргани күзим йўқ. Тентаккинам, сен ҳали мени ўша қассоб чол билан шакаргуфторлик қилади, деб ўйлаяпсанми?

У хонада ёлғиз қолиши билан «Сайёҳ туғроси» меҳмонхонасининг рақамини терди. Дарров туша қолди:

– Бу мистер Виндифордми? Бошқа? Нима у кетиб қолдими? Уни чақириб бера олмайсизми?

Шу пайт унинг юраги қинидан чиқаёзди. Эшик очилиб эри кириб келди.

– Чиқиб тур, Жералд, – деди ранжиган товушда, – телефонда гаплашаётганимни бирор эшитмасин дейман.

Жералд кулимсираб стулга ўтирди:

– Ўзи ростдан ҳам қассоб билан гаплашяпсанми?

Аликс қаттиқ ҳаяжонда эди. Унинг режаси барбод бўлганди.

Хозир Дик гўшакни олади. Балки таваккал қилиб телефондан ёрдам сўраб қичқирсами? У асабийлашиб телефон ричагини бир қисиб, бир бўшата бошлади. Шу паллада унинг калласига янги фикр туғилди. Ричагни босиб турса, овоз нариги тарафга эшитилмайди.

«Бу ишни амалга ошириш жуда қийин бўлса керак, – ўйлади у. – Мен ўзимни фақат қассоб билан гапираётгандек тутишим, ҳаяжонга берил-

маслигим керак. Бу иш менинг күлімдан келади, ишонаман».

Шу чоқ гүшакдан Дикнинг овози эшитилди. У чуқур нафас олиб ричагни бўшатганча гапира бошлади:

– «Булбул ошёни»дан Миссис Мартин гапиряпти. Илтимос тезроқ етиб келинг. /ричагни маҳкам қисиб/ эртага эрталаб олти бўлак яхшилаб тўқмоқланган бузоқ гўшти опкелинг. /ричагни бўшатиб/ келишингиз шарт. /яна ричагни қисиб/ Ташаккур сизга мистер Хексуорси. Ўйлайманки, бунча кеч қўнғироқ қилаётганимдан ранжимасангиз керак. Котлетни шунаقا яхши кўраманки, у /ричагни бўшатиб/ бўлмаса, ўлиб қолишим ҳеч гап эмас. /яна ричагни босиб/ жуда яхши – эртага кутаман-а? /ричагни бўшатиб/ Иложи борича тезроқ! – у гўшакин илиб, уҳ тортганича эрига юзланди:

– Қассоб билан ажойиб гаплашиб қўйдинг-да, а? – деди Жералд ундан қўз узмай.

– Одатдагидек, худди бошқа аёллар каби, – деди Аликс ўпкасини аранг босиб.

Жералд ҳеч нарсадан шубҳага тушмади. Дик эса ҳеч нарсани тушунмаган бўлса-да, етиб келиши аниқ.

Аёл ётоқхонага кириб чироқни ёқди. Орқасидан эри кирди.

– Афтидан ҳозир кайфиятинг аъло бўлса керак? – сўради хотинига сирли тикилиб.

– Ҳа, – деди хотини, – бошимнинг ҳам оғриғи қолди. У эрига табассум узатганича доимий жойидан, эри ўтирадиган курсининг қаршисидан жой олди. У халос бўлди. Ҳозир саккиздан йигирма дақиқа ўтди. Соат тўққизгача Дик етиб келади.

– Бугунги қаҳва менга унча ёқмади, жуда аччиқ дамлабсан, – шикоятланди Жералд.

– Бу қаҳванинг янги нави экан. Агар у сенга ёқмаган бўлса, бунақасидан энди олмаганим бўлсин, азизим.

Аликс қўлига игна олиб тўқишига ўтирди. Жералд мутолаага берилди. У бир неча саҳифани тугатиб, соатга қаради ва китобни бир четга ирғитди:

– Саккиз ярим. Юр, ертўлага тушиб сурат ишлайдиган вақт бўлди.

Тўқиётган нарсаси Аликснинг қўлидан тушиб кетди.

– Йўқ, йўқ. Кел тўққизгача кутайлиқ!

– Йўқ, асалим, соат саккиз ярим. Бу ишни кечиктириб бўлмайди. Шу вақтни белгилаб қўйганман. Сенам вақтлироқ ухлайсан.

– Негадир тўққизгача кутгим келяпти.

– Ҳамма ишни ўз вақтидан кечиктирмасликка ўрганганимни биласан-ку. Кетдик, Аликс. Бир дақиқа ҳам кута олмайман. – Аликс унга қаради-ю, ранги бўздек оқариб кетди. Эри аллақачон ниқобини ечиб ташлаганди. Унинг қўлла-

ри асабий қалтира, күзлари бежо, қуриган лабларини тинимсиз яларди. У энди ўз туғёнини тутиб туриш ҳолатида әмасди. «Рост-да, – ўйлади Аликс, – ҳар қанча тоқатли бўлмасин, бундан ортиқ кутиб тура олмасди». Жералд унинг ёнига келди ва елкаларидан тутиб ўрнидан турғизди.

– Қани азизим, ўзим сени у ёққа олиб бораман, – унинг қувноқ оҳангда айтилган бу гапларидан кишини даҳшатга солгувчи қабоҳат иси келарди. Аёл сўнгги кучини жамлаб эрининг қўлидан юлқиниб чиқди ва қўрқувга ён бериб, беҳол деворга суянди. У алҳол ҳеч нарса қилолмас, ҳеч қаерга қочолмас, эркак эса, унинг устига бостириб борарди:

– Хўш, Аликс...

– Йўқ-йўқ!

У қичқирганча қўлларини ожизона олдинга чўзиб, ўзини ҳимоя қилишга чоғланди:

– Жералд, шошма. Сенга бир гапни айтишим... иқрор бўлишим керак.

Эри бирдан сергак тортди:

– Иқрор бўлмоқчисан? – сўради ажабланиб.

– Ҳа, иқрор бўлишим керак.

У бир муддат ўйга толди-да, тезда тўлқинланиб, эрини қизиқтиришда давом этди.

– Нима, ўйнашинг бормиди? – сўради масхараомуз илжайиб.

– Йўқ, унақамас... Эҳтимол сен буни... сен буни жиноят деб аташинг мумкиндири?

У ўқ бориб нишонга текканини, эрининг қизиқиши ортиб бораётганини кўриб бир оз тинчланди ва ўзини вазият ҳокими санаб гапида давом этди:

– Жойингга ўтириб олсанг тузук бўларди, – деди Аликс сокинлик билан ва ўзи ҳам хонанинг нариги кунжидаги стулга ўринлашди. Ҳатто эгилиб, боя қўлидан тушиб кетган тўқув ишини ҳам олди. У зоҳирий сокинликни сақлаган ҳолда ички таҳлика билан вақтни нажот кучлари етиб келгунча чўза оладиган гапларни ўйлаб олиш учун бир мунча тараддуудланди. – Сенга аввал ҳам айтганман, – деди секин оҳангда. – Мен ўн беш йил стенографист бўлиб ишлаганман. Аслида жа унақамасди. Икки марта ишимда танаффус бўлган. Биринчисида йигирма икки ёшда эдим. Ўшанда ўзига яраша сармояси бўлган, кекса бир киши билан танишиб қолдим. У мени ёқтириб қолди ва турмуш қуришни таклиф қилди. Унинг гапини ерда қолдирмадим. Оила қурдик. – У бир муддат жимиб қолди. – Уни алдаб-сулдаб, ўз ҳаётини суғурта қилдиришга кўндиридим.

Шунда Аликс эрининг юзида қатъий қизиқиши ифодасини илғаб олди. У энди ўзига ишонч билан

хикоясини давом эттириди. – Уруш пайтида оз муддат госпиталдаги до-рихонада ишлаганман. Ўшандадори-дармон, ҳатто, заҳарли моддалар билан ҳам ишлашга тўғри келган.

У бир нарсани ўйлаётгандек жим қолди. У эрининг эътиборини тамоман жалб этганига шубҳа қилмасди. Қотилни қотиллик қизиқтиради-да! Аёл маҳорат билан ўз ролида давом этарди. Ўғринча соатга қаради: йигирматакам тўққиз. – Шунақа бир заҳар бўлади. Оппок қуқунга ўхшайди. Бир чимдими одамни ўлдиради. Сен шунақаси ҳақида эшитганмисан?

У жавобни ҳадик аралаш кутганди. Агар тасдиқ жавоби олинса, гапнинг бу ёғини сал ўйлаброқ гапиришга тўғри келарди.

– Йўқ, – деди Жералд. – Билсан ҳам оз нарса биламан. Аликс қониқиш билан бош ирғади:

– Унда гиосциамин ҳақида эшитган бўлсанг керак. Бу заҳар ҳеч қандай из қолдирмайди. Ҳар қандай врач оддий юрак хуружи дея ташхис қўйишидан нарига ўтмайди. Мен ўшандан озгина ўғирлаб олгандим ва уни ҳар доим ўзим билан олиб юрардим.

У куч тўплаш учун озроқ тўхталди.

– Давом эт, – деди эри сабрсизлик билан.

– Йўқ, қўрқаман. Сенга айтиб беролмайман. Бошқа сафар.

– Йўқ, ҳозир айтасан!

- Түрмүш қурганимизга энди бир ой бўлганди. Мен эримга жуда мулоим мумомала қиласардим, у мени ҳар доим қўшниларга мақтарди. Ҳамма мени меҳрибон ва садоқатли аёл сифатида биларди. Кечқурунлари ўзим унга қаҳва дамлаб берардим. Бир куни кечки пайт унинг финжонига бир чимдим ўша заҳри қотилдан ташлаб юбордим...

Аликс эҳтиёткорлик билан игнага навбатдаги ипни ўтказа бошладанди. У умрида саҳнага чиқмаган эса-да, айни чоғда ер юзидағи энг моҳир актриса билан беллаша оларди. У ҳозир совуққон қотил ролини маҳорат ила ўйнаётган эди.

- Ҳаммаси жуда силлиқ кечди. Мен унинг қаршисида ўтириб кузата бошлади. У аввал нафас ололмай хириллай бошлади. Мен деразани очдим. Кейин у стулдан тура олмаётганини айтди. Бир неча сония ўтгач, у ўлиб қолди...

У жилмайиб қўйди. Чоракам тўққиз бўлганди. Энди Дик улгурса керак.

- Суғурта полиси бўйича қанча пул олдинг?

- Икки минг фунт атрофида. Биржা савдоларига аралашиб, бор-будимдан айрилдим. Яна аввалги ишимга қайтдим. Бироқ, у ерда яна узоқ қололмадим. Бошқа бир одам билан танишиб қолдим. Мен яна қизлик фамилиямга қайтганим учун

у менинг турмушга чиққанимни билмасди. У нисбатан ёш, келишган ва анча бадавлат одам эди. Биз Сассексда никоҳдан ўтдик. У менинг номимга ўз ҳаётини суғурта қилишга кўнмади, бироқ бор давлатини менга мерос қолдиришини айтди. У худди биринчи эрим сингари қаҳвани унга ўз қўлим билан дамлаб беришимни ёқтиради. – Аликс хаёлчанлик билан кулимсиради. – Қаҳвани жуда яхши дамлайман-да. Биз яшайдиган қишлоқда менинг танишларим кўп эди. Кунларнинг бирида эрим тушлиқдан сўнг юрак хуружи билан вагонетка этганини эшитиб, улар менга жуда ҳам ачинишли. Ҳатто, аввалги ишимга қандай қилиб қайтганимни ҳам билмайман. Икки эримдан менга тўрт минг фунтга яқин мерос қолди. Бу гал биржасавдоларига аралашмадим.

Сармоямни банкка жойлаштиредим. Мана, кўриб турибсанки... У гапини тўхтатишга мажбур бўлди. Жералд бўғриққанича бармоғини унга ниқтаб пишқира кетди:

– Қаҳва! Ў парвардигор! Қаҳва!

Аёл саросима ичида унга тикилди:

– Унинг бунчалик аччиқ бўлганини энди тушундим. Аҳ сен, иблис! Нималар қип қўйдинг? – у курсининг тутқичини маҳкам тутганча, хотинига ташланмоққа ҷоғланди. – Сен мени заҳарладингми, ҳали?

Аликс камин томонга қараб қочди. Қўрқувдан у ҳамма гапим ёлғон

демоқчи ҳам бўлди, бироқ тилини тишилади. Бир лаҳзада эри унинг гирибонидан олиши мумкин. У бутун мадорини жамлаб эридан кўз узмай тураверди.

– Ҳа, сени заҳарладим. Заҳар ўз кучини кўрсатяпти. Сен ҳозир курсидан туролмай қоласан... Қимирлолмай қоласан.

У эрини яна бир неча дақиқа курсида ушлаб туролса эди. Нима бу? Қадам товушлари! Дарича ғичирладими? Демак, улар келишди. Мана, дарвоза ҳам очилди.

– Сен энди жойингдан қимирлай олмайсан, – бор қувватини тўплаб қайтарди Аликс. У шу гапларни айтганидан кейин хонани тарк этди ва эс-хушини йўқотган ҳолда Дикнинг қўлига йиқилиб тушди.

– О, тангрим, – қичқириб юборди Дик ва ўзи билан келган баланд бўйли полисменга ўгирилди. – Кетдик, қарайлик-чи, ичкарида нима гап экан.

Дик Аликсни эҳтиёткорлик билан күшеткага ётқизиб унинг устига энгашди.

– Менинг кичкинтоим, – деди эркалаб, – менинг шўрликкинам. Сени не куйга солишди? Аликс заиф товушда аранг унинг номини тилга олди. Дик полисмен унинг билагидан туртганидан кейингина ўзига келди.

– У ерда ҳеч нарса йўқ, сэр. Фақат курсида аллаким ўтирибди. У афтидан жуда қўрқиб кетган кўринади ва..

– Кейин-чи?..

– У ўлиб ётибди, сэр...

Уларнинг иккови ҳам Аликснинг овозини эшитиб, сергак тортишиди. У юмуқ кўзлари билан худди алаҳси-раётгандек ғўлдиради:

– Унинг ўлганига анча бўлди, – у гўёки кимнингдир гапини қайтара-ётгандек эди.

## ШОҲИДА

Жиноий иш бўйича жалб этилган жаноб Мейхерн ўрта бўйли, қотма, дид билан кийинадиган олифтанамо киши эди. У адвокатлар ичida ўзига яраша обрў-эътиборга эга эди. Унинг кулранг ва ҳар бир нарсага диққат билан боқадиган ўткир кўзлари суҳбатдошига унинг қанчалик идрокли киши эканини кўрсатиб турарди. Адвокат ўз мижозлари билан қуруққина гаплашса-да, гап оҳангида бадҳоҳлик аломати сезилмасди. Унинг бу галги мижози қасддан одам ўлдиришда айбланаётган эди.

– Сиз тушган вазият ўта жиддий экани, сиз ҳамма нарсани очиқласига тан олсангизгина бу вазиятдан чиқиб кетишингиз мумкинлигини яна бир карра эслатиб ўтишни бурчим деб биламан.

Бу хитоб унинг қаршисида, атрофида рўй берётган ишларга бефарқ ва ланж бир кайфиятда ўтирган, ўт-

тиз ёшлар атрофидаги йигитга қаратилған әди. Бир оз фурсат ўтиб, у маъносиз нигоҳларини жаноб Мейхернга қаратди.

- Биламан, - деди сўниқ ва умидсиз товушда. - Сиз илгариям огоҳлантирган эдингиз. Аммо... ғароз ниятда ва шафқатсизларча одам ўлдирғанликда айбланаётганимга ишонолмаяпман.

Мейхерн фақат далилларга ишонишга кўнишиб қолган, унга ҳиссиётчанлик бегона әди. У кўзойнагини олиб, шошилмасдан ҳар иккала кўзини артиб чиқди.

- Ишқилиб, жаноб Воул, бу кўнгилсизликдан қутулиб чиқишингиз учун анча тер тўкишингиз керак. Ҳали кўрмагандай бўлиб кетарсиз. Бироқ мен сизга қарши важларнинг салмоғи ва сизни қайси йўл билан ҳимоя қилиш қулайроқ бўлишини билиб олишим керак.

Иш у қадар чалкаш эмасди ва айбланувчига қўйилған айб ҳам аниқ-тиниқ бўлиб, ҳеч кимда шубҳа туғдирмасди. Ҳеч ким-да. Бироқ айни дамда жаноб Мейхерннинг ўзида шубҳа туғилди.

- Сиз мени чиндан айбдор санайсизми? - сўради Леонард Воул.  
- Худо ҳақи қасам ичаман, менинг айбим йўқ. Шунчаки, қутулиб чиқиш мушкул бўлган тўр ичига тушиб қолганман. Лекин мен ўлдирганим йўқ. Ўлдирганим йўқ!

Бундай вазиятда ҳеч бир кимса ўз айбини бўйнига олмасдан қолмасди. Буни жаноб Мейхерн ҳаммадан яхши билади. Аммо бу нарсани ич-ичидан тан олса-да, бунга тўла амин эмасди. Пировардида, Воул чиндан ҳам бегуноҳ бўлиб чиқиши ҳеч гап эмасди-да.

– Барча далиллар сизга қарши, жаноб Воул. Шундай эса-да, ишонаман сизга. Хўш, далилларга қайтсак, сиз Эмили Френч хоним билан қандай танишгансиз?

– Оксфорд стритда эдим. Бир кекса аёл кўчани кесиб ўтаётганди. У бир қанча тугунларни қўтариб кетаётганида, йўлнинг ярмига бориб, уларни қўлидан тушириб юборди. Уларни йиғиб оламан, деганида, шитоб билан кетаётган автобуснинг тагида қолиб кетишига оз қолди ва бир амаллаб пиёдалар йўлагига етиб олди. Мен сочилиб ётган тугунчаларни йиғиб, чангини қоқиб аёлнинг қўлига тутқаздим.

– Сиз унинг ҳаётини қутқариб қолганман, деган даъвода эмассиз-а?

– Албатта йўқ. Шунчаки одамгарчилик юзасидан қилдим бу ишни. Рост, у менга қуюқ миннатдорчилик билдириди, ҳатто елкамни қоқиб, бунақа олижаноблик ҳозирги ёшлар учун танқис бўлиб қолганини ҳам айтиб ўтди. Хуллас, кейин мен йўлимда давом этдим. Мен у билан бир куни келиб қайта кўришиб қолишимизни хаёлимга ҳам келтирмаганман.

Бирок ҳаёт кутилмаган тасодифларга тўла. Кунларнинг бирида уни бир ошнамнинг уйида кечки овқат маҳали учратиб қолдим. У мени дарров таниди ва яқиндан танишишни таклиф этди. Оти Эмили Френч эканни ва Криклвудда яшашини ўшанда билганман. Пича гурунглашдик. Фикримча, у киришимли аёл экан. Кейин у мени уйига таклиф қилди. Мен имкон топсам бирор куни уникуга ўтишимни айтдим, у эса аниқ бир кунни тайинлашимни сўради. Унинг уйига боргим келмаётган бўлса-да, таклифини рад этиш ноқулай ва беодоблик бўларди. Шанбани белгилаганимиздан кейин у кетди. Ошналарим унинг жуда бой аёл экани, каттакон бир уйда, биттагина оқсоч ва саккизта мушуги билан яшашини айтишди.

– Демак, сиз унинг ўзига тўқ аёл эканини чиндан ҳам у кетганидан кейин эшитдингиз? – сўради Мейхерн.

– Агар сиз буни атайлаб аёлнинг ўзидан сўраб олган деб ўйлаётган бўлсангиз... – Воул шу тариқа алам билан ўзини оқлашга эришган пайдада Мейхерн унинг гапини охирига етказиш учун имкон бермади.

– Мен ҳеч нарсани ўйлаётганим йўқ. Мен фақат айблов жараёнида қандай саволлар пайдо бўлишини олдиндан тасаввур қиляпман. Мисс Френч кўздан панада, ўта ёпиқ

муҳитда яшаган. Четдан қараган киши унинг бадавлат аёл эканини билмаган бўларди. Эслаб кўринг-чи, унинг пули кўп эканини сизга ким биринчи бўлиб айтганди?

– Оғайним Жорж Гарви.

– У буни тасдиқлай оладими?

– Билмадим. Орадан анча вақт ўтди.

– Кўряпсизми, жаноб Воул. Айбловнинг биринчи вазифаси сизнинг пулга муҳтоҷ яшаганингиз, марҳуманинг пулдор эканини билганингиздан кейин у билан ташишга ошиққанингизни исботлашдан иборат бўлади.

– Ахир, аслида...

– Жуда кўп нарса ўша оғайнингизнинг хотирасига боғлиқ. У ўша гурунгни эслармикин?

Леонард анчагина жим қолди, кейин бош чайқаб сокин жавоб қайтарди:

– Билмадим, жаноб Мейхерн. Бизнинг гапимизни кўпчилик эшитиб ўтирганди. Ҳатто бирори ҳазиллашиб, ўша бой аёлнинг бошини айлантириб олишимни маслаҳат берганди.

– Афсус, минг афсус, – адвокат ўз қизиқишлирини яшириб ўтиrmади.

– Аммо, сизнинг дангал гапларингиз менга ёқяпти. Хуллас, сиз мисс Френч билан танишиб олдингиз. Бу танишув биргина ташриф ила тугамади албатта, тўғрими? Сиз Криклвудга қатнашда давом этдингиз. Қизиқ, сиздек келишган, ёш ва бақувват йи-

гитнинг ўша кекса хоним билан учрашиб туриш учун вақт топа олиши бир оз шубҳали. Уни сизга яна нима боғлаб турган бўлиши мумкин?

Леонард Воул гап тополмай бир оз чайналиб қолди.

– Тўғриси, бунинг сабабини ўзим ҳам яхши тушунмайман. Мен уникуга биринчи марта борганимда-ёқ у ёлғизлиқдан безиб кетганини айтиб, унинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришимни илтимос қилди ва менга бўлган мойиллигини яшириб ўтирмади. Мен эса унинг таклифини қайтаришни ўзимга эп кўрмадим ва тез-тез келиб туришга сўз бердим. Ахир кимнингдир ўзингга ихлоси борлигини, кимгадир кераклигингни ҳис қилиш ёқимли эмасми?

Жаноб Мейхерн бу гал кўзойнагини бурнидан олиб чуқур тафаккурга чўмган ҳолда арта бошлади.

– Сизни тушундим, десам ҳам бўлади, – деди у узоқ жимлик сўнгигда. – Фикримча, бу ҳолат психологик жиҳатдан асосга эга. Ким билсин, айловчилар балки бошқача ўйлашар. Қани, давом этинг-чи. Қачон мисс Френч иш бошқаришда ёрдам беришинлизни сўраб илтимос қилди?

– Албатта, биринчи борган кунимда эмас. Бунгача турли қоғозлар билан ишлаш жонига теккани ҳақида гапириб, кўпгина капитал қўйилмалиари билан боғлиқ ташвишлардан безовта эканини айтганди.

Жаноб Мейхерн Воулга тезгина ўткир бир нигоҳ ташлаб қўйди.

– Мисс Френчнинг оқсочи Жанет Маккензи ўз бекасининг ўта зийрак аёл бўлгани, барча ишларни ўзи назорат остида тутиб турганини таъкидлаган. Унинг банкирлари ҳам бу фикрни тасдиқлашади.

– У менга бутунлай бошқача гапирганди.

Жаноб Мейхерннинг нигоҳи яна Воулга қадалди. Ҳозир унинг Воулга нисбатан ишончи ортаётган эди. У қалбида мана шу ёшгина йигитга меҳр уйғонган мисс Френчнинг уни ўз уйида тутиб туришнинг энг мақбул йўлини топганини тасаввурiga сиғдира олди: аёл молиявий ишларда ёрдам беришни йигитдан шахсан илтимос қилган бўлиши жуда-жуда табиий. У йигитнинг кўнглини овлаш мақсадида унга яна бир карра илтифот кўрсатмоқчи бўлгандир эҳтимол. Балки, у қанчалик бадавлат аёл эканини йигитга кўрсатиб қўйгиси ҳам келгандир. Ўта сермулоҳаза ва идрокли бўлган Эмили Френч ҳар бир нарсани муносиб баҳолаб келган.

Жаноб Мейхерн Воулнинг ҳиссиз юзига термилиб туриб ана шуларни хаёл қилди.

– Демак, сиз мисс Френчнинг илтимосига кўра, унинг иш бошқарувчиси бўлишга рози бўлдингиз?

– Ҳа.

– Жаноб Воул, – адвокат ҳар бир гапини чертиб-чертеб гапира бошлади. – Мен ҳозир сизга ўта жиддий бир савол бераман ва сиз менга фақат тўғрисини айтишингиз керак. Молиявий муносабатларда сизнинг ишингиз унча аҳамиятли бўлмаган. Марҳуманинг фикрича, сиз фақат унинг ишга алоқадор бўлмаган қоғозларини тартибга келтириш билан шуғуллагансиз. Аслида бу қоғозларнинг аксарияти жуда муҳим ва қимматли бўлган. Сиз улардан бирор марта шахсий манфаатингиз йўлида фойдаланганмисиз? Фақат аввал яхши ўйлаб, кейин жавоб беринг.

Воул бир дақиқа ҳам ўйлаб ўтирамади.

– Ҳамма ишни ҳалол ва вижданан бажарганман. Мен нима иш қилган бўлсан, мисс Френчнинг фойдасини кўзлаб қилганман.

– Лекин назаримда бунаقا жиддий ишларда қинғирлик қилиш учун сизнинг фаҳму фаросатингиз етади.

– Ким билсин, – елка қисди Воул.

– Менда уни ўлдириш учун бирорта ҳам асос йўқ эди. Қолаверса, мен фақат бойлик орттириш мақсадида у билан алоқани узмаган бўлсан, унинг ўлими ҳамма умидларимни чиппакка чиқарган бўларди.

Адвокат яна кўзойнагини артишга тушди.

– Жаноб Воул, наҳотки, сиз мисс Френч бутун бойлигини сизга ва-

сият қилиб қолдирганидан бехабар бўлсангиз?

– Нима?

Воул стулдан сапчиб тураркан, жаноб Мейхернга ҳайрат ила тикилиб қолди. Мейхерн эса, бояги гапни қайтариш ўрнига шунчаки бош ирғаб қўя қолди.

– Сиз бу васиятнома ҳақида ҳеч нарса билмасдим, демоқчимисиз?

– Ишонинг, бу мен учун кутилмаган янгилик бўлди.

– Бироқ, хонимнинг оқсочи бунинг аксини айтяпти. Унинг гапларига қараганда, хоним бу қарорга келишдан илгари гапнинг бир учини ўз жориясига ҳам чиқариб қўйган экан.

– Жанет алдаган! У ўта бадгумон ва ҳасадгўй кампир. Уни бекамнинг ўзи ҳам ёқтирмасди. Менга ундан бир неча марта нолиб гапирган.

– У сизга туҳмат қиляпти, деб ўйлаяпсизми?

– Йўғ-э, унга бунинг нима кераги бор? – у адвокатга ғалати қараб қўйди.

– Билмадим. Лекин у сиздан қаттиқ ғазабда.

– Даҳшат! Бундан чиқди, мен турли йўллар билан қўрқитиб, мисс Френчни менинг фойдамга васиятнома ёзишга мажбур қилганим ва уйда ҳеч ким йўқ пайтда уни... Эрталаб эса аёл ўлик ҳолда топилган. Ўпарвардигор, бу не кўргулик?

– Уйда ўша куни мархұмадан бўлак ҳеч ким йўқ деб ўйлаган бўлсангиз, адашасиз, жаноб Воул, – дея унинг гапини шарт бўлди адвокат. – Эсингизда бўлса, Жанет ўша куни ҳар қунгидан эртароқ уйига кетган – унинг дам олиш куни эди. Бироқ, соат тўққиз яримларда орқага қайтишга тўғри келган. Жанет яширин йўлақдан уйга кириб, тепага қўтарилиган ва ичкаридан ғўнғир-ғўнғир овозни эшитиб қолган. Овозларнинг бири унинг бекасига тегишли бўлган, иккинчиси эса, қандайдир эркакники экан.

– Тўққиз яримда... мен... – бирдан Воулнинг юзига қон югуриб, қўзлари чақнаб кетди. – Тўққиз яримда? Мен озодман энди!!!

– Озодсиз? Нимани назарда тутяпсиз? – ажабланди жаноб Мейхерн.

– Бу вақтда мен уйда ўтирувдим. Хотиним буни тасдиқлаши мумкин. Тахминан, ўнтакам тўққизларда мисс Френч билан хайрлашиб чиққанман. Тўққизу йигирмаларда мен кечки овқатга ўтиргандим. Ёраб, ўзингга шукур!

– Унда мисс Френчни ким ўлдирган бўлиши мумкин?

– Эҳтимол, босқинчи ўғрилар бўлиши мумкин? Жанетнинг менга адоватига ишониб, полиция нотўғри йўлдан борди ва вақтни бекор ўтказиб юборди.

– Балки, шундайдир, – деди адвокат. – Ўзингиз ўйлаб кўринг, жаноб

Воул. Сиз соат тўққиз яримда уйда бўлганман, деяпсиз. Оқсоч эса уйда эркак кишининг овозини эшитган. Наҳотки, мисс Френч босқинчи билан гаплашиб ўтирган бўлса?

– Ахир, мен... – Воул нима дейшини билолмай, ўзини йўқотиб қўйди. – Ҳар ҳолда менинг бу ерда ҳеч қанаقا айбим йўқ. Талабим бор. Сиз дарҳол хотиним Ромейн билан учрашишингиз керак. У менинг гапларимни тасдиқлайди.

– Албатта, – рози бўлди жаноб Мейхерн. – Мен аллақачонлар хотинингиз билан учрашмоқчи эдим. Лекин у Лондонга жўнаб кетган экан. Миссис Воулнинг бугун қайтишини эшитганимдан кейин сиз билан гаплашиб бўлгач, унинг ёнига боришга қарор қилган эдим.

Воул қониқиш билан бош ирғади. У энди тамомила хотиржам тортиб қолганди.

– Узр, жаноб Воул, сиз хотинингизни жудаям яхши кўрсангиз керак?

– Албатта.

– У-чи, уям сизни севадими?

– О, Ромейн менга жуда садоқатли. У мен учун ҳамма нарсага тайёр.

Воул хотини ҳақида жуда тўлқинланиб гапирав экан, жаноб Мейхерн бир оз безовталана бошлади. Ахир, ўз эрини жонидан ортиқ севадиган аёлнинг эрининг фойдасига бераётган кўрсатмасига ким ҳам ишонарди?

– Тўққизу йигирмада уйга қайтганингизни хотинингиздан бошқа яна кимдир кўрдими? Масалан, хизматкорингиз?

– Бизнинг оқсочимиз қатнаб ишлайди. У соат еттида уйига кетади.

– Кўчада ҳам биронтага кўзингиз тушмадими?

– Танишлардан ҳеч кимни кўрмадим. Тўғри, йўлнинг ярмини автобусда босиб ўтдим. Балки, чиптачи мени эслаб қолгандир?

Жаноб Мейхерн шубҳали бош чайқади:

– Хотинингизнинг кўрсатмасини яна ким тасдиқлаб бериши мумкин?

– Ҳеч ким. Ахир шусиз ҳам мени оқлаш мумкин эмасми?

– Мен ҳам шунга умид қиласман.

Жаноб Мейхерн ўрнидан туратиб, Воулга қўл узатди.

– Ҳар ҳолда, мен сизнинг айбсиз эканингизга ишонаман ва бу судда ўз исботини топишига умид қиласман.

Леонарднинг юзига табассум ёйилди.

– Мен ҳам умидворман. Ахир менда ҳаққоний алиби бор-ку!

Жаноб Мейхерн ҳеч нарса демасдан хонадан чиқди.

Воуллар оиласи Пэддингтон-Гриндаги кичкина бир уйда туришарди. Жаноб Мейхерн ўша ёққа йўл олди.

Эшикни Воул «қатнаб ишлайди» деб айтган ўрта яшар, миқти хизматкор аёл очди.

– Мисс Воул қайтдиларми?

– Ҳа, бир соат бўлди. Лекин, у киши сизни қабул қила олармикинлар?

– Манавини кўрсатсангиз қабул қиласа керак, – адвокат шундай дея ташрифномасини унга узатди.

Аёл адвокатга ишонқирамай қараб турди-да, унинг қўлидаги қоғоз парчасини эҳтиёткорлик билан олди ва эшикни шундоқ унинг юзига ёпиб, ичкари кириб кетди. У бир неча дақиқадан кейин ортига қайди, бу пайтда унинг муомаласи ҳам бир оз ўзгарган эди.

– Киринг, марҳамат.

Адвокат аёлнинг изидан ихчам ва шинам ошхонага ўтди. Унинг қаршисидан баланд бўйли, хушқомат ва қорасоч санам оҳиста одимлаб келарди.

– Мистер Мейхерн? Адашмасам, сиз эримнинг иши билан шуғулланяпсиз, ҳозир унинг ёнидан келяпсиз. Шунақами? Марҳамат, ўтиринг.

Унинг енгил ва сал ғализ талафузи ажнабий эканини кўрсатиб турарди. Жаноб Мейхерн зимдан разм солиб, аёлнинг оппоқ ва кенг елкалари, жозибали қароқлари ва қўлларининг нозик ҳаракатига эътибор берди. Унинг ташқи кўринишидаги ҳар бир белги унинг ғайриинглиз эканидан далолат берарди.

– Мұхтарама Воул хоним, ўзингизни қўлга олинг, тушкунликка тушманг, – дея гап бошлади адвоти.

кат ўтираётиб, аммо, аёлнинг юз ифодаларида ҳеч қандай тушкунлик аломати йўқ эди. Аксинча, у ўзини жуда эркин ва хотиржам ту-таётганди.

«Галати аёл экан. Шунаقا бетаъ-сирки, ғашинг келади», – ўйлади Мейхерн. Бу аёл билан учрашган илк дақиқада у ўзини бир оз ноқулай сезганди. Ҳозир унинг қаршисида жавобини топиш ўта мушкул бўлган бир жумбоқ турарди, гўё.

Жаноб Мейхерн Воул билан кечган суҳбатнинг қисқача мундарижасини баён этди. Аёл эса, унинг гапларини диққат билан, бошини ирғаб-ирғаб эшилди.

– Демак, – деди у, адвокат гапларини тугатгач, – у соат тўққизу йигирмада уйига қайтиб келганини тасдиқлашимни истайди, шунақами?

– Ахир, у ростдан ҳам шу пайти келмаганмиди?

– Гап бундамас. Менинг гапларимга ишонадиларми, йўқми, шуни билмоқчиман. Кимдир гапимни тасдиқлайдими?

Жаноб Мейхерн ўзини йўқотиб кўйди. Аёлнинг мақсади нима ўзи? Нега у ўзини бунчалар лоқайд тутяптийкин?

– Ҳеч ким, – деди адвокат қуруқ оҳангда.

Ромейн бир-икки дақиқа сокин ўтирди, кейин унинг лаблари орасидан кинояли табассум сизиб чиқ-

ди. Нега илжайяпти бу ўзи? Жаноб Мейхерннинг қалбидаги исён яна кучлана бошлади.

– Воул хоним, сизнинг эрингизга қанчалик содиқ эканингизни яхши биламан.

– Маъзур тутинг, нима дедингиз?

Бу савол боёқиши адвокатни тамоман шошириб қўйди ва журъатсизгина саволини қайтарди.

– Бу гапни сизга унинг ўзи айтдими? Эҳ, эркак зоти бунча аҳмоқ бўлмаса? – дея илкис стулдан туриб кетди аёл.

Мейхерннинг ичидағи гумон энди ҳақиқатга дўниб улгурган эди.

– Уни кўргани кўзим йўқ! Эшиятпизми? Нафратланаман. Уни қандай осишларини ўз кўзларим билан кўрсам эди!

Жаноб Мейхерн лол бўлиб қолди. У аёлга секин яқинлашди. Унинг нигоҳларида, овозида ҳатто нафасида ҳам ғазаб намоён эди.

– У ўша куни кечаси 9:20 да эмас, 10:20 да келди десам, нима бўпти? У васиятнома ҳақида олдиндан билгани, шунинг учун у аёлни ўлдиришга қарор қилгани ҳақида айтиб берсам-чи? Ахир, ўзи менга ҳаммасини айтиб берганди. Буларнинг барини судда айтиб берсам, нима қипти?

Мейхерннинг назарида аёлнинг кўзлари ўт чақнатиб турарди. Адвокат бир амаллаб ўзини тутиб турди-да, қатъий жавоб қайтарди.

– Сиз эрингизга қарши кўрсатма беришга жалб этилишингиз мумкин эмас. Қонун шунаقا.

– У менинг эrim эмас.

Шу дақиқада Мейхерн ҳозиргина эшитган гапини мулоҳаза қилишга тушди.

– Эrim эмас, – қайтарди у ва анчагача жим қолди. – Мен Венада актриса эдим. Эrim бор эди, ҳозир ҳам бор, фақат... жинниҳонада. Кўряпсизми, Воул билан бизнинг никоҳимиз қонуний эмас. Ва мен бундан хурсандман.

– Сиздан фақат бир нарсани эшитишни истардим, – жаноб Мейхерн яна ҳис-туйғулардан мосуво адвокат Мейхернга айланди. – Сиз нима сабабдан ўз э... жаноб Воулга нисбатан қарши оёққа турдингиз?

– Бу ҳақда гапиришни истамайман. Бу менинг сирим бўла қолсин.

Жаноб Мейхерн йўталиб қўйди:

– Суҳбатни бу тарзда давом эттиришдан фойда йўқ. Мижозим билан яна бир бор гаплашиб кўрганимдан кейин сиз билан ҳам гаплашиб олармиз.

Шу чоқ собиқ Воул хоним эркакнинг рўпарасига келиб тўхтади ва шу аснода адвокат унинг шаҳло қўзлари билан яна бир карра яқиндан тўқнашди.

– Очиғини айтинг. Сиз бу ёққа келишингиздан илгари унинг айбсиз эканига ишониб эдингизми?

– Ҳа.

- Сизга жуда ачинаман, - у яна сирли табассум ҳадя қилди.

- Ҳозир ҳам ишонаман унга, - деди жаноб Мейхерн. - Хайр.

У кўчада кетиб бораркан, кўз ўнгидан Ромейннинг қиёфаси кетмасди. Галати аёл. Тушунарсиз ва хавфли аёл... Полиция маҳкамасида дастлабки тергов ишлари жадал борарди. Жиноий ишнинг асосий шоҳидлари мақтуланинг жорияси Жанет Маккензи ва келиб чиқиши австрис бўлган, Леонард Воулнинг хотини саналмиш Ромейн Хейлдгер эдилар.

Воул иши судга оширилди. Суд бошланишидан сал аввалроқ кечки почта орқали Мейхерн бир мактуб олди. Хат ифлос хатжилдда, арzon қоғозда ва ажи-бужи ҳарфларда ўта саводсизлик билан битилган эди. Мейхерн хатнинг мазмун-моҳиятидан тўла хабардор бўлиш учун уни икки қайта ўқишига мажбур бўлди. Хатни таъсирчан қўрсатишга уринган ғализ жумлалар олиб ташланса, қолган бирикмалар соф инглизча шаклга солинса, қуйидаги маъно келиб чиқарди: «Ҳурматли жаноб! Сиз анави бечоранинг иши билан шуғуланаётган бўлсангиз керак. Агар сиз унинг ажнабий хотини ҳақида бирор қизиқарли гап эшитишни истасангиз, бугун кечки пайт Степнига етиб келинг. У ердаги ўн олтинчи уйда мисс Могсиннинг уйини сўранг.

Ўзингиз билан икки юз фунт ола келишни ҳам унутманг».

Жаноб Мейхерн бу ғаройиб жумлаларни қайта-қайта ўқиб чиқди. Аввал бу хат унга оддий бир жумбоқ бўлиб туюлган эса-да, адвокат чуқурроқ фикр юритиб, у билан ҳазиллашишмаётганини тушуниб етди. Жаноб Воулнинг қутулиб қолиши ҳам шу мактуб эгаси берадиган маълумотга бевосита боғлиқ.

Хуллас, жаноб Мейхерн қарор қилди...

У хатда кўрсатилган уч қаватли вайронани топиш учун чанг ва ифлос кўчалар, фақирлик ҳиди келиб турган хароба гузарларни узоқ кезишга мажбур бўлди. Жаноб Мейхерн кирлатта қоплаган эшикни чертганида ҳеч ким жавоб қайтармади. Қайта чертилгач, аввал шалоплаган қадам товушлари эшитилди, кейин эшик қия очилиб, ичкаридан бир жуфт кўз адвокатга бошдан-оёқ разм сола бошлади. Кейин эса эшик табақаси катта очилиб, бўсағада бир аёл пайдо бўлди.

– Бу сенмисан? – сўради хириллоқ овозда. – Бир ўзингмисан? Кир тезроқ.

Жаноб Мейхерн эгилиб, газ чироғи хирагина ёритиб турган кичкина ва жуда ифлос хонага кирди. Бурчакда йиғилмаган тўшак, ўртада ғичирлоқ стол ва путурдан кетган икки стул турарди. Адвокатнинг

кўзлари ғира-ширага кўнишкач, у бу харобат бекасига диққат билан разм сола бошлади. У ўрта ёшлардаги қадди дол, нари-бери кийинган аёл эди. Унинг мавхум тусдаги, анчадан бери тароқ тегмаган соchlари елкаларида тўзғиб ётарди. Юзлари то кўзлари қадар ола-була шарф билан ўраб олингандай эди. Аёл жанобнинг ошкора таажжубли нигоҳларига заҳархандалик билан жавоб қайтарди.

– Нега анграйиб қолдинг? Юзими ни яшириб олганимга ҳайрон бўляпсанми? Истасанг, менинг мислсиз чиройимдан баҳра олишинг мумкин. Фақат, кўриб ўзингни йўқотиб қўймасанг, бас.

У шу гаплар билан шарфини ечганида, чап ёноғидаги қип-қизил ва мудҳиш чандиқларни кўриб, адвокатнинг хуши бошидан учди.

– Хўш, мени ўпмоқчимисан? Йўқ! Ўзим ҳам шунаقا деб ўйловдим. Бир пайтлар мен ҳам ҳурлиқо эдим. Юзимдаги бу нақши нигор қаердан келганини биласанми? Купоросдан. Анавилар... – у шундай дея оғиз олиб бўлмайдиган ҳақоратомуз гапларни ёғдира кетди. У гапириб тинчиганидан кейин ҳам қўлларининг тинимсиз қалтироғи босилмади.

– Бас, – деди Мейхерн узоқ давом этган жимликни бузиб. – Билишимча, сиз менга Леонард Воул иши бўйича қандайдир маълумот бермоқчи эдингиз.

Мисс Могсон айёrona кўз қисди:

– Пули-чи, жонгинам? – деди хириллаб. – Икки юзтани чўзиб қўйсанг, сенга керакли нарсани қўлинингга тутқазаман.

– Масалан нимани?

– Хат. Ўша аёлнинг хати. Хўш, бунга нима дейсан? Фақат, у менинг қўлимга қандай тушиб қолганини сўрамасанг, бас. Икки юзни тўлайсан – хат сеники.

– Ўн фунт! Бошқа бир чақа ҳам бермайман. Агар, ўша менга асқотадиган бўлса, албатта.

– Нима? Бор-йўғи-я? – Аёл яна бақириб-чақиришга ўтди.

– Йигирма, – деди жаноб пинагини бузмай. – Бу менинг охирги гапим. – Адвокат ҳамёнини кавлаштиришга тушди. – Бор пулим шу.

Аёл нақд пулни қўриб, бир оз ўзини йўқотиб қўйди. Алланарсаларни ғўлдираб-ғўлдираб каравотига яқинлашди ва матрасни кўтарди.

– Мана, ол, жин урсин, – дея бир даста хатни унинг олдига ирғитди. – Сенга кераклиси энг тепада турибди. Жаноб Мейхерн хатлар боғламини очиб, уларни бирма-бир кўздан кечира бошлади. Ромейн Хейлгернинг Воулнинг номига битилган ишқий мактубини топиб олди. У бошқа хатларга ҳам бир бор кўз ташлаб чиқди. Энг тепадаги хатни икки марта ўқиб чиқди: унда Воул ҳибсга олинган сана қайд этилган эди.

– Бу хат сизнинг қўлингизга қандай тushiб қолди?

– Бу хат ҳали ҳаммаси эмас. Ўша оқшом анави... қай гўрда эканини сўрамайсанми? Лайэн Роуд кинотеатридан бориб сўра. У ердагилар уни яхши эслашса керак.

– Хат кимга атаб ёзилган?

– Бу хатни менга ташлаб кетган одамга тегишли. – Мисс Могсон қўлларини абгор юзига томон олиб бораркан, унинг бармоқлари Мейхернга таниш ҳаракат ила машғул эди.

– Унинг қўлидан келгани шу бўлди. Неча йил ўтган бўлса-да, эсимдан чиқмайди. Ўша келгинди уни мендан тортиб олди. Бир куни мен уларни изма-из таъқиб қила бордим. Уларни қўлга туширган пайтимда эrim юзимга ана шу заққумни сепиб юборди. Анави манжалақи эса, бундан ҳузурланиб қулди. Шу пайтга қадар ундан ўч олиш учун ҳар қадамини пойлаб келаман. Энди у менинг қўлимда. Ҳали ҳаммаси учун жавоб беради. Тўғрими, жаноб?

– Эҳтимол, уни ёлғон гувоҳлик бергани учун қамашар.

– Ишқилиб, овозини ўчиришса, попугини пасайтириб қўйишса, бас. Эй! Жаноб, пул қани?

Жаноб Мейхерн стол устига иккита ўнталикни қўйиб, чиқиб кетди.

Адвокат вақтни ўтказмаслик учун ҳозироқ Лайэн Роудга боришига қарор қилди. У ерда эшик оғаси

Ромейн Хейлдгернинг суратидан дарҳол таниди. Ўша куни соат ўнда аллақайси эркак билан кинотеатрга келган. Эшик оғаси ҳалиги эркакка диққат билан разм солмагани учун унинг қиёфаси яхши эсида қолмаганини айтди. Улар иккалови сеанс тугагунча, соат ўн иккиларга қадар ўтиришибди.

Жаноб Мейхерн бундан тўлатўкис қониқиш ҳосил қилди. Ромейн Хейлгернинг кўрсатмалари бошдан охиригача ёлғон бўлиб чиқди. Бунга сабаб – унинг Воулга бўлган нафрати. Бунинг боиси нима бўлса экан? Шўрлик Воул хотиним деб атаган аёлнинг ўзи ҳақида гапирган гапларини эшитиб, бир замбил лойдек бўшашиб кетди. Бунга сирам ишонгиси келмади.

Дарвоқе, дастлаб Воулнинг эътиrozларидағи тушкунлик Мейхернга бир оз соҳтадек туюлди. Чамаси, у хотинининг бу даражага боришини аввалданоқ билган. Лекин бошқалар бундан хабардор бўлишини истамаган. Иккаласининг орасидаги сир ҳамон сирлигича қоляпти.

Бундан қачондир Мейхерн ҳам воқиф бўлармикин?

Эмили Френчни ўлдирганликда айбланаётган Леонард Воул устидан суд жараёни катта шов-шув билан бошланди. Биринчидан, айбланувчи ҳали ёш ва тарбияли йигит эди, иккинчидан уни ўта ваҳшийларча одам

ўлдиришда айблашаётган эди. Бу жараён катта шов-шув бўлишининг яна бир сабаби айбловнинг асосий шоҳиди Ромейн Хейлдгер эди. Кўплаб газеталарда унинг фотосурати ва ўтмиши билан боғлиқ турли миш-мишлар чоп этилди.

Аввалига ҳаммаси силлиқ кечди. Аввал эксперtlар ўз хулосаларини ўқиб эшиттиришди. Кейин оқсоч аёл сўзга чиқди ва у терговда билдирган кўрсатмасини сўзма-сўз такрорлади. Ҳимоячи айrim саволлар билан уни чалғитмоқчи бўлгани ҳам ҳеч қандай наф бермади. Унинг гапларида айбланувчини асраб қолиш учун биргина тугун бор эди: аёл эркак кишининг овозини эшитган бўлса-да, бу овоз айнан Воулга тегишли эканини у исботлаб беролмади. Адвокат шу билан бир қаторда ҳакамларга оқсочнинг гувоҳлиги аниқ далиллар эмас, унинг Воулга нисбатан бадхоҳлиги асосида қурилганига ишонтира олди.

Асосий шоҳидани чақирдилар.

– Сизнинг исм-шарифингиз Ромейн Хейлдгер, шунақами?

– Ҳа.

– Келиб чиқишингиз австрисларга бориб тақалади?

– Худди шундай.

– Сўнгги уч йил ичидагиз айбланувчи билан эр хотиндек яшагансиз, тўғрими?

Шу лаҳзада Ромейннинг кўзлари Воулники билан тўқнашиб кетди.

- Ҳа.

Сўров давом этарди. Ромейн суд аъзоларига даҳшатли ҳақиқатни ҳикоя қилиб беришга тушди: қатл оқшоми айбланувчи ўзи билан кичкина чўкич кўтариб уйидан чиқиб кетган. Ўндан йигирмата ўтганда, у қайтиб келган ва қотиллик содир этганини айтиб берган. Енглари қонга беланган кўйлагини ўтга ташлаган. Кейин эса, ҳеч кимга оғиз очма, дея хотинига таҳдид солган.

Қаршида ўтирган айбланувчининг асл қиёфаси ойдинлашиб боргани сари, ҳакамларнинг ҳам чехрасида ўзгариш зухур эта бошлади. Ромейн эса ўз ҳикоясини катта ҳаяжон билан давом эттирад, у сўздан сўзга ўтгани сари қаҳр ва ғазаби ортиб бораради.

Ҳимоячи ҳам ғазабдан тишини-тишига босиб, ўрнидан турди. У шоҳиданинг барча гаплари уйдирма эканини билдириди. У айтдики, ўша оқшом аёл уйида бўлмаган, шу боис Воулнинг қачон қайтганини ҳам билмаслиги керак. Адвокат ҳакамларга Ромейн хонимнинг бошқа бир эркак билан ўйнаш тутингани, шу боис у ўз эрини қилмаган жинояти учун ўлимга маҳкум этилишини истаб унга тухмат тошларини отаётганини билдириди.

Ромейн эса, ўта совуққонлик билан айбланувчи билдирган эътирозларни қатъиян рад этди.

Шунда адвокат залда пашша учса билинадиган сукунат қўнишини кутди ва Ромейн Хейлдгернинг мактубини ўқий бошлади: «Азизим Макс. Тақдирнинг ўзи бизнинг бирга бўлишимиз учун йўл очаётганга ўхшайди. У ҳозир қамоқда! Уни, ҳатто чумолига ҳам озор беролмайдиган бир лапашангни қотилликда айблашаяпти. Эҳ, ана қасос фурсати етиб келди. Мени сўроқ қилишса, у кечаси қонга беланиб қайтди ва барча қилган ишларига иқрорлигини билдириди, деб айтаман. Уни дорга олиб боришаётганида уни ўлимга маҳкум этган мен эканимни англаб, қанчалик тўлғанишини тасаввур қиляпман. Воул энди йўқ. Фақат сен билан мен бормиз. Бу бизнинг баҳтимиз Макс!»

Экспертлар ҳозироқ хат кимга тегишли эканини аниқлашга ҳозир эдилар. Бироқ кутилмагандан, Ромейн Хейлдгер ҳаммасини тан олди: адвокатнинг гаплари тўғри чиқди. Жиноят ишининг энг асосий айбдори ёлғончи бўлиб чиқди.

Воулни иккинчи бор сўроқ қилишди. У ҳаммасини худди аввалгидек тутилмасдан гапириб берди, ҳатто чалғитувчи саволларга ҳам осонликча чап берди. Гарчи баъзи далиллар ҳамон унга қарши бўлса-да, ҳакамлар яқдил ҳукмни қабул қилишди: Воул айбсиз деб топилди.

Жаноб Мейхерн Воулни ғалаба билан табриклашга ошиқди. Унинг

яқинига ҳозирча йўлаб бўлмаслигини билган адвокат халқ бир оз тарқалишини кутди. Адвокат яна кўзойнагини артиш учун қўлига олганида, бу ҳаракат унинг учун одатга айланиб қолганини пайқаб қўнглига бехос хавотир оралади. Хотини ҳам бир неча марта шу ҳақида гапирганди. Тарки одат – амри маҳол.

Ғалати нарса шу одат дегани. Манави Ромейн Хейлдгер деганлари ҳам... У ўзини қанча бехавотир ва вазмин тутишга интилмасин, бари бир қанчалик ҳаяжонда эканини сездириб қўйди.

Шу лаҳзада Мейхерн кўзларини юмиб, сарвқомат, сиймтан ва алланарсадан ҳадик олиб турган эҳтиросли аёлнинг сиймосини кўз олдига келтирди. Унинг муҳаббати... Унинг нафрати... Қўлларини ғалати алфозда ўйнатиши...

Эҳ, у худди шундай ҳаракатни яқин орада яна кимдадир кўрганди. Яқиндагина...

Мистер Мейхерн эслади-ю, нафаси бўғзига тиқилаёзди: степнилик мис Могсон!

Бўлиши мумкин эмас! Наҳотки?

У ҳозир фақат биргина нарсани истарди – Ромейн Хейлдгер билан кўришишни.

Бироқ, улар анча кеч кўришдилар, қаерда бир-бирини учратиб қолишгани ҳозир унчалик муҳим эмас.

– Сиз адашмадингиз, – деди аёл.  
– Юзимни қандай қилиб ўзгартир-  
ганимни сўрамоқчисиз. Бу унча қи-  
йин эмас. Газчироқ ёруғида гриммни  
пайқаш жуда мушкул. Қолаверса...  
Мен бир пайтлар актриса бўлганим-  
ни унутманг.

– Лекин нима учун...

– Нима учун бундай қилдим? –  
унинг саволини тўлдирди у ярим та-  
бассум билан. – Мен уни қутқаришим  
лозим эди. Ахир ўз эрини чин дилдан  
севадиган ва унга ўлгудек содик бўл-  
ган аёлнинг кўрсатмасига ҳеч ким  
ишонмаслигини мен ҳам билардим.  
Сиз ўзингиз билмаган ҳолда менга  
буни яна бир карра эслатиб қўйган-  
дингиз. Мен эса одамлар орасида  
яхшигина ажралиб тураман. Мени  
шармандаларча фош қилсангиз,  
ўзим қилмаган ишга иқрор эттири-  
сангиз, мен эримга қарши гувоҳлик  
бераётганларга нисбатан тубан ва  
олчоқ бўлиб қўринсамгина, у оқла-  
ниши мумкинлигини билардим.

– Ҳалиги хат-чи?

– У хат шунчаки уйдирма, сизнинг  
тилингизда айтганда қалбаки эди.  
Ҳамма нарса ўша хат туфайли изига  
тушди.

– Унда Макс дегани ким бўлди?

– Унақа одам йўқ, ҳеч қачон бўл-  
маган.

– Менимча, биз ўта моҳирона ўй-  
налган мана шу спектаклсиз ҳам ишда  
ютиб чиқишимиз мумкин эди-ку!

– Мен таваккал қила олмасдим.  
Ахир сиз уни айбсиз деб ўйлагансиз,  
тушуняпсизми?

– Тушунаман, Воул хоним. Мен  
уни айбсиз деб ўйлаганман. Сиз эса,  
унинг айбсизлигини билган эдин-  
гиз-ку!

– Ҳеч нарсани тушунмабсиз,  
муҳтарам жаноб Мейхерн. Ҳа, мен  
билгандим. Билгандим эримнинг...  
айбдор эканини!..

**КАРЕЛ ЧАПЕК**  
**(Чехия)**

## **ШОИР**

Айтарли фожиа ҳам эмас. Тонгги соат түртда Житной күчасида катта тезликда келаётган машина сархуш кампирни уриб юборган ва яширган. Ёш полиция нозири Мейзликка ана шу жиноятни очиш топширилган эди. Биласиз, ёш нозирлар ишга ўта масъулият билан ёндашадилар.

– Хў-ўш, – Мейзлик 141 рақами мишибага юзланди. – Демак, сиз ўзингиздан 300 метрча нарида шиддат билан қочаётган машинани кўрдингиз, ерда кампирнинг пажмурда гавдаси ётарди. Сиз энг аввал нима қилдингиз?

– Энг аввал жабрланувчининг ёнига югуриб бордим, – гап бошлади мишиб. – Унга биринчи тиббий ёрдам...

– Энг аввал машинанинг рақамини кўриш керак эди, – унинг гапини шарт кесди Мейзлик. – Кампир ўлса ўлиб кетавермайдими? Кейин кўрсатаверардингиз ўша ёрдамни... Шахсан, мен шундай йўл тутган бўлардим, – деди у қалам билан бош қашиб. – Демак, машина рақамини эслаб қололмадингиз. Бошқа бирор белги ёдингиздадир?

– Менимча, – ишончсизлик билан минғирлади мишиб. – Машина жуда

түк рангли эди. Күк бўлиб кўк эмас. Тўқ қизил ҳам эмасди. Пуркагичдан қуюқ тутун чиқиб турувди. Ҳеч нарсани қўролмадим.

– Ё раббий, – зорланди Мейзлик.  
– Энди машинани қандай топаман?  
Бир камим «кампирни сиз туртиб кетмадингизми?» дея ҳайдовчи-ма-ҳайдовчи югуриб юришим қолувди. А, айтинг, биродари азиз, шунаقا қиласми энди?

Миршаб итоаткорлик ва мискинлик билан елка қисди:

– Ижозатингиз билан... мен яна бир гувоҳни қайд қилиб қўйганман. Лекин уям тайинли бирор нарсани билмайди. Нариги хонада ўтириби.

– Олиб киринг, – тундлик билан буюрди Мейзлик ва протокол қофозига кўз тикди. – Насабингиз, тураржойингиз, – қуруқ оҳангда гувоҳни сўроққа тутди кейин.

– Кралик Ян, механика куллиёти талабаси, – бурро-бурро жавоб қайтарди йигит.

– Сиз тонгги соат тўртда номаълум машина Божена Махачковани уриб кетганини ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

– Ҳа, шуни айтишим мумкинки, бу ерда айб юз фоиз ҳайдовчиди. Ўзингиз ўйланг, кўча деярли бўм-бўш эди. Орқасида бирор машина ҳам йўқ эди. Кампирни четлаб ўтса, ҳатто, кескин тормоз берса ҳам бўларди.

– Сиз воқеа жойидан узокдами-дингиз?

– Ўн қадамча берироқда әдим. Мен ўз шеригимни... қаҳвахонадан олиб чиқиб, уйига кузатмоқчи әдим. Житной күчасидан ўтаётиб...

– Шеригингиз ким әди, – яна гапини бўлди нозир.

– Шоир Ярослав Нерад, – соддларча жавоб қайтарди гувоҳ. – Аммо, ундан бирор гап олишингизга қўзим етмайди.

– Нима учун?

– Нима учунки... у ғирт шоир-да! Нуқул хаёл суриб юради. Ўша машъум ҳодисани қўриши билан ҳатто йиғлаб юборди ва уйига чопиб кетди... Хуллас, биз Житной күчаси бўйлаб кетаётганимизда орқадан яшин тезлигида келаётган машина охирги тезлиқда...

– Машинанинг рақами?

– Узр, эътибор бермабман. Мен фақат унинг юқори тезлигини кўриб ўзимча айтдимки, ҳозир...

– Қанақа машина әди? – одатича чўрт кесди Мейзлик.

– Ички ёнув двигатели бор әди, – эслашга тиришди талаба. – Аммо, руслами эсимда қолмабди.

– Кузовнинг ранги қанақа әди? Машинада ким кетаётганди? Усти очиқмиди?

– Билмадим, – елка қисди гувоҳ. – Ранги қора әди-ёв. Умуман олганда, эътибор бермабман. Чунки воқеа юз

берган заҳоти ғазабим қайнади, шеригимга қараб айтдимки, «Одамларнинг аглаҳлигини қаранг, уришга урдинг, энди лоақал, тўхтаб ёрдам кўрсат».

– Ҳмм, – норозилик билан афтини буриштирди Мейзлик. – Бундан ғазабланганингиз яхши. Аммо, рақами эслаб қолганингизда янада яхши бўларди. Одамларга ҳайронсан. Хулоса чиқаришга уста булар. Аммо, эътибор масаласида... Майли, жаноб Кралик, сизни ортиқча ушлаб туролмайман.

Бир соат ўтиб, 141-рақамли миршаб шоир Ярослав Нераднинг эшигини чертиб турарди.

– Уйда, ухлаб ётибди, – дея жавоб қайтарди уй бекаси.

Хозиргина уйғонгани билиниб турган шоир мудроқ кўзларини ишқалаб, миршабга хавотир билан тикилди: унинг миясида «нима гуноҳ қилдим экан» деган ваҳимали ўй айланарди.

Миршаб уни нима учун чақиришганини бир амаллаб тушунтирди.

– Албатта боришим шартми? – кўрқа-писа савол ташлади шоир. – Бари бир ҳеч нарса эсимда қолгани йўқ. Мен бир шоир одам бўлсан. Кечаси озроқ...

– ...Тортгансиз, биламан, унинг чала гапини илиб кетди миршаб. – Сизга ўхшаган шоирларнинг кўпини танийман. Ичмаса илҳоми келмайди. Дарров кийиниб чиқинг, кутиб тураман.

Йўл-йўлакай улар қовоқхоналар, боғ-роғлар, ўт-ўланлар, қумурсқалар ҳақида гаплашиб боришиди. Аммо, сиёсатга тил теккизишмади. Улар полиция идорасига келгунча анча чиқишиб ҳам қолдилар.

– Шоир Ярослав Нерад ўзларими? – сўради Мейзлик. – Сиз номаълум автомобиль Божена Махачковани қандай уриб кетганини кўргансиз.

– Ҳа, – хўрсинди шоир бошини қуи солиб.

– Балки, сиз айтарсиз қанақа машина эканини? Очиқмиди, ёпиқмиди? Ранги қанақа эди? Ичидан нечта одам бориди? Рақами қанақа эди?

Шоир эслашга тиришди:

– Билмайман, – деди бўшашиб, – эътибор бермабман.

– Ҳеч бўлмаса, эсингизда қолган майда-чуйда гаплар бўлсаям айтаверинг.

– Айтдим-ку, умуман, майда-чуйдаларга эътибор қаратмайман.

– Нимага эътибор қаратасиз, ўзи? Эсингизда нима қолган? – истеҳзо билан сўради нозир.

– Хуллас, умумий кайфият, – мавҳум товушда сўз қотди шоир. – Анув, биласиз-ку, ўша узу-ун кўча... тонг отиб келяпти... Ва ерда аёл кишининг гавдаси ётибди... Тўхтанг! – шоир бирдан сапчиб тушди. – Ахир мен бу ҳақда уйга келиб шеър ҳам ёзганман-ку.

У киссаларини кавлаштира бошлади. Аллақандай ҳисоб варағи, бук-

ланган, эзғиланган, ғижимланган қоғозларни чиқариб, қарай бошлади.

– Бумас, буяммас. Мана бу... йўқ... А, мана, топдим, – у шундай дея эски конвертнинг орқа тарафига битилган қинғиртоб ёзувларга мамнун кўз ташлади.

– Қани, бир кўрайлик-чи, – менси-майгина қўл узатди Мейзлик.

– Тўғриси, бундан ҳам яхши шеърларим кўп. Йўқ, сиз бари бир тушунмайсиз, истасангиз ўзим ўқиб бераман. – У кўзларини чала юмганча қироат билан шеър ўқишга тутинди:

*Саф тортган кулбалар боқар нигорон,  
Тонг нафис торини чертарди унсиз.  
Малак сочин ёяр, Сингапур томон,  
Сиз учқур тулпорда учиб ўтдингиз.*

*Тўзон ичра титрап афтода чечак,  
Қатъият, эҳтирос, ва эркдан холи,  
Оқкуш, оқ сийналар, ноғора, чўпак,  
О, сиз қабоҳатнинг қаттол тимсоли!*

– Бўлди, шу, – деди шоир виқор билан.

– Кечирасиз-у, ҳеч балони тушунмадим, – ажабланди Мейзлик. – Ўзи бу шеърингиз нима ҳақда?

– Нимасига тушунмайсиз? Ўша нохуш воқеа ҳақида-да! Ростданам тушунмадингизми?

– Унчаликмас, – норозилик билан бош чайқади нозир. – Мен бу шеърингизда «Июлнинг 25-чисида, эр-

талаб соат тўртда, фалон рақамли фалон рангли машина маст ҳолатда кетаётган Божена Махачковани тутиб кетди, жабрланувчи фалон шифохонага олиб кетилди, унинг аҳволи жуда оғир» деганга ўхшаш гапларни учратмадим. Ахир бунинг нимаси шеър?

– Сиз шунчаки ташқи фактларни, қуруқ воқеликни назарда тутяпсиз, – бурнининг учини қашиди шоир. – Шеърият бу қалб эҳтиёжи, ботиний ҳақиқат демак. Шеърият бу шоир ички дунёсининг ёрқин лавҳалари. Бу ўқувчи қалбига кириб бориши мумкин бўлган манзаралар ва оҳанглар уйғунлиги, тушундингизми, – бўғилгудек бўлиб тушунтиради шоир.

– Унда айтинг-чи... – Мейзлик ҳам бир оз қизишиб кетди. – Илтимос, ўша варағингизни беринг. Мана, сиз айтяпсиз, «Саф тортган кулбалар боқар ниғорон». Бу нима деганингиз?

– Нимасига тушунмайсиз? Бу ўша – Житной кўчаси. Икки тарафида қатор уйлар саф тортган.

– Бўпти, майли, энди бу ёғига қаранг, «Тонг нафис созини чертарди». Тонг, нима созандами сизга тор чертиб берса, мантиққа қаранг-а? Уям майли, «Малак сочин ёяр...»... қанақа малак, қанақа соч?!

– Сиз истиора, ташбех деган нарсаларни тушунасизми? – тутақиб кетди шоир. – Тонг отаётганига ишора бу.

– Тавба, сочи бор тонгни энди эшитишим. Майли, «Сингапур томон сиз учқур тулпорда учиб ўтдингиз». Ким учиб ўтди? Тулпор қаердан кеп қолди?

– Энди бу тулпор дегани машина!

– Қанақа машина?

– Ўша... кампирни туртиб кетган машина.

– Тушунарли. Лекин, Сингапур деганингиз... Нега энди Аргентинамас, Жазоир эмас-да, айнан Сингапур?

Шоир мужмал қиёфада бошини қийшайтири:

– Билмадим, у ерда малайяликлар яшагани учун бўлса керак.

– Бу ўринда малайяларнинг нима дахли бор? А?

Шоир довдираб қолди.

– Машинанинг ранги жигарранг эди, шекилли, – деди бир оз ўйлаб, – шу ўринда қанақадир жигарранг ўхшатиш керак бўлган. Эсимга лоп этиб, Сингапур тушиб қолган бўлса нима қиласай?

– Хўш, – деди Мейзлик. – Демак, машинанинг ранги жигарранг бўлган демоқчимисиз? Бошқалар кўк, тўқ қизил, ҳатто, қора бўлганини айтишиди.

– Мен рангларни яхши ажратаман, командир!

– «Тўзон ичра титрап афтода чечак», – шеърнинг давомини ўқишига тутинди нозир. – Менимча, бу ерда шўрлик кампирни таърифлагансиз?

– Қанақа кампир, – ранжиди шоир.  
– Ҳеч замонда кампирни ҳам чечакка ўхшатадими? Мен рулда ўтирган аёлни назарда тутганман.

– О-ҳо! Унда мана бу нимаси: «Оққуш, оқ сийналар, ноғора, чўпак». Сиз айтган «манзаралар уйғунлиги» шуми?

– Қани, кўрай-чи, – ўзининг шеърига ишонқирамай бир қур кўз ташлаб олди. – Ҳа, «Оққуш. Оқ сийналар, ноғора, чўпак». Хў-ўш! Бу нима дегани?

– Менам худди шуни билмоқчиман, мавлоно! – заҳарханда билан жилмайди нозир.

– Шошманг-да, – бир зум тафаккурга чўмди шоир. – Бу ифодалар ўзи-ча пайдо бўлмагандир, менга улар ниманидир эслатяпти. Айтинг-чи, икки рақами оққушга, тўғрироғи унинг бўйнига ўхшайдими? Мана қаранг. – У шундай деб ёзиб кўрсатди.

– Қойил, – кўзларини ҳайратдан пирпиратганича хитоб этди нозир. – Унда анови «сийналар»ингиз.

– Бу уч рақамига ишора. Мана, қаранг, – шоир уч рақамини ёзди-да, ёнбошига ағдариб кўрсатди. – Қаранг нимага ўхшайди? Қўш ҳандалакнинг ўзгинаси эмасми?

– Энди ноғора ва чўпак қоляптими? – ҳаяжонини яширолмай қичқирди Мейзлик.

Нерад яна бир оз ўйлаб, қоғозга ноль ва бир рақамларини ёзди.

Қоғозда 2301 рақамлари ҳосил бўлди. Мейзлик рақамларга ҳайрат билан тикиларкан, шоирга юзланди:

– Сиз машинанинг рақами айнан, 23-01 эканига ишонасизми?

– Рақам? – шоирнинг юзида ҳадик зухур этди. – Мен ҳеч қанақа рақам-пақамни билмайман. Лекин... шунга ўхшаш нарсаларга кўзим тушган бўлиши мумкин. Акс ҳолда мен бунақа деб ёзмаган бўлардим. Лекин ўхшатишлар зўр чиқсан-а? Нима дейсиз?

Икки кун ўтиб, Мейзликнинг ўзи шоир Нералдни йўқлаб келди. Бу гал шоир уйғоқ эди. Унинг ёнида аллақандай чиройли қиз ҳам ўтиради. Шоир нозирни ўтқазиш учун типирчилаганча стул қидириб қолди.

– Мен ҳозир кетаман, – деди Мейзлик уни хижолатдан чиқариш учун. – Битта гапни айтиб қўйиш учун киравдим. Машинанинг рақами чиндан ҳам 23-01 экан.

– Қанақа машина? – паришонхотирлик билан сўради Нерад.

– «Оққуш, оқ сийналар, ноғора, чўпак...» – иқтибос келтирди нозир. – Сингапур борасида ҳам ҳақ бўлиб чиқдингиз. Машина жигарранг бўлиб чиқди. Ҳайдовчиси ҳам аёл киши экан.

– Шунақами, – камтарона илжайди шоир. – Ана, ботиний ҳақиқат деганим шу бўлади. Хоҳласангиз, яна икки-учта зўр шеърим бор, ўқиб берраман. Эшитинг.

– Бошқа сафар, – жавоб беришга ошиқди полиция нозири. – Яна худди шундай воқеа юз бериб қолса, шеърингизни албатта, эшитаман!

## МОВИЙ ХРИЗАНТЕМА

Бу воқеани менга анча йиллар илгари бир князнинг уйида хизмат қилган ашаддий гул шайдоси кекса Фулинус айтиб берганди.

– Мен сизга ўзимнинг Кларам қандай дунёга келгани ҳақида ҳикоя қилиб берсам. У пайтларда Лубенцда, князь Лихтенберг исмли кимсаннинг боғида хизмат қиласардим. Кекса князь боғбончиликка жуда қизиқарди. У дунёнинг турли бурчакларига буюртма бериб, энг сара гулларни олиб келтирас ва ўз боғида ўстиради. О, унинг боғини bemalol жаннат дейиш мумкин эди.

Кунларнинг бирида қандайдир иш билан кўчага чиққандим. Тасодифан рўпарамдан телбанамо, карсоқов, ўзининг жунунваш кулгиси билан ҳамманинг асабини қўзғаб юрадиган қари қиз Кларани учратиб қолдим. Қизиғ-а, нега тентаклар ҳамиша хушвақт бўлиб юришаркин? Мен унинг телбavor ўпичларидан қочиш учун ўзимни панага олмоқчи эдим, қўлидаги ажабтовур гулдастани кўриб таққа тўхтадим. Пала-партиш дасталанганд үт-ўланлар, кўкатлар орасида... биласизми, нимани

кўрдим? Тўғри, дунёда кўп гулларни кўрганман, аммо бунақасини умрим бино бўлиб энди кўришим эди. Гулдаста (агар шунаقا дейиш мумкин бўлса) ичидан мовийранг баҳмал хризантема манаман деб бўй кўрсатиб турарди. Шунаقا чиройли, шунаقا нафис... таърифлаб беролмайман. Мен хризантемаларнинг жуда кўп турини биламан. Аммо, дунёдаги энг қимматбаҳо хризантемалар орасида ҳам бунақаси учрамаслигига амин эдим.

Анча йил илгари Лондонда, қария Жеймс Вейчнинг уйида бўлганимда, у тўғридан-тўғри Хитойдан олиб келинган, напармон ҳошияли мовий хризантемаси бўлгани, аммо бир йил илгари қишда нобуд бўлганини афсус билан гапириб берганди.

Мана, ҳозир манави тентакнинг қўлида худди ўшандай қимматбаҳо гул ял-ял товланиб турарди, бу гулнинг назокатини асло тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Клара илжайганча менга қўлидаги гулдастани узатди. Мен унга бир крон пул бериб, қўлидаги хризантемага имо қилдим.

– Клара, сен буни қаердан топдинг?

Клара қувончидан ўзини йўқотиб қўйди ва алланарсаларни ғўнғиллаб кулишга тушди. Мен ундан ҳеч нарсанни била олмадим. Ундан бирор маълумот олишга тиришаман, у эса, ҳадеб мени қучоқлаб ўпмоқчи бўлади.

Хризантемани күтариб, түғри князнинг ёнига югурдим.

– Зоти мунаварлари, бу гул шу яқин атрофда ўсиши керак. Балки бирга излармиз?

Кекса князь ҳовлиққанидан ўзини йўқотиб қўйди ва фойтунни ҳозирлашни буюрди, ўзимиз билан Кларани ҳам олишимизни айтди. Бу пайтда Клара қаёққадир ғойиб бўлганди. Уни қидирмаган жойимиз қолмади. Князь ғазабдан эндиғина сўкина бошлаган кезда Кларанинг ўзи узоқдан биз тарафга югуриб кела бошлади. Югуравериб, бечоранинг тили осилиб қолган, қўлида эса, бир даста ҳозиргина узилган мовий хризантемани күтариб келарди. Князь унга юз кронлик пул узатди. Клара эса, аламдан йифлай бошлади. Чунки у бечора умрида юзталик пулни кўрмаган ва пулнинг бунаقا бўлишини тасаввур қилолмасди. Шунда ўзим ёнимдан бир кронлик пул чиқариб беришга мажбур бўлдим. Бечоранинг хурсанд бўлганини кўрсангиз.

У севинчидан ҳиринглаб хиргойи қилганча, рақсга туша бошлади. Биз уни бир амаллаб, фойтунга ўтқаздик ва хризантемани кўрсатиб сўрадик. «Клара, қаерга борамиз?»

Клара юмшоқ ўриндиққа жойлашиб, ўзида йўқ қийқириб юборди. У билан ёнма-ён ўтирган такаббур кучернинг бирам жони чиқди-ей! Клара жинниларча чинқиради, бун-

дан ҳурккан отлар чунонам шаталоқ отадики, ўлдик ичимиз эзилиб. Ўзиям сайрмисан, сайр бўлди. Бир яrim соат йўл босдик ҳамки мовий хризантемадан ному нишон йўқ. Охири чидаб туролмадим:

– Зоти мунаавварлари, биз ўн тўрт чақиримдан зиёд йўл босдик.

– Нима фарқи бор, – қўл силтади князъ. – Юз чақирим бўлмайдими?

– Майли-ю, – дедим унга жавобан.

– Лекин Клара бир соатдан кейин яна бир даста гул кўтариб келди. Демак, хризантемалар Лубенцдан нари борса, уч чақиримча узоқликда ўсиши мумкин.

– Клара, – бақирди князъ хризантемаларни кўрсатиб, – булар қаерда ўсади? Қаердан узиб келдинг?

Клара жавоб ўрнига нималарни дир ғўлдираб, олдинга имо қилди. Чамаси унга фойтунда сайр қилиш жуда ёқиб қолганди. Назаримда, князъ Кларани дўпослайдигандек эди, зотан у ҳам ғазабланишни биларди. Отлар жиққа терга ботиб кетганди. Клара ҳамон тушуниксиз шанғиллар, князъ асабий сўкинар, кучер эса, йиғламоқдан бери бўлиб борар, мен эса, мовий хризантемалар ҳақида бош қотирадим.

– Зоти мунаавварлари, – дея князга юзландим. – Бунақада иш битмайди. Келинг, Кларасиз қидириб кўрайли. Лубенцнинг уч чақирим радиусгача бўлган ерлари харитасини олайлик-

да, худудларга бўлиб, уйма-уй излаб кўрайлик.

– Азизим, – деди князъ. – Лубенцдан уч чақиригача бўлган жойда бирорта ҳам парк ёки хиёбон йўқ.

– Менам шуни айтяпман, – дарров илиб кетдим. – Бу гулни парк ёки хиёбондан топиб бўлмайди. Қаранг, хризантема бутогининг қуий қисмida озроқ қатқалоқ ёпишиб қолган. Бу паркларнинг тупроғига ўхшамаяпти, менимча гўнг ва қум аралашмаси бўлса керак. Манави япроғида эса, каптар тезагидан қолган из кўриниб турибди. Демак, бу гулни айнан каптарлар тўпланадиган жойдан қидириш керак. Менимча, бу хризантема қандайdir четан девор тагида ўсади. Мана, барглари орасида арча пўстлоғи ҳам илиниб қопти.

Эртаси куни эрталаб Клара яна бир даста мовий хризантема олиб келди. Шундан сўнг менинг тамомила асабим қўзиdi. Ўз худудимни тамомила айланиб, ҳар бир қовоқхонадан илиган пиво ичиб, пишлок кавшаб, мовий хризантема дарагини сўроқлаб юрдим. Вой, бу қишлоқларни ҳозир ҳам эсласам кўнглим айнийди. Бир томонда иссиқни айтинг, одамнинг энка-тинкасини қуритвонди. Яна қандайdir гулни суриштириб юришим одамларда шубҳа ҳам уйғотди. Мени ё бирор дайди, ё қандайdir агент деб ўйлашганми? Бирорвдан яхши гап эшитмадим ҳисоби,

лекин ҳаммасига тишимни-тишимга босиб, чидадим.

Кечга яқин шунга амин бўлдими-ки, мен ишлайдиган ҳудудда ҳеч қандай хризантема ўсмас экан. Яна учта қўшни ҳудудни ҳам текшириб келдик. Клара эса яна бир боғлам мовий хризантема олиб келди.

Билсангиз, бизнинг князъ бу му-зофотнинг энг обрўли одамларидан эди. Маҳаллий полицияларни оёққа турғизиб, ҳар бирининг қўлига бир донадан мовий хризантема гулидан берди ва қандай бўлмасин шундай гуллар ўсадиган ҳудудни топишни буюрди.

Полициячилар жуда саводли одамлар бўлишади. Улар тез-тез газета ўқиб туришади, ўзлари ишлайдиган ҳудудни, бу ернинг одамларини ҳам беш қўлдек билишади. Ўша куни ёқ, десангиз, олтида полициячи қишлоқ фаоллари, назоратчию қоровуллари, ўқитувчи ва ўқувчилар, ҳатто бир гурӯҳ лўлиларни ҳам эргаштириб уч чақирим радиусдаги майдонни текширишга тушишди. Қанақа чечак топишган бўлса, ҳаммасини князнинг олдига опкелишиди. Эҳ-ҳе, князнинг уйи гулларга тўлиб кетганини бир кўрсангиз эди.

Улар орасида фақат мовий хризантема кўринмасди, холос. Кларанинг орқасидан куни билан кузатиб юрдик. Кечгача унинг изини йўқотиб қўйдик. Ярим кечаси эса, у менга

яна бир қучоқ хризантема күтариб келди.

Биз хризантемаларни битта қўй-масдан юлиб келмаслиги учун вақтинча Кларани ушлаб туришга қарор қилдик. Бироқ, бу билан иш битмасди. Ўлай агар, қанақадир васвасага тушиб қолгандик. Ахир бу қанақаси, ҳамма ёқ кафтдек текис бўлса...

Давомини эшитинг. Агар одам-зотнинг ишлари умуман юришмай қолса, у қўпол ва дарғазаб бўлишга тамоман ҳақли – буни тушунаман. Лекин, бари бир иззат-нафс дегани ҳаммадаям бор-да! Князъ менга нима деганини биласизми? Мен ҳатто Кларадан ҳам баттар тентак эмишман. Нима дердим. Ҳар қандай қари эшакнинг ҳақоратларини индамай этишиб кетаверадиган анойи эмасман, дедиму, лаш-лужимни кўтариб, тўппа-тўғри вокзалга йўл олдим.

Энди Лубенцида менинг қорами ни ҳам кўришмайди. Вагонга чиқишимни кутиб тургандек, поезд ҳам кўзғалди. Шу пайт худди боладек ўпкам тўлиб йиғлаб юбордим. Нима учун, айтайми? Мовий хризантемани энди бошқа ҳеч қачон кўрмаслигимни, у билан мангу хайрлашаётганимни ўйлаб йиғладим.

Ойнага қараганча ҳиқиллаб борарканман, беихтиёр кўзим шағал тўкилган кўтарма йўлак ёнида қандайдир мовийранг гулларга тушди.

Бунақа пайтда ўзимни бошқара олармидим? Қандай қилиб ўрнимдан қўзғалганиму вагондаги тормоз тутқичига чанг солганимни эслолмайман. Поезд чинқирганча тўхтади, мен эса, қарама-қарши тарафдаги тўсиққа урилиб, манави бармоғимни синдириб ҳам олганман, мана қаранг!

Бир пайт кондуктор чопиб келди. Мен эса, тўнғиллаб, зарур бир нарсам эсимдан чиқиб қолганини айтдим. Хуллас, каттагина миқдорда жарима тўлашга тўғри келди.

Кўзимга чалинган мовий чечаклар ортидан, шағал йўлак бўйлаб чопиб борарканман, ўзимни-ўзим сўкардим. «Балки бу кузги қўқонгул ё шунга ўхшаш бирор бошқача гул бўлса-чи? Сен бўлса, шунча пулни ҳавога совуриб ўтирибсан!»

Беш юз метрлар чамаси йўл юрсам-да, мовий гулларга етиб боролмадим. Балки, у умуман йўқдир? Кўзимга шундай кўрингандир?

Шу чоқ кичик бир тепаликда йўл назоратчисининг кулбасига кўзим тушди. Унинг шундоқ қаршисида мовийранг манзара. Қарасам, икки тупгина хризантема шунақа ажойиб товланиб турибдики, энди қўяверинг.

Қоровулларнинг боғчасида нималар ўсиши мумкинлигини ёш бола ҳам билади. Қовун-тарвузми, қовоқми, шолғомми, нари борса, икки туп атиргул ёки настарин ўсар. Йўқ, бу боғчада ўшалар ҳам йўқ, бир тупдан картош-

ка билан ловия, наъматак бутаси ва... икки туп мовий хризантема...

– Биродар, – қичқирдим четан оша назоратчига қарата. – Манави гулларни қаердан опкелгансиз?

– Буларми? – сўради қоровул.

– Олдинги ўлиб кетган назоратчидан қолган. Бу йўлақдан юриш тақиқланган, тақсир! Ана ёзиб қўйилган «темирийўл устидан юриш қатъий тақиқланади» деб. Сиз нима қилиб юрибсиз?

– Амаки, – дедим унга. – Сизнинг ёнингизга қандай ўтсам бўлади.

– Мана шу йўл билан, – деди у. – Аммо бу йўлдан юриш мумкинмас. Менинг ёнимда нима бор? Бор йўлингдан қолма. Фақат шпалларнинг устидан юрма!

– Қаёққа бораман?

– Менга бари бир, – бақирди қоровул.

– Фақт бу йўлдан юрма. Мумкинмас.

Мен ерга ўтирволиб, гап қотдим:

– Менга қаранг, амаки, манави мовий гулларингизни менга сотинг!

– Сотмайман, – ўшқирди чол. – Туёғингни шиқиллат, дедим. Бу ерда ўтириш мумкинмас.

– Нега мумкин эмас экан? – маҳмадоналик қилдим. – Лавҳада бунаقا деб ёзилмаган-ку!

Коровул шошиб қолди. Фақат тўнғиллаб сўкиниш билан чекланди. Чамамда чол ёлғиз ўзи яшарди. Кейин унинг овози ҳам ўчиб қолди. Ярим соатлар чамаси ўтгач, йўлни

текшириш учун чиқиб келди ва мени күриб яна тутақди:

– Кетасизми бу ердан ё йўқми?

– Кетолмайман, – дедим. – Темир-йўлдан юриш мумкин эмас. Юришга бу ердан бошқа йўл бўлмаса...

Чол бир дақиқа ўйлаб қолди:

– Биласизми, – деди у ниманидир кашф этгандай ҳовлиқиб. – Мен мана бу сўқмоқчага кириб кетаман. Гўёки, сизни кўрмаган киши бўламан, сиз эса, шу ердан катта йўлга чиқиб кетасиз.

Мен унга миннатдорчилик билдиридим. У сўқмоқча кириб кўздан йўқолгач, четан девордан ошиб ўтдиму, четда турган белкуракни олиб, ҳар икки туп гулни қўпориб олдим. Ҳа, жаноб, мен уларни ўғирладим. Ўзи ҳалол одамман, бор-йўғи етти марта ўғирликка қўл урганман ва еттоваида ҳам фақат гул ўғирлаганман.

Бир соатдан сўнг мен поездда ўтирганча, ўғирланган мовий хризантемаларим билан кетиб борардим. Қоровулхона девори ёнидан ўтарканмиз, бояги чолнинг дарғазаб ҳолатда байроқ кўтариб турганини кўрдим. Мен унга қараб, шляпамни силкитдим, у мени кўрмади чамамда.

Энди гап нимадалигини тушундингизми, тақсир? Ахир у ерда каттакон лавҳа осилиб турарди. «Бу ердан юриш тақиқланади». Шунинг учун на мен, на полициячилар, на ўқувчию ўқитувчилар, на лўлилар

бу ерни қидиришни хаёлларига ҳам келтиришмаган. «Тақиқланади» сўзининг қанчалик қудратга эгалигини кўрдингизми?

Ким билсин, темирйўл назоратчисининг уйи ёнида энг ноёб чечаклар, меҳригиё, олтин папоротник ёки ҳаёт дарахти ўсар? Аммо, уни ҳеч ким тополмайди, чунки, бу йўлдан «ўтиш қатъий тақиқланган» – вассалом!

Клара ақли норасо, телба бўлгани, ўқиши билмагани учун ҳам бу йўлдан юриб, мовий хризантемага дуч келган.

Мен шунинг учун ҳам бу нодир чечагимга Клара деб ном бердим. Ва уни ўн беш йилдан бери авайлаб, парваришлаб келаман. Мен унга керагича меҳр ва эътибор кўрсатдим шекилли. Анави галварс қоровул бўлса, уни ҳатто тузукроқ суғормаган, тагини юмшатмаган ҳам.

Менинг хризантемаларим баҳорда уйғонади, ёзда куртак очади, август ойига бориб, сўлиб қолади. Тасаввур қиласизми, мен бундай ажойиб гулга эга бўлган ягона инсонман. Бу гулларимни бирор кўргазмага юбормайман. Дунёдаги ҳеч бир гул нафосат ва латофатда менинг эркатойларим билан тенглашолмайди. Чунки бу менинг Кларам. У гуллаган чоғда бутун олам бекиёс гўзалликка бурканади.

*МУСТАФО МАҲМУД  
(Misr)*

## ЎРГИМЧАК

### 1

Исмим Довуд, нейрохирургия бўйича Берлин университетида докторлик ишини ҳимоя қилганман. Ўзи элликка тўлдим, аммо шкаф ойнасига қараб мутлақо бошқача манзарага гувоҳ бўламан: чуқур ажинлар, салқи юзлар, буришқоқ тери, оқарган сочлар, қизарган кўзлар... мени худди саксондан ошган, мункиллаган чолдек кўрсатади.

Бу бежиз эмас. Бунинг замирида катта бир сир ётибди. Мен узоқ йиллар оғир масъулият сабаб ичимда сақлаб келган мудҳиш бир сир...

Бу яна қанча давом этаркин? Йўқ, бошқа чидолмайман. Мана шу оппоқ саҳифаларга юрагимни эзиб келган даҳшатли сирни тўкиб соладиган пайт келди. Бу битикларни ўқиб, тушунарли илмий жумлаларга дуч келган ўқувчилар мени кечиришсин. Матндаги хатолар, шошма-шошарлик учун ҳам узр сўрайман. Ахир менинг кам, жудаям кам умрим қолди.

Сезяпман, ўлим ҳар қадамимда мени таъқиб қиляпти. Ҳар бир сония мен учун интиҳо бўлиши мумкин. Аммо бу қўрқинчли ҳақиқатни фош

этмай туриб ўлмаслигим керак. Бирдан ўлиб қолсам-чи? Э Худо! Балки инсониятга бу қимматли ҳақиқатни билиш учун бир аср керак бўлар? Ҳаёт эса, аввалгидек жумбоқлигича қолаверади.

Бу воқеани узоқдан бошлишимга тўғри келади. Ҳуллас, ҳаммаси олти йил аввал бошланганди.

1958 йилнинг туманли, нам якшанбаларидан бири эди. Эндиғина одатимга кўра бир финжон қаҳвани ичib бўлганимда, дастлабки мижоз эшик қоқди. (Мисрда якшанба ишкуни ҳисобланади. Тарж.)

Бўсағада пайдо бўлган ўта озғин йигитнинг юз-кўзларидан ошқозон ва жигари безовта қилаётгани кўриниб турарди. Мен ҳатто ундан бир оғиз гап сўрамай, текширмай касалига ташхис кўйишим ва дори ёзиб беришим мумкин эди. Унинг юзлари баайни очиқ китоб эди: у ўт пуфаги, ошқозон-ичак тизимидан азият чекади – тамом-вассалом! Бунақа касаллик юртимизда ҳар уч кишидан биттасида учрайди.

Аммо у бутунлай бошқа нарсадан шикоят қилди. У қўлимга жуда машхур доктор танишимнинг тавсияномасини узатди. Танишим bemорни айнан менга йўллаган эди. Қоғозга кўз ташладим: «Мияда ўсимта бўлиши мумкин, текшириш ва даволаш керак!»

Миядаги ўсимта? Танишим нима сабабдан бундай хulosага келдий-

кин? Мен мижозни сўроққа тутдим. У муттасил бош оғриғи ва кўзи хиралашаётганидан нолиди. Бу ҳеч нарса эмас, бош оғриғининг минг битта сабаби бўлиши мумкин. Овқат ҳазмининг бузилиши, зўриқиши, камқонлик, синусит, кариес, қон босимининг ортиши, ичкиликка берилиш, асабийлик, мигренъ... ҳаммаси бош оғриғига сабаб бўлади.

Нега шифокор бирдан мия ўсимтаси деган ташхис қўйдийкин? Узоқ суриштириш ва ўйлаб ўтиришга вақтим йўқ эди. Оддий текширувларга ўтдим: кўз соққасини текшириш, бошнинг рентгенограммасини чиқариш, электроэнцефалограмма қилиш керак эди. Офтальмоскоп билан оптик нерв толалари ва кўз соққасини кузатдим. Айтганимдек, ҳеч қандай ўсимта ёки орқа мия суюқлиги босимининг ортиши сезилмайди. Ҳаммаси жойида. Бемор юзимдаги табассумни қўриб, хийла дадилланди:

– Доктор, менга нима бўпти?  
– Ҳаммаси жойида, бирор кўрқинчли нарса йўқ.

Бемор бир оз жим қолиб, яна сўради:  
– Ҳалиги шифокор бир оз шубҳаланганди...

– Шубҳали нарсанинг ўзи йўқ. Ҳарқалай, тинчланишингиз учун бирров рентген қилиб қўяман.

Ҳамшира рентген хонасини тўғрилагунча, мен дастлабки хулоса-

ларимни қоғозга тушира бошладим. У ҳамма саволларимга босиқлик билан жавоб берарди.

– Исмим Роғиб Домиён. Мұхандис-электротехникман. Қубба туманида, Ибн ал-Валид күчаси 15-үйда тураман. Ҳозирда Қаср ал-Айнийдаги радиация масалаларини ўрганиш илмий-текшириш институтида ишлайман.

– Уйланганмисиз?

У кулимсираб, ўнг қўлидаги нишон узугига қараб қўйди:

– Яқинда уйланаман.

– Бошингиз анчадан бери оғрийдими?

– Икки ой бўляпти.

– Қандай бошланганди?

– Якшанба қуни эди чамамда. Ҳаммаси соати, дақиқасигача эсимда. Якшанба қуни кинодан қайтаётгандим. Атроф зим-зиё эди. Мен кинодаги манзаралар ҳақида ўйлаб борардим. Мен ўтиб бораётган кўчалар, атрофимдаги уйлар, миноралар назаримда худди китоб саҳифаларидаги суратлардек жонсиз туюларди. Худди туш кўраётгандек ёки хаёлий тасаввур ичидаги учидагандек эдим.

Унинг гапларини қисқача ёза бошладим. У жим қолган пайти бoshimni кўтариб унга қарадим. Шу пайт bemor юзини тириштириб, кўзларини ушлади. Кейин эса, ерга ағдарилиб тушди. Шартта тепасига бордим. У хушини йўқотган, сези-

лар-сезилмас нафас олар, ниманидир гапиришга уринарди. Унинг кўз қора-чиқлари даҳшатдан кенгайиб кетган, қўл-оёқлари безгак тутгандек қалти-рарди. Бирданига унинг қалтироғи босилди, нафас олиши ҳам равонлаш-ди, кўзлари оҳиста юмилди ва тиник овозда гапира бошлади.

Лекин, унинг араб тилида гапир-маётгани аниқ эди. Сўз оҳангидан сездим – испанча! Ҳа, у беҳуш ҳолатда, соф испан тилида аллақандай Дон Себастьян Камильо исмли тореадор шеригига нималарнидир уқтиради. Назаримда у ҳозир йиғлаб юбо-радигандек туюлди. Кейин унинг овози пасая бошлади, яна нафас олиши қийинлашди. Кўзлари ёшланди. Кейин эса, жимиб қолди.

Мен бу сирли ҳодисадан тамомила ҳайратда қолганча, ундан кўз узмай туардим. У бир неча дақиқа ўтгач, кўзларини очди ва худди ўзга оламдан келиб қолгандек менга таажжуб ила боқди. Кейин эса, қа-рашлари маъноли тус олди. Кейин эса, узрли қиёфада қўлимдан тутиб, жилмайди:

– Кўрдингизми, хуруж тутиб қолса шунаقا бўлади. Кутилмаганда тутиб қолади.

– Сиз муҳандислик дипломини Испанияда олганмисиз?

У саволимда ажабланди:

– Йўқ, Мисрда ўқиганман. Қоҳира-дан ташқарига чиқмаганман.

– Испан тилини мактабда ўқиганмисиз ё институтда? – сўрадим ҳайратимни яширмай.

– Испан тилида битта ҳам сўзни билмайман, – унинг ҳайрати ҳам меникидан кам эмасди. – Нега сўраяпсиз?

– Сиз хуруж пайти испанча гапирдингиз.

У худди мени тушунмагандек кўзларимга бақрайди. Чамаси у хуруж пайти нималар деганини ўзи ҳам эслолмасди. Мен бу ғалати асаб хуружини ҳам касаллик тарихига муҳрлаб қўйдим. Унинг ҳаракатларида безовталик сезиларди.

Бунақасига биринчи дуч келишим. Ўша куни бошқа бирорта беморни қабул қилолмадим. Бу ғайриоддий ҳодиса хаёлимдан кетмай қолганди. Ҳар қанча ўзимни чалғитсан-да, хаёл мени яна ўша, Роғиб До-миён тарафга судрарди.

Үйга қайтганимда ҳам шу хаёл мени тарк этмади. Кечаси ухламадим ҳисоб. Шунақаси ҳам бўларкан-да? Бирор бир тилни умуман ўрганмай туриб, унда шунақа равон сўзлаш мумкин экан-да! Балки гапирган у эмасдир? Унда ким? Битта танада иккита одам жойлаша олмайди-ку! Балки, айримлар айтганидек, унинг танасига жин-ажиналар ин қургандир? Йўқ, атом асрида бунақа хурофотларга ишониб бўлмайди.

Тан оламан, мен руҳларга умуман ишонмасдим. Ўқиганларимдан

шундай хулосага келгандынки, ҳаётда фақат сезги органларымиз билан аңглаш мүмкін бўлган нарсалар бор холос. Кўриш, эшитиш, ҳидлаш, пайпаслаш мүмкін бўлмаган нарсалар мавжуд әмас, деб билардим.

Ҳаётнинг ўз тартиблари, қонунлари, сабаб ва оқибатлари бор. Аллақандай ёндош оламлар, кўринмас мавжудотлар шунчаки хурофотлар йиғиндиси... Бу менинг айни пайтгача ишониб келган ақидам эди. Энди бу қарашларимга ўзим қарши чиқяпман. Бу ҳаёт биз билмаган сир-синоатларга тўла.

Манави кичкина транзисторни олайлик. У гугурт қутисичалик келмайди. Аммо, у ҳаводаги кўринмас товушларни, сўзларни тутиб оляптику! Агар мен уни ўчирсам, атрофда ҳеч нарса кўрмайман. Товушлар, сўзлар йўқолади. Мен бу товуш тўлқинларини кўролмайман, эшитмайман. Бу сеҳрли қутича ихтиро қилинмасдан аввал ҳам мана шу кўзга кўринмас тўлқинлар бор эди-ку! Фақат биз уларни кўрмас, эшитмас эдик. Лекин шунга қарамасдан улар мавжуд эди. Фақат бу тўлқинларни тутиб, уларнинг кодларини ечиб, маъносига етмасдик, холос. Демак, инсон сезги органлари илғамайдиган нарсалар ҳам кўп экан-да!

Транзистор қулоғини бураганим сари турфа тушунарсиз сигналлар, шовқинлар ҳам эшитилади. Асли-

да бу бемаъни шовқинларнинг ҳам қандайдир маъноси бордир? Мен ҳам уларнинг кодини билганимда борми?

Миямга урилган фикрдан ўзим қўрқиб кетдим. Ташқарида момақалдироқ гумбурларди. Балки бу гулдурос ҳам қандайдир номаълум тилдаги ҳайқириқдир? Ким билсин? Эҳтимол бу самовий тилнинг маъносини биз ҳеч қачон англаб етолмасмиз?

Дераза тавақаси очилиб кетди-ю, хонага кучли шамол оқими ёпирилиб кирди. Қўққисдан сапчиб туриб кетдим ва устимга адёлни тортдим. Яшин тун зулматини тилиб ўтмоқда эди.

Балки яшин ортида ҳам биз билмаган аллақандай сир-синоатлар, яширин дараклар бўлар? Коинот кенгликларида биз тутиб ололмайдиган қандай товуш ва сигналлар, илоҳий муждалар, қанча мавжудотлар, руҳлар, ажиналар бордир?

Даҳшат ичидаги адёлимнинг бир четини кўтариб, хонамга кўз ташладим. Қаршимдаги шкаф ҳам қандайдир сирли тилга эга бўлган мавжудот бўлиб қўринди. Қўлим билан пайпаслаб чироқ ёққични топгунимча соатлар ўтгандек бўлди. Хона чироқ нуридан чараклаб кетди. Мен ҳамон тер ичидаги ётардим. Ҳамма нарса ўз жойида. Ё раббий!

Хийла тинчландим. Мавхум тасавурлар ҳам чекингандек бўл-

ди. Ўз аҳволимга ўзимнинг кулгим қистади. Одам ёлғиз қолса, не хаёлларга бормайди?

Лекин... бари бир Роғиб Домиён билан боғлиқ таҳликали ўйларни нари қуволмадим. У мен учун ҳамон жавобсиз жумбоқ бўлиб қолаётган эди. Бу сирнинг тагига етмасам тинчлана олмасам керак. Сигарет тутатганча, ўзимча ўша ҳодисанинг илмий ечимини қидира бошладим.

Коинотдаги ҳар бир товуш ўз давомийлигига эга. Энергиянинг барча шакллари муттасил бир кўринишдан бошқасига ўтиб туради. Масалан, электр токи ҳаракатни, ҳаракат эса, иссиқлик, иссиқлик ёруғликни юзага келтиради. Чақилган гугурт бир ёниб ўчгани билан у тамомила йўқолиб кетмайди. Олtingгугурт парчаси газга, оловга ва тутунга айланиб ҳавога сингади. Ҳеч нарса йўқолгани йўқ, балки шакли ўзгарди холос. Агар биз коинотдаги ҳамма энергияни тўплаб ва уларни дастлабки, оддий приёмник билан тутиш мумкин бўлган тўлқин ҳолатига қайтариш имконига эга бўлганимизда, биз жуда кўп сирларни очган бўлардик. Масалан, Искандар Мақдунийнинг ўлими олдидан айтган муҳим гапларини ҳам коинот бўшлиғидан «юлиб» олган бўлардик. Бу ҳарқалай, шунчаки тахмин холос, илмий асосланган назария эмас.

Балки, анави ғалати бемор – Роғиб Домиённинг миясида худди радио-приёмникка ўхшаш, кўринмас товуш тўлқинларни тутиб, қайта талафуз этишга ёрдам берадиган механизм бордир? Шу боис унинг миясидаги механизм фазодаги ана шундай сочилиб кетган товуш тўлқинларини тўплаб, юзага чиқаргандир? Гарчи бу фикр унча ишончли кўринмас-да, ҳарқалай бир оз таскин топишм учун кифоя қилди.

Анча енгил тортиб, хиргойи қилганча, деразага яқинлашдим. Кейин қурилмани токка улаб, уйқу олдидан эшитадиган пластинкамни дисклар кутисидан қидира бошладим. Беихтиёр бир даста диск қўлимдан ерга тушиб, сочилиб кетди. Эски пластинкалардан бири чил-чил бўлди. Шу тобда унинг бир парчаси устидаги ёзувга кўз ташладим: «Машхур испан тореадори Дон Себастянга марсия».

Дон Себастян? Роғиб Домиён беҳуш пайтда шу исмни тилга олмаганмиди?

Яна мавҳум ҳислар комида қолганча пластинканинг ерда сочилиб ётган синиқларига қарадим. Қўлларим титрарди.

## 2

Олдимдаги ёзув столида рентген суратлари, ўзим ўтказган текширувlar ва таҳлил натижалари сочилиб

ётарди. Мен рентген суратидаги мия тасвириниң ҳар бир чизгисига эътибор қаратдим. Бирор аниқ ташхис қўйишнинг имкони йўқ эди. Улар худди қон таҳлили натижалари сингари одатий эди. Барча хулосалар bemorning соғлом эканидан далолат берарди. Фақат электроэнцефалограмма натижаларини билиш қолганди. Мен бу аппаратни бир неча кун аввал Америкадан олдириб келгандим. Унинг ёрдамида миянинг электрик фаоллигини аниқлаш мумкин. Тасмани аппаратдан чиқариб, ёйдим ва лупа билан диаграммани синчиклаб қарай бошладим. Шу пайт юрагим ҳаприқиб кетди.

Ва ниҳоят! Кутимаган кучли импульс бутун диаграммани ўчириб юбораёзди. У 90 микровольтли амплитудани ташкил этган ва турли вақт оралиғида такрорланган эди. Бу белги ҳеч қандай ўсимта, тутқаноқ, энцефалит ёки бирор мия хасталиги аломати эмасди.

Мен тиббий китобларни титклиб, худди шунга ўхшаш ҳолат ҳақида маълумот қидира бошладим. Мен ҳамон бу жумбоқнинг дастлабки нуқтасидан силжий олмасдим. Қаршимда бирор милтиллаган ёруғлик кўринмасди. Аммо, чуқур текширувлардан сўнг, нимадир борлигига ишона бошлагандим.

Электроэнцефалограмма унинг миясида нимадир ўзгариш борли-

гини кўрсатарди. Гарчи тиббиётга маълум бирор касаллик аломатлари кўринмаса-да, бу оддий одамнинг одатий миясига ўхшамасди. Яна ўша, ўзимнинг фалсафий хулосаларимга қайтдим. Чиндан унинг миясида мавҳум тўлқинларни тутиб қоладиган нимадир бор. Эҳтимол унақамасдир? Роғиб муттасил равишда бирорта испанча пластикани тинглаб, унинг матнини онг остида сақлаб қўйган, ҳушсиз ҳолатда, беихтиёр ўша сўзларни қайтаргандир? Ахир бизнинг тушларимиз ҳам ўнгдаги хотираларнинг инъикоси-ку!

Йўқ-да! У шунчаки алаҳсирагани йўқ, аниқ-тиник, соф испанчада гапирди. Қандайдир Дон Себастьян Камильо ҳақидаги воқеаларни ҳикоя қилиб берди. У худди ўз она тилида гапиргандек силлиқ, бехато, равон гапиргани аниқ эсимда. Бу шунчаки алаҳсираш эмасди. Алаҳсираётган одам тушунарсиз, ғўлдираб гапиради.

Клиникадаги бошқа беморларни текшириш асносида ҳам ана шу саволлар гирдобида эдим. Тезроқ, Роғиб Домиён билан белгиланган кун келишини кутардим. Мана ўша кун келди, аммо Роғибдан дарак йўқ эди. У жуда қатъиятли йигит эди, айтилган вақтда келиши лозим эди. Аммо, кечгача кутсам-да, ундан дарак бўлмади.

Ахийри тоқатим тоқ бўлди. Кабинетимдан чиқиб, пальтони елкамга

илдим-да, унинг манзилини излаб йўлга тушдим.

Кубба тумани, Ибн ал-Валид кўчаси 15-й ёнига етиб боргач, машинадан тушиб, атрофга алангладим. Тиббиёт варақасида айнан шу манзил қайд этилганди. Коровул менга Роғибнинг 12-квартирада яшашини айтди. Лифт ишламас экан. Ҳар қаватда тўхтаб нафас оларканман, олтинчи қаватга етганимда, зиналардан илон изи бўлиб оқаётган сув ирмоқчаларига кўзим тушди.

Сув қаердан оқаётганини аниқлаш учун тепага қарадим. Вақт ўтгани сари сув оқими катталашаётганини сездим. Буғланиб турган иссиқ сув айнан 12-квартира эшиги тагидан сизиб чиқарди. Ҳа, бу ўша, Роғибнинг хонадони. Кўлим титраб, эшик қўнғироғини босдим. Жавоб келмагач, яна босдим. Охири кутишга тоқатим етмай, эшикни дўппослашга тушдим.

Жавоб йўқ эди. Ичкаридан эса, очиқ крандан шариллаб оқаётган сув овози эшитилиб турарди. Мен жойимда қотиб қолган, миямда эса, турфа хаёллар чарх уради. Нима бўлди экан? Квартира ичидаги кимдир бормикин? Эшикни синдирсамми? Балки полиция чақиравман? Ҳа, энг тўғри йўл шу эди.

Полициячи билан эшикни синдириб, ичкари кирдик. Оёқ остини сув босган, ваннахона эшигидан эса сув

вараплаб чиқиб турарди. Газ иситкичи ёқиқ турар, сув эса, ванна жомидан тошиб чиқаётганди. Ваннахона ичидә эса, эгнида халат, қўлида қош терадиган мўйчинак ушлаб олган қиз бошини пардоз столи устига қўйиб ётганини кўриб, тош қотдик.

Полициячи эҳтиёткорлик билан унинг олдига борди ва бошини оҳиста қўтариб қўрди. Қизнинг ранги оқариб, юзларида даҳшат қотиб қолганди. У ўлган эди. Шеригим дарҳол прокуратура ва суд-тиббиёт экспертига қўнғироқ қилди. Бу қотилликми? Қанақасига? Қандай қурол ёрдамида? Нима мақсадда? Бир томчи қон, бирорта жароҳат изи йўқ, бўғилиш, кураш ёки қаршилик аломатлари сезилмайди.

Ҳамма жиҳозлар ўз жойида, аёл эса, чўмилишга ҳозирлик қўраётган бўлган. Шу сабабли газли иситкични ёқиб, сувни очган. Ана шу вақт ичидә у ойна қархисида қош термоқчи бўлган. Кутилмагандан, номаълум бир даҳшатга рўбару келган.

У кўзгуда нимани қўрдики, юзлари қўрқувдан бунчалик қийшайиб кетди? Ҳа, унинг юзлари оғриқдан эмас, даҳшатдан тош қотганди. Шу пайт қўлидаги олтин узукка қўлим тушди. Бу Роғиб Домиённинг қаллиғи эди. Ахир у тез кунда тўйимиз бўлади, демаганмиди? Аммо унинг ўзи қаерда? Бу пайтда у нима билан машғул эди?

Пардоз столи устида Роғиб Домиённинг анчагина ёш ва хушбичим чеҳраси табассум билан боқиб туради. Бу сурат анча эски бўлса керак. У хонадонида юз берган бу фожиадан хабардормикин? Ҳозир қаерда бўлса?

Бошқа хоналарни ҳам кўздан кечира бошладим. Меҳмонхона, ошхона... Кабинет худди лабораторияни эслатарди. Хонанинг катта қисмини турли мосламалар, кимёвий эритмалар, пробиркалар терилган каттакон стол эгаллаганди. У ерда турган каттакон қурилма нима вазифани бажаришини билолмадим.

Микроскоп остида лаборатория ойнаси туради. Микроскоп ойнасидан қараганимда, аллақандай тирик тўқима пардасига кўзим тушди. Эмбрион хужайрасига ўхшарди. Қизик, Роғиб Домиёнга кимё, бактериология, анатомия, патология бора-сидаги изланишлар нимага керак бўлдийкин? Ахир у клиникада Қаср ал-Айний радиация муҳандис-электрик эканини айтмаганмиди? Мени ҳайрат ва шубҳалар измига солганди. Ким ўзи бу Роғиб Домиён? Қандай яшаган? Нима билан шуғулланган? Назаримда ўзимнинг миямда ўсимта пайдо бўлгандек бошим шишиб қолганди.

Бу пайтда полициячи тўрт оёқлаб хонанинг полини кўздан кечирар, қандайдир рақамларни дафтарча-

сига қайд этарди. Мен эса ўз саволларимга жавоб излардим. Роғиб Домиён ўсимта масаласида ёнимга келгани ҳақида полициячига айтсанмикан? Бу билан ўз касб сиримни очиб қўймасмикинман? Ахир беморнинг шифокорга айтган гаплари ҳам унинг розилигисиз бошқаларга айтилмаслиги керак.

Мен аёлнинг даҳшат қотиб олган юзларига қараб, беихтиёр Роғибнинг беҳуш пайтдаги қиёфасини кўз олдимга келтирдим. Қанчалар ўхшашлик? Ҳар иккисининг нигоҳларида ўзга бир оламнинг даҳшатли сирларидан огоҳлик ифодаси зоҳир эди. Аёлнинг қўрқувдан кенгайиб кетган қорачиқларига қараб титроққа тушдим.

– Уни танирмидингиз? – бу полициячининг саволи эди. Беихтиёр унга қарадим.

– Кимни айтяпсиз?

– Квартира эгасини.

– Йўқ... – бу ерга биринчи келишим. – Полициячининг таажжубли нигоҳидан хатойимни тўғриладим. – Мени телефонда чақиришганди. Бир эркак қўнғироқ қилиб, шу манзилга етиб келишимни сўради.

– Унинг овози қанақа эди?

– Эслолмайман. Олдимда одам кўп эди. Телефондан кўчанинг шовқини ҳам эшитилиб турганди. – Нега алдаганимни ўзим ҳам билолмайман. Мен бу сирни очишни истамасдим.

Негадир бу сирни фақатгина мен билишим, прокуратура ҳам, полиция ҳам хабар топмаслиги керак деб ҳисоблардим. Мен охиста қадамлар билан яна ўша, илмий муҳит измидағи лабораторияга кирдим. Яна микроскопни созлаб, унда турган хужайраны синчиклаб күздан кечиришга тушдим. Бу ростдан ҳам эмбрион хужайрасимикин? Полициячига сездирмай, микроскоп ойнагини чүнтағимга солиб қўйдим. Микроскопнинг ёнидаги қизил ёндафтарчани ҳам. Бу албатта майда ўғирликка кирарди. Мени билишга бўлган иштиёқим шунга ундарди. Виждонимга хилоф иш қилмаяпман-ку! Мақсадим ҳақиқатни билиш. Чамамда бу виждон нуқтаи назаридан нотўғри кўринмасди. Полициячи ошхонадан туриб, мени чақирди:

– Мана бу ердан қон томчиси чиқди.

Олдига кирганимда, қўлида зарра билан чўккалаб, каттароқ нўхатдек келадиган қизғиш доғни кўздан кеширарди. Гарчи бу доғ қон эмас, гиламга тўкилган йод томчиси эканини сезсам-да, индамадим. Майли, у ўз ишини қиласверсин.

Машинамда уйга қайтарканман, Роғиб Домиённинг уйидан олиб чиқилган ён дафтарча ва номаълум тўқимани ўйлаб хийла енгил тортдим. Тезроқ лабораториямга етиб бориш учун газ тепкисини босдим. Назаримда, микроскоп орқали бу

тўқимани яхшилаб текширувдан ўтказсам, жумбоқнинг жавобини топадигандек эдим.

### 3

Таниш микробиолог дўстимдан олиб турилган микроскоп объективи остига ҳалиги тўқима парчасини қўйиб, уни синчиклаб кузата бошладим. Мен аввал уни эмбрион тўқимаси деб ўйлагандим. Йўқ, чамаси кометасимон бу тўқималар бош мия ёки орқа мия тўқималарига ўхшаб кетар, аммо протоплазма ва ядронинг кўриниши мия ҳужайрасиникига ўхшамасди. Мутлақо боши берк кўчага кириб қолгандим. Ядро худди саратон ҳужайрасиникидек шаффоф тусда эди. Лекин тўқимадаги қон томирларида саратон аломатлари сезилмасди.

Бўлмаса бу нима экан-а? Илкис ёдимга қизил ёндафттарча тушиб, уни сумкамдан олдим-да, варақлашга тутиндим. Ҳафсалам пир бўлганини бир кўрсангиз эди. Унда кундалик ҳисоб-китоблар, харидлар ва яна алламбалолар бор эди, холос.

Бошим ғувиллаб кетди. Чироқни ўчирдим-у, тамаки тутатганча, хаёлга чўмдим.

Прокуратура уч марта мени гувоҳ сифатида кўрсатма беришга чақириди. Бироқ, тергов умуман олдинга силжимасди. Роғиб Домиён эса, изсиз ғойиб бўлганди. Полиция ҳамма

ёқни тўс-тўполон қилса-да, унинг дарагини тополмади. Суд тиббиёт эксперти ўликни кўздан кечириб бўлгач, ўлим кучли қўрқув ва ҳаяжон туфайли, юракнинг тўхтаб қолиши ва асабларнинг фалажланиши натижасида рўй берган, дея хулоса берди. Масалан, яшин урганда ҳам ана шундай ўлим юз бериши мумкин. Лекин, шўрлик қиз нимадан қўрқдики, яшин ургандек асаблари ишдан чиқиб, юраги тўхтаб қолдийкин? Бу саволларга ҳар қанча ўйласам ҳам аниқ жавоб тополмасдим. Ҳарқалай, Роғиб Домиённинг ўзи мени излаб келишига озгина бўлса-да, умид бор эди. Аммо... яна ким билсин? Балки унинг ўзи ҳам бу бевафо дунёни тарк этган бўлса-чи? Ахир унинг ўзи ҳам қандайдир фалокат ёқасида яшамасмиди? Ҳар бир хуруж пайтида, ҳушини йўқотиб, тубсиз туйнукка тушиб қоларди-ку! Унинг ўша ҳолдаги қиёфасини кўз олдимга келтиришга уриндим. Унинг ҳам юзида аллақандай даҳшат билан юзлашган чоғдаги ифода бор эди. Ўша ҳолда у нимани ҳис этди экан? Қандай қилиб у испан тилида бу қадар равон ва хатосиз гапира олди? Наҳотки, бугун тиббиёт бу сирнинг тагига етишга ожизлик қилса?

Мен яна ўша куни тасвирга олинган рентген суратларига эътибор қаратдим. Уларни бирма-бир ёруққа солиб кўра бошладим. Даставвал, бу

тасвиirlарда шунчаки соғлом одамнинг одатий бош мияси акс этарди, холос. Энди назаримда тасвиirlар бошқачароқ кўринди. Суяклар одатдагидан кўра анча ингичка, юпқароқ эканини англадим. Наҳот у суюк хасталикларидан азоб чеккан бўлса? Йўқ, суратда акс этган ўмров ва умуртқа суюкларида ўзгариш йўқ. Фақат бош чаноғи....

Бу бош миянинг фавқулодда катталashiши билан боғлиқ бўлиши керак. Мия кенгайиб, бош чаноғини юпқалаштириб юборган. Демак, мияда нимадир бор.

Миямга ғалати фикр урилди: балки, Домиён ва унинг қаллиғи айнан бир хил дарддан азият чекишигандир? Ахир ҳар иккисининг қорачиқларида бир хил даҳшат қотиб қолганди-ку! Айтганча, қизнинг миясини олиб, ўрганиш мумкин-ку!

Шу фикрдан сўнг сапчиб турдим-да, бу ишга жалб қилинган тибиёт экспертига қўнғироқ қилдим ва гўёки мутахассис сифатида мурдани ёриб кўриш натижалари билан қизиққан бўлдим.

Экспертдан гап олиш қийин кечмади. У қисқагина қилиб, қизнинг жасади уч кун Қаср ал-Айнийдаги ўликхонада ётгани, уч кунгача ҳеч ким уни сўраб келмаганини айтди. Учинчи куни кечқурун бир чол келиб, бу унинг қизи эканини айтибди. Аччиқ кўз ёш тўкиб, дафтарга Авад

Иброҳим деб имзо чекибди-да, жасадни олиб кетибди.

Кейин эксперт газеталарда Мари Иброҳимнинг ўлими муносабати билан чоп этилган хабарни ўқиб берди. Хабарда қизнинг барча яқинларига таъзия изҳор этилиб, унинг ўзи бугун юонон-католик қабристонида дафн қилиниши айтилганди.

Менга шунинг ўзи керак эди. Демак, қизни дафн қилишган. Мен мия чириб битмасидан туриб, уни олишим ва ўрганишим лозим эди. Вақтни ўтказмаслик керак. Дарҳол туриб кийиндим ва насронийлар қабристонига йўл олдим.

Тунги соат бир, совуқ шамол эсар, кўчалар бўум-бўш эди. Бундан пича енгил тортдим. Бунақа хилватда ишимни тез ва осон битираман. Қабристон эшиги олдидаги кулбада қоровул донг қотиб ухларди. Қабрни топиш учун менга унинг ёрдами керак эди. Эшикни узоқ тақиллатишмуга тўғри келди.

Бахтимга қоровул у қадар бегона эмасди. У менинг эски мижозларимдан бўлиб, болалигидан тутқаноқ билан оғриган, мендан муолажа олиб турарди. Шу боис у билан илиқ сўрашдик. Табиийки, bemavrid ташрифимдан таажжубланди.

Унга прокуратуранинг махсус топшириғи билан қабрни очиб кўришим лозимлигини айтдим. Бу ўта маҳфий иш бўлгани боис, бош-

қа ходимлари бириктирилмаганини маълум қилдим. Қоровул менга чиппа-чин ишонди ва ортидан эргаштириб кетди.

Қабр тошини сурисиб, қабрни очгунимизча анча вақт ўтди. Белкуракнинг гурсиллаши тунги сукунатни бузиб турарди. Мана, ниҳоят юлдузлар ёғдусида тобут кўринди. Ҳамма сир ана шу тобут ичидаги яширинган, бунга фақат тобут қопқоғи монелик қиласарди холос. Қўлимдаги чироқ ёруғида қопқоқни очдим.

Даҳшат! Мурданинг боши... йўқ. Кесиб кетишибди. Тошдек қотиб қолгандим. Шубҳали нигоҳларимни қоровулга қаратдим. Аммо унинг ҳам аҳволи меникидан фарқ қилмасди. У ҳам тобутга лол бўлганча тикилиб турарди. Чамаси, у ҳам қандай воқеа юз берганини идрок эта олмасди. Худди ўзимнинг бошимни кесиб кетишгандек, юрагим безовта дукилларди.

Роғиб Домиён ҳақидаги фикрлар мени тинч қўймасди. Унинг мурдани бўғизлаётганини кўз олдимга келтирдим, назаримда, тобутда унинг бармоқ, ерда эса оёқ излари қолиб кетгандек эди. Ҳа, бу ишни ундан бўлак одам қилмаслигига ишончим комил. У билан мен баайни битта ўлжанинг изига тушган този итлар эдик. Ҳар иккимиз битта сирнинг ортидан қуввардик. Бу гал ўлжа унда кетди. Мен эса, оғзимни очиб қолавердим.

Тобутнинг қопқоғини ёпдим-да, қоровулга қабрни текислаб, қабртошини яна ўз ўрнига жойлашни топширдим.

Қабрлар оралаб кетарканман, оёқларим ўзимга бўйсунмасди. Назаримда елкамни оғир юк босиб қолгандек эди. Сезиб туардим, Роғиб Домиён тирик ва бир куни ўзи ёнимга ёрдам излаб келади. Бунга шубҳам йўқ.

Яна ким билсин?

#### 4

Роғиб Домиён ҳақидаги ўй-хаёллар ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланди. Эртадан-кечгача унинг озғин юзи ва паришон нигоҳлари кўз олдимдан, овозлари қулоғим остидан кетмасди. Кечалари тушимга ҳам кириб чиқарди. Ўз лабораториясида ўзи кесиб олган бошга соатлаб, завқ билан тикилиб ўтирганини кўз олимга келтирадим. Унга нима керак бўлдийкин ўз қаллиғининг боши?

Дарҳақиқат, мия нима ўзи? Рухми ёки онг? У не синоатларни ўзида мужассам этади? Биз қўрқув, оғриқ ва ҳузурни унинг ёрдамида қандай ҳис этамиз? Турган битгани жумбоқ. Дарҳақиқат, бу борада тиббиёт англаб етмаган синоатлар кўп. Бизга бу ҳақда жуда оз билим берилган.

Асаб толалари ўта сезгир, улар бош миядаги марказларга қулоқقا

урилган нутқни худди телефон симларига ўхшаб етказиб беради. Марказларга етиб борган бу сўзлар аниқ маъно касб этади ва улар асосида маълум тасаввурларга эга бўламиз. Лекин бунга қандай эришамиз? Миямиз етказиб берилган оддий товушлар йиғиндисини бизга «таржима» қилиб берадими? Балки ҳаммаси биз ўйлагандан бошқачароқдир? Яна сирлар силсиласи... Ва сирлар ҳаммаси инсон мияси билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳа, ана шу сирларни кашф этиш учун ўз миямизни чуқуроқ тадқиқ этишимиз, ўрганишимиз керак. Роғиб Домиён ҳам ана шу фикрда бўлса керак. Эҳтимол, у ана шу мақсадда бош чаноғи ичидан мияни суғуриб олиб, унинг ичидаги ҳужайраларни микроскоп остида қўздан кечираётгандир? Эҳтимол у аллақачон менга ноаён бўлган сирларнинг тагига етгандир?

Соат тунги бир. Мен эса ҳамон ухломай тўлғаниб ётардим. Ухлashingim керак. Тезроқ ухлаб қолиш, бу тизгинсиз хаёллардан халос бўлиш учун эски усулимни қўлламоқчи бўлдим. Бирор зерикарли нарсани ўқиш керак.

Каравотим тагида турган эски газеталарни қўздан кечиришга тушдим. Реклама эълонлари, некрологлар, зерикарли мақолалар ва турфа хил хабарларга кўз югуртира бошли-

дим. Мен бу хабарларнинг кўпини аввал ҳам ўқиб чиққанман. Турфа ҳарфларга тикилишдан кўзларим толиқиб, тезроқ юмила қолса эди.

Мана, уйқу элита бошлади чоғи...  
Худди шу аснода эски газета саҳифасидаги бир сарлавҳа мени бирдан хушёр торттириди. Сўз Қаср ал-Айнийдаги радиация масалаларини ўрганиш институтидан қиймати 20 минг фунтга тенг бўлган, радийдан ясалган ўн дона игнанинг ўғирлаб кетилгани ҳақида борарди. Бу ўғрилик ҳақида полицияга институт муҳандиси Роғиб Домиён томонидан хабар берилган...

Шу заҳоти кўзимдан уйқу қочди ва ўрнимдан сапчиб турдим. Мен хабарни бир неча марта ўқиб чиқдим. Ҳа, хато ўқиганим йўқ. Роғиб Домиён. Газета эса, уч йил аввал чоп этилган. Нега шу пайтгача асраб келганимга ҳайронман. Эҳтимол, бу газетада Мисрда асаб касалликлари статистикаси билан боғлиқ мақола борлиги учундир? Мен бу жумбоқнинг ечимига бунча тез ва осон йўл топаман, деб ўйламагандим.

Роғиб Домиённинг ўзи содир этган бу ўғриликни. Бўлмаса, радијигналарни ўғри бошига урадими? Тилла эмас-ку! У фақат тадқиқотчи олимларга керак бўлиши мумкин. Лекин у радийни қаерга яширди экан? Унга бу радиоактив модда нима учун керак бўлди экан? Ҳа, ра-

дий унинг яширин тадқиқотлари учун керак бўлган.

Шу боис мен газетанинг шу хабар босилган қисмини қирқиб, чўнта-гимга солиб қўйдим. Назаримда, мен бир қадам илгарилагандек эдим.

Роғиб Домиён бу игналарни по-лиция тинтув қилган уйида ёки ла-бораториясида сақламаган бўлса ке-рак. Қаердадир унинг ёт кўзлардан панада, яширин тадқиқотлар олиб борадиган бошқа лабораторияси бўлиши керак. Айтганча, игналар ўзидан радиоактив нурлар таратади, мен эса, улар ёрдамида ўғирланган игналарнинг манзилини топиб олишим мумкин. Бунинг учун менга Гейгер ҳисоблагичи керак бўлади. Бир амаллаб ўша мосламадан топи-шим керак. У жуда паст даражадаги нурланишни ҳам қайд эта олади ва Домиённинг яширин «устахона»си-ни топишга кўмаклашади.

Эртаси куни биринчи қилган ишим ўшандаги ҳисоблагич сотиб олиш бўлди. Кейин пухта иш режаси-ни ишлаб чиқдим: Қоҳирани ўзимча ўнта ҳудудга бўлиб, ҳар куни битта-сини машинамда, ҳисоблагич билан бирга кезиб чиқадиган бўлдим. Ҳи-соблагич эса, радийли игналарни қаерда, қайси уй ва қайси сейфда сақланаётганини аниқ кўрсатиб бе-ришига ишонардим. Бунинг учун мендан бир оз чидам ва ирода керак бўлади, холос.

Биринчи кун Домиён ўз уйига яқинроқ худудни танлагандир, деган хаёлда Қубба Гарден секторини айланыб чиқдим. Бироқ, изланишлар наф бермади. Ҳисоблагич милидан кўзимиň узмасдим, аммо у худди қотириб кўйилгандек жойидан жилмасди. Кейинги кунлар Меадий, Даққий, Жиза, Гелиополис кварталларини ҳам кезиб чиқдим. Шу тариқа бутун шаҳарни изғидим. Аммо, ўзгариш йўқ. Демак, у игналарни радиация нурларини ўтказмайдиган, икки қават ҳимояли сейфда сақлаётган бўлса керак. Ахир, у радиация масалалари бўйича мутахассис, ўзи ўғирлаганидан кейин қандай асрашни ҳам билади.

Унда менинг Ҳалокунинг итидай лўкиллаганим беҳуда экан-да! Яна юрагимни умидсизлик қоплади. Шундан сўнг кўчама-кўча изғишни бас қилдим.

Кутилмаганда яна эсимга қизил ён дафтарча тушиб қолди. Унда қассоб, баққол, дарихончи билан боғлиқ аллақандай ҳисоб-китоблар тўлиб-тошганди. Хўш, унда нима учун бу дафтарчани микроскоп билан ёнма-ён қўйди экан? Шу сабаб дафтарчани олиб, вараклашга тушдим. Дастрлаб эътибор қилмаган эканман. Ички саҳифаларда қалам билан ёзилган тенгламалар кўп экан. Битта саҳифада эса, антиқа қайдларга кўзим тушди: «Нейтронлардаги аккумуляторлар қандай қилиб қувватни

сақлаб қолади? Улар қабул қилиш ва узатишга ҳар доим яроқлими? Юрак мускуллари бир дақиқада ўртача етмиш марта қисқаради. Устрица ёки чиғаноқнинг мускуллари эса, бир неча соатда бир мартагина қисқаради. Айрим ҳашаротлар эса, бир сонияда 500 мартагача қанот қоқаркан. Чунки бу ҳашаротларнинг эктомициндан иборат қанотида протеин моддаси қўп учрайди. Уларнинг қанот мускулларидаги бу қадар аниқлик ва мукаммалликнинг боиси нима? Ғуддасимон без. Хромосомалардаги радиоактив ҳаракатлар...»

Мен дафтарчадаги кимёвий тенгламалар устида ҳар қанча бош қотирмай, ҳеч нарсани тушунолмадим. Лекин бу ерда нега ғуддасимон безга ургу берилган. Тагига чизиб ҳам қўйибди. Анатомиядан шу нарса маълумки, миядаги ғуддасимон без худди кўричакка ўхшайди. Бирор тайинли вазифаси йўқ. Бир пайтлар бу аъзо инсоннинг руҳоний ҳисларини бошқаради дейилган, кейинчалик бу фикр олимлар томонидан инкор этилганди. Кейин бу одам нима учун эктомицин, протеин, хромосомаларнинг радиоактив хусусиятларига қизиқиб юрибди.

Балки бу тенгламалар орқали эктомициннинг таркибини билмоқчи бўлгандир? Роғиб Домиён ким ўзи? Унинг мақсади нима? У нимани ўрганмоқчи ўзи?

## 5

Ҳаёт сири! Роғиб Домиён айнан шуни англаб етмоқчи эди. Дафтарчадаги узук-юлуқ фикрлар шундан далолат берарди. Дарҳақиқат, унинг эътиборини тортган ҳамма нарса чиндан сир-синоатларга тўла: оддий ҳашаротнинг самолёт паррагидан тез қанот қоқиши, хромосома аталмиш митти зарра ичидаги жойлашган наслий белгилар. Хўш, нима учун Домиён ловиядеккина келадиган ғудасимон безга бунча қизиқиб қолди? Балки Домиён шу безнинг асл функциясини кашф этгандир?

Бироқ у қотил ва ўғри эканини ҳам унутмаслик керак. Бир қарашда ўлим табиий равишда юз бергандек. Аммо, аниқки, Домиён севгилисинг миясини олиш учун уни ўлдирган. Қандай даҳшат! У эҳтимол яна бир жиноятга бел боғлагандир?

...Ўшанда мен Қоҳира ва Искандария ўртасидаги катта трассадан оиласи мурраба мурраба юзасидан Тантога кетаётгандим. Ўз фикр-хәёлларимга берилиб, оёғимни газ тепкисидан узмай кетарканман, бирдан йўлдан бурилиб чиқаётган юк машинасини илғамай қолибман. Тормозни босишга улгурмадим, шиддат билан рулни ҳайдалган дала га бурдим.

Худо бир асрари. Ер анча юмшоқ экан. Акс ҳолда ҳалокат муқаррар

эди. Машинам ёнбоши билан туриб қолганди. Чамаси ҳамма ёғим бутун, аммо жиққа тер ичида қолгандим. Бир зумда яқин атрофда ишләётган дәхқонлар ёрдамга шошилишди. Бир амаллаб машинани ўнглаб йўлнинг четига чиқардик.

Хайрият, машина ҳам жиддий шикастланмабди. Мотор дарҳол ўт олди. Худди шу аснода беихтиёр Гейгер ҳисоблагичига кўзим тушди. Ё, алҳазар! Ҳисоблагич ишга тушганди. Демак, мослама яқин орада радиоактив нурланиш борлигини қайд этган. Ҳарқалай, бу атрофда радиоактив моддалар билан ишлайдиган бирор бир иншоот йўқ. Буни аниқ биламан. Демак, Домиённинг яширин маскани шу орада бўлиши керак. Албатта, бу тахмин Домиённи қўлга тушириш учун юз фоизлик кафолат бермаса-да, ҳарқалай, чиқмаган жондан умид қилса бўлади.

Яқин орадаги касабаларни кезиб чиқишимга тўғри келади. Атрофга кўз югуртиридим. Катта йўл ёқасида деярли турар-жойлар кўринмайди. Ярим чақирим нарида кичикроқ вилла кўзга ташланади. Назаримда, мен қидираётган жой ҳам шу вилла бўлиши мумкин. Кучли радиоактив нурланиш шундан далолат берадики, радий қалин иҳоталанган сейфда эмас, очиқ жойда турибди.

Уй деразасидан кўриниб турган қорамтири пардаларга қараб, юрагим-

ни ваҳм чулғади. Машинамни бошқаларда шубҳа уйғотмайдиган дара жадаги масофада қолдириб, вилла сари юрдим. Зинапоядан күтарилиб, эшик олдида бир муддат тұхтаб қолдим. Құнғироқ чалсамми ё йүқми? Йүқ, кимдир келганини билса, Роғиб Домиён бекиниб олиши мумкин.

Унинг ёнига дафъатан кириб бориш керак. Бунинг учун эшикни тақиллатиш ярамайды. Машинани вилланинг орқа тарафига айлантириб ўтсам, машина томига чиқиб, балкондан ичкари кира оламан. Айтилган сўз – отилган ўқ, Энди балкон ва вилланинг ички қисмидан мени юпқагина ипак парда ажратиб турарди, холос.

Пардани оҳиста күтариб, ичкарига назар ташладим. Бу ётоқхона балкони экан, ичкарида ҳеч ким кўринмасди. Мехмонхона орқали йўлакка чиқиш мумкин экан. Йўлак охирдаги эшик очиқ бўлиб, чироқ ёниқ турар, тўғрида автоклав – юқори босимда қиздириш учун ишлатиладиган идиш турарди.

Бу катта лаборатория эди. Шубҳасиз мен мўлжални тўғри олгандим. Ушу ерда. Ишлаётган бўлиши керак. Энди нима қилсан? Кирсамми ё яширинсамми? Унинг кўзига кўринмаслигим керак. Ётоқхонага кириб, қаравот тагидан жой олдим. Бу ердан хонадаги ожизгина шитирлашни ҳам bemalol эшитса бўларди.

Жуда күркінчли дақиқаларни яшаётган әдим. Танам муз қотаётганини ҳис этдим. Ҳамма ёқ сув қуйғандек жимжит. Балки ростдан ҳам уйда әмасдир. Ўғрилар уйда одам бор деб үйлаши учун чироқни ёқиқ қолдирғандир? Шу хаёл билан яширинган жойимдан чиқдим. Мехмонхонадан чиқиб очиқ эшик томон юрдим. Ичкарига бош суқиб қарадим. Ҳеч зоғ қўринмасди. Демак, мен бу ерга кирганимдан бери ҳали ҳеч ким виллага кирмаган, чиқиб ҳам кетмаган. Демак, бир сонияни ҳам йўқотмаслик керак.

Лабораторияга кириб, атрофга кўз югуртиридим. Кўринарли ерда, эшиқдан ўнг томонда ўша, мен қидирған мия, формалин эритмаси ичида турагди. Бир қарашдаёқ миянинг иккига бўлингани ва унинг ичидан ғуддасимон без ажратиб олинганини аниқлаш мумкин.

Унинг ёнида турган столдаги идишда яна битта мия турагди. Кейин иккинчи, учинчи, тўртинчи идишда ҳам, формалин эритмаси ичида инсон миялари солиб қўйилган. Ва уларнинг барчаси ёрилган ва ғуддасимон безлари олиб қўйилганди. Даҳшатдан тош қотдим. Эҳтимол мен инсонларни ўз мудҳиш тажрибалари учун қурбон қиласиган манъяқ билан тўқнаш келгандирман? Ёки у ўз олдига қўйған мақсади, жумбоқлар ечимини инсонлар ҳаётидан ҳам устун қўя олдими?

Тұғрида статик электр генератори, күплаб фильтрлар, қизартырувчи эритмалар, кислоталар, ишқорлар тұла шишалар, тирик түқималарни ўстириш учун бир қанча микроскоп ва яна алламбалолар турарди. Бурчакда радийли игналар сақланган икки қаватли сейф турар, аммо унинг эшиги очық әди. Қарама-қарши бурчакда эса, тиши дүхтири курсисига ўхшаш күтарма ўриндиқ бор әди. Курси суяңчиғида рентген мосламаларини эслатувчи учта ойнаванд вакуумли чироқлар ўрнатылған әди. Курсида ўтирган одамга уч тарафдан чироқ нурлари тушиб турарди. Ҳар учала чироқдан тушадиган нур ўтирган одамнинг миясида, битта нүктада кечишиши ни тахмин қилиш мүмкін. Жуда ғалати қурилма!

Мен илгари бунақасини күрмагандым. Усқунанинг айрим қисмлары ўзимизда ясалғанды. Бироқ у бары бир аллақандай махфий мақсадларға хизмат қилиши аниқ. Ундан тараладиган нурлар-чи? Радиоактив нурлармикин? Унда радийли игналарнинг ўрни күрінмасди. Ҳарқалай, манави чироқлардан тараладиган нурлар ҳам гамма ёки бета нурларига ўхшаш юқори частотали ва қисқа түлқинли бўлиши мүмкін. Бироқ, у радиоактив изотопларни атом реакторисиз қандай қўлга киритди экан?

Шу пайт ортида кийим илгич турган пардага кўзим тушди. Парда ортида яна бир эшик бўлиб, у чорхори ҳужрага олиб кирап, бу ерда эса, худди кичикроқ атом реакторини эсга солувчи қурилма ўрнатилган эди. Қурилманинг марказида ўғирланган радий игналар жойлаштирилган эди. Демак, игналар унга радиоактив нурларни ҳосил қилиш учун керак бўлган, бу нурлар эса, тирик мияни ўрганиш учун ишлатилган! Унда манави ишқор ва кислоталар, ҳар хил трубалар, эритмаларнинг нима кераги бор экан? Демак, яна қандайдир кимёвий жараёнлар амалга оширилади.

Микроскоп ойнагидан қараганимда саноқсиз сперматозоидлар ва тухум ҳужайраларга кўзим тушди. Бир қарашда улар қурбақага тегишли эканини ҳам англадим. Демак, у тухум ҳужайраларнинг уруғланиши ва бўлиниши, бу жараёнда ядро ва хромосомаларнинг иштироки билан қизиққан. Микроскопдан тухум ҳужайранинг ядро ва хромосомалари ҳам кўриниб турарди. Микроскоп ёнида аллақандай мовий суюқлик солинган шишача турарди. Қасам ичиб айтаманки, бу ҳақиқий олимнинг лабораторияси эди.

Стол устида қайд журнали ётарди. Уни қўлга олган чоғимда пастда қандайдир товушни эшитиб, сергак тортдим. Яшириниш керак! Миямга

шу фикр урилиши билан бояги парда ортига ўзимни урдим. Кўп ўтмай Домиён қандайдир хумкалла одамни эргаштириб кирди. Домиён янада озиб-тўзиб кетгандек кўринди. У хумкалла одамга ҳалиги курсини кўрсатди.

– Мана шу ускунна сизни каллик балосидан қутқаради.

– Аллоҳ умрингизни узун қилсин, шу бошимга жун чиқса бўлгани...

– Иншооллоҳ, чиқади, – Домиён ҳалиги одамни курсига чиқишига ёрдамлашди. – Марҳамат қилиб, кулоҳингизни ечиб қўйсангиз.

Эркак кулоҳини ечди. Унинг боши тап-тақир кал эди. Мен шу заҳоти Домиённинг алдаганини тушундим. Демак, у шўрлик эркакни калликдан қутқазаман деб, ўз күшхонасиға олиб келган. У ўзининг даҳшатли унлари билан бечоранинг мияси устида аллақандай тажрибаларини ўтказади, кейин эса уни ўлдириб, миясини суғуриб олади. Хумкалла ичидаги мия анави идишларда турган инсон миялари ёнидан жой олади.

Мен қўрқинчли бир жиноятнинг шоҳиди бўлаётган эдим. Кал курсига ўтирганча миямга минг хил ўй келиб урилди. Бу пайтда Домиён ўз ўлжасининг бошини аллақандай ўлчовчи мосламалар билан ўлчар, натижасини ёндафттарчасига туширади. Кейин чироқларни нурлари бир нуқтада кесишадиган қилиб

тўғирлаб чиқди. Кейин эса қутидан стерилланган шприц олиб, уни шишадаги мовийранг суюқлик билан тўлдирди. Кейин эса, уни мижознинг венасига юборди.

– Ўн дақиқадан кейин муолажани бошлаймиз, – деди Домиён соатига кўз ташлаб.

«Нега айнан ўн дақиқадан кейин?» бу саволга жавоб топишда тиббий билимлар ёрдам берди: томирга юборилган суюқлик қон билан аралашиб, мияга, ғуддасимон безга етиб бориши учун айнан ўн дақиқа керак бўлади. Шундан кейин Домиён уч тарафдан анави лаънати нурларини шўрликнинг айнан ўша, ғуддасимон безига йўналтиради.

Мудҳиш жиноят содир этилишига бир неча дақиқа қолганди. Нимадир қилиш керак! Нимадир қилишим керак!

## 6

Ўн дақиқа ўтди. Домиён электр токини ёқиб, қурилманинг тугмаларини бирин-кетин боса бошлади. Учта катодли чироқ хира нур сочарди. «Дўзах машинаси» эса ғувиллай бошлади. Мен даҳшат ичиди атрофга қарадим. Орқамда электр токини ёқиб-ўчирадиган каттакон дастак туарди. Дарҳол дастакни пастга туширишим билан бутун хона зулматга чўмди.

– Оббо, яна ток ўчди, – тўнғиллади Домиён. Жин урсин, энг керак

хонада жимлик чўқди. Чамаси улар иккови яна чироқ ёнишидан умид қилишарди. Мен хийла енгил тортдим. Орадан бир соат ўтди. Домиён чўнтак фонарини ёқди.

– Чамамда эрталабгача ток бўлмайдиганга ўхшайди. Балки муолажани эртага қолдирамиз?

– Бугун тугатиб қўйсак яхши бўларди-да, – минфирилади кал. – Бемалол дамимни олардим.

– Начора, бошқа иложимиз йўқ.

Икковлашиб эшик томон юришиди. Кейин зинапоядан пастлаб бораётган қадам товушлари эшитилди. Демак, мен бу парда ортида туриб ҳаммасини кузатишм, зарурат туғилганда токни узиб қўйишим, нариги хонада, қоронғилик бағрида яширинишим мумкин. Бу ерда мен ҳамиша воқеалар марказида ҳис қила оламан ўзимни. Табиийки, мен Домиён билан юзма-юз келишни истамасдим. У лабораторияда бегона одам борлигини умуман сезмаслиги керак. Шундагина у эркин ҳаракат қилиши мумкин. Демак, мен бу ердан чиқиб кетмаслигим керак.

Мана, орадан бир неча дақиқа ўтиб, Домиён яна хонага қайтиб кирди. Унинг қўлидаги чўнтак фонари хонанинг бир қисмини доира шаклида ёритиб турарди. Шунда мен сездирмасдан туриб дастакни кўтардим. Хона бирдан чароғон бўй

либ кетди. Домиён афсус ила лабини тишлаб бош чайқади.

– Яна озгина кутсак бўларкан-да, чироқ ҳам ёнди.

Кейин у қурилма тепасидаги учта чироққа алам билан кўз ташлаб қўйди-да, дафтарини очди. Сперматозидлар намунаси сурилган ойнакни бўш чаноққа улоқтириб, бурчакда турган яшиклардан бирининг ичидан тирик қурбақани олди. Қўлига скальпелни олиб, ўта ҳассослик билан иккига бўлди ва ичидағи уруғларини янги микроскоп ойнагига бўшатди. Кейин микроскопга қараб, алланималарни тез-тез дафтарига ёзишга тушди. Сўнгра ойнак устига мовийранг суюқликдан бир неча томчи томизди ва яна қузатишларини давом эттириди.

Бир соат давомида тинимсиз ишлагач, Домиён бир оз тин олди. Уйқусини қочириши учун бўлса керак, кўзларини ишқалади. Кейин у катта тоғорада қайноқ сув ичида турган шприцлардан бирини олиб, уни мовийранг суюқлик билан тўлғазди ва ўз томирига йўллади. Кейин соатга қаради. Ўн дақиқа ўтиши билан «дўзах машинаси» томон юрди. Курсига ўтириб, чироқлардан бирини пешанасига, яна иккитасини икки чаккасига ўнглади. Тугмани босиши билан чироқлар яна хира нур соча бошлади. Қурилма ғувиллаб ишга тушди.

Бу манзарани кўриб, томиримдаги ҳам тўнгиб қолгандек бўлди. Домиён энди бу даҳшатли тажрибана ўз устида синаб кўраётган эди. Бу ўша, бояги калнинг томирига юборилган суюқликнинг баайни ўзи эди. Ҳозир у ўша курсига ўтирганча, ажал нурларини ўз миясига тўғрилағанди.

Шу тобда унинг билагидаги томирлар бўртиб чиқа бошлади. Кўзларида худди дўзах дарвозаси билан юзма-юз келганга ўхшаш чексиз қўрқув ифодаси чақнади. Кейин эса бутун вужуди бўشاшиб, ҳушини йўқотди. Кейин тиниқ ва равон оҳангда гапира бошлади. Ҳа, у худди менинг клиникамда бўлганидек, соф испан тилида гапиравди. Испанчадан хабарим борлиги учун бу гал ҳар бир сўзнинг маъносига етишга ҳарарат қилдим. Унинг хитоблари бу гал ҳам ўша, Дон Себастьян Камильога қаратилган эди.

– Дўстим, ўша қунги воқеа хотирамда умрбод сақланиб қолди. Минанинг айнан ўша пайтда портлаши мени мутлақо ажаблантирмади. Ҳаммасини тушундим... Ҳа, мен минани ўз кўзларим билан кўрдим.

Шу пайт унинг овози бутунлай бошқача шаклга ўтди. Ҳа, энди тамомила бошқа одам унинг тилидан гапиравди.

– Ишонмайман, э Худо, наҳот бу мумкин бўлса?

– Фақат узок муддат урушда бўлган одамларгина биладиган айри руҳий ҳолатлар мавжуд. Бу туйғу аскарни тамомила маҳв этади ва уни ўлимга тик боқиб, унга қарши чиқишга ундаиди ва у қўрқмасдан ажал ўқларига кўксини очади.

– Дон Мигель Варгас, сен бизни атайин мина кўмилган майдонга олиб борибсан-да!

– Ҳа, мен ўзимни билиб қилгандман.

– Дон Мигель Варгас, сени қамоқقا оламан!

Дон Мигель кулиб юборди.

– Сен мени қамайсанми? Кўрмаяпсанми? Икки ойдан бери мен мана шугипсдан ясалган «кўйлак-иштон»-га ҳибс қилингандман. Оёқ-қўлимни қимиirlатолмай ётибман.

Яна гулдурос қулги хонани тутиб кетди.

– Сен мени қандай қилиб қамоқقا олишинг мумкин, Себастьян Камильо? Сен ҳам менга ўхшаб тўшакка михланиб қолганингни, икки қўлинг йўқлигини, ҳамма ёғинг гипсда эканини унутдингми?

– Сени қонун номи билан ҳибсга оламан, – қичқирди Дон Себастьян.

Дон Варгас кулиб эътиroz билдириди:

– Йўқ, сержант, ҳеч қандай қонун йўқ энди. Биз урушда ютқаздик. Энди бутунлай бошқа қонунлар кучга киради. Атрофингга қара, биз

қаҳрамонлар эмас, асиrlармиз. Энди тепамизда бошқа байроқлар ҳилпираб турибди. Биз ҳам, дунё ҳам та- мом бўлди энди.

– Сен тентаксан, аҳмоқсан, – бақирди Дон Себастьян. – Энди нима қиласиз, нима қилиш керак?

– Ўлиш керак...

– Мен ўлишни истамайман, – чинқирди Себастьян, – мен яшашни истайман, эшитяпсанми?

Бақир-чақирлар йўқолиб, ўрни- ни аллақандай тушуниксиз ғўнғиллаш эгаллади. Домиённинг гавдаси илкис силкина бошлади. Аниқки, у айни пайтда ҳаводан тутиб олинган овоз тўлқинларини «ўқий» оладиган қурилмага айланганди.

Дон Камильо билан Дон Варгас ким бўлди? Руҳларми? Улар ростдан ҳам яшаб ўтишганми? Роғиб Домиён шу пайт оҳиста кўзлари- ни очиб, кейин қўлини кўтарди ва қандайдир тугмани босди. Мудом ғувиллаш овозлари тинди. Кейин эътибор бердим: у магнитофон тугмасини босиб қўйган, шу тахлит ҳамма гапларини ёзиб қолдирган экан.

Домиённинг ранги оқариб, кўзлари қонга тўлиб кетганди. У термосдан қандайдир ичимликни ютоқиб ичди ва комага тушган пайти айтган гапларини тинглаб қўриш учун магнитофон тугмасини босди.

Кейин нималарнидир ён дафтар-часига ёзиб олишга киришди. Кейин қийналиб курсидан турди, пешана-сидан чиққан терни артиб, чироқни ўчирди ва ётоқхонага йўл олди.

Миямга келган биринчи фикр ён дафтарчани ўғирлаб кетиш бўлди. Аммо бу фикримдан воз кечдим. У ярим кечаси лабораторияга қайтиб, дафтарча йўқолганидан хабар топса, шубҳага тушиб қолади. Кейин бу бошпанасига ҳам умуман келмай қўяди ва мен унинг изини йўқотаман. Яххиси, ҳаммаси жойида тургани маъқул. Оёқ учида хонадан чиқиб, виллани тарқ этдим.

Мен машинамга ўтириб уйга қайтарканман, миямга бир фикр келди: яқин дўстим Испаниядаги Миср элчинонасида ишлайди. Ундан Дон Мигел Варгас ва Дон Себастьян Камильонинг кимлиги ҳақида сўраб кўрсаммикин? Уларнинг тақдири нима кечди экан? Албатта бундан бирор иш чиқишига қўзим етмаса-да, умид қилсан бўлади.

Эртаси куни почтага келиб, Испанияга йўлланган телеграмманинг сўнгги сўзини битаётганимда тепамда турган соат ўнга бонг урди. Машинамга ўтириб уйга қайтаётганимда, ёмғир худди челякдан қўйгандек ёғаётганди. Йўл ёмғир остида ялтираб қўринарди. Миямда минг хил ўй чарх уради.

Балки булар ҳаммаси алоқ-чалоқ тушлардир? Анави икки испан ҳам ҳаётда умуман бўлмагандир? Улар палатада ётган икки ярадор аскарлар эдими?

Шуниси аниқки, ҳозир Испанияда уруш йўқ. Лекин ҳалиги икки аскарнинг сухбатида якунланган уруш ҳақида сўз борарди. Уларнинг сухбатини Домиён ўз тажрибасига асосан қайта тиклади. Шунаقا бўлиши ҳам мумкинми? Овозлар ҳавода муаллақ сузиб юриши мумкин экан-да! Ёхуд ҳалиги ярадор аскарнинг ҳаётга ташналик туйғуси унинг овозига барҳаётлик бахш этдими?

## 7

Эшикни ичкаридан беркитиб, хонанинг у бошидан бу бошига бориб келардим. Кейин стол ёнига ўтириб, нимадир битишга уриндим. Ҳар қанча бош қотирсам-да, бу жумбоқлар силсиласидан бирор ечим тополмасдим.

Бу силсиланинг бошидан охири гача кўз олдимга келтиришга уриндим. Ҳаммаси Домиённинг ёнимга ўзини текшириши учун келган кунидан бошланди. Аввал Ибн ал-Валид кўчаси 15-хонадондаги қотиллик, юнон-католик қабристонида, тобут ичидаги жасаднинг боши кесиб кетилиши, ичидан ғуддасимон без юлиб олинган инсон миялари, мовийранг суюқлик...

Анави савдойи ўзининг даҳшатли нурлари билан шўрлик одамларнинг миясини не куйга солмоқчи? Унинг асл мақсади нима? Тирик қурбақаларни ёриб олинган уруғлар унга нима учун керак? Ҳалиги номаълум товушлар-чи?

Ўнлаб шу каби саволларга жавоб излардим. Аммо, бу кимса ҳалокат томон йўрғалаб кетаётганини ҳам билардим. Кеч бўлмасдан туриб бу сирларнинг ечимини топиш лозим эди.

Аммо қай тарзда?

Мен хонамда асабий бориб-ке-ларканман, эшик тақиллаб қолди. Хизматчи қўлимга испаниядан юборилган телеграммани узатди. Матн қисқа ва лўнда эди: «Дон Себастьян Камильо, тореадор, Испанияда фуқаролар уруши даврида ҳалок бўлган. Дон Мигель Варгаснинг шахсини аниқлашнинг имкони бўлмади».

Демак, ҳаммаси ҳақиқат экан-да! Демак Домиённинг тилидан учган сўзлар шунчаки маънисиз алаҳсираш эмас. Қачондир ҳақиқатда айтилган хитобларнинг такорори... Мен эшитган суҳбат ҳам анча йиллар муқаддам испанияда, фуқаролар уруши сўнгидаги қайсиdir ҳарбий госпиталда ўлим билан курашаётган икки ҳарбий ўртасида бўлиб ўтгани аниқ. Уларнинг хитоблари ҳаво бўшлиғида сузиг юрган, Домиён эса бу сўзларни «тутиб» олган.

Бу мўъжиза қандай юз бериши мумкин? Бунда миянинг бизга у қадар таниш бўлмаган, деярли бирор вазифа бажармайдиган қисми роль ўйнаса керак. Бу шубҳасиз ўша – ғуддасимон без. Домиён электр қуввати ва ўз томирига юборган кимёвий эритмалар ёрдамида уни қўзғата олган. Шунда безнинг сезувчанлиги ортган ва шу орқали вақт тўсиқлари оша эшитиш ва кўриш хусусиятларига эга бўлган. Ақл бовар қилмайди.

Биз келажакни кўра олмаймиз. Бироқ миямизда ўтмишни кўриш ва эшитиш имконини берувчи мосламанинг ҳомиласи мавжуд. Худди ҳозирги жараённи кўриб, эшитиб турганимиздек, тарихдаги барча ҳодисаларни аслидагидек кўришимиз, эшитишимиз мумкин! Ахир бундай имкониятни қўлга киритсак, биз худди фаришталарга, авлиёларга, ҳатто (астағфируллоҳ) маъбудларга тенглашар эдик. Лекин бунга қандай эришиш мумкин? Бу кимса англаб етган сирни билишнинг имкони бормикин? Бор! Фақат бунинг учун ўта эҳтиёткорлик билан иш тутишга тўғри келади.

Мен энди йўлни яхшилаб ўрганиб олгандим. Мен эшик қулфининг қолипини олдим-да, ундан ўзимга калит нусхасини ясаттирдим. Домиён йўқ пайтда виллага кириб олдим. Лабораториядаги ҳамма нарса-

лар ўз ўрнида турарди. Фақат битта нарсадан қаттиқ хавфсирагандим. Ишқилиб ҳалиги кални аллақачон ўз қурбонига айлантирмаган бўлса бас. Лабораторияда, формалин эритмаси ичидаги турган миялар сони кўпаймаганидан сездимки, бу фожиа юз бермабди. Хайрият!

Электр плиткаси устида турган стерилазиторда шприцлар қайнаб турибди. Ёруғлик генераторини ушлаб кўрдим – илиқ! Демак, яқинда ёқилган.

Ҳали фикрларимни жамлашга ултумрасимдан зинадан Домиённинг оёқ товушлари эши билди. Дарҳол парда ортига чекиндим. У катта пакет билан хонага кирди. Пакет ичидан эса шиша банкага солинган каттакон ўргимчакни чиқарди. Бу иссиқ ўлкаларда учрайдиган йирик ўргимчак эди. Ҳашаротнинг саноқсиз кўзлари менга қадалиб тургандек туйилди-ю, баданимда титроқ уйғонди.

Ўргимчак банка ичидаги ҳаракатланиб, саноқсиз кўзлари билан хонани томоша қиласиди. Шу пайт Домиён қутидан санчқисимон кесувчи буюмини олдида ўргимчакни тириклайнин иккига ажратди. Кейин чақонлик или унинг бошини ажратиб олди. Кейин эса митти бошчанинг ичидан шилимшиқ моддани сиқиб, қандайдир эритмали пробиркага тўқди. Шу пайт пробирка ичидаги суюқлик

оқиши тусга кира бошлади. Домиён бу аралашмага яна қандайдир моддаларни қўшди. Кейин эса маҳсус сузгич ёрдамида аралашмасининг қуйқасини ажратиб олди.

Бир оз тиндириб қўйгач, қуйқани шиша идишга солиб, дистилланган сув билан тўлдирди. Мен бундай аралашма нима учун ишлатилиши мумкинлигини ҳар қанча мулоҳаза қилмай, тайинли хулосага келолмай турадим. Бундай кимёвий амаллардан сўнг у озроқ миқдордаги сарғиш суюқликни қўлга киритганди.

Кейин у ҳосил бўлган суюқликни менга таниш бўлган каттакон идиш – автоклавга солиб бир муддат атрофга қониқиши билан қўз ташлади-да, таймерни маълум вақтга тўғрилаб, кейин мамнун хиргойи қилганча ётоғига йўл олди. Унинг ҳаракатларидан ҳар бир ишни ўзига ишонч ва қатъият билан бажараётганини англаш мумкин эди.

Бир неча дақиқада ётоқ жимиб қолди. Домиён ухларди. Қизиқишим устун келиб, автоклав таймерига қарадим. Таймер соат ўнда сигнал бериши керак. Демак, Домиён икки соат мизғиб олмоқчи. Ана шу икки соат менинг фойдамга хизмат қилиши мумкин. Икки соат. Бу ҳам кўп, ҳам оз эди.

Кейин стол устида турган, ўргимчакнинг ўйиб олинган бошига қўз ташладим. Йўқ, мен ўйлаганимдек

у ўргимчакнинг бош миясини эмас, балки сўлак безини суғуриб олган экан. Хўш, сўлак безини у нима қиларкин? Мен стол устида турган қайдлар журналини қўлга олдим. Жуда кўп саҳифалар аллақандай нотаниш белгилар билан тўла эди. Бир саҳифада эса, мушмула (тропик ўлкаларда ўсадиган мевали дараҳт) куртагидан олинган экстракт, тухум-хужайранинг ишқорли-тузли эритмада кўпайиши, катализатор-гормонлар, эритмани 40 даражадан ортиқ қидириш сперматозоидларнинг нобуд бўлишига олиб келади, сингари қайдларни учратиш мумкин эди.

Аниқки, у ўз изланишларини кўпгина йўналишларда олиб борганди. Хўш, ўргимчакнинг сўлак бези, сперматозоидлар, тухум-хужайра ва мушмула куртаклари орасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин? Лекин алоқаси бўлиши керак. Лекин қандай? Менимча, улар ўртасида ўхашлик жуда тез ўсиши ва кўпайишидадир? Дараҳт танасидаги энг тез ўсувчан қисм бу унинг куртаклари, сперматозоид ва тухум-хужайра ҳам худди шундай. Ўргимчак ҳам ўз сўлак безлари орқали ўзига тезлика тўр тўқий олади.

Демак, Домиён ҳаётбахш қувват, ўсиш ва янгиланиш сирини очиш учун ана шу талабларга жавоб берадиган моддалардан фойдаланмоқчи.

Унинг мақсади ҳаёт, ўсиш ва қувват бериш хусусиятига эга бўлган кимёвий экстрактларни жамлаш бўлган.

Автоклав қопқоғини кўтарганимда, ҳар бири рақамланган ва кодланган экстрактларга кўзим тушди. Бурчакда Домиён томирига юборган мовийранг суюқлик туради. Пробиркани қўлимга олиб, ҳидлаб кўрдим. Димофимга саримсоқ ҳиди урилди.

Суюқликни кўздан кечираётганимда, аллақандай шарпани сезиб, ортимга ўгирилдим. Қарасам... ортимда Домиён турибди. Унинг қўзлари қонга тўлган, қовоқлари шишган, соchlари диккайиб кетганди. Ухудди атак-чечак юра бошлаган боладек аранг қадам ташларди. Унинг ланг очилган оғзидан бирор калима чиқмасди. Кейин даҳшат ичида мен ушлаб турган пробиркага қўл узатди. Оғзи кўпиклана бошлаганди. Назаримда унга ҳаво етмаётгандек эди. Кутилмаганда у гурсиллаб полга қулади.

Югуриб унинг тепасига бордим. Бир муддат хириллаб ётди, кейин қўзларини аранг очиб, атрофга аланглади.

– Мен ҳеч кимни ўлдирганим йўқ,  
– шивирлади у. – Мен ўзимни ўлдирдим холос. Ўлганларни эса мен ўлдирмадим. Улар ҳаётларини яшаб ўтишди. Уларнинг ҳар бири миллион йилларни яшаб қўйган. Мен ҳам

миллион ёшдаман. Мен сизнинг илк туғилишингизни ҳам кўрганман. Сиз ҳам бир неча маротаба туғилгансиз. Сиз ҳатто, ҳатто Хеопс эхромидан ҳам кексароқсиз.

Унинг нигоҳлари туйқусдан ўт-маслашди. Назаримда, у худди бошқа оламга ўтиб қолгандек эди. У менга худди бўшлиққа қараётгандек маъносиз тикилиб турарди.

## 8

Домиённинг ҳолати мени таажжубга солганди. Йўқ, у комада эмасди. Унинг эс-хуши жойида. Кўзларида эса, қандайдир нотаниш ифода чақнарди. У менга худди ёш боладек маъсум жилмайган кўйи тикилиб қолганди.

– Сизни қайси исм билан атасам экан? – пицирлади у. – Ахир сизнинг мингдан ортиқ исмларингиз бор. Балки Мамлуклар замонидаги исмингиз билан атарман? Ёки усмонийлар давридаги исмингиз билан чақирсамми? Фотимиylар давридагиси-чи? Тасаввур қиласизми, ўша пайтда сизни Баҳлул ал-Ҳалабий деб чақиришарди.

У кулиб юборди. Гарчи бу исм ғалатироқ бўлса-да, менга таниш туюлди.

– Баҳлул, – деди у кулишда давом этаркан. – Ҳа, халифанинг саройида сиз масхарабоз эдингиз. Унинг олдида сакраб, думалаб, вақтини чоғлаб юрардингиз. Бўйингиз жуда паст

эди, елкамдан келмасдингиз. Ҳа, сиз ўтмишда роса томошақовоқ бўлган-сиз. – У яна қаҳқаҳа отди. – Лекин жуда ёқимтой эдингиз, Баҳлул!

Кейин унинг қарашлари ҳам, сўз оҳанги ҳам ўзгарди:

– Жаноб Довуд, мия жарроҳлиги бўйича Берлинда докторлик дара-жасини олган етук шифокор! Ҳа, уни кўриши билан ҳамма оёққа қалқа-ди. Халифанинг масхарабози билан унинг ўртасида қанчалик катта та-фовут бор. Ҳар биримизнинг тари-химиз миллион йилларни ўз ичига олади. Сиз миллион йил яшашни истармидингиз? Мендаги сеҳрли шарбатни ичган одам миллион йил яшави, тарих саҳифаларини қайта варақлаб, ўзининг узоқ ўтмишини қайтадан яшави мумкин. Мия мўъ-жизаларга кон. Сиз мия жарроҳли-ги бўйича мутахассис бўлсангиз-да, ҳеч балони тушунмайсиз. Мия бу – ибтидоси бўлмаган чексиз маълумотлар манбаи. Ҳаётнинг ибтидо-сидан то ҳозирга қадар ҳар кун, ҳар дақиқа унда муҳрланган. Ўз саҳифа-ларингизни бирма-бир варақлашни истармидингиз? Барча даврларга оид ҳаётингизни қайтадан яшашни хоҳламайсизми?

У бошини чангллаганча бир лаҳ-за жим қолди. Афтидан, уни кучли оғриқ қийнаётганга ўхшарди. Қа-рашлари тундлашди, яна хириллаш-га тушди, қорачиқлари кенгайди.

– Бошқа умид қолмади. Мен ўламан. Ўляпман. Кўзларимдан нур қочяпти. Дунё зулматга ғарқ бўляпти. Зулмат... зулмат... нур... нур... Доктор Довуд... сирли шарбат...

Сўнг кимдир унинг томоғидан бўғиб олгандек қўлларини ёқасига олиб бориб, типирчилай бошлади.

– Мен ҳеч кимни ўлдирмадим,  
– деди у пишиллаб. – Сизга айтяпман-ку, ҳеч кимни! Ҳақиқий қурбон бу – мен, ўзи учун яшашга бир лаҳза ҳам вақт тополмаётган бир бандай ожиз. Довуд... шарбат...

Мен унинг тепасида чўккалаб, бoshини тиззамга олдим. Тилим танглайимга ёпишиб қолганди. Ниҳоят тилга кирдим:

– Қани ўша шарбат?

– Шарб...

– Унинг формуласи қаерда? Таркиби қанаقا?

У кўзларини юмиб, жим қолди. Мен куч билан уни силтай бошладим.

– Формулани айтинг?

– Унинг форм... форм... – дея ғулдирай бошлади у.

Кейин боши ёнбошга шилқ этиб тушди. У ўлган эди. Ақлим бовар қилмасди. Кўзларини очиб кўрдим. Уларда ҳаёт асари сезилмасди. Ҳа, Домиённинг ҳаёти интиҳосига етганди. Менинг энг сўнгги умидим унинг лаблари орасида жон берди.

Даҳшат ила атрофимга алангладим. Бир сония ичида мен қўрқинч-

ли бир ҳақиқатни англадим. Мен бу сирнинг ягона вориси эдим. Мендан бошқа ҳеч ким Домиённинг ҳаёти ва ўлимидан воқиф эмасди.

Энди мен нима қилишим керак? Айни пайтда мен унинг жасади билан бирга қишлоқ йўлидаги виллада ёлғиз қолгандим. Шу пайтда миямга бир фикр келди. Тўғри, Домиён бир оғиз ҳам гап айттолмади. Аммо унинг жасади, мияси менинг ихтиёримда-ку! Менга битта скальпель бўлса кифоя, унинг миясини ўрганиш имкони мавжуд.

Демак, тўқималар қотмасидан тезроқ ишга киришиш керак. Мен қутини кавлаштириб, боя Домиён ўргимчакни нимталаган скальпелини топдим. Қизиқишим қўрқувдан устун келди. Менга суюкни очиш учун арра керак эди. Қутидан уни ҳам топдим. Демак, Домиён бу ерда кўп бош суюкларини арралаган. Яrim соат деганда Домиённинг мияси қўлимда эди. У мияга қон қўйилишидан вафот этганди. Қон томирлари ҳам кенгайган.

Мияни қоқ иккига бўлиб, ғуддасимон безни топдим. У одатдагидан уч баравар катталашган эди. Мен уни эҳтиёткорлик билан тузли эритмага солдим. Ҳамма сир данакдек келадиган ана шу безда яширган эди.

Энди мен ушбу бездан кесмалар олиб, уни микроскоп остида текширишим ва ўзгаришларни аниқлашим

керак эди. Бунинг учун керакли ҳамма анжомлар етарли эди. Бурчакда зарур тўқималарни ажратишда керак бўладиган асбобни топдим. Уларни микроскоп ортида яхшилаб кузатиш учун тўқималарни бир оз бўяб қўйдим. Биринчи кесма менга таниш манзарани эслатди. Ҳужайралар саратон ҳужайраларига жуда ҳам ўхшаб кетарди. Мен Домиённинг уйида кўрган ҳужайралар ҳам айнан шунинг ўзгинаси эди. Ўшанда мен уларни уруғланган тухум ҳужайра деб ўйлагандим. Демак, ўшанда ҳам ғуддасимон без кесмаларини кўрибман-да! Ғуддасимон без ҳужайралари ҳам худди саратонникига ўхшайди. Жуда тез ўсади ва бўёвчи моддаларга ўч бўлади. Ҳар икки турдаги ҳужайралар ҳам жуда фаол бўлади.

Мен бир нарсани тушунгандим. Домиён ўз сирли шарбатини тайёрлашда наҳотки очилаётган куртаклар, ўргимчак сўлак бези ва сперматозоидлардан фойдаланган бўлса? Ҳа, айнан шундай. Радиоактив нурлар эса, томирга юборилган сирли суюқликни қўзғатиш учун керак бўлган. Лекин бари бир бу сирли шарбатни кимёвий қайта ишлаш жараёнидан бехабар эдим. Ҳалиги дафтардаги тушунарсиз қайдлар шу шарбатнинг шифрланган таркиби эмасмикин? Бу шифрларнинг калитини биладиган одам эса энди йўқ.

Нима бўлганда ҳам шарбат шу ерда ва унинг таркибини замонавий текширувлар орқали аниқлаш мумкин эди. Нурларни йўналтирувчи қурилманинг ишлаш механизмини бемалол ўрганса бўлади. Демак, умид бор.

Бироқ, бу умидлардан ҳам муҳимроғи, ҳаммасини жонли тажрибамда синаб кўриш имкони бор эди. Демак, мен ҳаммасини ўзим кўришим, ҳис қилишим мумкин. Демак, мен ҳам миллион йил яшаб, бутун ўтмишни ўз кўзим билан кўришим мумкин.

Ана шу ғоя мени қўрқитар, имкониятимни чеклар, ҳисларимни маҳв этарди. Мен ҳаммасини унутиб, фақат бир нарса ҳақида ўйлардим: бу сирли шарбатни қабул қилиб, сеҳрли нурларни миямга йўналтириш, ҳеч ким кўрмаган, эшитмаган сирлардан огоҳ бўлиш...

Бу ғоя мени бутунлай ўзига ром этди. Ўзимни худди заҳарланган пирог олдида туриб, унинг зарарини била туриб, бари бир уни ейишга ошиқаётган болакайга ўхшатдим. Эҳтимол, Одам Ато ҳам тақиқланган жаннат неъмати олдида ўзини худди мендек тутгандир? Ҳа, мен қайта-қайта туғилишни, ўз ўтмишимни батамом англашни, миллион йиллик ҳаёт ҳақиқатини англашни истардим.

Кескин ҳаракат билан мовий суюқлик – сирли шарбат тўлғазилган шприцни томиримга санчдим. Шу

аснода баданимга аллақандай ғайритабиій қувват оқиб кираётганини пайқадим. Назаримда, ўзимни худди узоқ кутилган ёмғир остида жонланаётган ниҳолдек сезардим. Ёқимли ҳиссиётлар оғушыда бошим айланарди.

Таймер жириングлади. Ҳа, айтганча, бу суюқлик қонимга сингиб кетиши учун менга ўн дақиқа кифоя қиласынан берилген. Демак, радиацияга тайёрланишим учун менга шунча вақт берилген. Мияни рентген нурдан ўтказиш қоидаларидан хабардор әдим. Компасни созладим ва ричагларни ҳар учала катодли трубкалардан таралаётган нурлар миямнинг марказида, ғуддасимон без устида кеси shadedиган қилиб мослаштирудим. Энди фақат ҳаммасини ҳал қилувчи қизил тугмани босишим қолганди.

Ниҳоят қизил тугмани босдим. Қурилма бўғиқ товушда ғувиллай бошлади.

## 9

Юз берганлар воқеаларни сўз билан ифодалаб бўлмасди. Бу ерда ҳар қандай луғат ожизлик қиласынан берилмайди. Инсон қандай ҳолатда ана шундай ғайриоддий ҳиссиётни бошидан кечириши мумкинлигини ҳам билмайди.

Назаримда, худди миям буғланыб, тафаккурим тўзғиб кетаётгандек эди. Назаримда рўпарамда барча фикрлар ва ғоялар эриб кетадиган сирли оламнинг пардаси очилгандек эди. Бутун атрофни хира, қирмизи бўшлиқ эгаллаб олганди. Ана шу хира туман орасидан мен жуда кўп тоғлар, дарёлар, денгиз, шаҳарлар, кўчалар, антиқа кийимдаги одамлар тасвири кўрина бошлади.

Мен эса, ҳаммасини кузатиб турар, аммо тилим шишиб оғзимни тўлдириб қўйгандек бирорта сўз айтолмас, бутун вужудим ҳаракатсиз қотганди. Шунда мен бутунлай бошқа оламга, вақт чегараларини ошиб, ўтмишга бориб қолганимни англадим. Бу олам маълум даражада менга таниш ҳам эди. Мен бу номаълум дунёда кўраётган ҳар бир буюмни танирдим, у ерда ҳар қадамда учраётган одамлар ҳам менга бегона эмасди. Ҳа, мен бу оламда бўлганман, қачонлардир яшаганман...

Мен бу оламни сизга тушунарли бўлиши учун қандай тасвирласам экан-а? Тасаввур қилинг, сиз қаршингизда турган буюмни, шу билан бирга унинг ортида иккинчи, учинчи... шу тариқа саноқсиз буюмларни кўриш имконига эга бўлдингиз. Ҳар бир буюм ўз шакли ва рангига эга, айни пайтда шаффофф... Сиз унинг ортидагиларни ҳам кўра оласиз. Шу

тариқа ҳар бир инсон сиймосида бир нечта бошқа-бошқа одамларни кўра оласиз. Бу ғаройиб оламда бир пайтнинг ўзида бир қанча товушларни англаб, илғаб олиш, кўриш ва англаш мумкин.

Мен тушиб қолган бу антиқа оламда ҳар бир инсоннинг ўтмишини ва унинг муайян даврлар билан боғлиқлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида вақтни ҳиссий сезиб бўлмасди бу ерда, у ўзининг муайян ўлчовларига эга эди. Йўқ, бу ҳеч қандай афсона әмас, реал, ҳаққоний олам. Бу олам мени, мен эса бу оламни яхши танирдим.

Ҳа, оломон ичида кетиб бораётган мана бу кимса ҳам мени танийди. У менга Исаак деб мурожаат қилди. Рост, бу ерда менинг исмим Исаак. Ва бу исм менини эканини ҳам аниқ биламан. У билан қаердадир бир пиёла май сипқориш учун кетяпмиз. Мана, қандайдир эски уйга яқинлашдик. Бу майхона ҳам менга таниш. Унинг хизматчиларини ҳам танийман. Бу ерда ҳамма мени табассум билан кутуб олди. Чунки уларнинг ҳаммаси таниш.

Шеригим Дакрон менга яқинда қул бозоридан сотиб олган чўрисининг нафосатию латофати ҳақида тўлиб-тошиб гапиради. Мен эса уни ҳавас билан тинглардим. Хизматчи бизга қовурилган гўшт ва шириналлар олиб келди.

– Ол, бу ширинликларни махсус Басрада тайёрлашади, – деди шеригим билагимдан туртиб.

Бир пайт майхона эшиги олдида қилич ва қалқонларнинг жаранглаши, хизматчининг жон ваҳмида қичқириши ва қадам товушлари эшитилди. Биз иккимиз дарҳол ўрнимиздан турдик. Остонада тиш-тирноғигача қуролланган сарбоз турарди.

– Ярамас, Исаак, қотил, сенинг кўлингдан қон томиб турибди. – Шу пайт шеригим жуфтакни ростлаб қолди, жангчи эса давом этарди. – Сен оғуфурушсан! Сен Бағдод аҳлининг энг хавфли душманисан!

– Биродар, Худо хайрингни берсин, – уни инсофга чақирдим. – Мен оғу эмас, шифобахш гиёҳлар билан савдо қиласман.

– Шифобахш гиёҳлар биланми ё сеҳр-жоду ва манфур туморлар биланми? Сен ғайридин муртадсан!

– Мен жодугар эмасман, худо хайрингни берсин, мени қўйвор! Мен эронлик бир мусо фирмани. Шафқат қил.

– Ярамас келгинди! Бу оқшомни зиндонда ўтказасан! Эртага сени қозикалоннинг қошига элтишади! Индин эса, иншооллоҳ, сени тириклийин ерга кўмишади!

– Аллоҳ ҳақи! Мен айбдор эмасман!

– Қайси Аллоҳни айтяпсан, муртад?

– Одамлар, мен айбдор эмасман!

– Кофир! Форс!

Мен қўрқувдан унинг қўл-оёқларини ўпиб, титраб-қақшардим. Ҳаммаси беҳуда кетди. Тунни зиндонда, зах, совуқ ва тор каталакда ўтказдим. Атрофимда менга ўхшаганлар кўп, улар қаттиқ-қаттиқ йўталишар, ўлим талвасасида хириллашарди.

Эртаси куни мени қозикалоннинг олдига олиб боришиди. Мени жодугарликда, одамларни заҳарлашда айблашди. Қозикалон шу заҳоти хукм чиқарди: Қатл! Жаллод Уммавийлар қасри олдидаги майдонда менинг бошимни танамдан жудо қилди. Мен ўлар эканман, ўлим бу қисқа умрнинг мутлақ интиҳоси эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Ҳамма қайта-қайта туғилади ва яшайди...

Мана, мен энди Сино саҳпосидағи Хурмо ибодатхонасининг роҳибиман, исмим епископ Жан. Менинг хузуримга турли ҳудудлардан дуоталаб одамлар келишади. Мен умрини танҳолик ва оддийликка бахш этган инсонман.

Йўқ... йўқ бу туш эмасди. Бағдода кечган ҳаётим ҳам ҳақиқат эди. Жаллод бошимни узаётганини ҳам яхши эслайман. Ҳаммаси ўлим билан тугамаслигини англаса, жуда осон кечаркан.

Қайтага мен аслида доктор Довуд эканимни анлаган чоғимда,

бу дунёдаги реал ҳаёт менга худди түшдек бўлиб кўринди. Мен ўзимни ўнлаб замон ва маконда, ўнлаб инсонлар қиёфасида кўрдим. Мен ҳар гал бу дунёга тамоман бошқа инсон бўлиб келганман. Вақт бутун борлиғи билан менинг тасарруфимда эди. Мен уни кунма-кун яшаб борардим. Ба бу кунларнинг ҳар бири ўз тароватига, ўз нафосатига, ўз қувонч ва ташвишларига эга, бу кунларнинг ҳар бири ҳаётнинг энг биринчи ва охирги кунига ўхшарди.

Кунларнинг бирида мен Қурдо ба бозорида мовий кўз Матильдан учратиб қолдим. У бир сават анжир кўтариб борарди. Биз илиқ апрель оқшомларидан бирини бирга ўтказдик. Енгил шабада эҳтиросли шивирларимизни олисларга олиб кетди. Ўша пайтдаги дил титроғи, хузур-ҳаловатни тасвирлаб беролмайман.

Қалбни тан олган муҳаббатга санчилган қилич нима ҳам қила оларди? Ўлим ундан ҳеч нарсани тортиб ололмайди. Ҳеч ким, ҳеч нарса абадий йўқолиб кетмайди. Ҳаётимиз миллион йилларга чўзилган. Биз юлдузлар билан тенглашамиз. Биз ҳеч нарсани йўқотмаймиз. Ҳаёт узун, абадий, чексиз...

Болалигимдан ҳарбий саркарда бўлишни орзу қиласидим. Чингизхон, Искандар Мақидунли, Ганибал юришлари ҳақидаги асаларни зўр

қизиқиши билан мутолаа қиласадим. Мен энди бу жүшқин жангларнинг жонли иштирокчисиман. Мана, Акра шаҳри қамалда қолди. Фирот ортида аёвсиз жанг кетмоқда. Мана қиличлар асабий жаранглайди. Мен, Ибн Хозағаним билан қиличбозлик қила-қила Акра деворига бориб тақалганимни билмай қолдим. Мана, айёр рақиб кўксимга ханжар урди. Бироқ, бари бир улар ғалаба қозона олишмади. Бизнинг музофар армиямиз душманни кунпаякун қилди. Мен жон берәётиб, ўз сафдошларимнинг ғолибона ҳайқириқларини эшитдим...

Бирданига яна ҳамма нарса туман пардаси ортида қола бошлади. Яна ўзимни Домиённинг лабораториясида кўрдим. Мана ўша курси, ўша катодли лампалар, ўша ҳисоблагичлар... Машина ўз-ўзидан тўхтаб қолганди. Соатга қарадим. Атиги ярим соат ичида ўтмишнинг узоқ иқлиmlарини сайр қилиб келибман. Ярим соат ичида юз йилларни яшаб қўйибман. Шу ўттиз дақиқа кўрганларим ҳақида жилд-жилд китоблар ёзишим мумкин эди. Демак, мен шу ярим соат ичида ўз вақт тизимиға, ўлчовларига эга бошқа оламларни кезиб чиқа олдим. Демак, бизнинг бир дақиқамиз у ерда бир неча йилларга тенг бўларкан-да!

Ахир бу ғоят қизиқарли кашфиёт-ку!

Биз бу сирли, антиқа оламда умрбод қола оламизми? Ахир даврлар оша саёҳат қилиб юриш қандай ажойиб. Сиз ўзингиз истаган, ўзингизга ёққан ҳаётни танлаб, уни қайтадан яшай оласиз. Хўш, ўша оламда мудом қолиб кетса бўлармикин? Домиён ҳам ана шу савол устида қаттиқ изланган, мия аталмиш ғаройиб қурилманинг сирларини қатъий ўрганган қўринади.

## 10

Олдимда жуда қийин масала турарди: сирли шарбатнинг таркибини ўрганиш. Даставвал мен бу масалани услубий жиҳатдан тўлиқ ўрганмоқчи бўлдим. Айни пайтда бу суюқлик жуда оз қолганди. Бу суюқлик таркибини тўлиқ тадқиқ этишга етармикин? Лекин, бу суюқликни тажриба учун ишлатадиган бўлсам, ундан яна бир марта фойдаланишга, яна бир карра ана шу сирли олами кезиб, унинг ғаройиботларидан баҳра олишга етмай қолиши мумкин-ку! Унинг ҳар томчиси мен учун ғоят қимматли ва зарур эди.

Мен айни лаҳзада тарёк кайфига бутунлай боғланиб қолган гиёҳванддек сездим ўзимни. Ҳа, мен дарҳол унинг лаззатини соғина бошлагандим. Бу бебаҳо суюқлик ундан фойдаланган одамларга юзлаб йиллик антиқа ҳаёт тухфа этганди.

Менинг қўлларим ҳам ўзимга бўйсунмай қолганди. Агар бу суюқ-

лик тугаб қолса, унда нима қиласан?  
Мени айни дамда ўз жуфтига интила-  
ётган новвоснинг шиддатидан-да куч-  
ли бир ёввойи истак қамраб олганди.

Шу аснода ушбу мовийранг суюқ-  
ликни қўлимда тутиб турганимда,  
унинг кўзларида акс этган телбалик  
ва ваҳшатни кўз олдимга келтирдим.  
Ўшанда у менга кўзи соққасидан  
чиққудек бўлиб тикилганди. Йўқ, бу  
телбавор эҳтиросни маҳв этиб бўл-  
масди. Мен дарҳол шприц игнасини  
шишачага тиқиб, суюқликнинг яна  
бир қисмини сўриб олдим ва уни  
chanқоқлик билан томиримга йўл-  
ладим. Ўн дақиқадан сўнг қурилма  
ўриндиғига ўтириб, чироқларимни  
миямга тўғирладим. Яна бир зум ву-  
жудимни ёқимли ҳислар, кейин эса  
кучли қўрқув туйғуси қамраб олди...

\* \* \*

Яна бу оламга, тўғрироғи, Домиён-  
нинг лабораториясига қайтганимда,  
ҳали унча вақт ўтмаганди. Мен иккин-  
чи сафарим асносида ўз кўзим билан  
кўрганларимни эсимдан чиқиб қол-  
маслиги учун зудлик билан қофозга  
кўчира бошладим. Ёзаётиб, кўз қирим  
билан бояги шишачага кўз ташладим.  
Суюқликнинг учдан икки ҳиссаси ту-  
габ бўлганди. Шишада қолган ҳиссаси  
эса ўз рангини ўзгартирган, мовийдан  
яшил тусга кирганди. Унинг наинки  
ранг, ҳиди ҳам ўзгарганди. Ундан ав-  
валгидек саримсоқ ҳиди келмасди. Та-

мом! Энди ҳеч қачон унинг таркибини билолмайман. Энди унинг таркиби ҳам, шакли ҳам, ҳиди ҳам, ранги ҳам ўзгариб кетди. У энди ўз хусусиятини ҳам ўзгартирганди. Демак, мен англаб етган сеҳрли оламга яна қайтиш имконидан тамомила маҳрумман.

Демак, мен умримнинг қолган йилларини мана шу нураб бораётган дунёning бедил асри сингар яшаб ўтаман. Бошқа иложим ҳам йўқ. Энди бу зич, маҳдуд оламдан ҳеч қачон чиқиб кетолмайман. Энди мен ҳеч қачон замон ва макон сарҳадлари оша парвоз этолмайман. Балки бундай эмасдир? Балки ҳали умид бордир?

Сўнгги умид зарраларини ўзимда жамлаб, ранги ўзгарган суюқликни яна томиримга қўйдим.

\* \* \*

Бу доктор Довуд эсадиклари-нинг сўнгги варақлари эди. Орадан бир неча соат ўтиб, уни Домиённинг лабораториясидан ўлик ҳолда то-пишди. Номаълум тарафдан ёнғин чиқиб, унинг хонасидаги ҳамма асбоб-ускуналар куйиб кетганди. Суд эксперти ёниб битган буюмлар-нинг қолдиқларини қўздан кечиран-кан, ўз билдиргисида доктор Довуд-нинг ниҳоятда антиқа феъл-атвор эгаси эканини таъкидлади.

– Галати деганда сиз нимани на-зарда тутяпсиз? – сўради ундан про-курор ёрдамчиси.

– Унинг ғуддасимон без ҳақидаги гапларини назарда тутяпман, – деди эксперт. – Кейин куртакларнинг ҳаётний кучи, ҳомила ҳужайралари, ўргимчак сўлак бези... яна бир балолар! Балки бу илмий жиҳатдан тўғридир, аммо...

– Хўш?

– Аммо менимча, булар ҳаммаси бехуда гаплар! Масалан, сиз мангу яшашни истармидингиз?

– Ҳа, бемаънилиқ, – деди эксперт. – Бу аҳмоқликдан бошқа нарса эмас. Лекин биз ўзимиз яшаб турган бу олам ҳақида нимани ҳам билардик? Бизнинг бутун умримиз боши ҳам охири ҳам маълум бўлмаган ВАҚТ-нинг бир парчаси, холос. Бинобарин биз бу оламнинг ўтмиши ва келажаги ҳақида нима ҳам дея оламиз? Дунё сир-синоатларга тўла! Жумбоқ!..

**БЕСО ХВЕДЕЛИДЗЕ**  
*(Грузия)*

## **ҚАРҒИШ**

– Сиз Тартало ҳақида әшитмаганмисиз? Йүқ? Ҳазиллашмаяпсизми? Ола-а! Ҳай, майли, шунақасиям бўп туради. Агар юзингиздан самимий, оққўнгил одам эканингиз кўриниб турмаганда, сипогарчилик қиляпсиз, деб ўйлаган бўлардим. Хўш, демак, гап бундоқ. Бу кўргуликлар унинг бошига қачон тушганини эслолмаяпман. Кейинги пайтларда хотирам ёмонлашиб кетяпти савил. Умр ўтавераркан, ҳамма нарсани селдек ўзи билан оқизиб кетавераркан. Фақат ортда хотиралар қоларкан. Эслаб туриш керак-да, ўтган қунларни. Аслида эслагулик нарсанинг ўзиям йўқ ҳисоби. Икки оғиз гап билан айтиб тугатса бўлади. Майли-да, и, тайёрмисиз? Унақада әшитинг, тақсир! Илтимос, диққат билан қулоқ солинг.

Хуллас, ёз қунлари эди. Тартало урушга борадиғон бўп қолди. Уруш, энди ўзингиз биласиз, уруш-да! Тарталони бирони у ёқقا оёққа қўлини боғлаб судрагани йўқ. Ўшанда ватанпарварлик, фидойилик урфга кирган пайтлар эди. Айтганча, сиз ватанпарварлик нималигини яхши билсангиз керак? Буям Худонинг бир неъмати-да, тасаддуқ. Лекин,

Тарталони ўтакетган миллатсевар, ватанпарвар деб ҳам бўлмасди. Мақсад пул эди, вассалом. Ўзимизнинг гапку-я, Тартало деганлари зап азamat йигит эди-да! Хушсурат, арслонкелбат, алпқомат. Кўрганда, ҳа бўйингдан аканг, деворардингиз.

Урушга отланишдан аввал таниш-билишлар, ёр-дўстлар, қўни-қўшиларни йиғди, базм уюштириди, дастурхон ёзди. Ўйин-кулги бўлди. Роза ашула айтилди, бу ёғи шаробхўрлик. Ватан шарафига қадаҳлар тўқиширилди. Грузинча айтганда, Вахтангуру! Боринг ана, йигитчилик десаям бўлади. Ўзиям шароб дегани ариқдай оқди. Меҳмонлар роза яйради. Тартало тушмагур меҳмонларни жўнатиб бўлгач, шарм-ҳаёни бир чеккага йиғишириб, хотинини сомонхонага тортқилади. Ўша оқшом роза-а... и-и, узр аёллар бор демайсизми! Ишқилиб, бўлар иш бўлди-да. Иккинчи жаҳон уруши пайтиям кўп бўларди бунаقا ишлар. Эр урушга кетади. Тўққиз ой деганда хотининг кўзи ёрийди. Ўшандай гап-да! Хуллас, Тартало ота-боболарнинг васиятини адo этиб бўлгач, саҳаргача уйқуни урди. Бир-биридан ёмон тушлар кўриб чиқди. Ланж бўлиб уйғонди. Саҳармардонда юк машинасининг кузовидан жой олиб, уфқ тарафга қараб йўлга тушди. Хотини бечора кўз ёшларини тиёлмай, эрининг қораси ўчгунча ивиб кетган

дастрўмолини силкитиб турди. Эри-ни нималар кутаётганидан бехабар аёлгина уйига келиб, хўп йиғлади. Юраги бесаранжом тепар, недир но-хуш хаёллар унга тинчлик бермасди. Бошқа ошна-оғайнилари каби эри-нинг соғ-саломат қайтишига унча кўзи етмасди. Теварак-атрофдаги-лар, Тартало ҳам бошқаларга ўхшаб, бир-икки ҳафтада чўнтағи пулга, ба-шараси чандиққа тўлиб қайтиб келса керак, деган фикрда эдилар. Ле-кин тўққиз ойгача, хотини бўшаниб олгунча ундан ном-нишон бўлмади. Хотиниям барака топкур, жа меҳнат-каш. Уддабурон аёл эди. Уй ишлари-ни саранжомлаб, далада ҳам бутун хўжаликни шу юритарди. Кўлидан ҳар бало келарди. Тўғри, қўни-қўш-нилар бор эди. Баъзи ишларига қарашиб ҳам туришарди. Аммо, шўринг қурғур уни келгусида қандай муси-батлар кутаётганидан хабарсиз эди. Бунақа нарсаларни одам ақлига ҳам сиғдиролмайди-да!

...Тартало урушда балиқчилик қилас, ошиғи олчи эди. Қанақаси-га дейсизми? Мана қаранг, жангчи-ларга озиқ-овқат керакми? Керак! Қора денгиздан балиқ овлаш учун динамит портлатиш керакми? Ал-батта-да, бўлмаса, бутун батальонга балиқ етказиб бўладими!

- Келинг, шу қадаҳни Ватан му-дофааси, аскарларимизнинг суюкла-ри фосфорга тўла бўлиши учун бу-

тун куч-ғайратини аямаётган йигит учун құттарағыз, – Комбат Тартало шарағыға құтарилған бу қадаҳни бир сипқарыб бўшатаркан, лаб-лунжини тентакбашара муовинининг плаши этагига артарди.

– Омон бўлгур, бирор кун казармага қуруқ қўл билан қайтгани йўқ, шу боланинг боши омон бўлсин, – дея бошлиғининг гапини ялтоқлик билан маъқулларди муовини...

Душманлар қувилиб, уруш сал охирлаган пайти қайси гўрдандир экспертиза пайдо бўлди ва қизиқ бир нарса юзага чиқиб қолди. Нима эмиш, Тартало тутиб келган балиқлар қонун-қоидага кўра, денгизга дағн этилган жангчиларнинг жасади билан озиқлангани учун оддий аскардан тортиб, то командиргача ҳамма бир бошдан заҳарланибди. Ким билсин, яна бошқа бирор сабаби ҳам бўлса керак. Ҳар ҳолда, яхши иш бўлмади. Авахтага тушиши муқаррарлигини англаб, Тарталонинг ичига ғулғула тушди. Тегирмонга тушса бутун чиқадиган Тартало бунинг ҳам чорасини топди. Бирор олий рутбали офицернинг олтинранг тугмали енглари шимарилишини кутмасдан, йиққан-терганини ичкари чўнтагига уриб, ўзига ҳамтовоқ бўлган баъзи оғайнилари билан, ҳайё-хуйт дея, «партизан»лик қилиш учун ўзларини ўрмонга урдилар. Энди бирорта

мард уларни қидириб кўрсин-чи?  
Топади-я!

Янги партизанлар ўрмон оралаб йўл топиб, уй-уйларига кетиш ҳаракатида эдилар. Кун ўтгани сари яшаш қийинлашиб борарди. Ўрмонда фақат капалак тутиб ейиш билан кун ўтказдилар. Капалак ҳам оч қоринга ширин туюларкан. Тартало беш-олтита капалакни паққос туширгач, ўтлоққа юмалаганча, осмонга тикилиб, ширин-ширин хаёллар суриб кетарди. Хаёлан кўкка парвоз этар, ўз қишлоғи устидан ҳам учиб ўтарди. Ана, осмону фалақдан ўз уйлари кўринди. Хотини овқат тайёрлаш тадоригида. Маҳалланинг йигит-яланглари қишлоқ чеккасидаги овлоқда бир фоҳишани эрмак қилишяпти. Парвозда маст бўлган Тартало кулимсираганча, ортига қайтарди. Бечора қаердан билсин, қаерданам билсин, вақти келиб...

...Уни хиноранг вилласида уйига олиб келишганда, хотинининг ой-куни яқин қолганди. Опкелишга-ку, опкелишди-я, аммо, қай ҳолатда денг? Икки қулоғи кар, икки кўзи кўр, чўнтаклари эса пулга лиқ тўла. Хотини нақақлдан озаёзди. Сочларини юлиб фарёд солди. Ахир кўр, кар эр билан энди қандай яшайди? Ўша оқшом аёлни бир дард тутди, бир дард тутди-ей! Оғриқнинг зўридан тирсакларини кемираёзди боёқиши. Тарталонинг эса, ҳеч гапдан хабари

йўқ эди. Ҳеч нарсани кўролмаса, ҳеч нарсани эшитолмаса, қаерданам хабари бўлсин? Фақат, деразанинг раҳига таянганича ўзича минғирлаб ўтиради:

- Агар мен етти мартадан кўп йўлимдан адашсам, мени кечиравмидинг? Агар мен етти мартадан кўп умбалоқ ошсам кечиравмидинг? Агар мен...

Хотини минг бир азоб ичида кўзи ёриди. Ҳаммасига чидади бечора, тишини-тишига босиб, сабр қилди. У ожиза ҳам курсоғидан қўнғирсочли, олма ёноқли, қўчқордек бир ўғил туғиши орзу қилганди-да. Афуски...

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ундан юзларини ажин босган, кўриниши саксон ёшли чолни эслатадиган бир қария дунёга келди. Аёл бечоранинг кўзи косасидан чиққудек бўлса-да, нима қилсин. Ўз қорнида тўққиз ой кўтарган фарзанди-да! Сийнасининг учини янги туғилган қари гўдакнинг оғзига сукди. Чол-гўдак ҳам нима қиласди, дарҳол эмишга тушди ва... Худонинг қудрати билан онанинг кўз олдида ёшара бошлади.

Тартало эса, ҳамон ҳеч нарсани кўрмас, эшитмас, дераза олдида ўтирганча бир гапни қайтаарди:

- Агар мен етти мартадан кўп лафзимдан қайтсан, мени кечиравмидинг? Агар мен етти мартадан...

Шу пайт яна бир ажойибот юз берди. Аёл тезликда кексая, қарим-

сиқ тусга кира бошлади. Қари гўдак эса, тобора яшарид, куч-қувватга тўларди. Аёлнинг кўз нурлари хиралашиб, қад-қомати ёйдек эгилиб борарди. Ҳовлида кеч тушган, қуёш тоғу тепаликларни қон рангига бўяётган эди. Ҳа, нега мунақа қарайсиз? Ишонмаяпсизми?

Ростданам шунаقا бўлдими, деб сўрамоқчисиз-а? Биламан-да! Эшиставеринг, ҳозир тушуниб оласиз.

Хуллас, чақалоқ онанинг сийнаси-ни шиддат билан сўрар, ҳаётбахш суюқлик унинг вужудига обиҳаётдек ёйилар ва қудрат бахш этарди. Бечора она, бирпасда бир ҳовуч устухонга айланди-қолди. Иш шу даражагача етдики, қисқа фурсатда бола Тарталонинг урушга кетмасидан аввалги қиёфасига кирди. Она эса, бирпасда қариб-қартайиб, омонатини топшириди.

...Вақт ўтиб борар, Тартало эса, дераза олдида ўтирганча, минфирилашини қўймасди.

- Агар мен етти мартадан кўп қоқилсан, мени кечиравмидинг? Агар мен етти мартадан кўп хиёнат қилсан, кечиравмидинг? У ерда, ўрмонда биз етти нафар эмас, ундан икки ҳисса кўпроқ эдик. Ўн тўрт бўладими, шунда? Ҳар биримиз, ўтолов эдик, куч-қувватда бир-бири миздан кам эмасдик. Баданимиздан куч ёғиларди. Аста-секин илгарила борардик. Кузак совуғи суюклари-

мизни зирқиratарди. Изғиrin ку-  
закнинг бизга ҳам, ўрмонга ҳам – ҳеч  
кимга раҳми келмасди. Душманла-  
rimiz биз беркинган жойни били-  
шарди. Ярамаслар биз ҳақимизда  
ҳамма нарсани билишарди. Баъзан  
отишмалар ҳам бўп туради. Қўл-  
дан келганча жавоб қайтарардик.  
Ўҳ, ўзимга қолса уларни... Ҳаммамиз  
ҳамон ўрмон бўйлаб кетавердик, ке-  
тавердик. Совуқ нақ энамизни кўр-  
сатарди. Капалаклар ҳам учрамай  
кўйди. Сув-ку, муаммо эмасди. У та-  
рафларда ёмғир кўп ёғади. Бир амал-  
лардик. Ошқозонни фақат сув билан  
алдардик. Кир-чир, соқолларимиз  
ўсган ҳолда тупроқقا узаниб ухлар,  
совуқдан ўлмаслик учун бир-бири-  
мизнинг пинжимизга тиқилиб тонг  
оттирардик. Совуқ тобора запти-  
га оларди. Ўша қишлоқقا боргунча  
ўлиб-тирилиб йўл босдик. Бу пайтда  
бор-йўғи саккиз киши қолгандик.  
Умидимиз борган сари сўниб борар-  
ди. Йўл-йўлакай ўзимни айлантириб  
сўкардим: мен аҳмоқ соғ бошимга  
сақич ёпиштирмасдан, қишлоқда  
тинч юраверсам бўлмасми? Ё бўл-  
маса, пиёда аскарлар сафида қайт-  
сам нима бўларди? Пулим ҳам етар-  
лича бор эди. Инсоннинг кўзи оч-да,  
оч. Худди тўнғизнинг ўзи. Мениям  
ўшалардан фарқим йўқ эди. Фақат  
яна озроқ пул тўплай, яна озроқ, деб  
шу аҳволга тушиб ўтирибман. Нима  
бўлди? Мана, балиқдан орттирга-

ним ҳам намда, ёмғирда ивиб, чириб битди. Йўқ бўлди ҳаммаси. Куз пайти, ўрмонда бунаقا намгарчиликка одам чидолмаяпти-ку, қоғоз чидармиди?

...Бошимизнинг устидан ўқлар визиллаб ўта бошлади. Ажаб бўлди, хўб бўлди! Вақтида кўзинг очилмади, энди кунингни кўрасан.

Хулласи калом, умидсиз кунларнинг бирида биз жарликнинг этагида Члахлар<sup>2</sup> яшайдиган қишлоққа етиб бордик. Уларни уйларидан танидик. Фақат ўшаларгина ана шундай усулда уй қуришади. Ғалати халқ булар – ҳеч вақт бирорларнинг ишига тумшуқ суқмайдилар. Уруш бошланганидан бери қўлларига қурол тутишмаган. Ҳеч кимнинг тарафини олишмаган. Ўз кунларини ўзлари қўриб, мол боқиб, сутини ичиб юрган одамлар-да!

Узокдан қўриб билдикки, қишлоқдаги патрул ходимлари бизга қарши урушаётган тўдадан экан. Аммо, куч-қувватимиз, мажолимиз қолмаганди. Бу ерда бир оз нафас ростламасак, ҳолимиз хароб эди. Нима қилишниям билмасдик. Ҳатто қаршилик кўрсатишга ҳам етадиган патронимиз қолмаганди. Душманга кўнгилли равишда таслим бўлиш эса, ўлим билан баравар. Бир пайт қарасак, узокдан маҳаллий члахлардан бири биз тарафга келаётир. Ёши

---

<sup>2</sup> Члахлар – муаллифнинг фантазияси билан ўйлаб топилган эзгулик, адолат ва озодлик учун курашувчи халқ номи.

ўтибрөқ қолган, юзлари ажинга тўла, соқолли члахнинг бизга раҳми келди. Билсак, қишлоқ оқсоқоли экан. Қош қорайишини кутдик, кейин патрулнинг қўзини шамғалат қилиб, члах бизни қишлоққа олиб кирди. Қарасак, патрулчилар хўриллаганча уйқуни уришяпти. Беш-ўнта ўқ билан уларнинг масаласини ҳал қилсак бўларди. Оқсоқол қўймади. Қонунлари шунаقا экан. Бизни ҳар хил уйларга жойлаштириб чиқди. Бир неча кундан кейин бир иложини топиб, бизни катта йўлгача олиб чиқиб қўйишга ваъда берди....

Члахлар жуда оқкўнгил, меҳрибон одамлар бўлишади. Ҳеч қачон ўз сўзларидан қайтмайдилар. Бизни едириб-ичирдилар, ювиб-тарадилар, кийимларимизни янгилаб беришди. Хуллас, бизни одам суробига келтиришди.

...Патрул ҳеч нарсадан хабар топмади. Биз кун бўйи ё ертўлада, ё оғилхонада дамимизни чиқармай ўтирган бўлсак, гўрдан хабар топишадими? Умуман, ҳаммаси яхшилик билан туғашини кутардик. Бу ердан эсон-омон катта йўлга чиқиб олсак, охир-оқибат уй-уйимизга етиб оламиз-да! Лекин, хомхаёл қилган эканмиз...

Пул нима эканини ўзингиз яхши биласиз. Пул бу обрў-эътибор, куч-қудрат, сайру саёҳат дегани. Пул қимматбаҳо чет эл машиналари, шаҳар марказидаги беш хонали

квартира, тоғ ён бағридаги ҳашамат-ли дала ҳовли дегани. Пул бу – мовий денгизлар, оқ пароходлар, шезлогли лайнерлар дегани. Пул – бу ҳамма нарса, соғ-саломатлик, гүзәллик, хурсандчилик дегани. Қимматбаҳо хушбүй сигаралар, энг сүнгги урф-даги кийимлар, обод ресторанлар... Бошинг устида мудом порлаб тургувчи қуёш, супер-класс салонлардаги парвоз, дискотека, хипчабел, бодомқовоқ, онаси ўпмаган ҳурлиқо жононлар, виски, ром, текила, сакә, хилма-хил шароблар, устига игуана қони түқилган тошбақа қовурмаси... Пул, баланд овоз, ғоздек тик қомат, жаннат ҳавоси, хуллас, буларнинг бари бир пайтда мавжуд бўлиши демакдир.

Жа кўп гапирвордимми? Қисқаси, орамиздан кимдир сотқин бўлиб чиқди. Бизни пулга сотди, патрулга хабар етказди... Ҳаммамизни сафга тизиб, ўқقا тутдилар. Хоин ана шу пулни деб бизга хиёнат қилди. Патрул ходимлари қувончдан ўзларини қўярга жой топа олмасдилар. Ахир бу улар учун жуда катта мукофотлар, унвонлар, мансаб пиллапояларидан юксалиш дегани эди. Пулга сотилган ҳамроҳимизни ҳам обдан сийлаб, чўнтагини пулга тўлдириб, вақтинча яшаб туриши учун члахлар қишлоғига қайтардилар.

...Сиз члахларни биласизми? Улар хиёнатни, сотқинликни асло кечира

олмайдилар. Ўзгалар тугул, ҳатто, ўз одамларини ҳам аямайдилар. Ҳалиги сотқинни бир овлоққа олиб ўтдилар. Аввалига роса калтакладилар. Кейин бечоранинг бошига итнинг кунини солдилар... Икки қулоғини кар қилишди, икки кўзини ўйиб олишди. Энди на кўради, на эшитади. Лекин, унинг бир тийинига ҳам тегмадилар. Пуллари чўнтағида қолди. Энди, ишониш-ишонмаслик ўз ихтиёриңгизда. У члахларнинг қарғишига учради.

Бу мўъжизадан бошқа нарса эмас. Ўшандан бери у ана шундай яшаб келяпти....

Ҳа, қалай, эндиям ишонмаяпсизми? Ҳар одам ўзидан ўтганини ўзи яхши билади. Менам билганим, эсимда қолган нарсаларнинг деярли ҳаммасини сизга айтиб бердим. Ҳеч нарса эсимдан чиқмади шекилли.

Аммо, нимага «деярли»? У шундай дея оғир хўрсинди ва аста ўрнидан қўзғалди.

Кекса одам эди, тамомила кучдан қолган, бечораҳол. Кўзлари ҳам ҳаракатсиз. Рўпарасида ҳеч ким бўлмаса-да, йўқ «тингловчи» билан бош ирғаб хайр-манзур қилган бўлди. Аслида, ҳикоя бошланганидан то тугагунча стул бўм-бўш эди. Ҳассасини дўқиллатганча эшик тарафга қараб юрди:

- Агар етти мартадан кўпроқ адашсам, мени кечиравмидинг?  
Агар...

Кимсасиз қишлоқ емакхонасида  
фақат шу сўзларнинг акс-садоси қол-  
ди. Ташқарига эса, кузак қуёшининг  
алдамчи шуълалари ерга заъфарон  
пойандоз тўшаганди.

Совуқ этни увуштиради...

ЭЛЧИН ҲУСАЙНБЕЙЛИ  
(Озарбайжон)

## ГУНОҲНИНГ ГУЛ ЮЗИ

Метронинг ёнидаги хиёбонда ёш жувоннинг жасади топилди. Бу ҳақдаги хабарни полицияга биринчи бўлиб хиёбонда сайр қилиб юрган чол-кампир телефон орқали етказди.

Тезкор гуруҳ ҳодиса жойига етиб келганида жасад ёнида ҳеч ким йўқ эди. Чол-кампир ҳам ортиқча оврагарчиликдан қочиб, ўз уйларида биқиниб олганча, бугун қўрганлари – мудҳиш манзарани муҳокама қилишарди.

Улар яқдил фикрда эдилар: жувонни бирор савдойи аввал зўрлаб, кейин бўғиб ўлдирган. Улар одоб юзасидан «зўрлаш» сўзини ҳам тилга олмай, қофозга ўраб гаплашмоқда эдилар.

«Эсингиздами, маҳалламиздаги Мамадҳасаннинг бечора қизини ҳам шу кўйга солишганди. Отаси бечора орият юзасидан бир йил элнинг кўзига кўринмади. Ахийри юракқисмадан ўлди раҳматлик», – деди кампир.

«Бунақа номуссизликка қайси ота дош берарди... Дўсту душманнинг ичидা бош кўтариб бўлармиди?» – унинг гапини қувватлади чол...

Кўқдаги ой жасад тепасида ҳаракатсиз қотганди. Унинг кумушранг

шуълалари дарахт шохлари орасидан сизиб, бир неча соат илгари ҳаёт билан видолашган аёлнинг баданида нафис шакллар пайдо қилганди. Аёлнинг этаги хиёл қайрилиб турар, узун пошнали туфлисининг бир пойи ярим қадамча нарида тўнкарилиб ётар, алвонранг сумкаси шундоққина бош томонида турарди. Сарғиш, паришон соchlари, кўкраклари, оппоқ оёқлар, эҳтиросли лабларини ҳаёт тарк этганига ишониш қийин эди. Унинг латиф чехрасида маъсум бир табассум муҳрланиб қолганди.

Буни ҳодиса ерини кузатаётган ёш терговчи ҳаммадан аввал пайқади ва қалбининг туб-тубида бу ноком аёлга нисбатан ноаниқ, тил билан ифода этиб бўлмайдиган ҳислар уйғонаётганини туйди. Негадир айнан шу жонсиз ва жонсўз аёлнинг истиқболига бир даста гул кўтариб чиқаётганини тасаввурида жонлантирди.

Экспертиза тезкор гуруҳнинг дастлабки тахминларини қисман бўлса-да, тасдиқлади: аёл ўлмасидан ёки ўлдирилмасидан сал аввал ким биландир бирга бўлган.

Аёлнинг ёнидан ва сумкасидан шахсини тасдиқлайдиган бирор ҳужжат топилмади. Эртаси куни телевизордан номаълум аёл жасади топилгани ҳақида хабар берилса-да, уни ҳеч ким сўроқлаб келмади, бир неча

кун ўлихонада ётган жасад ниҳоят ғарибу бенаволар мозорида дағн қилинди.

Аёлнинг тип-тиниқ юзлари, оппоқ оёқлари, бенуқсон, зариф жуссаси ёш терговчининг кўз олдидан кетмасди. Шунинг учун ишни ёпишга шошилмади. Бечора аёлнинг мавҳум қисмати уни тинч қўймас, бу ўлим остида яширинган сир уни бутунлай маҳв этганди.

Метро яқинларида олиб борилган текширишлар бирор натижа бермади. Фақат яқин атрофдаги уй майдонида, ўриндиқда ўтирган ҳижобли кекса хотин жасаднинг сувратига қараб, танигандек бўлди. Шунга ўхшаброқ кетадиган бир аёлни бир неча кун аввал кўргани, ўрта ёшли, хушбичим бир эркак билан ўтиб кетганини айтди. Антиқа атир ҳиди уфуриб тургани учун ҳижобли хотин уни қайсиdir бир атир дўконида ишлаган бўлиши мумкинлигини айтди.

Терговчи ҳижобли хотин билан хайрлашиб, яқин орадаги атир дўконига эмас, метрога томон юрди. Ўтиш йўлагида савдо қиласидиган сотувчиларга яқинлашиб, бирма-бир суратни кўрсатиб чиқди. Ҳаммаси елка қисарди. Фақат бир йигит, бир мунча вақт илгари суратдаги бу аёл ундан дастрўмол харид қилганини эслади.

– Ёнида ўрта ёшли бир киши ҳам бор эди, – эслашга тиришди йигит.

– Лекин эри бўлмаса керак... Балки эридир... Йўқ, унақага ўхшамасди. Ҳарқалай, аёл жудаям чиройли эди. Назаримда аёл унга эмас, эркак шу аёлга тобедек қўринди. Эркак сабр-тоқат билан аёлнинг ўзига ёқадиган рўмолча танлашини кутиб турди. – Йигит навбатдаги харидорни кузатаркан, гапда давом этди.

– Чамаси, у бу атрофда яшамаса керак. Бу ердан биринчи ўтиши эди. Бу даражада чиройли қизларни кам кўрганман. Ниҳоят, кўк холли дастрўмолни танлади. Диққат билан орқа-ўнгини кўздан кечириб, ҳидлаб ҳам кўрди, кейин пулинин берди. Енгилтак аёлларга ўхшамасди. Иффатли, аммо инжиқ эканлиги сезилиб туради. – Йигит бир зум жим қолгач, қўшиб қўйди. – Сўнгра битта кейинги дўкон олдида ҳам тўхтаб, нималарнидир сўради. Кейин кетди.

Терговчи айтилган дўкончага яқинлашди. Пештахта ортида семиз, кўккўз бир аёл ўтиради. Аёл суратни олиб, синчиклаб разм солди ва уни чиндан ҳам кўрганини тан олди. Унинг айтишича, суратдаги аёл ўша куни дўкондаги деярли ҳамма нарсанинг нархини бирма-бир сўраб сотувчининг асабини қўзғаган, аммо ҳеч нарса харид қилмаган. У ўзини шундай тутганки, гўё бу ердаги эркакларнинг ҳаммаси, анави сотувчи йигит ҳам унинг орқасидан анчагача кўз узолмай қолишган.

– Бунақаларнинг кўпини кўрганмиз, – деди сотувчи аёл. – Калондимоғлиги, тийиқсизлиги шундоққина кўриниб турувди. Ёнидаги эркак бирам мулойим, вазмингина экан. Бу жувон ўлгурни кўрсангиз, кет-боши шунаقا ўйноқлайдики. Анави эркаккина унинг қилиқларидан ўзини кўярга жой тополмай турарди.

Терговчи сотувчи аёлнинг хийла қизишганини кўриб, ундан бошқа бирор тайинли гап ололмаслигини англади ва йўлида давом этди.

Метродан чиқаверишда ўтирган юпун тиланчи суратга диққат билан тикилиб, яқин кунларда уни кўрганигини эслади.

– Калта юбка кийиб олганди, оёқлари шунаقا оппоқ. Мармардек силлиқ эдики. Атирини айтмайсизми, оҳ-оҳ! Жуда олижаноб қиз экан. Бир манат (тажминан бир яrim минг сўмга teng. – тарж.) ташлаб кетди. Шундоқ қизни ўлдиришибдими уйинг куйгурлар?

Терговчи сўроқ қилган одамларнинг ҳеч бири унинг қаерда туришини билмасди. Қиз ҳақида айтилган фикрлар ҳам бир-бирига зид эди.

У оғир хаёллар ичida ўтиш йўлагидан чиқди. Шу пайт унинг йўлини қаршисидан узун бўйли, келишган бир киши кесиб чиқди. Унинг ўткир, нотаниш атрининг ҳиди терговчининг димоғини ёриб кирди. Терговчининг наздида бу кимса нимани-

дир биладигандек эди. Тўхтатиб, нимадир сўрамоқчи бўлди-ю, аммо лозим топмади.

Аслида терговчининг шубҳалари уни алдамаганди. Нотаниш кимса марҳумани ростдан ҳам танирди. Воқеа бундай бўлганди.

Номаълум кишини – Н, Марҳумани эса – А ҳарфи билан белгилаймиз.

Жаноб Н қирқ ёшлардан ошиб қолган бўлса-да, ҳамон кўркам, навқирон, худди киноактёrlар сингари хушбичим эди. Уйланган, уч боласи бор эди. Диндор оилада улғайгани учун бир марта ҳам бегона аёлнинг билагини ушламаганди. Гарчи гўзал хонимларга нигоҳи тушганида юраги ҳапқирса-да, нафсини жиловлаб келарди. Болаликдан уни шунга ўргатишганди.

Аммо, бу сафар ҳаммаси унинг иродасига қарама-қарши ўлароқ юз берди. Дафъатан унга юзма-юз келган париухсор малакни кўрди-ю ихтиёрини қўлдан бой берди. Париухсор, яъни А электричкада шоҳона виқор билан кетиб борарди. Сийналари бўртиб турар, лабларни ҳимарганча, китоб ўқиб борарди. Кейин бошини кўтариб, атрофга сер солди. Унинг ҳаросон кўзлари одамлар орасидан кимнидир қидирарди. Беихтиёр бир жуфт шаҳло кўз жаноб Н нинг юзларида тўхтади. Лаблари нимадир демоқقا чоғланди, аммо айтажак сўзлари нафис дудоқлар-

дан ҳатламади. Кейин китобни ёпди. Муқовада беҳаё манзара акс этганди. Н аёлнинг ҳарис нигоҳлари остида биргина жумлани шивирлади. Тўғрироғи, кимдир унинг ўрнида айтди бу сўзларни: «Жаннат фариштаси!». А унинг гапини эшитди ва жилмайди, сурилиб унинг учун жой бўшатди. Н беихтиёр кўрсатилган жойга ўтириди. А эса, китобни очиб, мутолаага берилди. Ҳар-ҳар замонда зимдан Н га кўз ташлаб қўярди.

А нинг ҳаракатларида безовталик, алланечук тараддуд намоён эди. Кимнидир кутарди гўё. Навбатдаги бекатда А ўрнидан қўзғалди. Тураётуб, қўлини Н нинг тиззаларига тиради. Илкис кўкраги Н нинг юзини силаб ўтди. А дан таралган муаттар бўй Н нинг ҳаловатини ўғирлади, боши айланиб юраги гурсиллаб кетди. Бу ғаройиб ифор Н ни ўзига тортарди. Аёлнинг юзларида табассум порлади. Ихтиёrsиз қизга эргашди. У билан изма-из вагондан тушди. У нима қилаётганини идрок этишни истаса-да, миясини қуюқ туман қоплаган эди. У ўзини тамомила тақдир хукмига топширганди.

А еости йўлагидан ўтаётиб, ўзига дастрўмол танлади. Кейин бир четда уни кутиб турган Н нинг қўлтиғига кирди. Бу Н га жуда ғайритабиий туюлди. Тушимми ё ўнгимми, дея ўйланди ва қўлини чўнтағига сукди. Тангаларнинг совуқ сиртини

хис этди. Демак, туш эмас бу. Йўл бўйи улар гаплашмай кетдилар. А аввал унинг қўлидан оҳиста тутиб бораётган бўлса, бора-бора Н нинг пинжига тамомила суқилиб кирди.

Н безовталаниб, атрофга олазарак боқди. Уларни кўриб қолишлари мумкин эди. А уни хиёбон томон бошлаганида эркак пича хотиржам тортди. Улар ёт кўзлардан панада паноҳ топишганди. Хиёбоннинг ўртасига етганда А тўхтади. Янги сотиб олган дастрўмол билан Н нинг терланган юzlари, лаблари атрофини артди. Эркакка ҳавас ва эҳтирос билан термилиб қолди ва оғир хўрсинди.

– Мени қучоғингизга олинг, – дея энтикиб пицирлади.

Н анча тараддуланиб тургач, уни оғушига тортди. А эркакка худди чирмовуқдек маҳкам чирмашиб олганди. Бир зум шу ҳолатда туришгач. А эркакнинг кенг яғринларига юзини босди. Қалин, титроқ лаблари Н нинг очиқ ёқасидан ичкари сирғалди. Н вужудида анчадан бери туймаган хуррамликни, сўз билан ифодалаш мушкул бўлган лаззатни хис этди.

– Илтимос, мени ўпинг, – зорланди аёл. Н аввал қизнинг кўзи устидаги митти холидан, кейин, ҳарир дудоқларидан ўпди. Аёл худди шуни кутиб тургандек, бу бўсаларга аввал сокинлик, кейин эса эҳтирос ила жавоб қайтарди.

Аёл титрар, түлғанар, жонни ўртагувчи овозда инграрди. Яқин атрофдан ўтиб-қайтаётганлар унинг муҳтарис овозини bemalol эшишилари мумкин эди. А эркакнинг кўйлакларини йиртиб, унинг баданини тилка-пора қилгудек жазавага тушганди...

...Кейин у бирдан жимиб қолди. Н уни оҳиста ерга ётқизди. Кейин ўзи ҳам боши устига чўкди. А нинг лаблари хиёл очиқ қолган, юзлари эса, табассумга мойил эди. Н бирданига унинг бадани совиб бораётганини, қўл-оёқлари ҳаракатсиз қотганини пайқади. Нафас ҳам олмас, юраги уришдан тўхтаган эди.

Н шарманда бўлишдан қўрқди. Кўз олди қоронғилашиб, қулоғи шанғиллади. Кейин эсини тўплаб, аёлнинг кийимларини эпақага солди. Этагини қуи тортиб, сумкаси ни боши устига қўйди ва жуфтакни ростлади.

Н гуноҳ ичида эди. Нима қилишни билмасди. Метрога тушди. Бояги манзараларни кўз олдидан қувмоқقا уринди. Ҳаммаси тушга ўхшаб қўринди. У орқага қайтиб, ҳаммаси рўё эканига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди. Қўрқди. Хаёлчанлиги боис, тушиши керак бўлган бекатдан ўтиб кетди. Метро поезди яна қоронғилик бағрига суқилди. У ана шу қоронғиликдан ташқари чиқмасликни истарди. Гуноҳга иқрор бўлиш шар-

мандалик, жим туриш эса, жаҳаннам азобига тенг эди...

...Терговчи идорага қайтганида, криминалист ҳамкасби унга пешвоз чиқди. Қўлидаги қоғозни унга узатди:

– Бош қотиришнинг ҳожати қолмади. Мархуманинг юраги касал экан. Шунинг учун бир йил аввал эридан ажрашган.

Терговчи қоғозга тикилди. Тиббий хulosада айтилишича, эри билан қовушиш пайтида икки марта инфарктни бошидан кечиргани учун дўхтирлар унга яқинлик қилишни қатъий тақиқлаб қўйишган. Суднинг ажримида эса, эрнинг аёлига нисбатан совуққонлиги ҳамда аёлнинг бундан норизолиги сабаб қилиб кўрсатилган.

Терговчи ишни ёпишга қарор қилган бўлса-да, негадир фикридан қайтди. Метронинг ўтиш йўлагидан бир даста гул олди. У одатда онасининг қабрига ҳамиша ана шундай гулдаста олиб борарди. Аммо, онасининг қабри ҳозир ундан жуда олисда. Терговчи А нинг жасади топилган жойга етиб келди. Ҳодиса жойига етганида кўзларига ишонмади. Боя йўлда учратган номаълум кишини кўрди. У кўзларини бир нуқтага тикиб, жим турарди. Оёқ товушидан сесканиб ортига ўгирилди. Терговчи гулларни унинг оёқлари остига ташлади.

– Менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ,  
– деди Н заиф ва маҳзун овозда. –

Аммо, бари бир ўзимни гуноҳкор деб биламан.

У қаршисидаги бегона йигитга бошидан ўтганларни гапириб берди. Назарида рўпарасидаги инсон унинг минг йиллик қадрдони, яқин сирдоши эди.

Терговчи уни тик турганча қулоқ қоқмай тинглади. Кейин эса, индамай орқасига бурилиб кетди. Унинг назарида худди А нинг сўнгги нафаси узилган жойда кимdir бетин чинқиради.

*БЕН ПАСТОР  
(АҚШ)*

## ҚАЛЛОБНИНГ ҚИСМАТИ

### 1

Англияга охирги сафарим давомида об-ҳавонинг ноқулайлиги байрамона кайфиятимга путур етказгани учунми, ҳарқалай тезроқ ўз уйимга, Прагага қайтишга ошиқаётган эдим, кутилмаганда эски танишим мени уйига чақириб қолди. Биз у билан Венада бирга ўқигандик, у ўша пайтлардаёқ антик давр тарихининг умидли билимдонларидан бири сифатида тилга тушганди. Ундан бери озмунча вақт ўтдими? Бугунги кунда Найджел Септванс Миср тарихини ўрганиш бўйича етук мутахассис, фиръавнлар ва эҳромлар юрти ҳақидаги ўнлаб китоблар муаллифига айланди.

Унинг Кентдаги макони Канопа Холл деб аталарди. Сэр Найджел Септванснинг уйи қирқ нечтадир хонадан иборат, уларнинг кўпчилиги албатта Миср билан алоқадор эди. Ундаги яшил хонани эса, ҳақиқий маънода энг мисрбоп хона дейиш мумкин эди. Септванс менга мумиёланган жасадлар жойлаштирилган ажойиб коллекциясини ғуур билан кўрсатарди.

Ўша куни кечқурун олов чар- силлаб турган камин олдида кечки овқатдан сўнг анча пайт гурунгла- шиб ўтиридик. Уй соҳиби хушбўй трубкасини лабига қистирганча, сирли оҳангда сўраб қолди.

– Сизга жавоби йўқ бир жумбоқни гапириб берайми?

Мен қизиқиш билан бош ирғадим. Найджел эса ҳикоясини бошлади:

– Ўн йил илгари Қоҳирадаги Бри- тания мактабининг бошлиғи этиб тайинланганимда, ўзимни Миср ту- проғидаги энг баҳтиёр инглиз деб ҳисоблагандим. Менинг севимли аё- лим у пайтларда ҳаёт эди, садоқатли шогирдим Роджер Болтон эса, мак- табда менинг муовиним эди. Менинг қадимги Миср иероглифлари бўйича чуқур билимга эгалигим, шогирдим- ник нинг қадимий дафн этиш таомили ва мумиёлаш усуллари ҳақидаги қў- никмалари бизнинг бир-бирига мос ҳамкорлар эканимизни кўрсатарди.

Бизнинг олдимиизда яқинда то- пилган мумиёлар (улар олдида Миср фиръавнларининг оиласига тегиши- лилари ҳам бор эди) каталогини ту- зишдек муҳим вазифа турарди.

## 2

Уларнинг ишини Абдин даҳасида яшовчи қадимий топилмалар дўко- ни соҳиби Юсуф Ота-Журайжийнинг тасодифан йўқолиб қолиши тўхта- тиб қўйди.

Септванс ва унинг шогирди жуда катта пул эвазига Ота-Журайжийдан ўнлаб нодир экспонатларни сотиб олишган, улар ичидан учта тобут жуда катта қимматга эга эди. Улардаги бузилмаган муҳрлар қадимий хукмдорларнинг жасад қолдиқлари бус-бутун ва дахлсиз сақланаётганини кўрсатарди.

Бу каттакон ва оғир буюмларни дўкондан олиб чиқишининг ўзи бўлмасди. Сэр Найджел бу экспонатларни сотиб олган куни уларни олиб кетолмаслигига ишонч ҳосил қилгач, эртаси куни олиб кетиш шарти билан уларни дўконда қолдириб кетганди. Кечқурун Ота-Журайжий қандайдир иш билан Қоҳирадан чиқиб кетган, ўша оқшом дўконга ўғри тушган. Улар қимматбаҳо буюмларни қидириб, барча тобутларни очиб ташлашган. Улар тобут ичидаги мумиёларнинг бир қисмини опкетишган, – оддий мисрликлар мумиёлашда ишлатилган мум ва ва маҳсус ёғни фақатгина айрим касалликларга даво сифатида ишлатишади холос, – қолган жасад қолдиқларини эса, майдалаб кетишган.

Ўғирликдан хабар топган инглизлар қаттиқ ташвишга тушишди. Айниқса, Болтон аламдан йиғлаб юборишига оз қолди. У, ҳатто, бир муддат ёввойи безгакка чалиниб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб ҳам олди.

Сэр Найджел эса, бу ўғирлик бир нарсани икки марта сотишни ният қилган Юсуф Ота-Журайжий томонидан уюштирилган, деган тахминда эди. Савдогар шаҳарга қайтиши билан тўғри унинг ёқасидан олиб, фирибгарликда айблади. Унинг довдираб қолгани, ўзини оқлаш учун тузукроқ баҳона тополмаётгани Септванснинг шубҳаларини янада қучайтирди. Сал бўлмаса, шу ернинг ўзида қарияни бўғиб ўлдираёзди. Бу нохуш учрашув кечки пайтда бўлиб ўтганди. Эртаси куни қадимий буюмлар савдогари сирли равишда ғойиб бўлди. Бу ҳодисадан кейин сэр Найджел Ота-Журайжий уни чув тушириб кетганига тамомила ишониб қолди.

### 3

Орадан бир неча кун ўтиб, мактабда савдогарнинг хотини пайдо бўлиб қолди ва у Септвансни эрини ўлдирганликда айблади. У дўкон ичидаги тошли йўлақда қизил доғларни кўрган ва уни қон деб ўйлаган. Сэр Найджел ҳам, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бу доғлар қон изи эмас, оддий, симоб рудасидан тайёрланган маҳсус қизил бўёқ эканини аниқлашди. Кейинчалик дўкондан бир мунча тарихий ашёлар, артефактлар ва анчагина пул йўқолгани маълум бўлди.

– Ярамас, бизни доғда қолдиргани етмаганидек, оиласининг тирикчи-

лиги учун ҳам ҳеч вақо қолдирмабди, – ҳикоясини тугатаркан, ўзича минғирлади сэр Найджел. – Бироқ, Қоҳира катта, айни пайтда жуда кичкина шаҳар ҳамдир. Одамлар миш-мишга жуда ўч. Агар Ота-Журайжийни ўлдиришганда, бу ҳақда эртами-кечми албатта гап-сўз тарқалар, полиция ҳам айборни алақачон қўлга олган бўларди. Мана, йиллар ўтган бўлса ҳамки, бу фириб гарнинг дараги чиқмади. У ҳозир қаердадир, Занзибардами, Тимбуктудами, яло қилиб юрган бўлса керак.

Мен ўзимча ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келдим, бу лаънати қоҳирилик фирмъавнлар арвоҳини чирқиришиб, уларнинг қаҳрига йўлиққан бўлса керак. Биз Болтон билан қўлимииздан келганича ноёб топилмаларни асраб қолишга тиришдик. Мен уларнинг катта қисмини Лондонга олиб келдим. Бироқ Мисрга қайтиб бормадим. Орадан ўн кун ўтиб шогирдим менинг энг нодир марваридим бўлган Малика Небкхаас мумиёсини олиб келди.

#### 4

Эрталаб нонуштадан сўнг мен Септвансга хотиржамлик билан жумбоқнинг жавобини топганимни айтдим. Ҳайратдан унинг тили калимага келмай қолди.

– Мен жумбоқнинг жавобини тушимда кўрдим, – дедим мен. – Ав-

валига узок өңдеңдеги вақт ухлолмай ётдим. Кейин эса, тушимга фиръавнлар ва Нил түлқинлари кирибди. Мен ҳаммасини тушунтириб беришга тайёрман, аммо сизнинг Яшил хонангизда битта тажриба ўтказмоқчиман.

Бир неча дақиқа ўтиб, биз қадимий тобут олдида турардик. Мен боғбондан сўраб чиқсан белкурак билан тобутнинг оғзидағи муҳр ва безакларини юлқиб ташлаганимда, танишимнинг юзидағи ҳайрат мислсиз қўрқув билан алмашди. Мен қопқоқни очишим билан, қаршимизда малика Небхааснинг қуриб, бужмайиб қолган мумиёси намоён бўлди.

Септванснинг юзидағи даҳшатни бошқача тушуниш ҳам мумкин эди. Мен тобутнинг муҳрини осонгина бузиб, унинг бир четини ушатиб олганимдан унинг гипсдан ясалганини тушунди ва албатта қаттиқ жаҳли чиқди.

– Лаънати қоҳиралик мени икки карра алдаган экан, – деди юракдан хўрсиниб. – Бу шаънимга яна бир доғ бўлиб тушади энди.

– Сиз ўз шаънингизни ўйламасангиз ҳам бўлади, – дея уни тинчлантиридим. – Бу фирибгарнинг найранги эмас. Мен бу ердаги бошқа тобутлар ичидағи мумиёлар бир пайтлар Миср тупроғида даврон сурған фиръавну маликалар бўлганига шубҳа қилмайман. Аммо, мана бу тобут ҳақида бундай деёлмайман.

Шундай дея мен чўнтағимдан ғилоғга жойланган скальпелни чиқардим. Ўн дақиқа ичида мен жасаднинг жинси ҳақидаги тасаввур ноўрин эканини исботлаш мақсадида мумиёни керакли жойигача тилиб кўрсатдим. Сэр Найджел шу даражада тутақкан эдики, менга мушт туширишга тайёр турарди.

– Буниси ҳаммасидан ошиб тушди, – дея пишқирди у. – Тобутда эркак киши ётибдими, аёлми, нима ишингиз бор? Ахир жуда қимматли тарихий ашёни барбод қилдингиз-ку!

– Йўқ, мен сиз Қоҳирада яшаган сўнгги кунларда ўта маккорона содир этилган қотилликни фош этдим, холос.

## 6

– Бу тахмин менинг миямга сиз шогирдингизнинг ўғирлик ҳақидағи янгиликдан сўнг йиғлаб юборишига оз қолганини айтганингиздан сўнг келди. У Лондонга сиздан ўн кун кейин етиб келганини эшитгач, шубҳам янада ортди. Сизга Миср ҳукумати томонидан олиб чиқиб кетишга рухсат берилган юкларни чегарадан олиб чиқишига шунча кўп вақт сарфлангани ғалати туюлмадими?

– Балки, туюлгандир, – мужмал елка қисди сэр Найджел. – Аммо, у пайтларда мен бошқа муҳимроқ ташвишлар билан банд эдим

– Қандай мұхим ташвишлар эканни билсам керак, – ғамгин уф тортдим мен. – Сиз аёлингиздан ажралиб қолгансиз, аммо у ўлмаган, балки бошқа әркак билан қочиб кетген, шунақами?

– Сиз буни қандай... – Септванс бу гал уятдан шолғомдек қизариб кетди.

Мен тасалли бергандек унинг елкасига қўлимни қўйдим:

– Бу хонада унинг бирорта ҳам суврати, уни эсга соладиган бирор нарсани кўрмадим. Ахир сиз отонангизнинг суратларини жуда эҳтиёткорлик билан асрар экансиз-ку! Сиз Мисрга боришдан қатъий воз кечишингиз ортида бошқа гап борга ўхшайди. Шогирдингиз дўстликка ва қасбига хиёнат қилиб, аёлингизни йўлдан урган, бунинг устига оғир жиноят содир этганга ҳам ўхшайди.

– Қотиллик? – Септванс сесканиб кетди. – Айтмоқчисизки, у аёлимни тортиб олиб, кейин ўлдирган, шунақами? Унақада эртагаёқ Қоҳирага учаман-да, анави ярамасни ўз қўлларим билан бўғиб ўлдираман.

– Бунинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман, – қўл силтадим мен. – Фикримча сизнинг аёлингиз соғ-саломат. Сизнинг садоқатсиз шогирдингиз ўша сиз айтган лаънати савдогарни ўлдирган. Болтон ўзига оламшумул шон-шуҳрат келтириш мумкин бўлган топилмалар йўқолганини бил-

гач, ғазабдан ўзини тополмай қолади. Шубҳа йўқки, сиздан холи тарзда у Ота-Журайжийнинг олдига борган ва уни ўлдирган. Чет элликлар учун Қоҳирада ўликтан қутулиш осонмас. Болтон қадимги мисрликларнинг мумиёлаш санъатидан пухта хабардор эди. Полдаги қизил доғлар ҳам унинг кирдикорларидан қолган қонли излар эди. Ўзингиз мендан яхшироқ биласизки, қадимги Миср услуга кўра, жасадни мумиёлаш учун етмиш кун етади. Ота-Журайжийнинг жасадини маликанинг мумиёсига айлантиргач, бамайлихотир уни тобутга жойлаб, Англияга юборади. Агар сиз манави жасадга диққат билан қарасангиз менинг сўзларим ҳақлигига амин бўласиз. Қасос олиш учун эмас, адолат нуқтаи назаридан Қоҳира ҳукуматига бу маҳфий жиноят ҳақида хабар берсангиз яхши бўларди. Марҳум ҳақиқий қаллоб ва товламачи бўлган тақдирда ҳам жиноят жавобсиз қолмаслиги керак.

## МУНДАРИЖА

Эдгар Аллан По ( <i>АҚШ</i> )	
Юрак .....	3
Артур Конан Дойл	
( <i>Буюк Британия</i> ) .....	13
Кумуш .....	13
Нуроний мижоз .....	55
Гильберт Кит Честертон	
( <i>Буюк Британия</i> )	
Энг мудҳиши жиноят .....	100
Агата Кристи	
( <i>Буюк Британия</i> )	
Булбул ошёни .....	126
Шоҳида .....	162
Карел Чапек ( <i>Чехия</i> )	
Шоир .....	190
Мовий хризантема.....	200
Мустафо Маҳмуд ( <i>Миср</i> )	
Ўргимчак .....	211
Бесо Хведелидзе ( <i>Грузия</i> )	
Қарғиши .....	277
Элчин Ҳусайнбейли	
( <i>Озарбайжон</i> )	
Гуноҳнинг гул юзи .....	290
Бен Пастор ( <i>АҚШ</i> )	
Қаллобнинг қисмати.....	301

*Адабий-бадиий нашр*

## ЭНГ САРА ДЕТЕКТИВ ҲИКОЯЛАР

Мұхаррір  
Маъмурә ҚУТЛИЕВА

Бадиий мұхаррір  
Үйғун СОЛИХОВ

Мусаҳҳих  
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи  
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мұхаррір  
Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: АI № 252,  
2014 йил 02.10 да берилган.  
Босишга 2016 йил 09.01да  
рухсат этилди.

Бичими 60x84 1\24.  
Босма табоғи 13,0  
Шартли босма табоғи 12,13  
Гарнитура «Cambria». Офсет қоғоз.  
Адади 5000 нусха. Буюртма № 9.  
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8,  
Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**  
Нашр бўлими – 129-09-69; 129-09-71.  
Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87  
Факс – 273-00-14.  
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru